

ПРЕДСМЕЩЕНІГА МАРТУВІЯР

MARTUVІЯР ІПЕЗІІЕХІЛЛ





66.3(57)6

Г-86

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



ТОШКЕНТ «МАЊАВИЯТ» 2009

БИБЛИОТЕКА
б/н 25004



«Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилди бўлган ушбу тўпламдан 2005–2009 йиллар давомида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов номига келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айrim намуналар ўрин олган.

Китоб Ўзбекистон Президентининг юксак масъулиятли фаолияти, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига, юртдошларимизнинг кундалик ҳёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан фуқароларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб бораётган доимий мулоқотлари ҳақида китобхонларнинг тасаввурини янада кенгайтиришга хизмат қиласи.

66.3(5Ў)6
П86

Президентга мактублар / тўпловчи З. Мирзакулов; муҳаррир М. Қаршибоев; нашр учун масъул Х. Султонов. – Тошкент: «Маънавият», 2009. – 192 б.

ББК 66.3(5Ў)6

4702620204-21
M25(04)-09

ISBN 978-9943-04-102-8

© «Маънавият», 2009

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Мамлакатимизда хат ва хабарлар оқими бир зум ҳам тўхтамайдиган шундай бир даргоҳ борки, бу – Ўзбекистон Республикаси Президенти девонидир. Бу манзилга «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга» деган ёзув билан ҳар куни диёримизнинг узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларидан, чет эллардан юзлаб хатлар келади. Албатта, улар маъно-мазмунига кўра бир-биридан фарқ қиласи. Лекин уларнинг барчасини бирлаштириб турадиган ягона ва муштарак бир хусусият борки, у ҳам бўлса, Юртбошимизнинг серқирра фаолиятига, халқ манфаати, Ўзбекистон манфаатини қузлаб олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатга бўлган юксак ишонч тўйғуси, озод Ватанимизни ривожланган давлатлар қаторида кўриш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар этиб тарбиялаш орзусидир.

Давлатимиз раҳбари фуқароларимиздан келадиган ана шундай мактублар ўзининг масъулиятли фаолияти учун катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: «Бу хатлар мени ҳёт билан, жамоатчилик вакиллари, халқ билан боғлаб турадиган муҳим восита вазифасини бажаради. Бундай мактублар-



ни үқиганда мен гёеки оддий юртдошларимиз билан мuloқot қилиб, сұхбат қурғандек бұламан. Шу боис ҳар қайси хатта жиддий әзтибор бериш, уларни жавобсиз қолдирмасликни үзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан», — деган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Президент девонига келадиган ҳар бир хат рүйхатта олиниб, уларда баён этилган фикрлар, таклиф ва муаммолар ҳар томоннама чу-кур үрганилиб, уларга белгиланған тартибда муносабат билдирилади, зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Бир сұз билан айтганда, ҳеч бир хат жавобсиз ва назоратсиз қолмайди.

Күпгина мактубларда ватандошларимиз Президенттімизнің серкірра фаолиятини құллаб-қувватлаб, мамлакатимиз тараққиеті билан боғлиқ турли масалалар буйича үз фикр-мuloқазаларини, таклиф ва тавсияларини билдиришади. Яна бир гурух хатларда эса жойларда ҳал бұлмасдан келаётгандай айрим муаммолар, мавжуд камчилик ва етишмөвчиліклар, уларга барҳам бериш ҳақида ёрдам сұраб мурожаат қилинади. Бу ҳам бежиз әмас, албатта. Чunksи одамлар үzlари ишонч билдириб сайлаган, жамияттамыздаги барча үзгариш ва янгила-нишларнинг ташаббускори бұлған Юртбошимиз билан ана шундай үткір муаммоларни очық мұхокама қилиш, үzlарини безовта этаётгандай, қийнаётгандай масалалар юзасидан әркін фикр алмашиш, зарурат туғилғанда, ёрдам ва күмак сұрашға үzlарини ҳақында деб билади.



Шу билан биргә, шундай хатлар ҳам борки, уларда оддий инсонларнинг қалбидан чиққан холис дил изҳорлари битилған бұлади. Бундай хатларнинг муалифлари одатда давлаттамыз раҳбари билан маңнавий мuloқot қилишни, әртап кеч әлу юрт ташвиши билан яшайдиган инсон билан ҳаёт ҳақида, үз оиласи, маҳалласи, меңнат жамоасида, бутун юртимизда бұлаётгандай үзгаришлар түгрисида мактуб орқали сұхбатлашишни үzlари учун әнг кatta баҳт деб билади.

«Мана шундай мактублар менинг зімнамға юллатылған масъулиятли вазифаны адо этишда қандайдыр күч-ғайрат беради. Жойлардан билдирилған самимий фикрлар, юртдошларимизнің юрагини очиб ёзған хатларини үқиб, үзим учун яқын ва қадрдан одамлар билан сирдош булиб, юзма-юз сұзлашғандек бұламан, — дейди Президент. — Бундай ёзишмаларнинг ҳар қандай инсон учун, биринчи навбатда раҳбар учун аҳамияти катта. Нега-ки, одамзот үз сирини тасодиған дүч келған кишига очавермайди, қандай оғир вазиятта тушмасин, дарду ғамини ҳаммага ҳам баён құлмайди. Фақат үзи хурмат қылған, ишонған инсонғагина дил сирларини очиши мүмкін. Ва бундай ишончнинг албатта қадрига етиш керак».

Хатларнинг каттагина қисми хорижий давлаттар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, чет әл фуқаролари томонидан ёзилған булиб, уларда асосан тинчлик ва хавғасызликни сақлаш, мамлакатимиз




билин ҳамкорликнинг турли қирралари, ҳалқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қушган улкан ҳиссаси, Марказий Осиё минтақасидаги долзарб масалалар ечими бўйича Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилаётган амалий таклиф ва хulosаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ҳурматли китобхон!

Ёдингизда бўлса, 2006 йили «Президентга мактублар» китобининг биринчи жилди нашр этилиб, унга 1991–2005 йиллар мобайнида мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари томонидан Президент Ислом Каримов номига йўлланган минглаб мактуб ва номалар ҳамда уларга Юртбошимиз йўллаган жавоблар орасидан танлаб олинган энг эътиборли намуналар киритилган эди.

Сўнгги йилларда диёrimизда ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни янги босқичга кўтарилиб, ҳалқимиз барча соҳа ва тармоқларда янги-янги юксак мэрраларни қўлга киритмоқда. Табиийки, ана шу ютуқларнинг барчаси юртдошларимизнинг фикру зикри, интилиш ва кайфиятининг қўзгуси бўлган, Президент номига йўлланган хатларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Бу эса ўз навбатида «Президентга мактублар» китобининг иккинчи жилдини нашрга тайёрлаш ва китобхонларга тақдим этишни тақозо этмоқда.

Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда, ушбу жилдга 2005–2009 йиллар давомида Юртбошимиз



номига келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар киритилди. Ўйлаймизки, бу тўплам Ўзбекистон раҳбарининг юксак масъулиятли фаолияти, юртимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида фуқароларимиз, ҳалқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақидаги китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қиласи.



МАЬНАВИЯТ ЗИЁСИ

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатимиз Президенти фаолиятида бугунги ҳаётимизнинг бошқа соҳалари қатори маънавият масаласига эътибор алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг бу соҳанинг долзарб мавзуларига бағишланган чиқишлари, китоб ва рисолалари юзасидан турли ёш ва қасбкорга мансуб юртдошлиларимиз ўз мактубларида алоҳида тўхталиб шахсий фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

Айни пайтда мамлакатимизда маънавий соҳа ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган адабиёт ва маданият намояндаларининг таваллуд саналари, уларнинг ижодий ютуқлари ҳам Юртбошимиз эътиборидан четда қолмайди. Шу муносабат билан ҳалқимиз маънавий ҳаётида, миллий тафаккуримиз ривожида муҳим ўрин тутадиган хат ва ёзишмалар вужудга келади.

Ўз навбатида ана шу мавзуга яқин яна бир йўналиш борки, у – ёшлар тарбияси. Юртдошлиларимиз ўз мактубларида маънавият мавзусини кўпинча бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг асосий шарти ва гарови бўлган ёшлар тарбияси билан биргаликда қайд этиб, фикр юритадилар. Бу табиий, албатта. Чунки биз

орзу қилаётган ҳар томониlama соғлом ва баркамол авлодни юксак маънавиятсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам китобнинг ушбу биринчи фаслига ана шу мавзуларга бевосита даҳлдор, ўзаро ўйғун ва ҳамоҳанг бўлган хатлар киритилди.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг оила аъзолари Сизга чукур эҳтиром билан ушбу мактубни йўллашни ўзларининг қиёматли қарзлари деб биладилар. Шоира ўз ҳаётининг сўнгги йилларида Сизни кўп эслар ва «Бу шахс ўзбек халқининг бошига қўнган баҳт қуши бўлди», дер эдилар.

Шоира Зулфия номига Сиз йўллаган мактуб ўша кезларда кекса ижодкорнинг умрига умр қўшгани, унга янги ҳаётий илҳом баҳш этганига биз гувоҳмиз. Кейинроқ Зулфия номини абадийлаштириш учун мактаб ва кўчаларга унинг номи берилиши, 1999 йилда маҳсус Фармон билан Зулфия номидаги мукофотнинг таъсис этилиши ҳам Сизнинг бу ижодкорга бўлган юксак ҳурматингиз намунаси эканини ҳис этиб турдик.

2008 йилнинг ilk баҳор куни эса бошимиз осмонга етди: Тошкенти азимнинг энг сўлим гушасида Зулфия ҳайкали ўрнатилди. Бу ҳайкални яратиш ташаббуси, унинг тимсолида қандай образ акс этиши, бу бадиий обида қандай кўриниш ва қиёфада бўлиши тўғрисидаги маслаҳатлар бевосита Сиз



томонингиздан билдирилгани ва бир неча бор жиддий назарингиздан ўтказилгани учун ҳам у ғоят гўзал ва маҳобатли кўриниш касб этгани рост.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, дарҳақиқат, ҳаёт куйчиси Зулфия айтганидек, ўзбек халқининг бошига қўнган баҳт қуши мисоли узоқ умр кўринг. Икки ижодкор – Ҳамид Олимжон ва Зулфия Исроилова фарзандлари эса бир умр Сиздан миннатдорлик ва қарздорлик ҳисси билан яшашдан баҳтиёрмиз.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

Хулкар ва Омон Олимжоновлар

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 4 март*

(«Ҳалқ сўзи» газетаси, 2008 йил 5 март)



**Ўзбекистон халқ ёзувчisi
Пиримқул Қодировга**

Муҳтарам Пиримқул Қодирович!

Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги кутлуг сана – муборак 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизнинг бугунги таваллуд айёмингиз барча китобхонлар, бутун адабиёт аҳдининг катта байрамидир. Эл-юртимиз Сизни атоқли адиб, етук адабиётшунос олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида яхши билади ва қадрлайди. Сизнинг қаламингизга мансуб бадиий баркамол ва чукур ҳаётйлик руҳи билан сугорилган қатор қисса ва романлар халқимизнинг маънавий юксалишида муҳим ўрин тутиб, катта тарбиявий аҳамият касб этиб келмоқда. Юксак инсоний фазилатларни тараннум этувчи бу асарлар жаҳоннинг куплаб тилларига таржима қилингани билан ҳам зътиборлидир.

Айниқса, собиқ шуро мафкураси тазииклари ва қаршиликларига қарамай, Сиз халқимиз тарихининг ёрқин саҳифаларидан бўлмиш буюк темурйлар даврини, дилбар шоир ва давлат арбоби Заҳирiddин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларининг мураккаб, машаққатли ҳаёт йўлини ҳаққоний акс



эттирган «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» сингари гўзал асарлар яратдингиз ва улар адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олиб, халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Истиқлол руҳи Сизнинг ижодингизга янги кучқувват ва илҳом бергани сўнгги йилларда ёзилган асарларингизда яққол намоён бўлиб турибди. Хусусан, шу улуғ ва табаррук ёшда ҳам ҳормай-толмай ижод қилиб, «Тил ва эл», «Амир Темур сиймоси» сингари пухта изланиш ва тадқиқотларга бой китоблар яратганингиз ёш адиблар учун ибрат на-мунаси бўлиб хизмат қиласди. Таваллуд кунингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этар эканман, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ижод ва илҳом завқи, хонадонингизга файзу барака доимо ёр булишини тилайман.

Эҳтиром билан,

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 октябрь*

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 25 октябрь)



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуганиевич Каримовга**

Ассалому алайкум, муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизнинг буюк саховат ва ғамхўрлик билан менга йўлланган мактубингиз саксон йиллик умримнинг энг масъуд дамларида етиб келгани учун тақдирга шукrona айтаман. Алоҳида инсон тақдирни тарих яратувчи улкан сиймолар фаолияти билан нақадар боғлиқ эканини Сиз Ўзбекистонимизнинг Бош раҳбари булиб майдонга чиққанингиздан бўён дилдилдан ҳис қилиб келаман.

Мустабид тузум даврида бизни иккинчи даражали инсонлар деб камситишларга қарши Абдулла Қодирий ва Чўлпон қаламни қурол қилиб, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно, Зеби каби ажойиб қаҳрамонларни яратдилар. Аслида бундай жозибали инсонлар ҳар бир халқда бор.

Мен ҳам, шуни ҳисобга олиб, халқимиз орасидан етишиб чиққан маънавий етук ва гўзал шахсларни қисса ва романларнинг бош қаҳрамонлари қилиб тасвирлашга интилдим. Бу китобларда миллий туйғуни ўйғотадиган муаммолар кўтарилигани мустабид тузум мафкурачиларига ёқмас эди. Бунинг устига, Бобур Мирзо ва Акбаршоҳ каби дил-



бар шахслар қиёфасида тасвирланган романлар ёзилди. Бу романлардан бири олти йилгача йўли тусилиб босилмай ётди. Иккинчиси яна уч йил тақиқ остида тұхтатиб қўйилди, босмахонада нашрга тайёрлаб қўйилган бу асарларнинг ҳарфлари икки марта сочиб ташланди.

Қадрли Ислом Абдуганиевич, Сиз Йўлбошлиси бўлган истиқлоннинг ғалабаси мени бу оғир аҳволдан қутқарди. Салкам ўн йил тақиқ остида қолган ушбу романлар мустақиллик йилларида уч мартадан қайта нашр этилди. Шунинг ўзи бугун нишонланаётган саксон йиллик умрнинг энг сарали, кутлуғ йиллари истиқтол даврига тўғри келганини яққол кўрсатади.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сиз, қанчалик банд бўлишингизга қарамай, менинг камтарона роман ва қиссаларимни ўқиб чиққанингиз, уларга заршунослик нигоҳ билан қараб, теран маъноли фикрлар билдирганингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли янги китобингиз маънавий ҳаётимизда унтуилмас воқеа булиб, бу асарда миллий маданияти-мизнинг бой тарихи, бугунги ривожи ва порлоқ истиқболи ёрқин тафаккур ёрдамида жуда теран таҳлил этилгандир. Адабиётимиз шу буюк маънавият хазинасининг марказий қисмидан ўрин олганини Сиз улуг адабимиз Чўлпоннинг «Адабиёт



яшаса, миллат яшайди» деган сўзлари мисолида яққол курсатиб бергансиз. Мен эллик йилдан буён бу доно сўзларни дилимда тақрорлаб баҳра оламан. Бугун адабиётимизга Сизнинг шунчалик катта гамхўрлик курсатадиганингиз бизни юксак ижодий камолотга ундайди. Бошқа адиблар қатори мен ҳам бутун умримни, бор куч ва қобилиятимни миллий маънавиятимиз ва унинг узвий қисми бўлган адабиётимизни юксалтиришга сарф этаман.

Сизга теран эҳтиром билан,

**Пиримқул Қодиров,
Ўзбекистон халқ ёзувчisi**

*Тошкент шаҳри,
2008 йил 27 октябрь*

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 30 октябрь)



**Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири
Эркин Воҳидовга**

Муҳтарам Эркин Воҳидович!

Авваламбор, Сизни ҳаётингиздаги қутлуғ сана – муборак 70 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.


Эл-юртимиз Сизни бир умр эзгулик ва гўзалликни, халқимизнинг озодлигини, унинг олижаноб фазилатларини юксак маҳорат билан тараннум этган ҳассос шоир ва таниқли жамоат арбоби сифатида билади ва эъзозлайди. Сизнинг нафис ва дилбар газалларингиз, ёрқин тафаккур руҳи билан йўғрилган шеър ва достонларингиз, драматик асарларингиз, жаҳон адабиётининг мумтоз намуналаридан қилинган таржималарингиз китобхонлар қалбидан чукур жой эгаллаб, халқимизнинг маънавий мулкига айланниб қолгани билан айниқса эътиборлидир.

Сиз бундан буён ҳам ўз фаолиятингиз билан адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшасиз, деб ишонаман.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, доимо ижодий қувончлар ёр бўлишини тилайман.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Тошкент шаҳри,
2006 йил 26 декабрь*





Мұхтарам Ислом Абдуганиевич!

Камтарин хизматларимни бу қадар юқори ба-
холаб йүллаган табрик мактубингиздан бошим
күкка етди. Халқымыз баҳтига, маңнавият ва маъ-
рифат камоли учун меҳнат қилаётган ижодкорлар
баҳтига умрингиз боқий бўлсин, яна кўп йиллар
Йўлбошчиликнинг шарафли ва залворли юкини
кўтаришдан толманг.

Сиз ижод қадрини яхши биладиган чин зар-
шунос сифатида, буюк ва олижаноб қалб эгаси
сифатида ижодкорларни ҳамиша ардоқлайсиз. Ҳеч
бир юрт, ҳеч бир халқда адабиёт бу қадар ҳурмат,
эъзоз топмаган, юксак қадрланмаган ва тақдир-
ланмаган.

Бугун мен шукроналик ёшига етиб, ким эдим-у,
ким бўлдим, дея ўзимга ўзим савол бераман. Хал-
қимни улуғлаб, топталган она тилимни ёқлаб ёзган
шеърларим учун дашномлар эшитганим, сўроқларга
тутилганим ёдимдан чиқармиди?..

Бугун мен мамлакатимиз Президенти юксак
ишонч билдирган сенаторман, «Ўзбекистон Қаҳ-
рамони» деган шарафли унвон эгаси, ўз халқим,
ўз қадриятларим қад ростлаган кунларга етиб кел-
ган баҳти инсонман. Мана шундай ёруғ кунлар-



нинг бош сабабчиси ким, дея яна ўзимга савол
бераман ва бу саволлар шеърий сатрлар булиб
қоғозга тушади. Бу сатрлар самимий кўнгил из-
ҳори, халқ дилидаги туйғулар ифодасидир.

Сизга юксак эҳтиром ва чексиз миннатдорлик
билан,

Эркин Воҳидов



ЮРТИМ ҲУРРИЯТИ БЎЛСИН БАРДАВОМ...

Нақадар буюkdir инсон бардоши,
Чексиз азобларга қилолгай тоқат.
Лекин эгилмасин номусдан боши,
Қадри топталмасин эл ичра фақат.

Ёдимда, оламга этиб ҳангома,
Халқим шаъни қора қилинган айём.
«Ўзбек иши» деган қабиҳ айнома,
«Пахта қули» деган шармандали ном.

Элим изтиробда қонлар ютаркан,
«Йўқ» деган исёнкор сўзни ким деди?
Ҳароми тӯдадан юртни қутқарган,
Қаддимиз кутарган раҳбар ким эди?

Ўт қўйиб қочгандек чекингувчи ёв,
Фитна алангасин ёққанда шуро,
Фарғонадан чиққан даҳшатли олов
Хавфига қолганда Ўрта Осиё –

Бир ён Андижонда алқасос учун
Ўш сари отланган чогда оломон,



Биз жар ёқасида турган ўша кун
Балоларга қўксин ким қилди қалқон?

Ким эди қиргинни даф қилолган зот,
Оловга от суриб кирган ким эди?
Жон чекиб бу кунги бизнинг тинч ҳаёт,
Хотири жамликни берган ким эди?

Москва қудратда, Горбачёв – бардам,
«Ювошлар пойтахти» бўлганда Тошкент,
Болтиқбўйиданми, Украинадан,
Қай юртдан чиқди илк миллий Президент?

Ўша анжуманинг ёниқ шукуҳи,
Сурури ёдимдан чиқмайди ҳамон,
У кун Чўлпон ила Қодирий руҳи,
Не ажаб яйраган бўлса шодимон.

Салтанат зарбидан ҳайиқмасдан тик,
Мен Президентман деб турган ким эди?
Жаҳон саҳнасига ўзбекча мардлик,
Шижаот кўрсатиб кирган ким эди?

Нон бер, сув бер, демас қадрин билган эл,
Озодлик бер, дея айттар бегумон.
Нечунким, оч қолмас гайрат қилган эл,
Бир парча нонини топар ҳур инсон.

Хуррият – қутлуғ сүз олам тилида,
Инсонга йүқ ундан зиёда иқбол.
Эркинлик деб ёнган инсон дилида
Ватан деган сұзға әгиз Истиқол.

Сана – тұқсон бирда, август сұнгыда
Мустақиллік әълон қылған ким эди?
Тамаддун олами күзи үнгіда
Ұзбек номин достон қылған ким эди?

Бу тупроқда үтган Кайхисрав, Доро,
Искандар от сурған, олган халифа...
Она юртим, күхна тарихинг аро
Истиқолинг очди олтын сақиға.

Бугун элим озод ҳаёт курмоқда,
Фурурли күксіда ишонч барқарор.
Ватан пештоқида турған Байроқда
Менинг ҳам не орзу-армонашарим бор.

Шу байроқ остига халқни қилиб жам
Еруғ манзилларга әлтаётган ким?
Ұзбекнинг мардана сүзини олам –
Минбаридан баён этаётган ким?

Жаҳон уммонаига чиққан ҳар кема
Дарғаси йүл таңлар эмин, бехатар.
У билар – сув ости қояси нима,
Нимадир деңгизда тұфен, долғалар.

Озод Үзбекистон – улкан кемадир,
Йүл олган саодат соҳили томон.
Кемага тушғаннинг ахир жони бир,
Дарғамиз бор бұлсина, жонимиз – омон.

Хүшёр посбон бұлиб халқига бу күн
Эминлик ғамини чекаётган ким?
Эртанинг яшнаган боллари учун
Эзгулик ниҳолин экәётган ким?

Десамки, ҳар иш соз, олам гулистон,
Албатта шоирнинг сүзи ёлғондир.
Жаҳолат, қабоғат бор, демак осон,
Уларни қуритмоқ – гайри имкондир.

Жоҳил мутаассиб, тамагир номард
Заволига ожиз қулемда қалам.
Президент гоҳ куйиб сұзласа, бу дард –
Менинг ҳам күксимни тиранған алам.

Бепарво бұлма, деб, ёниб яша деб
Бизни курашларга йұллаётган ким?
Аллу жасоратни элга фарз этиб
Зардоб ютғанларни үйлаётган ким?

Ёзсам, саволим күп ҳаддин зиёда,
Жавобин виждонга ҳавола қылдым.
Оллоғым кечирсін, ёруг дунёда
Камроқ шукр қылдым, күп нола қылдым.



Бандамиз, гоҳ хушмиз, гоҳида нохуш,
Ҳасрат, изтиробнинг балки узри бор.
Қафасдаги донга ўргатилган қуш
Озод бўлса гоҳи қоларкан ночор...

Шеърга нуқта қўйдим айни саҳарлаб,
Кутлуг арафада хайрли айём:
Тилагим – Ҳақ ўзи элимни асраб,
Юртим хуррияти бўлсин бардавом.

Эркин Воҳидов

(«Туркистон» газетаси, 2007 йил 5 январь)



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Юртбошимиз Ислом ака!**

Авваламбор, Сизга Оллоҳ таолодан соғлиқ-саломатлик, узоқ умр тилайман.

Яқинда телевизор орқали «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобингизнинг тақдимот маросимини кўрдим. Албатта, бундай китобни фақат бу дунёнинг пасту баландини чуқур биладиган, ўз халқини чин дилдан яхши кўрадиган, ўз юрти учун фидойи бўлган инсонгина ёзиши мумкин.

Мен Сизнинг кўп китобларингизни ўқиб чиқканман. Айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфзисликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарингиздан бир олам таассурот ва хулосалар олганман.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» ана шундай сермазмун китобларингизнинг давоми, деб ўйлайман. Биз юксак маънавият ва гўзал ахлоқни қаердан топамиш? Албатта, излаб-излаб ва яна излаб бетакрор миллий қадриятларимиздан, муқаддас ислом динидан топамиш.

Сиз ўз асарингизда ҳақиқий маъносини очиб берган, халқимизга хос юксак ахлоқ-одоб ва маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Яратган-



нинг ўзи берган бу олий неъматни халқимиз асрлар давомида не-не машаққатлар билан асраб-авайлаб, ривожлантириб келган, буюк аждодларимиз улкан кашфиётлари, юксак фазилатлари орқали уни камолга етказганлар.

Албатта, «қызил империя» даврида миллий қадриятларимиз оёқости қилинди, динимиз топталди. Энди хүшёр булишимиз, бундай фожиаларга ҳеч қачон йўл кўймаслигимиз керак. Халқимизнинг қалбидан, юрагидан ҳеч ким азалий қадрият ва анъ-аналаримизни, гузал ахлоқимизни чиқара олмайди.

Ҳеч шубҳасиз, Сиз бугун буюк аждодларимизнинг шу борадаги эзгу ишларини давом эттириб, барчамизга намуна бўлмоқдасиз.

Сизнинг ушбу китобингизни ҳар бир узбек фуқароси ўқиб чиқиши, керак бўлса, қалбига жо этиши лозим, деб ўйлайман.

Сизга яна бир бор эзгу тилаклар билдириб, ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Сулаймон Нажимов,
Самарқанд вилояти, Пайариқ шаҳри,
Уйғун кӯчаси, 7-йй, 2-хонадон**

2008 йил 18 май



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Сизга хат ёзишимдан мақсад — яқинда чоп этилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобингиз билан табриклаб, миннатдорлик билдиримоқчиман. Мен телевизор орқали ана шу китобга бағишиланган курсатувни кўриб бўлгандан кейин ўқувчиларимни ҳам бу қувончли воқеадан боҳабар қилиш учун дарҳол эртага буладиган синф йигилишини шу масалага бағишилашга қарор қўлдим. Эртаси куни синф йигилишида кун тартибини эълон қилсан, ўқувчиларимнинг кўпчилиги курсатувни кўрганини айтишди, бундан жуда хурсанд бўлдим. Ўқувчиларим ўз фикрлари билан ўртоқлашишди.

Бундан ташқари, бу масала бўйича мактабимиз ўқитувчилари иштирокидаги педагогик кенгаш йиғилишида ҳам фикр алмашдик. Ўзим эса ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгashi учун тайёрлаган маърузам мавзусини «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобига багишладим.

Талабалар, ёш ўқитувчилар қўлида китобингизни кўриб, улардан таассуротларини сўрадим. Улар китоб оддий одамлар ўқиса ҳам тушунадиган, сод-



да ва равон тилда, самимий ёзилганини таъкидлаб, ҳар бири ўз фикрини билдириди. Уларнинг сўзларини тинглаб, устоз сифатида шуни англадимики, бугунги ёшларимиз, ҳақиқатдан ҳам, ўзининг мустақил ва эркин фикрига эга бўлишга, уларга билдирилаётган умид ва ишончни оқёлашга интилмоқда.

Мен 2001 йилдан бўён мактабда «Миллий ғоява маънавият асослари» ҳамда «Ватан туйғуси» фанларидан дарс бериб келаман. Сиёсатга жуда қизиқаман. Ёшларимизнинг сиёсий онги ўсишида мазкур фанларнинг роли жуда катта, деб ўйлайман.

Китобни ўқиб чиқар эканман, у биз – устозмуаллимлар учун тайёр қўлланма эканига амин бўлдим. Бунинг учун Сизга яна бир бор раҳмат айтишига рухсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга узоқ умр, сиҳатсаломатлик, ўзбек халқи баҳтига омон бўлиб юришинингизни тилайман.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Марҳабо Қурбонова,
Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги
300-сонли иқтидорли ва қобилиятли
болалар мактаби ўқитувчиси**

2008 йил 27 июнь



Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобингиз ҳақида эшлиши билан уни топиб ўқидим. Уни мустақил Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, талабалар, коллеж, академик лицей, мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик ўқиб-ўрганиши, бу асаддаги барча ибратли фикрлар тўғрисида ўлаб кўриши лозим, деб ҳисоблайман. Айниқса, бу китобни гуманитар соҳа мутахассислари ўзларига дастуруламал қилиб, ўз ишларини шу асосда ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эга.

Аввало, мана шундай асарларингиз билан миллий ғоямизнинг фундаментал пойdevорини яратдингиз, бизнинг ўзлигимизни, ким, қандай улуғ зотларнинг давомчилари эканимизни, аждодларимиз кимлар, қандай буюк инсонлар бўлганини аввало ўзимизга, ундан кейин бутун жаҳонга танидингиз. Дунё жамоатчилиги жаҳонда Ўзбекистон деган катта салоҳиятга эга бўлган давлат борлигини ҳақли равишда тан олди.

Сиз томонингиздан тақдим этилаётган асарлар халқимизнинг маънавий мулкига айланиб, миллий ғоямизни янада кучайтирумокда, тафаккуrimизни,



дунёқарашимизни ўзгартиromoқда. Сиз олдиндан, узоқни кўзлаб айтган қанча-қанча фикрлар бугун ҳаётда ўз тасдигини топмоқда, тўлиқ амалга оширилмоқда, шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимиз жадал ривожланмоқда, кундан-кунга юксалиб бормоқда.

Шахсан ўзим «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарингизни ўқиб жуда таъсиrlандим. Бу ноёб китоб маънавиятимиз ҳақида битилган ниҳоятда зарур ва керакли асардир. Китобни ўқиш жараёнида ҳар бир ўкувчи, у хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, маънавият қанчалик қурдатли кучга эга эканига амин бўлади. Билмаганларини билади, ўзига фойдали хуносалар чиқаради.

Бу китоб ёшларимизни ўз юритига фидоийликка, Ватанини ва ҳалқни севишга, иймон бутунлигига, ахлоқий покликка, бошқа миллиатлар ўртасида бағрикенгликка чорлайди, ёшларимиз учун ҳаёт дарслиги бўлади.

Ҳалқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзга чиққанимда, Сиз мени бағрингизга босиб, яхши тилаклар билдирган эдингиз. Мендек оддий фуқаро учун бундан улуг бахт борми? Бу мен учун энг олий мукофот бўлиб, Сиз менинг кучимга – куч, ғайратимга – ғайрат қўшдингиз. Ўша воқеадан сўнг Каттақўргон туманидаги ўзим яшайдиган Пайшанба шаҳарчаси ҳалқи келиб мени зиёрат қилди, табриклиди. Бу аввало оддий одамларнинг Сизга



булган ҳурмат-эҳтиромидан, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунига катта ишонч билан қарашидан далолат беради.

Сиз ўз асарларингизда мен учун Ўзбекистоннинг буюк келажаги, ҳалқимнинг баҳту саодати йўлида бор кучимни бериб ишлашдан бошқа ҳаёт, бошқа эзгу мақсад йўқ, деган мазмундаги, юртимизни севадиган ҳар қандай одамни тўлқинлантириб юборадиган фикрларни айтгансиз.

Фақат, ўзингиз айтгандек, буюк маънавий жасорат эгаси бўлган инсонларгина шундай фидоийликка қодир бўлади. Бугун мамлакатимизда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган том маънодаги улкан ишларни мен ана шу фикрларнинг исботи деб биламан.

Муҳтарам Ислом ака, азиз бошингиз доимо омон бўлсин. Олиб бораётган барча эзгу ишларингизда Оллоҳ Сизга мададкор бўлсин. Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнайверсин.

**Қамариддин Аҳмедов,
Самарқанд вилояти, Пайшанба
шаҳарчаси фуқаролар йигини
оқсоқоллари номидан йигини раиси**

2008 йил 16 июль



Хурматли Президент девони ходимлари!

Мен муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарини қайта-қайта ўқиб, ҳар бир одам боласи учун зарур бўлган ҳаётий ҳақиқатни – инсон тафаккурининг нақадар буюклиги ва сўз сеҳрининг илохий мӯъжиза эканини англадим.

Бундан бир йил муқаддам 19 яшар қизим вафот этиб, юрак-бағримни куйдириб, ёруғ дунёни кўзимга тор қилиб кетди. Шундан кейин мен учун бу ҳаётнинг ҳеч қандай қадр-қиммати ҳам, қизиги ҳам қолмаган эди. Ҳеч бир онанинг бошига фарзанд доғини солмасин экан. Тақдирнинг кутилмаган бу зарбасидан тамоман тушкунликка тушиб, умидсизлик, ғам-алам ўтида тириклай ёндим. Энди мени ҳеч қандай куч бу ҳаётга қайтаролмаса керак, деб ўйладим ўшанда.

Чексиз изтироб бора-бора ўз кучини кўрсатди, оғир касал бўлиб қолдим ва шу йил апрель ойида даволаниш учун Тошкент шаҳрига келдим. Ёру дўстларим, шифокорларнинг маслаҳати билан бу ерда ўзимни китоб ва газета-журналлар мутолааси билан чалғитишга, оз бўлса-да, овунишга уриндим. Шундай кунларнинг бирида – май ойида газета-



«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройининг ҳар битта зали, ҳар битта безаги ўзимизнинг мутахассисларимиз, моҳир уста ва қурувчиларимиз меҳнати билан бунёд этилди.



Донимиз үзимизники, нонимиз үзимизники!..



Тинчлик бұлса, ҳамма нарса бұлади.



Қани, түйдан гапириң!



«Бошингиз омон бұлсın, Ислом ақа!»



Мана күрасизлар, бу бола чемпион бўлади.



Сиздек миришкор фермерлар қўпайсин!



Эртаганги күн бизнеси, маарри шаббатта бизнини бўлди!

ларда Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари чоп этилгани ҳақидаги хабарга кўзим тушди. Нимагадир шу китобни кўргим келди ва топиб ўқидим. Тұғриси, ўзим ҳам сира кутмаган ҳолда мўъжиза рўй берди – мутолаадан руҳиятим таскин топиб, илоҳий қувват олдим. Аввало Оллоҳ, қолаверса, мана шу китоб мени ҳаётга қайтарди. Яна яшашга, ҳаётдаги гўзалликлардан завқланишга ундали. Атрофимдагилар, мени эъзозлаган инсонлар ва мен яхши кўрганлар учун ҳам яшашим керак, деган қатъий қарорга келдим. Гүё китоб менга битмас куч-кувват багишлади.

Ушбу мактубим орқали китоб муаллифига, муҳтарам Юртбошимизга миннатдорлик билдираман. Илоё, мен каби минглаб оналарнинг дуоларини Оллоҳнинг ўзи ижобат қилиб, у кишига дунёдаги жамики яхшиликлар ва эзгу тилаклар ёр бўлсин.

Ўзим узоқ йиллар олий таълим даргоҳида талабаларга сабоқ бердим. Охирги икки йил давомида эса Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Хоразм филиалида ўриндошлик асосида ишладим.

Асосий мутахассислигим – олий маълумотли кутубхоначи, кейинчалик Иқтисодиёт университетида сиртдан ўқиб, иқтисодчи-бухгалтерлик касбини эгallадим.

Ҳозирги пайтда Президентимизнинг барча асарлари, маъruzalарини қайта ўқиб чиқяпман. Шунингдек, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар,



демократик янгиланишларни имкон даражасида ўрганиш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларга ўз нуқтаи назарим, муносабатимни билдириб боришга ҳаракат қиляпман.

Бирданига бундай фаол ҳаётий позицияни танлашимга ҳам юқоридаги китоб сабаб бўлди. Чунки унда шундай сатрларни ўқидим: «Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай олмайди... Чиндан ҳам, агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?»

Инсон қалби ва руҳиятига яқин бундай сатрларни ўқиган ҳар қандай одам ўзининг шу жамиятга кераклигини ҳис этиб, Ватан равнақи, унинг келажаги учун фидоийлик билан хизмат қилишни ўзи учун бурч деб билиши табиийдир.

Китобда кишининг руҳий дунёсини, маънавий оламини бойитадиган бундай сермазмун фикрлар кўп ва улар инсонни иродали бўлишга, ҳар қандай қийин ва оғир вазиятда ҳам ўз кучига ишониб, ҳаракат қилишга, ён-атрофга хушёр боқишга, бепарво ва лоқайд инсонлардан огоҳ бўлишга ундаиди.

Асарни қайта-қайта ўқиб, шундай холосага келдим: биз эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва кучли ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида муаллифнинг қимматли фикр-мулоҳазала-



рини ҳар биримиз аввало ўзимиз учун, келажагимиз учун дастуруламал сифатида қабул қилсак, шу асосда жамиятдаги ўзгариш ва муаммоларга муносабат билдирысак, ўйлайманки, ислоҳотларимиз яна да жадаллашади.

Шу ўринда мен китоб мутолааси давомида туғилган ўзимнинг айрим мулоҳазаларимни ўртага ташлаб, бир таклиф билдиromoқчиман: Президентимиз Ислом Каримов асарларини илмий асосда ўрганиш ва улардаги теран фикрлардан кенг жамоатчиликни, айниқса, ёш авлодни баҳраманд этиш мақсадида маҳсус илмий тадқиқот марказини ташкил этиш лозим, деб ҳисоблайман. Негаки, Президентимиз асарларининг барчасини бир жойга тўплаб, уларни комплекс ўрганишга доир изчил ва яхлит тизим яратиш фурсати етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказида, шунингдек, бошқа ўқув ва илмий муассасаларда муаллифнинг ўзимизда ва хорижда (чет тилларда) нашр этилган барча асарлари, маърузаларининг матнлари, аудио ва видео вариантлари ҳамда уларни ўрганишга доир илмий ишлар жамланиб, маҳсус кутубхона ташкил этиш ҳам ғоятда хайрли иш бўлур эди. Чунки мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги буюк тарихи бевосита Президентимиз Ислом Каримов номи ва фаолияти билан боғлиқ.





Юртбошимизнинг шу йўлда олиб бораётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги фаолиятини, инсоний фазилатларини ҳар қанча ўргансак ва у кишидан ибрат олсак, арзиди, албатта. Бу келажак авлодлар учун ҳам ибратнамуна мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Хурмат билан,

Ҳанифа Отажонова,
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Хоразмий кучаси, 13-уй



Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Абдуганиевич!

Мен тарих фанига жуда қизиқаман. Сизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асаринизни бир неча бор ўқиб чиққанман.

Тарих бизга сиёсий фикрлашни, ўтмишда булиб ўтган воқеаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини, давлатларнинг қудратли ва заиф томонларини курсатади, улардан сабоқ чиқариб яшашга даъват этади. Шу асосда бугунги кунда қайси давлат билан қандай иқтисодий-сиёсий муносабатлар ўрнатиш, алоқалар олиб бориш бўйича амалий хуносалар чиқариш имкони туғилади. Ҳар қандай онгли одам ўз тарихини қанчалик яхши билса, у билан шунча гурурланади. Бошини мағрур кутариб яшайди. Биз ўзбек ёшлари Спитамен, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо каби буюк, жасур боболаримиз билан ҳақли равишда фахрланиб, ҳар жабҳада уларга муносиб, комил ва баркамол инсонлар булишга ҳаракат қиласиз.

Тарихни чукур ўрганиш ва англаш келажакка дадил қадам қўйишнинг асосий шарти демакдир.

Ҳеч шубҳасиз, биз, ёшлар тарихни ҳар томонлама чукур ўрганишимиз лозим. Бу ўзимизга, ўз





куч ва имкониятларимизга ишончимизни янада оширади.

Мен ўзимдаги билим ва эркин фикрлаш кўнижасига кўп жиҳатдан тарихни ўқиб-ўрганиш орқали эга булганман.

Мен доимо юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини истайман.

Шу муносабат билан Сиздан бир нарсани сўра-моқчиман.

2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қылганингиздан биз ёшлар жуда миннатдормиз. 2009 йил – «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да қишлоқларимиз янада обод бўлади. Бу ҳам барчамизни хурсанд қиласди.

Энди келгуси 2010 йил юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаб келаётган Ватан ҳимоячилари шарафига «Ватан ҳимоячилари йили» деб эълон қилинса, менимча, айни муддао бўларди.

Негаки, тинчлик бўлса, ҳар бир инсон орзу-ниятига эришади.

Софу саломат бўлинг!

Ҳурмат билан,

**Иқбол Зокиров,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани,
Бўстон кўчаси, 102-уй, 55-хонадон**



**Ассалому алайкум, қадрли
Ислом Абдуғаниевич!**

Энг аввало, Сизни қалбларимизга қувонч олиб кирган мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами билан табриклайман. Сизга юрагимнинг тўридаги энг самимий тилакларимни йўллайман. Сизга, энг аввало, Оллоҳдан соғлиқ, Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида ҳеч қачон толмаслигингизни тилайман.

Ҳозирги ёшлар мардлик ва жасоратни Сиздан урганишларини, ҳалқимиз ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган 1991 йилнинг 31 августида Сизнинг олдинда қандай катта қийинчиликлар кутиб турган бўлса ҳам, бутун масъулиятни зимманингизга олиб, Узбекистонни мустақил деб эълон қылганингизни, умуман, ана шундай жасоратларга тұла бутун ҳаётингизни уларга ибрат қилиб курсатишни жуда-жуда истардим.

Тинчлик нақадар буюк сўз. Ана шу бебаҳо неъмат учун, эртанги кунимиз янада яхши бўлиши учун Сиз ҳаловат нелигини билмасдан, тунларни бедор ўтказаётганингизни ҳалқимиз албатта билиши керак ва тинчликнинг қадрига етиши керак.



Насиб этса, Оллоҳнинг бешинчи фарзи бўлмиш
ҳаж амалларини бажариш учун Маккаи мукар-
рамага, Мадинаи мунаавварага бормоқчиман. У
жойда айтадиган бир ниятим бор: Оллоҳим, ўзинг-
га шукр, юртимиз тинч, жаннатмакон диёrimiz
обод, Ўртбошимизнинг азиз бошлари омон бўл-
син.

Сўзимнинг охирида эса, эй, азиз инсонлар, тинч-
ликнинг қадрига етинг, кўп нолиманг, шундай
кунларга етказгани учун Тангрига шукроналар ай-
тинг, дегим келади.

Сизга салом билан,

**Ботир Орипов,
Жиззах шаҳри, Кутарма маҳалласи,
Тўқимачилар кўчаси,
72-йй, 11-хонадон
2006 йиلى 18 май**



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу мактубни ёзишимдан мақсад аввало ўзим
ҳаяжонланиб кутаётган Янги йил байрами билан
Сизни муборакбод этиш булса, қолаверса, бир на-
бирангиз сифатида кўнглимдаги орзу-тилакларим-
ни билдиришдан иборат.

Мен бугун Хитой давлатида бўладиган халқаро
анжуманда қатнашиш учун наъбатдаги илмий ма-
қоламни топширдим. Лекин бир томондан хурсанд
бўлсан, иккинчи томондан, ўксиндим.

Чунки дадам ва бобомларга бир телефон қилиб
мақтангим келди. Албатта, улар жуда хурсанд бўлиб,
дуо қилган бўлардилар... Лекин бунинг иложи йўқ
эди, сабаби дадам ҳам, бобом ҳам ёшлигимда олам-
дан ўтиб кетишган. Шу пайтда яна Сизни ўла-
дим. Чунки менинг шу даражага етишимга аввало
Сиз сабабчисиз. Сиз туфайли мен дунёни курдим,
аниқроғи, ҳаётга қандай кўз билан қарашни ў-
гандим.

Аввало, ўзимни таништирсам. Мен Фарғона ви-
лояти, Бешарик туманида туғилиб ўсанман. Даст-
лаб Тошкент политехника коллежини муваффақи-
ятли тамомлаб, Тошкент давлат техника универс-
итетининг механика факультетида таҳсил олдим.



2006 йилда Жанубий Кореяning Куми шаҳридаги Кумо технологиялар институтига магистратурада ўқиш учун юборилдим. Ҳозирги кунда магистратури тамомлаб, докторантурада нанотехнологиялар йўналишида таҳсилни давом эттироқмөқдаман.

Яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган «1st international symposium on hybrid materials and processing» халқаро илмий анжуманида «Electrodeposited ni, fe, co and cu single and multilayer nano-wire array on AAO template» номли мақолам билан иштирок этдим.

Анжуманда қатнашар эканман, жуда кўп нарсаларни хаёлимдан ўтказдим. Бирдан-бир орзуим – Ўзбекистонимни энг ривожланган давлатлар қаторида кўриш. Яъни, бутун дунёдаги одамлар ўртасида манаман деган давлатлар ҳақида гап кетганди, Ўзбекистон, Корея, Япония... деб бизнинг юртимизни ҳам биринчилар қатори тилга олишларни хоҳлайман.

Оллоҳим Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ берса, албатта бундай кун келишига ишонаман. Ва буни астойдил тилайман.

Орзу қилиш яхши, лекин юртимиз ёшлари учун аниқ бир фойдам тегса, дейман. Ўйлаб-ўйлаб, ўзимга берилган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, фан йўналишида бир журнал ташкил қилишни режалаштирудим. Шоядки, бу журнал биз учун дунёнинг энг зўр олимлари, иқтидорли ёшлари билан танишиш, уларнинг янги кашфиётлари, фан ва



ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларини ўрганиб, турли йўналишларда очилмаган эшикларни очиш учун «олтин қалит» вазифасини бажарса. Шу билан бирга, ўзимиз ҳам ўргангандан билим ва малакамизни ошириб, янги мэрралар сари ҳаракат қилсак.

Мен хоҳлардимки, янги – 2010 йил фан ва кашфиётлар йили бўлса. 2008 йил – «Ёшлар йили»нинг ҳосиласи сифатида ташкил қилинадиган «Invention» илмий-оммабоп журналимиз Сизнинг ўғит ва маслаҳатларингиз асосида фаолият юритиб, ушбу йилни мазмунан бойитса.

Сўзимни якунлар эканман, бу мактубни хорижда таҳсил олаётган юртимиз ёшларининг дил изҳорлари сифатида қабул қиласиз, деб умид қиласман. Жонажон юртимизда тоабад тинчлик ҳукмрон бўлсин!

Хурмат ва эҳтиром ила,

**Бобомурод Ҳамроқулов,
Жанубий Корея, Куми шаҳри,
Кумо технологиялар институтининг
нанотехнологиялар йўналиши
бўйича докторанти**

2008 йил 24 декабрь
(«Туркистан» газетаси, 2008 йил 31 декабрь)





Ассалому алайкум, азиз Юртбошимиз!

Сизга бир гурӯҳ навоийлик ёшлар номидан ҳурматимиз ва миннатдорлигимизни билдиришга рухсат бергайсиз.

Сизнинг ёш оиласарни қуллаб-қувватлаш тӯғрисидаги фармонингизни вилоятимиз ёшлари катта мамнуният билан кутиб олишди. Биз навоийлик 48 нафар ёш оила вакилларига янги ва чиройли, замонавий уйларнинг берилгани ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеа бўлди. Сиз бизларга шундай баҳтини ато этдингиз. Устозларимиз, ота-онамиз, ёши катталар бизнинг ана шу баҳтимизга қувонч ва ҳавас билан қарашмоқда.

Бизга бундай имкониятни мустақил ва қудратли Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов бердилар.

Сиз бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимиз рӯёбга чиқишида Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суюнчи бўлади, деб уларга доимо катта ишонч билдириб келасиз.

Сизга умрбод таъзим қиласиз ва ишончингизни оқлашга ваъда берамиз.



Бизнинг баҳтимизга, ҳалқимиз баҳтига доимо омон бўлинг!

Навоийлик ёшлар номидан
хурмат билан,

Муҳаббат Темирова, Мақсад Ҳасанов,
Маҳмуд Назаров, Баҳодир Раҳмонов,
Аслиддин Дехқонов, Гулноз Баҳромова

Навоий вилояти, Навоий шаҳри,
Меъморлар кӯчаси, 29-й

2008 йил 9 октябрь



Ассалому алайкум, Ислом бобо!

Менинг исмим Нақшбанд. Яқинда кўзимни даволатиш учун Қаршига шифохонага келдик. Қарши шаҳрини кўриб жуда ҳайрон бўлдим. Қарши шаҳри жуда чиройли бўлиб кетибди. Бу ердаги спорт мажмуалари, музей, коллежларни, кенг равон йўлларни кўриб севиниб кетдим.

Дадамдан «Дадажон, нима учун авваллари шундай ишлар бўлмаган?» – деб сураганимда, дадам: «Ўғлим, бу бунёдкорлик ишлари Ислом бобомизнинг саъй-ҳаракатлари билан бўляпти. Ҳозир оддий бир қишлоқда сиз ёшлар учун қурилаётган коллежлар бир вақтлар ҳатто собиқ СССР пойтахти Москвада ҳам йўқ эди», деб жавоб бердилар.

Ислом бобо, менинг акам Сирохиддин Муборак шаҳридаги 1-мактабда 7-синфда, мен эса 4-синфда аъло баҳолар билан ўқиймиз. Насиб бўлса, акам ҳам, мен ҳам ҳарбий бўламиз. Яъни, Ватан ҳимоячиси бўлмоқчимиз.

Ислом бобо, Сизни туғилган кунингизга атаб аям тўқиган гиламчанинг расмини юборяпман.

Сизга ҳурмат билан набирангиз –

Нақшбанд,
Қашқадарё вилояти, Муборак тумани
2006 йил 29 январь



Гўзал Сурхон воҳасидан табригимизни қабул этинг!

Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз!

Авваламбор, Сизга 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилганингиз учун барча Сурхон воҳаси, жумладан, Термиз шаҳрининг Алишер Навоийномидаги маҳалласи ёшлари номидан миннатдорлик билдирамиз. Чунки Сиз кечаю кундуз бизнинг тинчлигимизни сақлаб, биз ёшларнинг яхши яшаб, билимли бўлишимиз, келажакда интилган чўққилаrimizga чиқишимиз учун барча йўлларни очиб беряпсиз.

Сизнинг мустақилликка эришган илк кунларда ўқиган қасамёдингиз ҳали-ҳануз эсимда. Ўшанда 9-синфда ўқирдим. Сизнинг соchlaringиз қоп-қора эди. Қасамёдингизга содиқ қолиб, берган вайдаларингизни бажариш йўлида соchlaringизга оқ тушди. Ҳар доим Сизни телевизор орқали кўрсам, бизни деб соchlaringиз оқарди, дейман.

2007 йили яна бир баҳтга мушарраф бўлдик. Сизнинг ташаббусингиз билан ота-бобом тугилиб ўсган тоғли Бойсунга темир йўл етиб келди.

Ўтган йиллар қишлоғимиз учун яхши кунларга, тўйларга бой бўлди. Айниқса, янги йилни меҳр





оқибат ва хайрия иши билан бошладик. Ёрдамга муҳтож, кўзи ожиз бўлиб қолган 55 ёшли Дионина Нина Семёновна исмли ёлғиз онахонни ногиронлик нафақасига чиқариш ва у кишининг турмуш ўртогидан қолган икки хонали уйнинг ҳужжатларини расмийлаштириб беришни депутатларимиздан ва депутатлар гуруҳи раисидан илтимос қилиб, ёрдам сўраб бордик. Улар бизни жуда яхши кутиб олишиди ва қўллаб-кувватлашди. Ҳозир ҳам қариянинг ҳолидан хабар олиб турибмиз, бу инсон маҳалламиз аҳлидан бениҳоя миннатдор.

Халқимиз фаровонлиги учун заҳмат чекиб, биз ёшларни ҳамма вақт қўллаб-кувватлаб юрганингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур билдирамиз.

Ҳурмат билан,

**Саёҳат Сатторова,
Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри, Алишер Навоий
номидаги маҳалла**
2008 йил 27 январь



Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Мен 1973 йилдан бўён Янгийул шаҳридаги 11-сон мусиқа мактабида болаларга рубоб чалиш санъатини ўргатиб келмоқдаман.

Оилалиман, 4 қизим, 1 ўғлим, 8 нафар набирам бор. Ҳамма фарзандларим мусиқа мактабида таҳсил олишган. Ўғлим Сайдулла Кабиров 1998 йили Тошкент шаҳридаги маданият коллежини тамомлаб, ҳозирги кунда мусиқа мактабида мен билан ёнма-ён ўқувчиларга соз чалиш сирларини ўргатиб келмоқда.

2008 йил 7 январь куни эълон қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойишингизни шу соҳа ходимлари қатори биз, 11-сон болалар мусиқа мактаби ўқувчилари ҳамда муаллимлари ҳам катта мамнуният билан кутиб олдик.

Мен бутун умрини санъат соҳасига бағишлиган бир муаллим сифатида, бу муҳим ҳужжатни ўсиб келаётган ёш авлодга Сиз томонингиздан кўрсатилган бекёёс замонийлик ифодаси деб би-



ламан. Чунки зуваласи пишиқ, иқтидорли ва билимли ёшларнинг онгу шуурига созандачилик санъати пойдевори заҳматкаш педагог ўқитувчиларнинг меҳнати орқали қўйилади. Кейинчалик бу ёшлар қаерда ва қайси йўналишда исламасин, санъатга ҳурмат ва муҳаббат уларга доимо ҳамроҳ бўлиб қолишига, улар жамиятимизнинг етук фарзанди бўлиб етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Мен чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида мусиқа ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бораётган бўлсам, бу соҳага ҳеч қайси замонда бу дараҷада юксак эътибор берилганини эслай олмайман. Мана шу меҳнатларингиз меваси бўлиб, бугун юзлаб ёш истеъодлар ўз санъати билан бутун дунёни лол қолдирмоқда. Бу ҳали ҳаммаси эмас, Сизнинг бевосита эътиборингиз туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган юзлаб касб-хунар коллажлари, академик лицейларда таълим олаётган минг-минглаб ёшлар эртага келажаги буюк юртнинг чин маънодаги фаҳр-ифтихорига айланади.

Мен пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказида жойлашган, Сизнинг ташаббусингиз билан барпо этилган Ўзбекистон давлат консерваториясининг янги биносини ҳар гал курганимда, истиқлолга шукроналар айтаман. Мана шундай муҳташам санъат саройида таҳсил олаётган баҳтли ёшларга ҳавасим келади.



Юртимиз Сизнинг раҳнамолигингизда янада гуллаб-яшнаб, обод бўлаверсин. Масъулиятли ва фоятда шарафли ишларингизда Сизга улуг аж-додларимизнинг руҳи поклари доимо мададкор бўлсин.

Сизга ҳурмат билан,

Сайджон Кабиров,
Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри,
Р.Назиров кўчаси, 30-йй

2008 йил 18 январь



Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни изҳор қилган ҳолда ушбу мактубни йўллаяпман. Аввало, яқинда бўлиб ўтган Президент сайловида қайта сайланганингиз билан Қашқадарё вилояти Китоб туманинг 5-Мехрибонлик уйи жамоаси ва тарбияланувчилари номидан чин кўнгилдан муборакбод этаман.

Мен ана шу Мехрибонлик уйида мусиқа ўқитувчисиман. Сиз томонингиздан 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиш ёш санъат гунчаларига улкан эътиборнинг яна бир намоёни бўлди. Бу ҳужжат, айниқса, ўзи меҳрга муҳтоҷ, лекин қалби истеъоддога ошно ёш тарбияланувчиларимиз кўнглида ғурур, келажакка ишонч ва Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотди.

Ота-она меҳрига муҳтоҷ болаларнинг бошини силаш, кўнглини кўтариш, ҳаётда тўғри йўл танлаб олишига ёрдам бериш азалий шарқона фази-



латdir. Бу борада Сизнинг олижаноб саховатингиз, хусусан, бизнинг Мехрибонлик уйига «Suzuki» русумли автобус тухфа қилганингиз, тарбияланувчиларимизнинг яшаш ва ўқиш масканларини таъмирлаш ишларида алоҳида эътибор билан кўрсатган ёрдамингиз болажонларимизни беҳад мамнун қилди.

Меҳрга ташна шундай мурғак қалбларга бу фамхўрлигингизга жавобан Мехрибонлик уйи қошида «Маржона» номли болалар ансамбли тушиб, «Меҳрашфқат бор бўлсин», «Меҳр билан яшанг, одамлар» каби ўнлаб қўшиқлар яратдик.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич, биз – Мехрибонлик уйи тарбиячи ва тарбияланувчилари Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Яратгандан Сизга мустаҳкам соғлиқ, кучкүвват ва омадлар тилаймиз.

Чукур ҳурмат ва эҳтиром ила,

**Муҳиддин Абдуллаев,
Қашқадарё вилояти, Китоб тумани,
5-мехрибонлик уйи мусиқа раҳбари**

2008 йил 16 январь



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Мен яқинда юртимиз бўйлаб 12 кунлик саёҳатда бўлдим. Саёҳат таассуротларини юрагимга сифиролмай Сизга ушбу миннадорлик мактубини ёзишга журъат этдим.

Мен бундан бир неча йиллар илгари қишлоғимиздан четга чиқмаган ота-онамни үлкамиздаги азиз ва табаррук жойларни зиёрат қилишишга олиб бораман, деб ният қилган эдим. Афсуски, кутилган вақтда бунга имкон бўлмади. Оллоҳнинг иродаси экан, ота-онамнинг куни битиб, оламдан ўтиб кетди. Тангрига минг қатла шукрлар бўлсинки, улар кўрмаган жойларни кўриш – мамлакатимизнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиш менга насиб этди.

Тошкентга бориб, биринчи бўлиб, Ҳазрати Имом мажмуасида Сиз курдирган муҳташам ва улуғвор масjidни, бу ерда Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан алоҳида шароитда сақланаётган, Куръони каримнинг ҳақиқий қўлёзмасини кўрдим. Бу ҳолат мени шундай тўлқинлантириди, беихтиёр кўзларим севинч ёшлирига тўлди. Шу жойда туриб, Сиз муҳтарам зотнинг бу ишингизга тасанно-



лар айтиб, Оллоҳдан Сизга узоқ умр, оиласигизга тинчлик-осойишталик тиладим.

Тошкентдаги муқаддас жойларни зиёрат қилгач, Самарқандга бордим. Бу ерда Сизнинг ташаббусингиз билан қад ростлаган Имом Бухорий мажмуасида бўлдим. Бу ердаги ободончиликларни кўриб, Куръон ўқиб, яна Сизнинг ҳаққингизга дуои фотиҳалар қилдим. Самарқанддаги бошқа зиёратгоҳларни айланар эканмиз, тасодифан чет элдан келган саёҳатчилар билан бирга бўлиб қолдим. Улар билан сұхбат чоғида ўзга юрт кишилари ҳам юртимиз ҳақида кўпгина самимий фикрларни билдиришди. Бу ҳолат ҳам мени ғоят қувонтириди.

Сурхондарёда бўлганимизда Ҳаким Термизий зиёратгоҳидаги қурилишлар, ободончиликни кўриб, яна юрагим ифтихорга тўлди.

Бухорои шарифдаги Баҳоуддин Нақшбанд, ул зотнинг устозлари мақбаралари ҳам ниҳоятда обод ва файзли макон бўлганини кўрдим. Шу ерда бўлганимизда халқдан сурасам, авваллари бу ерлар одам қадам боса олмайдиган харобага айланиб кетганини, Сизнинг эътиборингиз билан бугун асл ҳолатидан ҳам яхшироқ қиёфа касб этганини мақтаб, Сизни алқаб гапиришди.

Сўнг Хоразмда бўлдим. Иchanқалъани зиёрат қилиш чоғида Нуротадан борган 12 нафар мўйсафид билан бирга юрдим. Айтишларича, Нуротани зиёрат қилиш, ярим ҳожи бўлиш билан баробар экан. Шу оқсоқоллар билан давра қуриб ўтириб,



Ўзбекистонимиздаги тинчлик учун, амалга оширилаётган ободончиликлар учун Сизнинг ҳаққингизга дуолар қилдик. Сизга Оллоҳдан узоқ умр тиладик.

Хуллас, саёҳатдан олган таассуротларим жуда кўп. Бирма-бир ёзсан, қофоз етмайди. Сизга ёзаётган хатим эса том маънода шукроналик мактуби.

Сиз ўз чиқишиларингизда халқимни яхши кўраман, деб доимо унга бўлган меҳр ва ҳурматингизни билдириб келасиз. Мен саёҳатим давомида амин бўлдимки, халқимиз ҳам Сизни юрак-юракдан яхши кўрап экан. Айниқса, катта-катта қурилишлар, ободончиликларни амалга ошириш, буюк аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг номларини, қутлуг қадамжоларини тиклаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларингиздан ҳамма хурсанд. Назаримда, ана шундай эзгу ишларингиздан азиз-авлиёларимизнинг руҳи поклари ҳам шод бўлиб, Сизни қўллаб-қувватламоқда.

Ҳамиша соғу саломат бўлинг!

Ҳурмат билан,

**Муҳаммадали Боймирзаев,
Фарғона вилояти,
Олтиарик тумани,
Эскиараб қишлоғи**

2008 йил 11 декабрь



Ассалому алайкум, азиз Ислом ота!

Бу мактубни ёзишимдан асосий мақсад – аввало Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилашдир. Бугунги кунда юртимизнинг ҳамма ерида бўлаётган ўзгаришларга қараб инсоннинг ҳаваси келиб, яшаган сари яшагиси, изланган сари излангиси келади.

Ўйлаб қоламан, баъзи одамлар дангасалик бот-қоғига ботиб, ўзи ейдиган нони ташвишини ҳам аёли зиммасига юклаб, кичик рўзгорини ҳам тебратса олмайди. Шундай экан, катта бир юрт аҳолисини қаноти остига олиб, уларга келадиган ҳар қандай хавф-хатарга қалқон бўлиб, уларни омон сақлаб, ёруғ келажак томон бошлаб бораётган Сиз, ҳурматли раҳбаримизга қанча миннатдорлик билдиrsак арзиди.

Менинг Сизга айтадиган эзгу ва самимий тилакларим бир дунё. Энг эзгу тилагим шуки, машиқатли меҳнатларингиз мевасини, роҳатини куриб юришингизни жуда истайман.

Амир Темур ёки Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ҳақида ўйлаганимда уларнинг даврида яшаган инсонлар ул зотлар билан юзма-юз келиб, мулоқот қилиш бахтига мусассар бўлганмикан, деган хаёлларга борар эдим. Келажак авлодлар ҳам





биз ҳақимизда шундай ҳәёлларга борса, Ислом Каримовдек улуғ Йўлбошчи билан замондош бўлган экан-а, деб бизнинг давримиз кишиларига ҳавас билан қараса, ажаб эмас.

Ишончим комилки, ўйлаб, фикр юрита оладиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Сизнинг юрагингиз тубида ҳалқимизга бўлган беғуборлик ва са-мимиятни, эл-юртимиз баҳтини кўзлаб қилаётган савобли ишларингизни ҳис қиласи ва билади.

Кўпинча ҳаётни денгизга ўхшатадилар. Яашани истасанг, унда суз, сузмасанг, чўкиб кетасан, дейдилар. Сиз улкан сабр, ақлу заковат билан, таъ-бир жоиз бўлса, одамларга «сузиш»ни ўргатдингиз. Қани энди ҳар биримиз бу ҳаётда Сиз каби ҳалқимиз, Ватанимиз олдидаги масъулиятни ҳис қилиб яшасак.

Сизга бу хатни тинч ва осуда яшаб, эрта билан ўзининг ишига ёки ўқишига шошилиб кетаётган инсонларнинг ҳаракатидан завқланиб, эркин ва озод ҳаёт қандай буюк неъмат эканини чин қалбимдан ҳис этиб, буларнинг барчаси учун Сизга миннатдорлик билдиригим келиб ёздим.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

Юлдузхон Қосимова,
Андижон шаҳри, Дўстлик маҳалласи
Фуқаролар йигини,
ТАРАС ШЕВЧЕНКО КУЧАСИ, 19-УЙ

2008 йил 22 октябрь



Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!

Мен 1988 йилда Тошкент шаҳрида оддий ин-сонлар оиласида дунёга келдим. 1991 йилдан Уч-тепа туманинда 483-болалар боғчасига қатнадим ва бу ердаги «Фунча» ашула ва рақс тўгарагида фаол иштирок эта бошладим.

1993 йил тўгаракдаги ўртоқларим қатори мен ҳам Наврӯз тантаналарида иштирок этдим. Бу воқеа менинг ёдимда бир умрга муҳрланиб қолган. Чунки байрам томошасида Сиз ҳам иштирок этиб, биз – ёшларни қўллаб-куватлаш учун саҳнага кўта-рилдингиз ва қандай баҳтки, ўша онда мени кўта-риб олиб, ўз фарзандингиздек бағрингизга бос-дингиз.

Ушанда илк бор Ватан деган, озодлик деган сўзларнинг маъносини англагандек бўлганман. Йиллар ўтгани сайнин бундай гўзал диёрда, самимий одамлар орасида, улуғ ва доно Юртбоши раҳ-намолиги остида яшаш катта баҳт эканини янада чукурроқ ҳис этдим.

Мендек ёш қизалоқ учун бу, чиндан ҳам, жуда қувончли воқеа эди. Мана, шундай юртда ўсиб-улғайиб, пойтахтимиздаги 1-сонли тиббиёт кол-



лежини битирдим. Ҳозирги кунда шаҳар онкология диспансерида ҳамшира бўлиб ишламоқдаман, насиб этса, шахсий ҳаётимда катта ўзгариш булали – турмушга чиқиш арафасида турибман.

Шу муносабат билан Сизнинг оқ фотиҳангизни олиш учун никоҳ оқшомимизга таклиф этаман. Тўйимизга ташриф буюрсангиз, яна бир бор бошим кўкка етар эди.

Сизга, Сизнинг сиёсатингизга, Ватанимизга ҳамиша содиқ набирангиз –

**Лобар Абдуллаева,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Раҳимбобоев кўчаси,
62-йи, 28-хонадон**

Эслатма: Лобар Абдуллаева ва унинг турмуш уртоғи, иқтисодчи Шерзод Эшоновнинг никоҳ тўйи 2008 йил 9 ноябрда Тошкент шаҳридаги «Жўрабек» тўйхонасида бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда уларга давлатимиз раҳбарининг самимий табриги ва эзгу тилаклари етказилди ҳамда Юрбошимиз номидан қимматбаҳо совфалар топширилди.



Қадрли Ислом ота!

Мен, қизингиз Назокатхон, турмуш ўрготим Үткирбек билан қонуний никоҳдан ўтиб, оиласи ҳаётга илк қадам қўйдик. Шу муносабат билан Сизнинг бизга кўрсатган оталарча ғамхурлигингиз ва йўллаган меҳр тўла табригингиз бизни жуда-жуда қувонтириди ва тўлқинлантириб юборди. Буни юртимиз ёшлирига бўлган меҳр-муҳаббатингизнинг яна бир ёрқин ифодаси, деб биламиз.

Тўйимиз куни, Сизнинг ташаббусингиз билан Мустақиллик майдонида бунёд этилган «Бахтиёр она» ҳайкали пойига гулдаста қўяётганимизда, беихтиёр ажойиб ҳиссиётлар оғушида бўлиб, айнан Ўзбекистонда, ўзбек халқининг фарзанди бўлиб тутғанимиздан, Сизнинг меҳрингизга сазовор бўлганимиздан жуда фахрландик.

Биз «Оила – юрт таянчи» деган шиорга тўла амал қилиб, Сизнинг ишончингизни оқлашга, маҳалламизинг энг намунали оиласи булишга ҳаракат қиласиз.

Самимий ҳурмат билан фарзандларингиз –

**Назокатхон ва Үткирбек Нурматовлар,
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,
Давлатобод маҳалласи,
5-берккуча, 7-йи**



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов номига келаётган минглаб хатлар орасида ҳарбийларимиз томонидан юборилгаи мактублар ҳам алоҳида ўрин туради.

Мана шундай хатлардан айримларини эътиборингизга ҳавола этишини лозим топдик.

**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!**

Мен мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб Ватан ҳимоячиси бўлишга аҳд қилган эдим. Яхши ният – ярим давлат деганларидек, бугунги кунда ушбу касбни танлаганимдан баҳтиёрман. Ватанга хизмат қилишдек шарафли ва масъулиятли ишга ўз ҳиссамни қушаётганимдан фаҳранаман.

Истиқтол йилларида миллий армиямиз анча мурракаб йўлни босиб ўтди. Сизнинг тўғри ва оқилона олиб борган сиёсатингиз натижасида тарихан қисқа давр, яъни 17 йил ичida мамлакатимиз профессионал армияга эга бўлди.

Биз биламизки, Сиз кечаю кундуз тиним билмай, орому ҳузурдан кечиб ҳалқимизни осойишталик ва тинчлик йўлидан янада фаровон ҳаёт сари



бошлаб боряпсиз. Биз ҳарбийлар Сизнинг мана бу сўзларингизни ўзимизга шиор қилиб олганмиз: «Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди».

Қудратли армияси бор мамлакатнинг фуқаролари тинч ва осойишта ҳаёт кечиради. Бундай юртга ҳеч ким, ҳеч қачон дахл қила олмайди. Журъати етмайди.

Муҳтарам Олий Бош Қўмондон!

Сизга шахсан ўз номимдан, қолаверса, Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёrlаш мактаби ўқитувчилари номидан самимий миннатдорлик билдириб, давлатимизнинг тинч-тотувлиги, ободлиги, янада гуллаб-яшнаши йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда ютуқлар тилайман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Манноп Умиров,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри,
10-микрорайон, 80-йй, 60-хонадон**



**Ассалому алайкум, муҳтарам Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони, қадрли Президент!**

Сизни яқинлашиб келаётган таваллуд айёмингиз билан мустақил Ўзбекистон Қуролли Кучлар офицерлари, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар ва ўз номидан чин дилдан муборакбод этман. Сизга соглиқ-саломатлик, ишларингизга ривож ва омадлар тилайман.

Сизнинг 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан биз ҳарбийларга йўллаган табригингиз барчамизни янада руҳлантириб юборди. Айниқса, кейинги йилларда ёш офицер ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитлардан бошимиз кўкка етмоқда.

Мен ёш лейтенант сифатида доимо ўзингиз армиямизга бош булишингиз ва соғ-саломат юртимишга раҳбарлик қилиб юришингизни истайман.

Мен каби ёш офицерлар Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги йўлида керак бўлса, ҳатто жонини фидо этишга тайёр. Биз борки, бирорта душман ёки ёвуз ниятли кимса давлатимиз чегараларига яқинлашиб келолмайди. Биз ёш офицерлар



ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар бунга ваъда берамиз.

Муҳтарам Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондени, яна бир бор таваллуд айёмингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга улкан зафарлар тилайман.

**Сухроб Сапаров,
ҳарбий хизматчи**



**САВОБ ИШНИ ҲАР КИМ ҚИЛИШИ КЕРАК,
САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИШ КЕРАК**

Халқимиз азалдан яхшилик, меҳр-оқибат ва бағрикенглиқ каби фазилатларни улуғлаб келади. Мұстақиллік иштегарда бундай әзгу фазилатларни жамият ҳаётіда қарор топтириши давлат сиёсати даражасига күтарилди. Бунинг амалий тасдиғини Президент Ислам Каримов фаолияты мисолида ҳам яқын күриш мүмкін.

Юртбошимиз ёрдам ва күмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама құллаб-қувватлаш, ҳеч кимни әътибордан четда қолдирмаслик, ижтимоий ҳаётда меҳр-мурувват, саховат ва ұзаро ёрдам масалаларига алоқида ахамият беріб келмоқда. Бу борада барчага намуна бўлиб, муҳтожларга амалий ёрдам кўрсатади, бошига кулфат тушганларнинг кўнглини кўтаради. Мазкур фаслдаги ёзишмаларнинг аксариети Юртбошимизнинг ана шундай инсоний фазилатларини намоён этиши билан қадрлидир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ажойиб китобингиз – «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари нашр этилгани билан табриклашга ижозат бергайсиз. Бу асар, ҳеч шубҳасиз, она заминимизни севиб-ардоқлайдиган, бой



тариҳимиз ва юксак маънавиятимизни қадрлайдиган бутун халқимизнинг ардоқли китоби бўлиб қолади.

Мазкур китоб учун бериладиган қалам ҳақини У. Қурбонов номидаги Республика болалар психоневрология шифохонасининг моддий-техник базасини ривожлантириш учун йуналтирганингиз ҳақидаги хабар муассасамиз жамоасини фоят тўлқинлантириб юборди ва юксак эътиборингиз учун Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Ушбу маблағ шифохонамизда даволанаётган ногирон болаларни парвариш қилиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида сарфланади.

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга чин қалбимиздан сиҳат-саломатлик, узоқ умр, Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида битмас-туганмас куч-ғайрат тилаймиз.

Чуқур эҳтиром ва миннатдорлик билан,

**И. А. Савельева,
Республика болалар
психоневрология шифохонаси
бош шифокори**

2008 йил 28 май



Азиз Юртбошимиз Ислом Каримовга

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли бугун билимли, соғлом ва баркамол ёшларга, янги авлодга озод ва обод Ватан қолдиришдек эзгу истак халқимизнинг шиорига айланди.

Бевосита Сизнинг ташаббусингиз билан Ўзбекистонда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларини ўтказиш гўзал анъана булиб қолди.

Қарши шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» республика мусобақалари якунида бизнинг Китоб туманида жойлашган вилоят миқёсидаги гўдаклар уйи жамоаси учун кутилмаган янгилик юз берди. Сизнинг совғангиз — «Дамас» русумли тез ёрдам автомашинаси минг-минглаб томошабинларнинг кўз ўнгига тантанали равишда гўдаклар уйига топширилди. Бу улкан эътибор бутун жамоамизни қувонтириб, айни пайтда ғуурлантриб юборди.

Бизга кўрсатган эътиборингиз ва совғангиз учун жамоамиз аъзолари номидан минг раҳмат, бошимиз осмонга етди. Биз катталар ва болалар «Шу азиз Ватан барчамизники», дея фахрланиб яшаётган юртимизни дунёга кўз-кўз қилгимиз келди.



Гўдаклар уйила тарбияланаётган жажжи ўғил-қизлар келажакда Ватанимизга муносиб фарзанд булиб, уни кўз қорачигидек асраб-авайлайди, деган умиддамиз.

Умрингиз узоқ бўлсин!
Хурмат билан,

Роҳатой Ниёзова,
Қашқадарё вилояти,
«Ёш гўдаклар уйи»
бош шифокори

2006 йил 19 июль



Хурматли Президент!

Бизнинг оиласиз Сиздан ва Сиз тузган ташкилот – «Соғлом авлод учун» жамғармасидан жуда миннатдор. Қизимиз Нилуфар Нарзиева тұрт ёшида қайноқ сувга йиқилемін, үнг құли ва елкаси, күкрапақ қисми күйгандар. Жароҳат асоратидан бечора қизим күп азоб чекди.

2006 йилда қизимни «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бүлімінің ёрдами билан Германиядан келген шифокорлар күргигінде олиб бордик. Кам таъминланған оила бұлғанимиз ва қизимнинг ақволини инобатта олиб, мутахассислар уни Германияга олиб бориб даволашни лозим топиши да Нилуфарни Германияға юбордик.

У Германияда бир йил даволаниб, өч дард күрмагандек булып, соппа-соғ қайтиб келди. Мен құзларимга ишонмас әдім: қизимда на күйиш асортады, на چандық, на оғриқ бор эди. Қизимнинг қувончини күриб қар куни Сизге, мустақыл Үзбекистонимизге, «Соғлом авлод учун» жамғармасига чексиз ташаккурлар айтаман.

Халқимизнинг баҳтига доимо омон бұлинг!

Хурмат билан,

Умида Нарзиева.

Навоий вилояты, Кармана тумани,

Жалойир қишлоғы

2008 йыл 19 октябрь



Ассалому алайкум, азиз ва мехрибон Президент!

Сизни Мустақыллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Үзбекистонимизнинг осмони мусаффо, халқимизнинг ҳәети осойиша булиши, Ватанимизнинг тобора равнақ топиб, гуллаб-яшнаши йүлида олиб бораётган ишларингизга омадлар тилайман.

Биз ёзған мактубларга бефарқ әмаслигингиз Сиздек олижаноб инсонға нисбатан ҳурматимни янада оширди. Аввалги мактубимда ёзғанимдек, «оққон» касали билан оғриған бола айнан Сизнинг саяй-харакатингиз билан шифо топғани Сизнинг олижаноблигингиздан, қанчадан-қанча хайрли ишларингиздан бир зарра, холос. Ҳатто шу биргина хаста бола ҳам Сизнинг юксак әзтиборингиздан четда қолмагани қар қанча таҳсинга лойиқ. Сизга миннатдорлигимни изҳор қилишга тилим ожиз.

Телевизор орқали чиқишлиарингизни күрганимда, беихтиёр күзимга севинч ёшлари қалқыйди. Чунки отамни эслолмайман, ёшлигимда вафот этгандар. Шунинг учунми, Сизни Отамдек күраман.

Нуроний отахон ва онахонлар фотиҳага құл очишиганды, албатта Сизнинг эзгу ишларингиздан



мамнун булиб, дуо қиласилар. Фарзандим – Сизнинг набирангиз тўйига юборган тұхфангиз оддий инсонларга бўлган эътиборингиздан бир қатрадир. Шуларни айтиб онажоним Сизни доимо дуо қилиб келадилар.

Ушбу мактубимни тугатар эканман, Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Хурмат билан,

**Мавлуда Қосимова,
Наманган шаҳри,
2-Шоҳимардонов кӯчаси, 2-үй**

2007 йил 26 июль



**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Дастлаб ўзим ҳақимда ёёсам: мен, Баҳри Ўринбоева фаррош булиб ишлайман, турмуш ўртоғим Неъматулла Ўринбоев иккинчи гуруҳ ногирони. Тўртта боланинг онасиман. Икки фарзандим – 1988 йилда туғилган Бекзод Ўринбоев ва 1992 йилда туғилган қизим Мадинабону Ўринбоева тұрма ногирон. Бу ҳақда Сиздан ёрдам сұраб илгари хат ёзғанман.

Мен 2001 йилда Сизни уч марта тушимда күрганман. Тушларим бир хил бўлган. Сиз ҳали қуёш чиқмасидан туриб тоғ тарафдан келаётган экансиз. Мен эса Сизга пешвоз чиқиб, 2000 йилни юртимизда «Соғлом авлод йили», 2001 йилни эса «Она ва бола йили» деб эълон қылганингизни ва ўғлим Бекзоднинг юрагини Арманистонда операция қилдиримоқчи эканимни айтдим. Сиз Бекзоднинг кўлидан ушлаб, қибла томонга қараб дуо қилдингиз, унга оқ йўл тиладингиз.

Сизнинг шарофатингиз ва амалий ёрдамингиз билан тушим ўнгидан келиб, 2001 йилнинг 9 июняда Арманистон пойтахти Ереван шаҳридаги «Норк-Мараш» клиникасида ўғлим Бекзоднинг юрагини операция қилишди.



Мұхтарам Ислом ака, дүнёда ҳали ҳеч қайси мамлакат Президенти ҳар бир йилни үз халқынинг күнглидаги орзу-ниятларга шунчалик мөс номлар билан атамаган, бу фақат бизнинг Ватанда – Ўзбекистонимизда доимий анъянага айланди. Буни Сизнинг ҳамиша эл-юртимиз тинчлиги, баҳту саодатини ўйлаб яшәтганингиз натижаси деб биламан.

Мұхтарам Юртбошим!

Яратғандан Сизнинг умрингизни узоқ, олтин бошингизни омон қилишини сұраб қоламан.

Сизга соғылқ-саломатлик, тинчлик ва хотиржамлик тилайман.

Салом ва хурмат билан,

Баҳри Уринбоева,
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри,
Абдулла Қодирий күчаси, 6-үй

2008 йил 16 октябрь



**Ассалому алайкум, биз учун азиз ва
қадрлы бўлган Ислом ота!**

Бизнинг уйимизда, оиласизда Мустақиллик байрами арафасида, яни 1 сентябрь куни қувончли воқеа бўлди. Бизнинг суюнишимизга Сиз ҳам шерик бўласиз, деган умиддаман.

Менинг турмуш ўртоғим Султонбой Исмоилов 3-сонли курилиш монтаж бошқармасида тракторчи бўлиб ишлайди. Ўзим эса Хива шаҳрининг марказий касалхонаси кардиология бўлимида бўлим бекаси бўлиб ишлайман. Бизнинг 5 нафар фарзандимиз – тўрт ўғил ва бир қизимиз бор.

2005 йил 7 апрель куни 1985 йилда туғилган ўғлим Азамат Исмоиловнинг қорнида қучли оғриқ турди. Уни тезлик билан Урганч шаҳридаги онкология касалхонасига ётқиздик, ўша кунлари операция қилишди. Операция тўрт соат давом этди. Шифокорлар болангизнинг аҳволи яхши эмас, дейишиди. Унга «ингичка ичак раки» деб ташхис қўйишиди.

Мен касалхонада бир ой давомида ўғлимнинг бошида мижжа қоқмай тунларни бедор ўтказдим. Уйга рухсат беришганидан кейин ҳам ҳар ойда бир марта бориб турли муолажаларни олиб турдик. Она булиш жуда қийин экан, жуда қисиндим.



Бир куни туш күрибман. Тушимда уйимизнинг дарвозаси очилиб, Сиз кириб келдингиз. Уйимизнинг ҳамма томонини айланиб чиқиб, мен билан күришингиз, қўлимни маҳкам сиқиб шундай дедингиз: «Синглим, кўп қисинма, ҳали ҳаммаси яхши булиб кетади, олдингда яхши кунларинг бор», деб таскин берib, чиқиб кетдингиз.

Үйғонсам, тушим. Тушимда Сизни қўрганимдан кўп суюндим. Бу ҳақда қўшнимиз кекса кампирга айтиб бердим. Кампир менга, тушинг яхшилик аломати, ҳар кимнинг ҳам тушига юртнинг отаси киравермайди, бу – хосиятли туш, Худо хоҳласа, боланг яхши булиб кетади, деди. Айтганларидек, кундан-кунга болам яхши бўлди. Лекин ўғлим менга, онажон, мен барибир узоққа бормасам керак, деб илтижо қилар эди. Мен унинг кўнглини кутариб, ҳеч нима бўлмайди, мана курансан, умринг узоқ бўлади, мен тушимда бунинг аломатини кўрдим, деб уни юпатар эдим.

2007 йилда тўй қиласиган бўлдик. 1984 йилда туғилган ўғлим Санжарни уйлантирамиз, деб турмуш уртоғим билан маслаҳат қилдик. Отаси Санжарга қўшиб укаси Азamatни ҳам уйлантирамиз, дедилар. Азamat эса, уйланмайман, мен кўп ўткир дори-дармон олганман, деб бизни кўп қисинтириди. Шундан сунг биз Азamatни Тошкентта олиб бориб, малақали шифокорлар кўригидан ўтказдик. Улар эса, уйлантираверинглар, бунинг касали йўқ, үсмасини кўрмаяпмиз, яхши булиб кетади, деб айтишди.



Шундай қилиб, 2007 йилнинг 30 октябрь куни тўй қилдик. Икки ўғлимни уйлантириб, қўшалоқ келин туширдик. Тўй бўляпти-ю, менинг қулоғимда Сизнинг тушимда айтган насиҳатларингиз жаранглайди. Тўйдан кейин вақт-соати етиб, келинларим ҳомиладор булишди. 2008 йилнинг 1 сентябрида – мустақиллигимизнинг 17 йиллигини байрам қилиб турганимизда келинларимнинг бирини дард тутиб, тугруқхонага олиб кетдим. Орадан олти соат ўтар-ўтмас, биринчи келинимни түғдириб, набирали булиш баҳтидан бошим осмонга етиб юрсам, буни қарангки, иккинчи келинимни ҳам дард тутиб қолибди. Уни ҳам орқамдан тугруқхонага олиб боришди. Ҳамма ҳайрон, қандай яхши, бир кунда тўй бўлган келинлар бир кунда, яна денг, Мустақиллик кунидаги туғишса-я! Бу баҳтни қарангки, келинларимнинг биринчиси қиз, иккинчиси ўғил кўришди. Сиз айтганингиздек, Оллоҳнинг бундан ортиқ марҳамати бўлмаса керак. Үшандагу суюнганимдан йиглаб юборибман.

Сизнинг тушимда айтган гапларингиз яна ёдимга тушиб, менга ҳайрон булиб қараётган келинларимга, биласизларми, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ўзлари тушимда шундай булишини менга айтган эдилар, мана, кўрдингларми, улуғ инсоннинг айтганлари қанчалик тўғри экан, дедим, ҳаяжонимни босолмай. Ҳа, биринчи сентябрь – Мустақиллик байрами куни қўшалоқ набирали бўлдим. Беш кундан кейин набираларимни ва ке-



линларимни тугруқхонадан олиб чиқдим. Келинларимнинг ҳам, невараларимнинг ҳам соғлифи яхши.

Ҳайит байрамини ўтказиб, бешик тўйини ҳам белгиладик. Илоҳим, шу чақалоқлар Сизга үхшаб элу юртини, халқини ўйладиган, Ватани учун жонини фидо қиласиган йигит-қиз булиб етишин. Оллоҳдан эртаю кеч шуни сўрайман.

Сизга ва оиласизга омонлик тилаб, фариштали чехрангиз 100 ёшга кирганда ҳам доимо нур тарашиб туришини Худодан сўраб қолувчи синглингиз –

**Зулхумор Паноевъ,
Хоразм вилояти, Хива шаҳри,
Тозабоғ маҳалласи, 11-уй**

2008 йил 20 сентябрь



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Сизга хат ёзишдан олдин роса ўйлаб кўрдим, Сизнинг ҳар бир дақиқангиз ҳисобли бўлса, вақтингизни бекорга олмаяпманми, тўри қиляпманми, деб кўп истиҳола қилдим. Лекин барибир Сизга хат ёзишга қарор қилдим. Чунки, кўнглимдаги гапларни негадир айнан Сиз билан – азиз Юртбoshim билан ўртоқлашиш лозимдек туюлаверди. Бунинг сабаби – Сизни Оллоҳнинг ўзи юртимиздаги барча одамларнинг дарду ташвишини ҳал қила оладиган буюк инсон қилиб яратганида, деб ўйлайман.

Биз 16 йил давомида фарзанд кўрмадик. Шу вақт ичida кунда-кунора Сиз тушимга кирадингиз. Мен эса нима учун шундай катта одам, давлат раҳбари тушимга киради, деб ҳайрону лол қолар эдим. Оллоҳимнинг ўзи огоҳлантирган эканми, билмадим, охири тақдирга тан бериб 2008 йилнинг 10 май куни васийликка бир ўғил олдик. Қайнотамнинг исми Карим, хўжайнинмнинг исми Абдугани бўлгани учун ўглимизнинг исмини Исломбек кўйдик. Энди ўглимиз Исломбек Каримов Абдугани ўғли бўлди. Шу-шу туш кўрмай



кўйдим. Мана, ўғлимиз соғлом бўлиб ўсмоқда,
зәҳни ҳам ўткир.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан Мирзалиевлар
оиласи номидан —

Барно Маъмирова,
Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри,
Янгилик 5-берккӯчаси, 3-уй
2008 йил 11 сентябрь



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга

Мен 1983 йилда Фаргона вилояти, Фаргона тумани, Чимён қишлоғида туғилганман, биринчи гуруҳ ногирониман.

Ёшлигимдан тасвирий санъат соҳасига жуда қизиқишим туфайли 1999 йили Тошкент шаҳрида Марказий Осиё бўйича бўлиб ўтган «Ранглар жисоси» кўрик-танловида қатнашиб, фахрли биринчи ўринга сазовор бўлдим. Аслида менинг бундан ҳам катта кўрик-танловларда қатнашиш истагим бор.

Ҳаётимда 2004 йил ўчмас из қолдирди. Шу йили Фаргона давлат университетининг гуманитар фанлар факультетига тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши бўйича шартнома асосида ўқишга кирдим. Бу ютуқларимнинг барчаси Сизнинг шарофатингиз туфайли, деб биламан. Университетдаги таҳсилим давомида икки марта «Камолот» ЁИХ қасаба уюшмасининг стипендиясига эга бўлдим. 2005 йилда эса Сизнинг фармонингиз асосида «Жасорат» медали билан тақдирландим. Ушбу мукофот мени янада янги марралар сари руҳлантирди, гайратимга-гайрат

6 – Президентга мактублар



кўшиди, ўз навбатида, зиммамга ҳам катта масъулият юклиди.

2008 йилнинг март ойида Фарғона шаҳрига ташrif буюрганингизда «Фарғонани энг гўзал шаҳарга айлантириш учун барчамиз хизмат қиласайлик» деган даъватингиз мени қайсиdir маънода ана шу гўзал юрт истиқболига ҳисса қушишга унади. Мен ҳам ҳозирги замонавий қурилишлар қатори иншот қуриб, шаҳrimизни янада чирой очишига ва халқимиз ҳаёти фаровон булишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Менга берилган юксак ишончни оқлаш мақсадида ўз фаолиятимдан келиб чиқиб, Фарғона шаҳрида бугунги кунда бўлаётган ўзгаришлар, янги-янги қурилишлар қатори рассомлик устахонасини қуришни бошладим. Ушбу устахонам орқали келажакда одамларни санъат асарларидан баҳраманд этиш ва ёшларни рассомлик соҳасига жалб қилиш ниятим бор.

Сизнинг юритаётган оқилона сиёсатингиз ва биз – ёшларга курсатаётган эътиборингиз мени янада олдинга юришга унрайди.

Сиз барча ёшларни фарзандларим, дейсиз. Мен ҳам фарзандларингиз қаторида эканимдан фахрланаман. Менинг ва юртдошларимнинг бахтига соғ-саломат бўлинг. Сизнинг ишончингизни оқлашга ва сизга содик фарзанд булишга интилиб яшайман.

Худо хоҳласа, шу йил оила қурмоқчиман. Сизни ана шу куни тўйимга таклиф этмоқчиман. Би-



ламан, ишларингиз ниҳоятда кўп, лекин мен учун бир фурсат вақт ажратсангиз, бошим кўкка етарди. Сизни отамдек азиз кўрганим учун тўйимнинг энг азиз меҳмони булишингизни хоҳлардим.

Сизга катта хурмат билан,

**Шуҳрат Үринбоев,
Фарғона давлат университети
талабаси**

2008 йил 23 апрель



Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!

Сиз Ўзбекистон халқи учун кечаю кундуз, кунни тунга, тунни кунга улаб заҳмат ва машаққат билан ишлайсиз, турли ёвуз кучлардан, гараз нијатли оқим ва ҳаракатлардан, мавжуд хавф-хатарлардан халқимизни асраб-авайлаб, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, бошқалардан кам бўлмаслиги, ҳатто ки устун бўлиши учун ўзингизни аямайсиз. Болачақаларимизнинг тинчлиги, фаровон яшами учун тиним билмай меҳнат қиласиз.

Муҳтарам Ислом ака, Сиз буюк келажагимиз боғларини яратдингиз ва бу боғлар ҳосилга кирди. Истиқдол меваларидан халқимизнинг 7 ёшидан 70 ёшигача баҳраманд бўлмоқда. Сизга ҳатто бутун дунё халқи ўз баҳосини бермоқда.

Ўзбекистон Парламенти, у ерда фаолият кўрса-таётган депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон учун қилган буюк хизматларингизни ҳисобга олиб, Сизнинг номзодингизни Нобель халқаро мукофотига тақдим этишса, ҳамманинг кўнглидагидек иш бўлар эди.

Сиз Ватан хоинларининг, турли ёвуз кучларнинг қора ниятини бартараф этиб, ҳатто ўз жо-

нингизни аямай, юртимизда тинчлик, бунёдкорлик ва фаровон ҳаётнинг кафолати бўлиб келяпсиз. Ахир, бу ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми?

Ўзим ҳақимда ёзсан, олти нафар фарзандим бор. Тўрт қиз ва икки ўғилни тарбиялаб вояга етказдим. Ҳозир 20 нафар набиранинг бобосиман. Мен катта ва бахтли ойламиз номидан Сизга Худодан узоқ умр, бахт-саодат тилаб қоламан.

Хурмат билан,

Зокиржон Қодиров,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри,
Мирзо Улуғбек кучаси, 62-үй

2005 йил 26 ноябрь



Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Сиз 1986 йили Қашқадарё вилоятига раҳбар бўлиб келганингизда мен чўлда жойлашган бир хўжаликнинг раҳбари эдим. Ўшанда биз – кўпчилик фаоллар Сиз билан бирга ишлаб, сұхбатлашиб, қани эди, мамлакатимизга Сиз каби мард ва жасур инсон раҳбарлик қиласа, деб орзу қилгандик. Оллоҳ бизнинг истагимизни кўриб-билгандек, бир оз вақтдан сунг Сиз республикамизга биринчи раҳбар бўлдингиз.

Мамлакатимиз Сизнинг қатъий ҳаракатларингиз, куч-файратингиз натижасида мустақил давлат сифатида тан олинди. Энди қўксимиз баланд, мамлакатимиз шаънини кўрқмасдан ҳимоя қилишимиз, Ўзбекистон халқини кўролмайдиган ғаразгўй кимсаларга, ташқи душманларга қарши ҳақ сўзимизни баланд овозда айтишга куч топдик. Буларнинг барчасига фақат Сиз туфайли, Сизнинг тинчликни сақлашга қаратилган сиёсатингиз натижасида эришганимиз ҳақрост.

Аслида, мен нима учун ўтган вақтни ёдга олиб Сизга хат ёзяпман? Мен 76 ёшдаман. Охирги 20 йиллик ҳаётим давомида, жумладан, Нишон тумани ҳокими вазифасида ишлаган пайтимда қўлим-



дан келганича Сиз олиб бораётган сиёсатни мустаҳкамлаш, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳаётимизга татбиқ этилаётган ислоҳотларни амалга оширишга оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим.

Қашқадарё вилоятига ташриф буюрганингизда ўзингиз билан бирга ишлаганлар сафида менийтуклаб, суриштирганингиздан бошим осмонга етди. Нишон тумани хўжаликларини айланганингизда, «бу ерларнинг эгаси деҳқон бўлиши, деҳқон ўз меҳнатининг самарасини кўриши керак», деб тақорор-тақорор айтган сўзларингизни эслаб, бугунги кунга қиёслайман. Сиз 20 йил олдин мамлакатимиз деҳқонларининг бугунги ҳаётини кўз олдингизга келтириб, орзу қилганингизни қишлоқдаги фермерларга, деҳқонларга сўзлаб бераман. Чунки бугун ер ҳақиқий эгасини топди, фермер – ҳақиқий мулк соҳиби, унинг ери, чорваси, боғи, узумзори ва техникаси бор.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан вилоятимиз марказида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, шаҳар ва туманлардаги йирик қурилишлар, янги янги бино ва иншоотлар, тураржой мавзелари, бошқа кўплаб бунёдкорлик ишлари ҳақли равища Сизнинг номингиз билан боғлиқ ва буни биз қашқадарёликларга курсатаётган фамхурлигингиз меваси, деб биламан.



Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Қишлоғимиз фермерлари, оқсоқоллар, бутун меҳнатчилар яқин кунларда булиб ўтадиган Президент сайловида Сизнинг ғолиб бўлишингизни истайдилар. Барчамиз ўзингиз бошлаган бунёдкорлик ишларини янада кучайтириб, ўсиб келаётган янги авлоднинг келажагини кўриб, яратган боғларингиз мевасидан татиб юришингизни сўраб, мамлакатимиз обрў-эътиборини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларингизга Оллоҳдан Сизга куч-куват тиљаб қоламиз ва Сизни доимо дуо қиласиз.

Сизга ва Сиз орқали ойлангиз аъзоларига мустаҳкам соглик, мамлакатимиз равнақи йўлида олиб бораётган машаққатли ишларингизда куч-куват тилайман.

Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Ҳайитмурод Фармонов,
Қашқаларё вилояти, Нишон тумани,
У.Юсупов номли
қишлоқ фуқаролар йигини**

2007 йил 5 декабрь



Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Мен кўп йиллардан бўён Сизнинг вилоятларда булиб, пахтакор ва галлакорлар ҳузурида, қурувчи ва фермерлар, ишбилармон ва тадбиркорлар, ўқитувчи ва шифокорлар, аскар ва чегарачи посбонлар, талаба ёшлар орасида айтадиган гапларингизни, катта-катта анжуман ва байрамларда қилган маърузаларингизни тинглаб, Ўзбекистон ва унинг келажаги учун жонкуярлигингизни кўриб-билиб, Сизга миннатдорлик билдириш иштиёқида юраддим.

Айниқса «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузангиздан илҳомланиб, Сизга дил сўзларимни ёзиб юборишга қарор қилдим.

Мен 82 ёшдаман, шўро замонини кўрдим. Иш фаолиятимда кўпдан-кўп раҳбарларнинг маърузаларини тинглаганман. Лекин Сиз каби «Ватанимизда яшаётган ҳар бир фуқаро юртимизда булаётган ишларга ўз ҳиссасини қўшиши билан бирга, ўз фикр ва мулоҳазаларини ҳам эркин билдиришга ҳақлидир» деган сўзларни ҳеч ким айтмаган. Раҳмат, бу раҳбарнинг ўз халқига ишончини тасдиқлайдиган ёрқин далилдир.



Авваламбор, мустақиллик – бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, қанча-қанча курашлар, қурбонлар эвазига қўлга киритилди. Биз – қариялар буни яхши биламиш ва ёшларга ҳам ўшанда олдимиизда бўлган қийинчиликларни енгиш, мустақилликка эришиш осон бўлмаганини тушунтирамиз.

Мустақилликни қўлга киритиш йўлида қанча-қанча иқтисодий қийинчиликлар юз берди. Бу муаммолар ҳам Сизнинг раҳбарлигингизда, ҳалқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати туфайли барта-раф этилди. Бугун Ўзбекистонда тарихида бўлмаган ғалабаларга эришилиб, кейинги йилларда 6 миллион тоннадан кўпроқ ғалла йигишириб олинмоқда.

Амударё устига қурилган кўприк, Навоий – Нукус, Тошгузар – Бойсун – Қумкўрғон темир йўллари, Қамчиқ довони орқали ўтадиган автомобиль йўли каби замонавий йирик қурилишлар қисқа муддатларда ҳалқимиз хизматига топширилгани кимнинг бошчилигига бўлди? Ёки дунё бизни кимнинг раҳбарлигига таниди ва ҳурматимизни ўрнига қўйиб келмоқда? Бундай юксак ютуқларга эришишимиз осон бўлмаганини яхши биламиш.

Энг муҳими, Сизнинг раҳбарлигингизда фарзандларимиз Ватанимизни ҳар қандай бузғунчилардан, террорчи ва бошқа душманлардан ҳимоя қилишга қодир, кўрқмас-ботир аскарлар



булиб вояга етди ва биз уларни шундай тарбия-ламоқдамиз. Бизнинг ҳозирги армиямиз ташқаридан бўладиган ҳар қандай хуружга муносиб жавоб бериш ва керак бўлса, уни енгиш қудратига эга.

Таълим-тарбия соҳасидаги катта ислоҳотлар, қишлоқ ва туман марказларида қурилган ва қурилаётган мактаб, лицей ва коллежлар ҳам Сизнинг ташаббусингиз билан бўлаётганини ҳалқимиз яхши билади. Сиз томонингиздан кўп йиллар аввал ўртага ташланган «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» шиори амалда исботини топмоқда. Масалан, ҳозирги пайтда республикализмининг 60 дан ортиқ олий ўкув юртида 300 мингдан зиёд талаба турли касб ва йўналишда таҳсил олаётганининг ўзи буни тасдиқлаб турибди.

Шуро замонида унутилиб кетаёзган қўплаб авлиё ва алломаларимизнинг қадамжолари ўзининг илгариги аҳволидан ҳам яхшиланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилгани буюк ибратга муносиб ишдир.

Барча шаҳару қишлоқларимиздаги бунёдкорликлар ҳам ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунга узоқни, келажакни ўйладиган талабчан раҳбар, беҳисоб маблаг кераклиги ҳаммага аён. Бундай савобли ишларга Сиз раҳбарлик қилиб келмоқдасиз.



Ота-онасиз, ногирон болаларга ғамхұрлық қилиб келаётганингиз учун Оллоқ таоло Сизнинг ишларнингизга күшойиш бермоқда, деб үйлайман.

Хурматли Ислом ака, мен бошқа юзлаб кексалар қатори Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат тилайман. Доимо Сизнинг дуои жонингизда бўламиз.

Хурмат билан уруш ва меҳнат фахрийси –

**Юсуф ота Ибрагимов,
Хоразм вилояти, Хива шаҳри,
Амир Темур кӯчаси, 18-уй**



Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни ва оила аъзоларнингизни мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан оиласизномидан чин юракдан табриклайман.

Бу йилги байрам халқимиз учун жуда файзли бўлди, десам янгишмайман. Байрам арафасида фойдаланишга топширилаётган янги-янги муҳташам иншоотларни айтмайсизми? Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди тобора янгиланиб, ўзгариб бораётгани туфайли бир кўрган жойингизни иккинчи бор кўрганда танимай қоласиз. Тошкент шаҳри билан бир қаторда туман марказлари, маҳаллалар, чекка-чекка ҳудудлар ҳам ўзгариб, янгилиниб боряпти.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган байрам тантанасини телевизор орқали томоша қилиб, жуда завқландим. Ҳақиқий халқ байрамига айланиб кетди. Томошага йиғилган юртдошларимизнинг завқланиб, ўйинга тушиб кетгани ҳам байрам қандай чиройли бўлганидан далолат бериб турди.

Бу йилги Мустақиллик байрамини ўзим тугилган Юқори Чирчик туманида ўтказдим. Байрамона безатилган туман марказидаги истироҳат боғига йиғилган юртдошларим, айниқса, болаларнинг



шодон кайфиятини кўриб, шундай тинч ва осо-
йишта юртда яшаётганимга шукроналар айтдим.

Эртасига, 2 сентябрь куни биринчи набирамни
шу туманнинг Кавардон қишлоғидаги 3-мактабнинг
I-синфига қизим билан бирга олиб бордик. Ўқитув-
чилар, уқувчилар, ота-оналарнинг кайфиятлари
байрамона. Биринчи синфга келган болаларнинг –
17 йиллик мустақиллик полапонларининг қувонч-
лари чексиз. Уларга Сизнинг совғаларингиз топ-
ширилди. Болалар чехрасида ҳаяжон, қувонч, энг
муҳими, буюк Ватанимиз келажагига ишонч пор-
лаб турганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим.

Мен ҳам 5 нафар боламни мактабга кузаттган-
ман. Лекин ҳеч қачон ўша кундагидек ҳаяжонлан-
маган эдим. Бу анъана мустақил юртимизнинг энг
чиройли анъанаси бўлиб қолади.

Хатимнинг ниҳоясида Сизга қалбим тубидаги
энг эзгу тилакларимни тилаб қоламан.

**Муяссархон Фозихўжаева,
Зангиота тумани, Бўзсув қишлоғи,
Наврўз маҳалласи,
Нодирабегим кўчаси, 14-й**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовга**

Сиз давлатимиз раҳбари сифатида ҳалқимизнинг
фаровон яшаши учун чин юракдан меҳнат қилиб,
барчамиз учун фидоийлик намунасини кўрсатиб
келяпсиз.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мустақиллик йиллари барча ижобий ишлари-
мизни кўролмайдиган ёвуз, нияти бузуқ кимсалар
томонидан муқаддас динимиз ниқоби остида бир
неча бор фитналар уюштирилди ва давлатга қарши
қўпорувчилик жиноятлари содир этилди. Сиз шу
воқеаларни тинч йўл билан ҳалқимиз
осойишталиги, мамлакатимиз тинчлигини сақлаш
учун ўз жонингизни аямадингиз, қатъият билан
миллат манфаатини, юртимизни ҳимоя қилдингиз.

Сиз ҳалқимизни яхши қўрасиз, ёшларни ўз фар-
зандингиздек биласиз, кексаларнинг қадрини ўз
ўрнига қўясиз. Ўз навбатида, эл-юртимиз ҳам Сиз-
ни чин қалдан хурмат қилади.

Табиий ва интеллектуал бойликларга эга бўлган
мамлакатимиз Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз ва та-
лабчанлигингиз, фидоий меҳнатларингиз туфайли
тобора ривож топяпти.



Сизнинг катта-катта анжуманларда, йиғилишларда сўзлаган маърузаларингизни дикқат билан эшитиб бораман. Ҳамма вақт ҳалқимиз, Ватанимизнинг тинчлигини, фуқароларимизнинг бой-бадавлат бўлиб, бахтли ҳаёт кечиришини Оллоҳдан сўрайсиз. Иншооллоҳ, ниятингизга етинг!

Қадрли Ислом Абдуганиевич!

Шахсан Сиз жонажон Ўзбекистонимизни куркам ва жаннатмакон, обод юрга айлантириш, фуқароларимизнинг тинчлигини сақлаш, ҳалқимизнинг фаровон яшаши учун, айниқса, ёшларнинг келажагини ўйлаб, кечаю кундуз тинмай ишлаб келяпсиз. Буни барча виждони уйғоқ инсонлар куриб-билиб турибди.

Жумладан, Бухоро шаҳрининг обод булиши, муқаддас қадамжоларнинг тикланиши, шаҳарсозлик, архитектура ва ободончилик ишлари бевосита Сизнинг кўрсатмангиз ва талабингиз асосида амалга оширилмоқда. Бунинг учун Бухоро ҳалқи Сизни бениҳоя яхши қўради ва меҳнатларингизни муносаб қадрлайди.

Мұхтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизга мактуб ёзишимнинг сабаби шундаки, менинг ёшим – 70 да. Шахсан ўзимнинг талаб ва истагим, оиласиз, фарзандларим ва барча қонқариндошларим, маҳалла фуқароларимиз номидан ягона илтимосимиз шуки, ҳурматли Ислом Абдуганиевич, Сизнинг 2007 йил декабрь ойида бўлиб



ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз янада ривож топсин!
(ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мантура билан)



Самимий мuloқот



Ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғида буюк тарих мужассам.
(Академик Э. Ртвеладзе ва япон олими Кюдзо Като билан)



Бундай мәрд ўелонлар — юртимиз фахри.



«Буюк ипак йўли» медалини ўзбек халқининг қадимий тарихи ва маданиятига юқсак ҳурмат-эҳтиром рамзи сифатида қабул қилишга рухсат этгайсиз.
(ЮНЕСКО Бош конференцияси ташкилотининг раиси Мусо бин Жаъфардан мукофотни қабул қилиб олиш пайти)





Медалларинг күпайсін, болам!



Бүш келманглар, қыздарим!



Ўзбекистонга хуш келибсиз!
(ФИФА Президенти Жозеф Блаттер билан)

ўтадиган Президент сайловида албатта қатнашишингизни ва голиб чиқишингизни илтимос қилиб сўрайман.

Халқимизга, жумладан, табаррук Бухорои шариф аҳлига Президент сифатида фақат Ислом Абдуганиевич Каримов керак.

Салом ва эҳтиром ила,

Яхёжон Маҳмудов,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Бухоро шаҳри, Амир Темур номидаги
маҳалла фуқаролар йигини оқсоқоли

2006 йил 14 сентябрь



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга**

Ушбу хатни ёзишдан мақсадимиз, энг аввало, Сизга ўз миннатдорлигимизни билдиришдир.

Дадамиз Андикон вилояти ички ишлар бошқармасида катта инспектор бўлиб хизмат қилас эди. 2005 йил 13 май куни Андиконда хизмат бурчини адо этаётган пайтда террорчилар қулида ҳалок бўлди. Дадамнинг хизматлари юқори баҳоланиб, Сизнинг фармонингизга кўра 2005 йили «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Биз оиласда аям ва уч фарзанд бирга яшаймиз. Аям Наргиза Зокирова Избоскан туманинаги 5-ўрта мактабда рус тили фанидан дарс беради. Укамиз Шоҳжаҳон Эргашев 2005–2006 ўқув йилида 4-синфни тутатди. Уни Тошкентта, Ички ишлар вазирлигининг маҳсус ҳарбийлаштирилган академик лицейига уқишга олиб бордик ва ҳужжатларини топширдик. 2006 йил август ойидага тест синовларини топшириб, ўқишга қабул қилинди.

Шу маҳсус ҳарбийлаштирилган академик лицейда яратилган шароитлар учун Сизга минг бор раҳмат айтмоқчимиз. Шоҳжаҳон дадамнинг ишини давом эттираман, деб ният қилган. У келажак-



да Ватанимиз ва ҳалқимизнинг тинчлигини сақлаш учун етук инсон бўлиб камол топишига ишонамиз.

Хурматли Ислом ота, Андиконда рўй берган фожиали воқеаларда биз дадажонимиздан айрилдик. Аммо баҳтимиизга Сиз бор. Бизнинг оиласизга кўрсатилган катта моддий ёрдам учун миннатдорлик билдирамиз.

Бизнинг баҳтимиизга Сиз ҳамиша соғ-омон бўлинг, юртимиз тинч бўлсин, ҳалқимизнинг осоишишталиги ҳеч қачон бузилмасин.

Салом ва катта ҳурмат билан, фарзандларингиз –

**Гулжаҳон ва Мадинағону Эргашевалар,
Андикон вилояти,
Избоскан тумани, Пойтуг шаҳри,
Иттифоқ кўчаси, 6-уй**

2006 йил 6 сентябрь



Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом ота!

Бу мактубни Сиздан бир умрга қарздор бўлган оддий бир ўзбек аёли номидан деб билгайсиз.

Менинг бир қиз, икки ўғлим бор. Ўртганча ўғлим Бобомуродни туғилганидаёқ шифокорлар дуркун ва соғлом бола бўлади, дейишганди. Уч ёшга тўлганида уни кўрган қариндошлар ва маҳалла-кўй «бу ҳали катта бўлса, раҳбар бўлади», деб қўйишарди.

Ўшанда мен уларга, ҳа, ўғлим Президентимизга таржимон бўлади, ўғлим Ватанимизнинг содиқ посбони бўлади, деб қўярдим. Шундай бўлишини ич-ичимдан ҳавас қиласдим-да.

Энди Сизнинг гапларингиз мени асраб қолгани ҳақида айтай. Аслида мен табиатан ношукур одам эмасман. Борига қаноат қилиб яшайман. Лекин ҳаёт бошимга аччиқ синовларни солди. Унда фарзандларим ҳали ёш эди. Бир куни синглим менга айтган гапдан дунё қоронғу зулматга айланди гўё.

Дунёда ўзингиз ишониб, қадрлаб яшаган кишиниз хиёнат қилса, яшашнинг ҳеч бир қизиги қолмас экан. Бундай хиёнатга чидаб яшаш ниҳоятда қийин. Ҳаётим оғирлашиб, кун сайин баттар бўлиб борди. Мендан кейин фарзандларим етим қолса, ёш болаларимга ўгай она кун бермайди,



шунинг учун болаларимни ҳам ўзим билан у дунёга олиб кетаман, деган шумхаёлга ҳам бордим. Ҳатто шунга аҳд ҳам қилдим. Бу йўлдан мени ҳеч ким қайтара олмас эди. Фақат Сизнинг ҳар бир одам қалбига етиб борадиган доно гапларингиз туфайли мен ёмон хаёллардан қутулдим.

Бир куни телевизорда террорчи тўдалар Президентга суюқасд уюштириди, деган совуқ хабарни эшишиб қолдим. Шунда Сиз, Ислом ота, ҳалқа мурожаат қилиб, шундай сўзладингизки, кўзим ярқ этиб очилди. Сизнинг «ўзбек ҳалқи кечиримли, вазмин, ҳар қандай оғир синовларни енгиб ўтган ҳалқ. Баъзи ёшларнинг билиб-бilmай қилган ҳатосини кечираман, ўз уйига қайтсин, тинч ҳаётини давом эттирасин, бу адашган ёшлар ҳам менинг фарзандларим», деган ҳақиқий оталарга хос сўзларингиз менга жуда таъсир қилди.

Юртбошимиз билиб-бilmай гуноҳга кўл урган, жонига қасд қилган гумроҳларни кечириб, бағри-кенглик қилиб турганда, мен кимман, менга ҳеч ким қасд ҳам қилмади-ку, дедиму кечиримли бўлишга, яшаш учун курашиб, ҳаётимни фарзандларим учун бахшида этишга қарор қилдим. Умр шундай, оқар сувдек ўтар экан, фарзандларим қандай вояга етганини ҳам билмай қолибман.

Ўғлим 9-синфни битирганидан сунг бир куни «ҳарбий лицейга кириб, ҳарбий бўлиб Президентимга, Ватанимга содиқ хизмат қиласман. Ҳеч қачон Андижон воқеалари такрорланмайди, онажон. Мен



албатта ўқийман. Худо хоҳласа, ҳарбий бўлиб Ватанимизни, Президентимизни, сизни балолардан асрайман, қалқон бўлиб қуриқлайман», деди. Буни у шундай қатъият ва ишонч билан айтдики, мен ич-ичимдан суюниб, йиглаб юбордим. Сабр қилсанг, кечиримли бўлсанг, Оллоҳ ўзи сени қўллайвераркан.

Мұхтарам Президент, ўғлим катта бўлса, эл-юрга хизмат қиласи, деб адашмаган эканман, Худога шукур. Ҳозир у Асака ҳарбий лицейида ўқиди. Фарзандимга форма шундай ярашганки, илоҳим куз тегмасин.

Исломжон ота, ўшандаги доно гапларингиз билан ҳаётимни, оиласми, фарзандларимни асраб қолганингизни Сиз ҳатто билмайсиз ҳам. Бундайлар, менимча, биргина мен бўлмасам керак. Кўплаб оналарнинг ҳаётини сақлаб қолган, қанча-қанча норасидаларни етимликдан асраб қолган ўша сўзларингиз учун қандай миннатдорлик изҳор қиласай, ахир. Агар ўшанда Сизнинг гапларингиз менга далда бўлмаганида... Эсласам, ўзим ҳам кўрқиб кетаман, Худо асрасин.

Фарзандларимнинг орзу-умиди улкан, қизим тиббиёт ходими бўлмоқчи, кичик ўғлим эса хорижда ўқишни ният қилган.

2006 йилнинг декабрь ойида собиқ Ш.Юсупов ширкат хўжалиги фермерликка айлантирилди. Болаларимнинг орзу-ҳавасини кўрай деб, айниқса, Сизнинг деҳқонлар ерга эгалик қилсин, деган гап-



ларингиздан руҳланиб мен ҳам тендерда иштирок этдим. Лекин рақибим олий маълумотли бўлгани учун 4 балл кўпроқ тўплади ва тендерда ютди.

Шундан кейин менга З-лойиҳага ҳеч ким ариза бермагани, ҳатто иш юритувчиси ҳам йуқлигини айтишиди. Бориб кўрдим. Сув чиқмайдиган, тошлоқ ер экан. Мен бу ерни олишга қатъий аҳд қилдим. Ушбу масалада туман ҳокимлигига мурожаат қилдим. Ҳокимлик раҳбарлари билан далани бирга бориб кўрдик. Тошлоқ жой ерни тез чанқатади, сув чиқариш қийин экан, дедим. Ҳокимлик вакиллари тўғри маслаҳат бериб, яқиндан амалий ёрдам кўрсатишиди.

Хурматли Ислом ота, мен бир аёл, она сифатида Сизга ваъда бермоқчиман. Яқин йиллар ичida Ўзбекистонимиздаги энг илғор фермерлардан бири бўлиб, ёруғ юз билан Сиз билан учрашиб, бу ҳаётининг барча қийинчиликларини Сизнинг даъватингиз туфайли енгигб утганимни ўзингизга айтмоқчиман.

Ҳаммаси учун Сизга раҳмат.

Хурмат ва эҳтиром билан,

Дилоромхон Валиева,
Андижон вилояти, Избоскан тумани,
Яккатур қишлоғи,
И. Иномов кўчаси, 12-үй





Ассалому алайкум, ҳурматли Юртбошим!

Аввало, ўзимни таништирсам: мен Зухрахон Қосимова – 1960 йилда таваллуд топганман. Илгари Андижон маиший хизмат уйидага чевар-туқувчи булиб ишладим. Ҳозирги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаман.

Турмуш ўртоғим Содикжон Қосимов – 1960 йилда туғилған, ўрта-маҳсус маълумотли, кўп йиллар оддий ишчи бўлған, саккиз йилдан бўён учинчи гуруҳ ногирони.

Бир қиз, икки ўғлимиз бор. Бизнинг оиласиз Сиздан жуда миннатдор. Чунки Сизнинг ҳар бир қабул қилған қарорингиз халқ манфаати учун хизмат қилмоқда. Ҳудди биз каби оиласарни кўриб тургандек, улар билан бирга яшайтгандек, оддий инсонлар учун ниҳоятда муҳим бўлган фармон ва қарорларни қабул қилмоқдасиз.

Мана, оддий бир мисол. Мен тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кредит олмоқчи эдим. 2005 йили банкларга қатнаб чарчадим. Иложи бўлмади. Чунки гаров учун мол-мулк, масалан, автомашина булиши шарт, дейишли. Афсуски, менда машина йўқ. Уни қаердан оламан? Ким гаров учун ўз машинасини берарди? Жуда кўп ўйладим. Иложи бўлмади.

2006 йили, кўнглимиздагини сезгандек, янги қарор қабул қилдингиз. Унга кўра кам таъминланган оиласарга қорамол боқиши учун банкдан кредитга беш юз минг сўмдан пул-маблаг ажратида-диган бўлди. Махалла фуқаролар йигини фаолла-ри бизни муносиб топиб, «Халқ банки» томони-дан шу пулни бериши. Ҳўжайним билан бозор-дан икки бош қорамол сотиб олдик. Мана, 8 ой-дан бўён боқиб келяпмиз, ҳозир ҳар бири ўртacha 500 минг сўмлик бўлди.

«Одамларга имконият беринглар, у ёғини ўзла-ри қойил қиласи», деганингизни кўп эшитардим. Рост экан. Сиз ишлайман деганга шунача шароит қилиб беряпсизки, биз бундан руҳланиб, келгуси-да тадбиркорликни янада ривожлантириб, оила-вий фермер хўжалигини кенгайтиришни мақсад қилдик. Унинг таркибида чеварлик ва зардузликни ўйла қўйиб, шогирдлар тайёрлаш, маҳаллада-ги ишсиз аёл-қизлар учун янги иш ўринлари яра-тиш ниятимиз ҳам бор.

Энг асосийси, фарзандларимни олий маълумот-ли, она Ватанга содик қилиб тарбиялаш. Сизнинг бу ғамхўрлигингизга жавобан ёруғ юз билан муно-сиб жавоб қайтариш асосий мақсадимиз. Албатта, бунга ҳаракат қиласман.

Ҳурматли Ислом ота!

Сизнинг меҳрибончилигингиздан руҳланган на-бирангиз Зилолаҳон ҳар бир безагига меҳрини, қал-



бини бериб, Сизга узоқ умр, келгуси ишларингизда янги муваффақиятлар тилаб, ўзи тиккан зарёстикларни арзимас совға сифатида жунатди. Уни бутун оиласиз номидан деб қабул қилгайсиз.

Оллоҳдан Ватанимиз тинч, осмонимиз мусаффо, Юртбошимиз омон бўлсин, деб сураб қоламиз.

Эҳтиром билан,

Зуҳрахон Қосимова,
Андижон вилояти,
Андижон тумани, Ҳакан қишлоғи,
Бўрибой маҳалласи, 86-уй

2007 йил 29 январь



28 миллионлик Ўзбекистон халқига

Мен сўзимнинг аввалида Ўзбекистонимизнинг 28 миллионлик халқига қарата айтмоқчиман: биз ўзи шуролар замонида қандай яшаган эдик? Ўзбекистон қандай завод ва фабрикаларга эга эди? Мана энди, мустақиллик даврида-чи? Шу йиллар ичida биз нималарга эришдик?

Энг аввало, Оллоҳ бизга Ислом Каримовдек буюк зотни Юртбоши этиб берди. Ҳамма учун қийин бўлган ўша даврда Президентимиз халқа мурожаат қилиб, «имкон даражасида одамларга томорқа учун ер ажратамиз, чорва қилинглар, ердан фойдаланиб, рўзгорингизни бутланг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, мен бунга аминман», деган эдилар.

Шундан кейин Президентимиз мамлакатимиз буйлаб ҳамма жойда завод ва фабрикалар қурдира бошлади. Бугун уларни санаб саноғига етмайсиз. Ҳозир юртимизда нималар ишлаб чиқарилмайди, дейсиз, самолёт чиқса, автомобиль чиқса, вагонлар таъмирланса, айниқса, кимё, тўқимачилик корхоналарини айтмайсизми?

Ёки болаларимизга берилаётган имкониятларга қаранг, ёшлар учун қанча-қанча лицей ва коллеж-



лар, минглаб мактаблар қурилди. Улардаги замонавий спорт саройлари, стадионларни айтмайсизми? Эҳ-э, буларнинг барчасини қоғозга тушириш қиин, албатта.

Мамлакатимизда қурилаётган иншоотларни айтинг. Бутун Ўзбекистон бўйлаб барпо этилаётган кенг ва равон йўллар, кўприклар, темир йўлларчи? Барча қурилишу ободончиликларни айтаман, десам, вақт етмайди.

Шундай экан, мақсадга ўтайлик.

Юртбошимиз шунча халқни фаровон ҳаётга олиб чиқдилар. Миллионлаб ёшларни ўқитиб, тарбиялаб, «Ўзбекистоннинг барча болалари – менинг фарзандларим», деганларида кўзларимдан ёш чиқиб кетган. Ана шу меҳнатлар бугун самара бериб, ҳосилга кирди. Энди ўзингиз ўйланг, дўстлар, биродарлар, Президентимиз бамисоли катта боғ яратиб, унинг мевасидан баҳраманд бўлмасинми энди?

Ҳурматли дўстлар, юртдошлиар!

Сизларга шуни айтмоқчиманки, давлат ҳам, қонун ҳам халқ билан. Шундай экан, 2007 йил деқабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловда Юртбошимиз Ислом Каримовга овоз берайлик. Не заҳматлар билан ўқитган болаларининг роҳатини курсин. Халқимизни оғир синовлардан омон-эсон олиб чиқдими, энди омон-омон кунларида ҳам бош бўлиб юрсин! Биз, Сурхондарё аҳли шундай бў-



лишини Яратгандан сураймиз. Ишонаманки, бутун Ўзбекистон халқи шу фикрда.

Ўзбекистон халқига, юртдошларимга тинчликомонлик тилаган ҳолда, барчангизни шунга даъват этаман, деб,

80 ёшли Бўри бобо Қулмирзаев,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўғон тумани,
Т. Шобуров фермер хўжалиги



ШУКРОНАЛИК МАКТУБИ

Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!

Сизга аввало ўзимни таништириб ўтсам, дейман. Менинг тақдирим, умр йўлим Ўзбекистон билан, унинг халқи билан боғлиқ. Хотирамда қолган кунлар шундоққина кўз ўнгимда турибди: Оллоҳ раҳмат қилсин, онам — Фаризод, мен — Картин Мастиева, укам — Казбек Мастиев ва бошқа юртдошларим Иккинчи жаҳон уруши даврида, яъни 1943 йилнинг апрель-май ойларида Шимолий Осетиянинг Ираф туманидан Бухоро вилоятининг Олот туманига кўчирилдик. Йўл азоби қанчалар оғир бўлганини сўз билан ифодалаш қишин.

Кўп ўтмай, онам — Фаризод Тинчиева шу ерда касалхонада вафот этди. Маҳаллий халқ, худди ўзи кишисидек, барча расм-русумлар билан онамни шу ердаги Занги Бува қабристонига дағн қилишиб. Мени ўзбек оиласидан бири ўз бағрига олди. Тўрт-беш ёшларда бўлган укам Казбекни Олот тумани Чандир қишлоғида жойлашган 27-болалар уйига топширишиб. Кейинчалик укам Когон шахридаги ва бошқа жойлардаги болалар уйларида тарбияланган.

Отам ҳарбий эди, жанг майдонидан қайтмади. Онам ва укамдан бир парча сурат — уларнинг сий-



моси менга ёдгорлик бўлиб қолди, холос. Аммо мургак қалбим билан ўзимга-ўзим таскин берардим. Албатта, укамни топаман, ахир, шу оққўнгил ўзбеклар туфайли мен омон қолдим-ку, бундан кейин ҳам ўзинг асра, дея Оллоҳга ёлворардим...

Ўша оғир йилларнинг ҳар бир куни хотирамда мухрланиб қолган. Айниқса, мени ўз бағрига олган Холбек қишлоғи аҳлининг уруш йилларидағи меҳнат жасоратига ўзим гувоҳман. Ишга яроқли эркакларнинг барчаси фронтга олинган, эрта тонгдан то кеч шомгача давом этадиган оғир дала ишларини бажаришга асосан аёллар, бўйи кетмон дастасидан паст ёш болалар, кексалар, ҳатто ногиронлар ҳам жалб қилинган эди.

Белгиланган нормани бажаришга улгурмаганлар фонус ёргида кечаси ҳам ишини давом эттиришарди. Айниқса, ўша йиллари қишлоқ ҳужалик ишларида жорий қилинган қаттиқ тартиб-интизомга ёшу қари баб-баробар бўйсундирилган, аёллар бешикдаги боласини ҳам дала бошига олиб чиққан эди.

Ҳаммаси кўз олдимда турибди. Саратон қуёши ўзининг алангасини пуркаб турган дамларда ҳам, кеч кузнинг изфирили кунларида ҳам, ер яхлаган қаҳратон қишида ҳам бу халқ уйига шошилмас, белгиланган юмушни охиригача бажарар эди.

Ўша мен кўрган ўзбек аёллари дала бошида бир қошиқ овқатини ҳам тик туриб ичгани, ночор кийиниб, гоҳо оч, гоҳо борига қаноат қилиб, барча



қийинчиликларга чидаб, фронт орқасида кечаю кундуз ишлаб, соғлиғидан ажралгани, ишга жонини фидо қилганига ўзим гувоҳман. Ҳозир уларнинг кўплари орамизда йўқ, аммо номларини бирма-бир тилга олмасам-да, уларнинг руҳлари шод бўлсин, деб доимо дуо қиласан.

Уруш ва урушдан кейинги йилларда ҳам қишлоқ кишиларининг турмуши жуда ночор, қийинчиликларнинг охири кўринмас, ҳатто оддий бир оёқ кийимини икки-уч киши алмаштириб кийишга мажбур эди. Айрим хонадонларда ўчоққа ҳафталаб олов ёқилмасди. Гоҳ бир ҳовуч ундан тайёрланган оддий атала бутун бир оилани очлик азобидан сақлаб туради.

Аммо бу ҳалқ ўзининг тинимсиз меҳнати, сабр-қаноати, ҳамжиҳатлиги, оғир дамларда бир-бирига бўлган меҳр-оқибати билан барча қийинчиликларни енгигб ўтди ва дўконларнинг пештахталарида нонлар бемалол сотиладиган, фарзандларига тўйтомуша қиласидиган, тўкин-сочин кунларга етиб келди. Ўша йиллардаги оғир турмуш билан ҳозирги кунларимизни таққослаб, шу кунларга етгазгани учун Олоҳга шукроналар айтамиз.

Сиздай фидойи инсоннинг Президентликка қайта сайланиши – бу Ўзбекистон ҳалқининг хоҳиш-иродаси, Сизга билдирган буюк ишончи деб биламан.

Юртдошларим мени ҳурмат қилиб турли йигинларга, тўй-маъракаларга чақиришади, уларнинг ҳам



Сизни алқаб гапирган фикрларини эшитаман. Дастурхон бошида дуоларимда юрт тинчлигини, ҳалқимиз осойишталигини сақлашда ҳаммамизга бош бўлиб турган шу инсоннинг соғлиғини мустаҳкам қил, ризқ-рўзимизнинг баракасини бер, юртимизга кўз тегмасин, барча балою оғатлардан ўзинг аспа, деб фотиҳалар ўқийман.

Чунки мен урушнинг битмас жароҳатини 64 йилдан бўён ўз юрагида сақлаб юрган бир инсон сифатида тинчлик ва осойишталикнинг қадрини яхши биламан.

Юқорида айтганимдек, мен асли осетин қизиман. Аммо ўзбек оиласи мени суйиб, эъзозлаб, ўзининг Иноят исмли ўғли билан тақдиримни қўшган. Ҳозир 74 ёшдаман, 2 қиз, 2 ўғилнинг онаси, 15 неваранинг момосиман. Фарзандларим ўқимишли, ҳаммаси ўзининг иши билан банд, уйли-жойли. Невараларим мактаб ва коллежларда таҳсил олмоқда. Режали ва вазмин турмуш тарзи аввал-бошдан бизнинг оиласизга хос. Мен ўзбек ҳалқининг берган нон-тузини оқлаш учун умр бўйи тинмай меҳнат қилдим, оқибатда саранжом-саришта, ўзига тўқ оиласининг бекаси сифатида қишлоқдошларимнинг ҳурматига сазовор бўлдим.

Ҳамқишлоқларим пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик, полизчилик, фаллачилик ва пиллачилик орқали етарлича даромад топишмоқда, замонавий уйлар қуриб, тўйлар қилишмоқда. Хонадонларимиз газ, тоза ичимлик суви билан таъминланган,



бозорларимиз тўкин ва гавжум. Ўзимиздан етишиб чиққан малакали шифокорлар кечаю кундуз халқ саломатлиги учун хизматда.

Ўтган йили меҳрибонлик уйларидан бирига ташриф буюрганингизни телевизор орқали кўриб, кўзларимга ёш тўлди. Қайсиdir сабабларга кўра ота-она меҳридан айрилган болаларга ҳамма шароитлар муҳайё қилинган. Етимнинг бошини силаган одамга савобнинг энг каттаси насиб қилади, етимни улуғлаганини Оллоҳ улуғлади, дейишиди. Шу баҳонада юрагимдаги кўп йиллик армонларимни халқимга, Президентимга ёзишни ният қилдим.

Яратганинг ўзи гувоҳ, бу гапларимни юрак амри билан сўзлаяпман. Ватанимдан, ота-онам ва укамдан жудо булиб, етимлик азобидан қийналганимда, онам кўз олдимда ҳёт билан видолашаётганида мен билан ёнма-ён туриб кўз ёшларимга, ўксик қалбимга ҳамдард бўлган, кўлидаги бир бурда нонини teng булиб, боласи билан менга тутқазган, мени ўз боласидек, кўз қорашибидек асраган ўзбекларга, уларнинг оққўнгил фарзандларига нисбатан юрагимда меҳр ва ишонч туйгулари илдиз отган.

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич, узбек миллатининг менга берган нон-тузи хурмати ҳаққи, оиласиз азоларининг чин дилдан Сизга бўлган чукур эҳтиромининг рамзи сифатида ўзбекона урф-одатимиз бўйича Сизга бир тўн кийдирсам, деган ни-



ятим бор. Умримнинг сўнгги дақиқаларигача бу орзу-армоним мени тарқ этмаслигига ишончим комил бўлгач, бу истагим хусусида Сизга мурожаат қилишга жазм қилдим. Оддий бир фуқаронинг ўз халқига, Президентига бўлган миннатдорлик туйгуларини бошқа халқлар ҳам кўриб қўйсин, дейман.

Оллоҳдан сўрайман, ниятим: узоқ умр куринг, невара-чевараларингизнинг, халқимизнинг туйшамларида, юртимиз байрамларида ҳамиша ўзингиз бош бўлиб юринг. Оила азоларингиз билан ҳамиша сиҳат-саломат ва омон бўлинг!

Сизга ҳурмат билан,

Картин Абдиева (Мастиева),
Бухоро вилояти, Олот тумани,
Гулистон фуқаролар йигини,
Ҳосабўйи маҳалласи,
Холбек қишлоғи, 24-үй

2009 йил 17 апрель



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Аввало, Сизга тилагим шуки, доимо ҳалқимизга бош бўлиб юринг!

Биз истиқомат қилаётган Наманган туманидағи Ровустон қишлоғи кўчалари илгари асфальт кўрмаган эди. Қишида лой, ёзда тупроқ бўладиган бу кўчаларга мустақиллик йиллари сон кирди. Шағал тўкилиб, асфальт қилинди.

Айниқса, қишлоғимиздаги қоронғи кўчаларга симёғочлар ўрнатилиб, ёнмай ётган электр чироқлари алмаштирилди. Ҳозирги кунда тунлари ҳам қишлоқ кўчалари чароғон, ёруғ ва озода. Энг асосийси, қишлоққа тоза ичимлик суви келтирилди, хонадонларимиз газлаштирилди.

Шунинг учун биз кексалар ҳар қадамда, ҳар нафасда Президентимизни дуо қиласизки, Оллоҳ таолонинг ўзи у кишининг умрларини узун, йўлларини равон қилсин.

Муҳтарам Ислом ака, сўзимнинг охирида Сизга мурожаат қилмоқчиман: Юртимизга умрбод раҳбар, Президент бўлиб қолинг! Ҳозир Ўзбекистон шунга муҳтоҷ. Чунки, дунёда қандай жанжал-можаролар, нотинчилклар бўлаётганини ҳаммамиз



кўриб, эшитиб турибмиз. Энг оғир йилларда шунча ҳалқнинг бурнини қонатмай, бирорга ноҳақ турттирмай олиб ўтдингизми, бундан кейин ҳам Сизга ишонамиз.

Илоё, бошингиз омон бўлсин.

Латифбой Муталлиев,

Наманган вилояти,

Наманган тумани,

Ўрта Ровустон қишлоғи



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга

Ассалому алайкум!

Аслида, Сизга айтар гапим кўп эди. Лекин қўлимга қалам олдиму нима ёзишни билмай қолдим. Одам бирордан кўп яхшиликлар кўрса, уни қаттиқ ҳурмат қилса, унга қандай ташаккур изҳор қилишни билмай, шошиб қоларкан. Ҳозир мен шу аҳволдаман. Лекин кўнглимда жуда кўп гапларим бор.

Аввало, Оллоҳнинг марҳамати ва Сизнинг мендек оддий фуқаро илтимосини ерда қолдирмай, ёрдам берганингиз шарофатидан муқаддас ҳаж сафарига боришга муюссар бўлдим. Бу менинг ғамга ботган қалбимни чексиз қувончга тўлдириди. Икки фарзандим, дардкашларимнинг хурсандчилигини, юзидағи табассумни тасвирлаб беришга ожизман.

Болаларим: «Миллионлаб одамларнинг дардига шерик бўлаётган Президентимиз сизга ҳам шундай меҳрибонлик кўрсатиб, ғариб кўнғингизни кўтарди, демак, сизга ўз отангиздай бўлиб қолди. У киши улуғ инсон экан», деб кўзларида қувонч ёшлари айланади.

Энди Сиздан яна бир илтимосим шуки, чекка бир туманда истиқомат қилаётган мен, қизингиз Саломатхон Оллоҳнинг сўйган бандаси Президен-



тимизни отам деб билиб, Сизни зиёрат қилиш учун уйимга бир пиёла чойга таклиф этаман.

Яратган эгамга беадад ҳамдлар бўлсин. Сиздан, туман раҳбарлари ва дин вакилларидан жуда миннатдорман. Агар Сиздан кўп нарса сўраган бўлсан, узр. Ахир, одам кўнглига яқин олган кишига илтимос қиласди-да. Сизга бўлган ихлосим, ишончим минг бора ошганидан вақтингизни аямай, қишлоғимизга бир келишингизни сўрайман.

Хурмат билан,

Саломатхон Тангирова,
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани,
Ўртабўз маҳалласи



Ассалому алайкум, муҳтарам Президент!

Мен, Сайёрахон Неъматова Андикон вилояти, Хонобод шаҳрида ўрта мактабда 40 йилдан кўпроқ муддат бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишладим, 6 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдим. Ҳозир пенсиядаман.

Сизга мактуб ёзишимнинг сабаби шуки, узоқ йиллар ушалмай келган орзу-ниятим Сиз туфайли рўёбга чиқди – мен 2008 йили муборак ҳаж зиёратига бориш шарафига мусассар бўлдим. Сафар давомида биз ҳожиларга яратилган шарт-шароитлардан ниҳоятда хурсанд бўлдик.

Айниқса, меҳмонхонада, автобусларда мамлакатимиз байроғининг ҳилпираб туриши ҳеч кўз ўнгимдан кетмайди. Биз ҳар қадамда – ҳаж зиёратини ташкил этиш борасидаги намунали тартибинтизомда ҳам, сафарга кузатиш ва кутиб олиш маросимлари, самолётда учиш, меҳмонхонада яшаш, ҳаж амалларини адо этиш чогида юртимиз ҳожилари, жумладан, кексалар ва аёлларнинг қийналиб қолмаслиги учун зарур шарт-шароитлар яратилганини кўрдик. Буларнинг барчасида Сизнинг бевосита ғамхўрлигингиз ва эътиборингизни сезиб турдик. Бунинг учун Сиздан миннатдормиз.



Мактубимнинг охирида Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, юртимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларингизга ривож ва барака тилайман.

Хурмат билан,

**Сайёрахон Неъматова,
Андикон вилояти,
Хонобод шаҳри,
О.Қодиров кўчаси, 18-үй**

2009 йил 5 февраль



**Ассалому алайкум, қадрли
Ислом Абдуганиевич!**

Сизга ушбу мактубни чуқур ҳаяжон билан ёзяпман. Чунки бугун ниҳоятда хурсандман: 23 декабрь эрталаб 241-сайлов округидан биринчилардан бўлиб оила аъзоларим билан Сизга овоз бердик, кейин кечгача сайлов жараёнини кузатиб турдим. Шунда ҳалқимизнинг Сизга бўлган чексиз ҳурмат-иззати, катта ишончининг гувоҳи бўлдим.

Қадрли Ислом Абдуганиевич, мен бир нарса-га қаттиқ ишонаман. Ўзбекистонимиз ўз куч-кудрати ва қонунларига, ҳалқпарвар Юртбошисига эга.

Мен 2002 йилда бевақт ўлим туфайли 18 ёшли қизимдан ажралдим. Фарзандимнинг ўлимидан 40 кун ўтгач, гоҳ чап, гоҳ ўнг қўлим ишламайдиган бўлиб қолди, шифохонада ётиб ҳам чиқдим. Афсуски, дардимга даво тополмадим. Буни қарангки, 24 декабрь кечқурун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 14 миллион Ўзбекистон фуқароси Сизга овоз бергани тўғрисидаги ахборотини эшитганимда, худди тўрт мучаси соппа-соғ одамдек, ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Ўшандан буён,



Яратганинг ўзи шифо бердими, соғломман, қўлларимда оғриқ йўқ. Севинганимдан йиғлаб, Сизга мактуб йўллаяпман. Ушбу хатни Сиз туфайли соғайган қўлим билан ёздим.

Ўзбекистон ҳалқининг баҳтига доимо соғ-омон бўлинг! Оллоҳ Сизга узоқ умр, ғайрат ва шижоат, толмас куч-кувват берсин!

Эҳтиром ила,

**Мирзо Абдуқодиров,
Самарқанд вилояти,
Жомбой тумани, Ҳурму қишлоғи**

2008 йил 16 январь

**Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!**

Мустақилликдан олдин масжидларимизнинг эшигига осиб қўйилган қулфларни қўриб, унинг очилишини Оллоҳдан сўраган ва ҳасса суюнганича йиғлаб, армон билан ортига қайтган боболаримизни кўп бор кўрганман, бу аламли манзаралар эсимдан чиқсан эмас. Ўша даврларда масжид ва мозорлар шундай хароба аҳволда эдики, уларнинг ҳатто ёнидан ўтишга ҳам қўрқар эдик. Мустақиллик туфайли уларнинг барчаси обод бўлиб, пиру устозларимизнинг руҳлари шод бўлмоқда. Йилдан-йилга ҳаж сафарига бориб келувчи ҳамюрларимиз сони кўпайиб бориб, уларнинг Сиз ҳақингизга қўллари ҳамиша дудода.

Мен 2008 йилнинг ноябрь ойида Туркманистонга борганимда, шу юрт ҳалқи Сиз ҳақингизда завқланиб гапирганини эшлитиб жуда хурсанд бўлдим. Президентимизнинг бошқа мамлакатларда ҳам мартабалари, обрў-эътибори, ҳурмати баландлигини эшлитиб ва кўриб биз, ўзбекистонлар албатта шод бўламиз, албатта фурур ва ифтихор этамиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Ҳурмат билан,

Зайнин Розиқов,
Бухоро вилояти, Жондор тумани,
Қовчин қишлоғи

2008 йил 15 январь

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Сизни ва серкүёш диёrimизнинг фуқаролари ни кутлуг айём – Курбон ҳайити билан ўзбекистонлик ҳожилар номидан чин дилдан муборакбод этамиз.

Мустақилликнинг ilk йилларида она Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб бериладётган қулай шароит Сизнинг миллий ва диний қадриятларимизга кўрсатадётган чинакам ғамхўрлигингиз намунасиdir. Юртимиз фуқаролари манфаатини кўзлаб қилаётган хайрли ишларингиз ҳалқимизнинг руҳини янада кўттармоқда.

Оллоҳнинг инояти билан улуғ ибодатни адо этиш бахтига мушарраф бўлган биз, ўзбекистонлик ҳожилар, Маккай мукаррамадек муқаддас заминда туриб, Сиз раҳнамолик қилаётган мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч ва осойишта, турмушимиз фаровон бўлишини Яратгандан илтижо ила сўраб дуолар қилмоқдамиз.



Сиз, муҳтарам Президент Жанобларига, яна бир бор самимий миннатдорлигимизни изҳор этиб, Оллоҳ таолодан Сизни, халқимизни ва гўзал диёримизни ўз паноҳида асранини тилаб қоламиш.

Ўзбекистонлик ҳожилар,
Макка шаҳри,
Арафот водийси
2006 йил 12 январь



Хурматли Президент девони ходимлари!

Мен 70 йиллик умрим давомида бир неча давлат раҳбарларини кўрдим, лекин бундай халқпарвар Юртбошини кўрмаганман. Президент Ислом Каримов Ўзбекистонга бош бўлганларидан буён Ватанимиз тинч, халқимиз осойишта ва фаровон, кўплаб миллат ва элатлар бир оиласек тутув-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Шунинг учун бўлса керак, Оллоҳ таоло ҳам юртимизни ҳар хил бало-қазолардан, табиий оғатлардан ўзи асраб келяпти. Илоё, бундан кейин ҳам шундай бўлсин.

Бу гапларни шунчаки расамадига айтатётганим йўқ. Ўз ҳаётимдан келиб чиқиб ёзяпман бу гапларни. Масалан, сўнгги бир йил ичида мен касалхонада икки марта бепул даволаниб чиқдим. Кам таъминланган фуқаро сифатида менга маҳалладан, «Камолот»дан озиқ-овқат маҳсулотлари ажратиб келинмоқда. Бир неча марта совғалар беришди. Утган йили эса ер, мулк солигини тўлаб беришди. Чириб қолган водопроводим – сув қувурини Чилонзор тумани «Сувсоз» ташкилоти текинга тузатиб берди, Қилган ишлари учун пул олмади, барака топкурлар. Уйимнинг томидан қорли-қировли кунларда чакка ўтиб ётар эди, уни ҳам таъмирлаб беришди.



Албатта, бу хайрли ишлар, авваламбор, давлатимиз раҳбаринингadolat ва инсонпарварликла-ри туфайли бўляпти, деб биламан. Бир фуқарога курсатиладиган ғамхўрлик, меҳр-оқибат ва муруват шунча бўлар! Ахир менга ўхшаган меҳрга, ёрдамга муҳтоҷ инсонлар бутун мамлакатда қанчадан-қанча! Шуларнинг барини кўнглини олишнинг ўзи бўладими?

Ислом Каримовнинг қатъияти билан қадими үрф-одатларимиз, анъаналаримиз ўзимизга қайтди. Қатағон даврларини бир эслайлик, айниқса, жаноза ўқиш ва майитни қабристонга олиб бориш ҳам қаттиқ назоратда бўлиб, унда иштирок этган раҳбарлар ишдан бўшатилгани-чи?!

Мана шундай оғир кунлар бошимиздан ўтди. Шунинг учун мен истардимки, бундай юртпарвар, одил ва мард инсон доимо соғ бўлсинлар.

Ҳурмат билан,

Назира Абдиева,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Гулобод маҳалласи,
Олмазор берккӯчаси, 108-уй

2007 йил 6 сентябрь



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга

Муҳтарам Юртбошимиз, барча оила аъзоларимиз номидан миннатдорлигимизни қабул этинг. Бутун юртимизда бўлгани каби, бизнинг гузал Марғilonни ҳам обод қилаётган экансиз, Оллоҳ мартағанлизни бундан ҳам улуғ қилсан! Ҳеч қачон кам бўлманг.

Мен, бир оддий аёл Сизга мактуб ёзар эканман, Сиз олиб бораётган ишларни, халқим, юртим, Ватаним деб қилаётган ҳаракатларингизни куриб, ўзингизга рўбарў бўлиб миннатдорлигимни билдиргим келади.

Болалигимда дадам айтар эдилар: вақти келиб Ўзбекистонда бир подшо чиқади, бутун оламга машҳуру манзур бўлади. Афсуски, ана ўша улуғ инсон бугун давлатимизни бошқараётганини куриш отамга насиб этмади.

Шу сабабли фарзандларимга қайта-қайта айтаман, бундай тинч ҳаётда яшаб, эмин-эркин юрганингиз учун аввало Оллоҳга шукроналар айтинг, Президентимизга садоқат қўрсатиб, шу юртнинг фидойи ва жонкуяр инсони бўлинг. Чунки дунёнинг кўп жойларида урушу тўполонлар бўлиб турган бир пайтда, бизнинг юртимиздаги тинчлик,



ЭМИНЛИК АВВАЛО ЯРАТГАН ТАНГРИМДАН, ҚОЛАВЕРСА, ЮРТБОШИМИЗ ЮРИТАЁТГАН ОДИЛ СИЁСАТ НАТИЖАСИДИР, ДЕЙМАН.

ШУ ЎРИНДА МАРГИЛОННИМIZ ЎЗИНинг 2000 йиллик тўйи муносабати билан бениҳоя кўркам ва гўзал қиёфага эга бетакрор шаҳарга айланганини айтмасам бўлмайди. Маргилон Маргилон бўлиб ҳали бундай кунларни кўрмаган, кўчаю хиёбонлари бу қадар чиройли, одамлари ҳозиргидек хотиржам бўлмаган.

Халқимизнинг баҳтига, маргилонликларнинг баҳтига ҳар доим соғ-омон бўлинг. Танингиз дард, бошингиз фам кўрмасин.

Сизга дуои салом билан,

**Мавжуда Ахмедова,
Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри,
Зарафшон кўчаси, 14-а уй**



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Мен Чуст туманидаги 20-мактабда ишлайман. Оз бўлса-да, ҳаётнинг оғир-енгилини кўрганман, оқ-корани ажратаман. Ҳарҳолда, ўзимга етарли ҳаёт тажрибаси ва малакасига эгаман, деб ўйлайман.

Сизнинг таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотларингиз туфайли бизнинг қишлоғимизда ҳам уч қаватли иқтисодиёт коллежи қуриб ишга туширилди. Иқтидорли ўқувчилар учун лицей ҳам очилди. Қишлоғимизнинг юзлаб болалари ўқиётган бу даргоҳларда яратилган шароитни қуриб, ҳам ҳавасимиз келади, ҳам фаҳрланамиз. Мустақилликнинг нима эканини шуларга қараб яна бир бор англаймиз. Қишлоғимизга « зангори олов» келгани-чи? Жоннинг хузури-я! Қишлоғимиз тобора замонавий қиёфага кирмоқда.

Мана шу эзгу ишларнинг бошида турган Сиздек инсоннинг Наманган вилоятига қиласидаги ташрифи давомида бизнинг қишлоғимизга ҳам бир келиб кетишига орзумандмиз. Илтимос, бир келинг, ўзингиз қилган ишларни бир кўринг, кўзингиз яйрайди, дилингиз қувнайди.



Биз, 37 минг аҳоли истиқомат қиласиган Олмос қишлоғи аҳли Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, юртимиз равнақи йўлидаги хайрли ишларингизни давом эттиришингизни, Ватанимиз обўсини янада юксалтиришингизни Худодан сўраб қоламиз.

Салом ва эҳтиром билан,

**Арофатали Жўраев,
Наманганд вилояти, Чуст тумани,
«Олмос» маҳалла фуқаролар
йигинига қарашли
Тоймас-1 қишлоғи**



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Менинг 3 нафар ўғлим, 3 нафар келиним, 8 нафар набирам бор. Ҳаммалари ўқимишли. Умр йўлдошим билан бирга уларни юртни севадиган, виждонли қилиб тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Фарзандларимнинг иш жойларидан раҳматномалар эшитганимда мендан баҳтли она йўқ. Келинларим ҳам оқилу доно, намунали оила соҳибалари эканидан хурсандман.

Катта фарзандим Элмурод 36 ёшда. Тошкент Давлат консерваториясини тамомлаганида, устозлари пойтахтда қолишни тавсия қилишди. Ўғлим шароитдан келиб чиқиб уйга қайти ва ҳозир Андижон давлат санъат коллежида ёш авлодга рубоб санъати сирларини ўргатиб, кўплаб истеъдол соҳибларини етиштириб чиқармоқда. Ўзи Ўзбекистонда ёш ижрочилар конкурсida икки маротаба биринчи ўрин совриндори бўлган. Жаҳон куйлари ва ўзимизнинг мумтоз ва лирик куйларни маҳорат билан ижро этади, куй ҳам басталайди.

Сулоламизнинг ҳар бир аъзосига шу тарзда таъриф берсам, хатим анча чўзилиб кетар экан. Му-



ҳими, ҳаммалари элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фарзандлардир. Юрт бойлиги, эл тинчлиги фақат Сиз билан боғлиқ, муҳтарам Президент. Ўзингиз бошлаган ишни ўзингиз охиригача давом эттиришингизни истаймиз.

Биз оналарнинг баҳтига соғу саломат, омон бўлинг!

Хурмат билан,

**Раъно Худойберганова,
Андижон шаҳри,
«Темирйўл» берккӯчаси, 9-й
2007 йил 14 ноябрь**



Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан самимий табриклаб, энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Сиз республикамиз раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки вақтларда, яъни 90-йилларда ўтказган йиғилишларингизда иштирок этганим боис, юртдошларимиз учун ғоят оғир кечган ўша дамларда Ватанимиз, халқимиз учун чеккан ташвишларингизни, бутун заҳматларингизни ҳалиҳануз яхши эслайман, моҳиятини чуқур ҳис этаман.

Оллоҳга шукроналар бўлсинки, Сизнинг қатъий сиёсатингиз ва мардана саъӣ-ҳаракатларингиз туфайли юртимиз, халқимиз не-не синовлардан, бало-қазолардан эсон-омон ўтиб, бугун ҳар томонлама тараққий этаётган, юксалиб бораётган, ривожланаётган мамлакатга айланди. Сизга ишонаман, Сизнинг бошчилигингизда Ўзбекистон дунёдаги энг яхши ривож топган мамлакат даражасига етади.

Мамлакатимиз равнақи, Ўзбекистон халқининг фарновонлиги йўлидаги орзу-истакларингиз-



нинг амалга ошиши учун Сизга мустаҳкам соғлиқ ва куч-кувват беришини Оллоҳдан сұраб қоламан.

Хурмат ва әхтиром билан,

Укташ Хұжақулов,
Сирдарё вилояты,
Сардоба тумани,
Дүстлик күчаси, 19-үй
2008 йил 18 январь



Ассалому алайкум, хурматли ва қадрлы
Ислом Абдуганиевич!

Мен Сизни 2008 йил – Янги йил билан ҳамда әл-юрт ишончига яна бир бор сазовор бұлғанингиз билан чин юракдан табриклайман. Биз яхши биламизки, Үзбекистон тинчлиги ва осойишталағига, әл-юрт фарновонлигига, озод ва обод Ватанга ўз-ўзидан эришилгани йүқ. Бугун миллат ва Ватан келажаги, әл-юрт равнақи учун мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

Ёш бўлсам-да, собиқ тузумнинг айрим аянчли манзаралари эсимда қолган: дўкон ва бозор расталари бўм-бўш, эрталаб уйқудан уйгонган ота-она фарзандининг бугунини, рўзгорининг қандай ўтишини ўйлар эди, холос. Эндиликда ота-она ардоқ билан тарбиялаётган фарзандининг саодатли ўтаётган кунларидан мамнун, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ёруғ келажагини ҳам аниқ тасаввур қилади. Бугунги ёшлар ҳам мутлақо бошқача – янгича фикрлайдиган, дунёқарашиб кенг, мулоҳазакор, бир қанча тиљни пухта биладиган, интеллектуал салоҳиятга эга.

Худога минг шукр, әл-юрт келажаги йўлида фидоийлик кўрсатиб ёниб яшаётган, шу муқаддас Ва-



тан учун умрини, бебаҳо соғлиғини, жонини ҳам аямасдан ишлаб келаётган Сиз – фидойи Юртбoshi эл ишончини қозониб, ўзбек халқи ҳоҳиш-иродаси ва қатъиятини яна бир кара намоён этиб, тинчлигимизни, фаровон ҳаётимизни кўролмайдиган айрим ғаламис кимсаларга бизларнинг ким эканимизни, кимларнинг авлоди эканимизни такороран кўрсатиб қўйдингиз.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, мен Сизга мустаҳкам соғлиқ, букилмас ирова тилайман. Юртимизнинг дунёда мустақил ва мустаҳкам ўрни абадий бўлсин.

Хурмат билан,

**Нуриддин Турсунов,
Самарқанд давлат тиббиёт
институтининг 3-курс магистранти**

2007 иил 27 декабрь



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатимизда хотин-қизларни қуллаб-куватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кутарилган. Илм-фан, тадбиркорлик, спорт ва санъат, қўйингки, қайси соҳани олиб қараманг, аёлларимиз эришаётган ютуқлар фаҳр-ифтихорга лойиқдир.

Бугунги кунга келиб айниқса қишлоқларимизда ҳақиқий мулкдор – ер эгалари пайдо бўлди. Дехқон меҳнатига бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Сиз томонингиздан дехқон-фермерларга, тадбиркорларга юксак ишонч билдирилгани, «Тадбиркорларнинг ортида мен турибман, Президент турибди», деган даъватингиз шахсан менинг кучимга куч қўшди.

Бундан олти йил муқаддам ота-боболаримиз фойдаланиб келган оддий табиий дасмолқовоқдан турли хил шахсий гигиена маҳсулотлари – мочалкалар, даволовчи белбоглар тайёрлай бошлаганимда кўплар ҳайрон бўлганди.

Дастлаб оила аъзоларим билан 2 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган булсак, бугунги кунга келиб унинг тури 40 дан ошиб кетди. Касаначиликни ривожлантириш мақсадида 50 нафарга яқин хотин-



қизга ҳунар ўргатиб, иш билан таъминладик. Ҳозирда оддий ўзбек аёллари тайёрлаган бу маҳсулотларга хорижда ҳам қизиқиш ортиб бораётгани кувончили, албатта.

Ўтган 2007 йил мен учун омадли келди, десам муболага бўлмайди. Чунки, мен «Ташаббус-2007» кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичида «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиб бўлдим. Ҳиндистонда ўтказилган тадбиркор аёллар халқаро конференциясида иштирок этдим.

Мазкур анжуманга Англия, Швейцария, Кувайт, Белорусь каби бир қатор давлатлардан келган тадбиркор аёллар бизнинг ишларимиз билан қизиқишиди. Келгусида амалий ҳамкорлик қилиш юзасидан келишиб олдик.

Биз каби аёлларга мана шундай бекиёс имкониятлар яратиб берганингиз учун яна бир бор Сизга ўз самимий миннатдорлигимни изҳор қиласман. Бошлаган эзгу ишларингизни амалга оширишда, туганмас куч-куват, омад ҳамиша ёр бўлишини, Сизни Оллоҳ ўз паноҳида асранини тилайман.

Самимий ҳурмат билан, маргилонлик ҳунарманд –

Матлубахон Исмоилова,
Фарғона вилояти,
Маргилон шахри,
О. Азизов кўчаси, 26-й

2008 йил 22 февраль



Муҳтарам Президент!

Бизнинг қадимий Чуст шаҳри аҳли азалдан ҳунармандчилиги, айниқса, дўппию пичоқлари билан машҳур. Мен ҳам момоларимиз, оналаримиздан бу ноёб ҳунар сирини пухта ўрганиб, 35 йилдан бўён дўппи тикиб келаман. Ҳозирги кунда 50 нафардан зиёд шогирдим бор.

Қадрии Ислом Абдуғаниевич, Сизнинг таваллуд кунингизга ўз қўлларим билан тиккан дўпнимдан совға қилишни ният қилдим. Бу дўппини бор меҳримни бериб тикканман. Дўппида Сизнинг исмингиз ва Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги сўзлари муҳрангган.

Она Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги барча ишларингиз бароридан келсин. Бахтимизга ҳамиша соғсаломат юринг, азиз бошингиз доимо омон бўлсин!

Сизга самимий ҳурмат ва эҳтиром билан,

Рисолатхон Раҳимжонова,
Наманган вилояти,
Чуст тумани, «Деҳқонобод»
маҳалласи, 227-й

2008 йил 6 февраль





**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Мен Сизга табиий гуллардан санъат даражасида қотириб тайёрланган икэбаналар олиб келган эдим. Техника ва оз миқдордаги кимёвий усул билан қотирилган бундай табиий гуллар – икэбаналар чет элда жуда машхур. Чунки улар ўзларида табиий гузалликни намоён этади ва бу гузалликни узоқ вақт сақлаб қолиш хусусиятига эга.

Инсонга завқ берадиган икэбаналар, айни пайдада, юрак қон-томирларининг бир маромда уришига, қон босимининг тушишига ёрдамлашади, асабни тинчлантиради, уй ҳавосининг мусаффолигини таъминлайди. Сирен – баркамоллик, улуғворлик тимсоли, оқ гуллар – поклик рамзи, шу каби бошқа гуллар ҳам шодлик ва қувонч белгисидир.

Ниятим, Оллоҳ Сизни ва оила аъзоларингизни эл баҳти, юрт тинчлиги учун доимо соғ-саломат қилсин, ҳар бир ишингизда ўзи кўмакдош бўлсин! Кириб келаётган янги йилнинг ҳар бир куни қалбинингизга қувонч олиб кирсин!

Сизга ҳурмат билан,

Гулчехра Фуломова,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани,
Янгиер кўчаси, 24-үй
2006 йил 24 декабрь



**Ўзбекистон Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга!**

Мен ўтган йили Сизнинг номингизга мактуб ёзиб, унда Марғилон тиббиёт коллежини тамомлаганим ва мутахассислигим бўйича ишга жойлашишга ёрдам беришингизни сураб илтимос қилган эдим. Ушбу мурожаатимга Президент девонидан жавоб хати келди ва шунга асосан ўз мутахассислигим бўйича ишли бўлдим. Ҳозир ўз севган касбимда ишлайпман.

Республиканинг чекка туманида истиқомат қилаётган, оддий бир ёш қизнинг мурожаатини ҳам зътиборсиз қолдирмасдан, ўз фарзандингиздек куриб, ёрдам берганингиз учун жуда катта раҳмат айтаман. Сиздаги меҳр-оқибат, самимият, бағри-кенглик, ғамхурлик мени ҳайратга солади.

Илтимосим шуки, Фарғона водийсига, Марғилон шаҳрига келсангиз, бизнинг хонадоннинг ҳам азиз меҳмони бўлинг, бир пиёла иссиқ чой дамлаб берай, бирпас ҳордиқ олинг.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб, самимий миннатдорлик билан,

**Ўғилой Каримова,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри,
Каналбўйи кўчаси, 240-үй**



Ассалому алайкум, ҳурматли Президент!

Софу саломат, давлат ишлари билан чарчамасдан юрибсизми? Мен Сизни ўзим ва оила аъзоларим номидан Наврӯз айёми билан чин қалбимдан табриклайман. Илоҳим, ҳалқимиз баҳтига доимо бор бўлинг, узоқ умр кўринг!

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сизга 2008 йилнинг 5 нояброда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш масаласида ёрдам беришинизни сўраб мактуб йўллагандим. Ушбу мактубимни инобатга олганингиз учун Сиздан бир умр миннатдорман. Сизга йўллаган мактубим кўриб чиқиб амалий ёрдам беришлари учун Хоразм вилоятининг Хива тумани ҳокимлигига жўнатилган экан. Туман ҳокимлиги томонидан менга қонуний ёрдам кўрсатилди – уй-жой қуришим учун ер майдони ажратиб берилди.

Мустақил Ўзбекистонимиз, ҳалқимиз баҳтига Сиз, азиз Юртбошимиз соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўриб юринг!

Ушбу миннатдорлик изҳори битилган мактубими ни якунлаб, Сизни яна бир бор Наврӯз байрами билан табриклаб қоламан.

Салом билан,

**Нодирбек Маткаримов,
Хоразм вилояти, Хива тумани,
Р. Мадаминов фермерлар уюшмаси**
2009 йил 7 марта

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен 57 ёшга кирган бўлсам-да, шу пайтгача бирон марта юқори идораларга хат ёзган одам эмасман. Ариза ёки шикоят билан ҳам мурожаат қилмаганман. Аммо янги, 2008 йил арафасида Сизга бир илтимос билан мурожаат этишга журъат қилдим.

Агарки, мустақилликнинг ўтган 17 йилини таҳлил қиласидан бўлсан, дунёда деярли ҳеч ким билмайдиган, шуролар республикаси бўлган Ўзбекистон Сизнинг оқилона, том маънода матонатли сиёсатингиз туфайли шу қисқа вақт ичида ҳар томонлама гуллаб-яшнаётган мамлакатлардан бирига айланди. Ўзбекистонимизни бугун Европада ҳам, Америка қитъасида ҳам, Осиё ва Африкада ҳам, Австралияда ҳам яхши билади ва ҳурмат қиласиди.

Ҳалқимиз ишлаб чиқаришдан ташқари илм-фан, маданият ва спорт, маърифат соҳаларида ҳам йилдан-йилга янги мэрраларни забт этиб, изчил юксалиш йўлидан бормоқда. Юртдошларимиз хорижий давлатларга эмин-эркин бориб келмоқда, фарзандларимиз биз номини ҳам эшитмаган даргоҳларда ўқиб келмоқда. Ваҳоланки, илгари дунё кезиши, ўзга юртларни қуриш ўзбекистонликлар учун ушалмас орзу эди. Энди эса ҳар биримиз ўзи-



миз истаган хорижий давлатда бемалол ўқиб, ишлаб ёки саёҳат қилиб келишимиз учун ҳамма шартшароит муҳайё.

Буларнинг барчасига мустақиллигимиз туфайли эрищдик. Айни чоғда, тарих олдида 17 йил унчалик кўп муддат ҳам эмас...

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Кўйида келтирадиган қиёсим учун мени маъзур тутишингизни сўрайман, Сиз мени тўғри тушунасиз ва койимайсиз, деган умиддаман. Ўзбекистон давлати ва Ўзбекистон халқи – бу, ҳаддан ташқари қалтис халқаро муносабатлар ҳукм сурган жуда оғир бир шароитда Сиз йўргаклаб олган ва 17 ёшга етгунича муттасил меҳр-оқибат билан парвариш қилган жондек фарзандингиздир. Шундай экан, бир ўйлаб қўрайлик-чи, 17 ёшли болани ҳаёт уммонида якка-ёлғиз қўйиб юбориб бўладими? Яхшиси, уни 25–30 ёшли забардаст ўғлон бўлгунича мустақил яшашга тайёрлаб, шундан сўнг ҳаётнинг катта йўлига кузатиб қўйиш мақбул эмасми?..

Менинг Сиздан, Сиз орқали депутат ва сенаторлардан сўрайдиган энг катта илтимосим мана шу: Ислом Абдуганиевич мамлакатимиз Президенти лавозимидағи фаолиятини давом эттириши керак!

Буни мен ҳаммангиздан ўтиниб сўрайман. Ишончим комил, Ўзбекистон халқи менинг бу ил-



тимосимни тўла қўллаб-қувватлайди ва баҳамжидат бўлиб Сизга қанот бўлади.

Хатимнинг охирида Сизни мустақилликнинг 17 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ўта масъулиятли ишингизда сабот ва матонат тилайман.

Чуқур эҳтиром ила,

Риннат Сахаталиев,
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри,
5-даҳа, 1-үй, 13-хонадон



ДУНЁ ЭЪТИБОРИ ВА ЭҲТИРОМИ

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёга танитиши, уни жаҳон миқёсига олиб чиқиш ва ўз ўрнини мустаҳкамлашида давлатимиз раҳбарининг хизматлари бекиёс. Халқаро жамоатчилик Юртбошимиз олиб бораётган сиёсат тимсолида Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини, унинг бугунги ҳаёти, турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ва ёруғ келажагини кўради. Таниқли сиёсат ва маданият арбоблари, оддий инсонларнинг самимий хатлари ана шундай юксак эътироф ифодасидир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига**
Тошкент, Ўзбекистон

Муҳтарам Президент жаноблари!

Жаноб Шигео Кацунинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи давомида Жаҳон банки делегацияси билан ўтказган самарали мулоқотингиз, шунингдек, 2009 йил 3 март куни йўллаган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаҳон банки гуруҳи сув-энергетика тармоги Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва



аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этади. Минтақадаги узоқ муддатли барқарорлик ва истиқболда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши кўп жиҳатдан минтақавий ҳамкорлик муваффақиятига ҳамда барча миллий стратегик манфаатларнинг хурмат қилинишига боғлиқдир.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳукумати мурожаатига жавобан, Жаҳон банки гуруҳи Марказий Осиёнинг беш мамлакати билан сув-энергетика масалалари юзасидан фаол музокара олиб бормоқда. Жаҳон банки гуруҳи БМТ Бош ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда қабул қилинган «Энергия манбаларининг ишончли ва узлуксиз транзити ҳамда унинг барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорликни таъминлашдаги роли» резолюциясига тўла мос равища фаолият юритиб, барча аъзо мамлакатларнинг олий манфаатлари йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда, ўз қоида ва процедуралари қўлланишига фоят катта эътибор қаратмоқда.

Жаҳон банки гуруҳи сўнгги йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги сув ва энергетика билан боғлиқ бир қанча лойиҳаларни амалга оширишда, бу борада тадқиқотлар олиб боришида иштирок этди. Бу лойиҳа ва тадқиқотлар Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик доирасида Энергетика бўйича стратегик концепция ишлаб чиқиши имконини берди. Мазкур концепция 2008 йил



ноябрда Бокуда ўтказилган вазирлар даражасидаги конференция чогида барча мамлакатлар томонидан маъқулланди. Жаҳон банки гурӯҳи ушбу концепцияга асосланган ҳолда, минтақадаги аниқланган ва келгусида аниқланадиган энергия ресурслари, жумладан, сув ва иссиқлик энергетикаси ресурслари, қайта тикланадиган ва бошқа энергия манбаларининг ҳажмини белгилаб олиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Шу асосда трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмida жойлашган мамлакатларнинг қиши мавсумда энергияга муқаррар эҳтиёжи, трансчегаравий дарёларнинг қўйи қисмida жойлашган мамлакатларнинг ёз мавсумида экологик ва гидрологик эҳтиёжларига тегишли равишда эътибор қаратилишини ҳамда улар ўртасида мувозанат сақланишини таъминлайдиган бир қатор изчил чора-тадбирларни таклиф қўлмоқчи эдик.

Тожикистон ҳукумати таклиф этган Рофун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзасидан қўйидагиларни баён этишга ижозат бергайсиз. Банк бу қурилишнинг минтақага салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Тожикистон ҳукумати олдида фақат дастлаб лойиҳани қай даражада амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш учун бирламчи тадқиқотларни ўтказиш мажбуриятини зиммасига олди.

Ушбу тадқиқотлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга оид ҳалқаро битимларга мувофиқ, таклиф этилган лойиҳанинг тех-



ник, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан нечоғлиқ мақсадга мувофиқ экани, шунингдек, қурилиш келтириши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий оқибатлар аниқланади.

Шу маънода, Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қўйи қисмida жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги туғрисидаги фикрларингизни тұла қуллаб-куваттайди.

Бу омилларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Кацу жаноблари, Жаҳон банки гурӯҳи ушбу масалалар техник тадқиқотларнинг ажralmas қисми сифатида жуда пухта ўрганиб чиқилишини кафолатлайди, деб Сизни ишонтириб айтган эди. Мен ҳам буни алоҳида таъкидламоқчиман. Қўшимча равишда шуни айтишим керакки, ушбу тадқиқотларнинг натижалари барча манфатдор мамлакатларга тақдим этилади ва бу каби иншоотлар қурилиши борасида умумий, ўзаро мос нуқтаи назар ва ёндашувларни шакллантириш учун муҳокама этилади.

Сиз кўтарган барча масалалар ушбу тадқиқотларнинг техник вазифалари сирасига киритилади.



Тадқиқотларни Жаҳон банкининг тартиб-қоидала-рига мос равишда жалб қилинадиган, халқаро миқ-ёсда эътироф этилган консалтинг компаниялари олиб боради.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, банк тадқиқот натижалари бўйича мустақил хулоса берадиган Халқаро мустақил эксперталар комиссиясини таъсис этади. Жаҳон банки ошкораликни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009–2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари Халқаро мустақил эксперталар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқилаверади.

Томонларнинг барчаси ўзини ташвишга солаётган масалалар тўлиқ ҳал этилганига ишонч ҳосил қилиб, Рофун ГЭСи каби лойиҳаларга сармоя кириши мақсадга мувофиқ ва фойдали эканини маъкулласа, Ўзбекистоннинг бундай инвестицион лойиҳаларда иштирок этишга қизиқиши билдиришдан мен мамнун бўлур эдим.

Сизнинг мактубингизда таъкидланганидек, Марказий Осиёнинг энергия экспорти борасидаги салоҳиятини ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Бизнинг мақсадимиз минтақага сармоя барқарор ва изчил кириб бориши учун масаланинг техник, молиявий ва экологик жиҳатла-



рини кўриб чиқиши юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилишдан иборатdir. Шунингдек, Сиз билан Ўзбекистонга қўшни мамлакатларнинг энергетика соҳасида дуч келаётган қисқа муддатли, лекин мураккаб муаммоларини ҳал этиш бўйича ёндашувларни муҳокама этишни истар эдик.

Биз истиқболда Ўзбекистон билан ҳамкорлики давом эттиришдан фоят манфаатдормиз.

Эҳтиром ила,

**Роберт Зеллик,
Жаҳон банки президенти**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2009 йил 15 апрель)





**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Парижга қайтгач, гўзал мамлакатингизга иккинчи ташрифим чоғида менга кўрсатилган меҳмондустлик ва самимий қабул учун Сизга яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини, айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида таълим соҳасини ривожлантириш, ҳам моддий, ҳам номоддий маданий меросни асраб-авайлаш ва сақлаш масалаларини Сиз билан муҳокама қилиш имкониятига эга бўлганимдан фоят баҳтиёрман.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринbosари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия раҳбари Р. Қосимов билан биргаликда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумни имзолаганимизни мамнуният билан қайд этишга ижозат бергайсиз. Бу Ўзбекистон билан ташкилотимиз ўртасидаги шериклик мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганидан далолат берибина қолмай, ЮНЕСКО қамраган соҳалар доирасидаги бўлғуси ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг асосий йўналешларини ҳам белгилаб беради.



Тошкент Халқаро Вестминстер университети ректори билан биргаликда ЮНЕСКОнинг иқтисодиёт бўйича кафедрасини – ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ўнинчи кафедрасини очиш борасидаги ҳужжатни имзолаганимдан ҳам фоят мамнунман.

Ишончим комилки, бизнинг, айниқса, таълим соҳасида, Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда тарихий обидалар ва маданий анъаналарни асраб-авайлаш борасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимиз (ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали сингари тадбирлар) барчанинг таълим олишини таъминлаш ва таълим сифатини оширишга, маданий меросни сақлашга, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришга, институционал қурилишга қаратилган миллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш ишларига катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Мамлакатингиз билан Оролбуйи минтақасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ҳамкорликни изчил давом эттирамиз, деган умиддаман. Ўзбекистон бу йўналишда катта саъй-ҳаракатлар курсатмоқда.

Мамлакатингизнинг янада гуллаб-яшнашини тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган фоят юксак эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**Коичиро Мацура,
ЮНЕСКО Бош директори**
(«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 18 октябрь)



ҚУТЛОВ МАКТУБИ

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийларига

ЮНЕСКО Сизни бугунги қувончли воқеа – **ЮНЕСКО** ва бутун Ўзбекистон Республикаси бўйлаб нишонланаётган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод этади.

Қарши шаҳрининг юбилейи каби тарихий саналарни нишонлаш халқлар маданиятини ўзаро бойитишда, халқаро мулоқот ва ҳамжиҳатликни ривожлантиришда, аввало, тинчликни мустаҳкамлашда муҳим ҳаётий аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг меъморий дурдонаси – Қарши дунёнинг энг кўхна шаҳарларидан булиб, Марказий Осиё цивилизацияси ва маданияти тарихида муҳим ўрин тутади. Бу шаҳар Одина ва Кўкгумбаз масжидлари, Хўжа Абдулазиз мадрасаси ва Қашқадарё узра ўтган кўприк каби меъморчиликнинг ноёб намуналари билан машҳур.

Суғлар Нахшаб, араблар ва форслар Насаф деб атаган Қарши Амир Темур замонида, ундан кейин Бухоро амирлиги даврида муҳим аҳамиятга эга шаҳарга айланди. Бугдой, пахта ва илак етишириш борасида дунёга донг таратди. Буюк Ипак йўли – Балх ва Бухоро ўртасидаги муҳим стратегик жой-



да, карvon йўлларининг асосий чорраҳасида жойлашган турфа маданиятли ва кўп миллатли бу шаҳар маданий, тижорий ва илмий ҳамкорлик маркази, халқлар ва маданиятлар мулоқоти маскани ҳам бўлган. Ўз тарихий-маданий анъаналарини сақлаб қолган Қарши бугун ҳам кўплаб олим ва тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб этиб келмоқда.

Қаршининг 2700 йиллиги **ЮНЕСКО** иштирокида нишонланиши бу тарихий-маданий марказни келгуси авлодлар учун динлар, маданиятлар ва цивилизациялар мулоқотининг намунаси сифатида сақлаб қолиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. Бугунги Қарши – Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ўзбек халқининг маданий-тарихий меросини асраб-авайлашга қаратилган сиёсати муваффақиятининг ёрқин исботидир.

Жорий йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида **ЮНЕСКО** «Жаҳон илм-фани ва маданияти дурдонлари – 1000 йиллик Хоразм Маъмун академияси ва 2700 йиллик Қарши» халқаро конференцияси ва кўргазмасини ўtkазиш шарафига мусаввар бўлди. Бундай тадбирлар **ЮНЕСКО** фаолиятининг халқлар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш борасида кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ташкилотимиз қадимий маданий ва савдо йўлларининг, яъни Буюк Ипак йўлининг тикланиши кўхна Қарши шаҳрига **ЮНЕСКО**нинг асосий мақсадларга эришиш йўлида яна марказий роль ўйнаш имконини яратади, деб умид қулади. Бутун



дунёда тинчликни қарор топтириш, маданий ва диний түсикларни бартараф этиш, маданиятлар-аро мулоқот ва маданий ранг-барапникни ривожлантириш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик ва тараққиётпарварлик устувор бўлган жамиятларни шакллантириш – буларнинг барчаси Ташкилотимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Президент Жаноблари, Сиз тараққиётнинг маънавий ва моддий жиҳатларини күшнинг икки қанотига қўяслагансиз. Ўзбекистон ҳукумати тараққиётда маданиятнинг ролига катта эътибор берадигани, бутун инсоният меросининг ажралмас бир қисми бўлган бу қадим заминнинг ноёб маданий ва маънавий меросини асрраб-авайлаш ва тиклаш ишларини изчил қўллаб-куватлаб келаётгани учун Сизга миннатдорлик билдириш менга мамнуният бағишлайди.

**Кончиро Мацуурा,
ЮНЕСКО Бош директори**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 1 ноябрь)



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

2008 йил 28 апрель – 4 май кунлари Ўзбекистон пойтахти – гўзал Тошкент шаҳрида мактаб уқувчиларининг 42-Халқаро Менделеев олимпиадасига тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш чоғида курсатган ёрдамингиз, маддингиз ҳамда доимий эътиборингиз учун Сизга қизғин ва самимий ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Барча қатнашчилар: уқувчилар, жамоалар раҳбарлари ва халқаро жюри аъзоларининг яқдил фикрига кўра, Тошкентдаги 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси фоят юксак ташкилий савияда ўтди. Олимпиадаларнинг бутун тарихи мобайнида илк маротаба барча олимпиада қатнашчилари учун дастур тайёрланди ва аввалги биронта ҳам олимпиадада бўлмаган барча шарт-шароитлар яратилди. 42-Менделеев олимпиадаси мамлакатингизда Ёшлар йили деб эълон қилинган йилда ўтганлиги катта рамзий маънога эга бўлиб, битта олтин, битта кумуш ва ўн битта бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон жамоасига улкан ютуқ келтирди. Уқувчиларни аниқ мақсадлар йўлида тайёрлаш самараси



ўлароқ, Ўзбекистон ёш кимёгарларининг муваффақияти Сизнинг мамлакатингизда ёш истеъод соҳиблари оқилона тарбияланётганидан далолатdir.

Ишончим комилки, таълим, илм-фан ва маданиятнинг йирик ҳалқаро анжумани сифатида Тошкент олимпиадаси унинг барча қатнашчилари ҳаётида унтутилмас ва ёрқин воқеага айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти олимпиада қатнашчилари нигоҳида замонавий Ўзбекистон воқеликларини кўриш, унинг таълим ва фан, иқтисодиёт ва маданият соҳалари, фуқаролари ҳамда ўзбек ҳалқининг тарихи түгрисида тасаввур ҳосил қилишдек ажойиб имкониятга эга бўлди.

Сизнинг доимий ғамхўрлигинги туфайли Ўзбекистон ёшлари ўзларининг истеъодларини ривожлантира бориб, ўз Ватанининг равнақини ва муваффақиятларга эришишини таъминлайверишига ишончим комил. Серқирра фаолиятингизда Сизга чин дилдан муваффақият ва омадлар, Ўзбекистоннинг иқтидорли ва меҳнатсевар ҳалқига тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

В. Садовничий,

**Евросиё университетлари уюшмаси президенти, М. В. Ломоносов номидаги
Москва давлат университети ректори,
Россия Фанлар академияси академиги,
профессор**

(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 24 июнь)



**Ҳазрати Олийлари
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жанобларига**

Жаноби Олийлари!

Мен ўзим суратга туширган энг яхши фототасвирларни муносиб бир нашр тарзида тўплаб чоп этишни кўпдан бўён орзу қилас әдим. Ба ниҳоят «Ёввойи табиат манзаралари» номли альбомимнинг дунё юзини кўриши туфайли ана шу орзум рўёбга чиқди. Бу альбомда жаҳоннинг 80 та мамлакати ва 219 та шаҳрида мен олган фотосуратлар жамланган.

«Assoulin Inc.» нашриёти чоп этган «Ёввойи табиат манзаралари» китоб-альбоми бир-бирини тақрорламайдиган турли бобларга бўлинган бўлиб, «Табиат гўзаллиги» бобидан — гуллар, довдараҳтлар, қоялар тасвиirlари; «Меъморлик намуналари» бобидан — сайд-саёҳат, томоша ва зиёрат мазмунидаги расмлар, шунингдек, «Ёввойи табиат» бобидан ҳам бир қанча ноёб фотосуратлар ўрин олган. Ҳар бир боб муаллиф томонидан ёзилган ва китобхонда қизиқиш уйғотишга қаратилган ихчам лавҳа ва иқтибослар билан бошланади.





Бутунжаҳон ёввойи табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилоти директори Жим Липе китобга сўзбоши ёзган.

Ушбу альбом DVD (электрон диск) шаклида ҳам чиқарилган бўлиб, у муқованинг охирги вараги ичкарисига биркитилган. Диск фотосуратларнинг мультимедиа слайд-шоуси учун мўлжалланган; уни фақат компьютер орқали томоша қилиш мумкин.

Мазкур альбомни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этиш ва у Сизга манзур бўлади, деб умид қилиб қолиш менга катта мамнуният бағишлиади.

Самимият билан,

Професор Херш Чадха,
Қироллик фотография
жамияти (ARPS) аъзоси,
(Буюк Британия)

2009 йил 26 январь

Эслатма: ушбу альбомга муаллиф томонидан суратга олинган Бухоро шаҳридаги қадимий ва ноёб меъморий обида – Кўшмадрасанинг фототасвири ҳам киритилган.



**ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ ЖАҲОН ФАНИ РИВОЖИГА
ҚЎШГАН УЛКАН ҲИССАСИНИНГ ЯНА
БИР ЭЪТИРОФИ**

Давлатимиз раҳбарининг «Биз киммиз, қандай улуғ аждодларнинг ворисларимиз» деган савол ҳар бир юртдошимизни ўйлантирмоғи лозимлиги ҳақидаги даъвати ҳаётда ўзининг амалий тасдигини топмоқда. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги кенг миқёсда нишонланиши ва шу муносабат билан юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Президент Ислом Каримовномига кўплаб халқаро ташкилотлардан, жаҳоннинг таниқли фан ва маданият арбобларидан, хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий ўкув юртлари раҳбарларидан табрик мактублари келди.

Ушбу хатларда давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлигига инсоният цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири бўлмиш Ўзбекистон ҳудудида жойлашган бир неча минг йиллик маданий обидалар, ёдгорликлар, осори атиқаларни қайта тиклаш, уларга иккинчи умр баҳш этиш, энг муҳими, ёш авлодни мана шу буюк меросга садоқатли ворислар этиб тарбиялаш борасида олиб



борилаётган тарихий ишларга юксак баҳо ва самимий эътироф акс этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига йўллаган табригида Ислом конференцияси ташкилоти Бosh котиби Акмалиддин Эҳсон ўғли куйидагиларни ёзади:

«Ислом конференцияси ташкилоти Сизнинг ўзбек халқининг нодир миллий қадрятларини тиклаш, бой илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ўрганиш ва асрар-авайлаш ҳамда кенг тарғиб қилиш борасидаги саъӣ-ҳаракатларингизни юқори баҳолайди.

Дарҳақиқат, қадим Хоразм диёридан етишиб чиққан маърифат юлдузлари – Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аз-Замаҳшарий, Нажмидин Кубро сингари буюк олим ва муғафаккирлар ислом цивилизацияси ривожи ва жаҳон илм-фани тараққиётига бекёёс ҳисса кўшганликларини дунё афкор оммаси эътироф этади».

М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори академик В. Садовничийнинг давлатимиз раҳбари номига йўллаган мактубида, жумладан, шундай сатрлар бор:

«Хоразм Маъмун академиясининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига кўшган улкан ҳиссаси, бугунги кунда ёш авлодни миллий гурур ва ўз мамлакати тарихига чукур хурмат руҳида тарбиялаш ишидаги аҳамияти бекёёсdir. Мазкур академия минтақада илм-фанни ривожлантириш билан бирга давлатларнинг ўзаро маданий алоқаларини, турли дин-



га мансуб халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида тарих саҳифаларида чукур из қолдириди. Сизнинг ташаббусингиз билан қайта тикланган ушбу илм даргоҳи бугунги кунда бутун дунёда маданият ва тараққиётнинг олий мақсадларини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, ушбу унтилмас кунда Сизга Ўзбекистон Республикасининг равнақи ва халқининг фаровонлиги йўлидаги улкан ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Хоразм Маъмун академияси жамоасига эса илм-фан ва таълимни янада ривожлантириша улкан ютуқлар тилайман».

Мисрдаги «Ал-Азҳар» илмий мажмуаси раҳбари Шайх Муҳаммад Саййид Тантовий ўз табригида куйидагиларни таъкидлайди:

«Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама қўллаб-кувватлашингиз натижасида қайта тикланган мазкур тарихий-илмий марказ – Хоразм Маъмун академияси бамисоли үтмиш ва келажакни боғлаб турувчи робитадир. Биз ушбу илм даргоҳи мисолида Ўзбекистонда илм-фан, маданият ва таълим соҳаларига берилаётган улкан эътиборнинг яқдол исботини кўрамиз. 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг дунёда катта аҳамиятта эга эканлигидан яна бир далолатдир».

«Корея – Ўзбекистон жамияти» раиси Ким Юн Сок ўзининг самимий эътирофини қуйидаги сўзлар билан ифода этган:



«Иқтисодиётнинг юксалишида, айниқса, таълим муҳим үрин тутади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти жаноб Ислом Каримовга таълим сифатини ошириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳамият берётгани учун ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Менинг ўзбек миллатининг келажаги ёруғ эканига ишончим комил. Дунёга Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома ва мутафаккирларни берган бу халқ бугун жаҳоннинг илм-фан бешикларидан бири ҳисобланган Маъмун академияси таъсис этилганинг 1000 йиллигини кенг нишонламоқда.

Агар Ибн Сино бўлмаганида Фарб тиббиёти бугунги тараққиётига эриша олмасди. Бундан ташқари, «0» рақамини кашф этган Ал-Хоразмий бўлмаганида математика ва физика фанлари бугунги дарражага кўтарила олармиди?»

«Темурйлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш» Франция ассоциацияси Президенти Люсъен Керен ва Бosh котиби Фредерик Брессаннинг Юртбошимизга йуллаган табрик мактубида кўйидагиларни ўқиймиз:

«Биз ассоциациямиз номидан Буюк Ипак йўлида жойлашган Хива шаҳрида ЮНЕСКО шафेълигига ўз юбилейини нишонлаётган, инсон дунёни англаши учун янада кенг йўл очишга ҳизмат қиласиган гояларни тарғиб этиб келган Хоразм Маъмун академияси жамоасини чин қўнгилдан табриклаймиз.



Ушбу юбилей бугунги кунда, йигирма биринчи асрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан «Байтул ҳикма»га – X–XI асрларда илм-фанни ривожлантириш йўлида бекиёс ҳизмат қиласига даргоҳига кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эътибор намунасиdir. Бу Магрибу Машриқда яшаган халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг асосларидан бири доимо маданият бўлганини яна бир бор исботлайди».

Хоразм Маъмун академиясининг инсоният илмий-маънавий меросига қўшган буюк ҳиссасини юқори баҳолаган Корея Республикасининг Кёнгхи университети Президенти Бюнг Мук Ким ўз мактубида бундай ёзади:

«Шуни комил ишонч билан айтиш мумкинки, олимларнинг башарият тарихидаги илк ҳамжамияти бўлган Маъмун академияси жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган. Шу боис, муҳтарам Президент, Сизнинг Хивада Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги 1997 йилда қабул қиласига фармонингиз ғоят муҳим воқеа бўлганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистоннинг бой илмий, маънавий ва маданий меросини тиклаш ишига Сизнинг юксак эътиборингиздан яна бир далолатдир».

Япониянинг Сока университети ректори Масами Вакаэ ҳам Ўзбекистон Президентини инсоният тамаддунининг йирик илмий учоқларидан бўлмиш Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан самимий қутлайди:



«Ушбу академияда камол топган буюк аллома, қомусий олим Абу Али ибн Сино илм-фани инсоният йўлини ёритувчи мингларча қўёшга қиёслаган эди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам қайтадан дунё юзини кўрган мазкур маърифат маскани курраи заминда яшовчи халқларнинг бирбирини маънан бойитиш, адолат, тинчлик-тотувликка интилиш йўлини нурафшон этиб турибди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Сизнинг инсоният олдидағи хизматларингиз алоҳида эътиборга лойиқдир».

Франциянинг Сорбонна университети Президенти Пьер-Ив Энин ўзининг қутлов мактубида бундай деб ёзди:

«Хоразм Маъмун академияси бундан 1000 йил муқаддам илм-фани ривожлантириш учун ғоят мустаҳкам илмий асосга эга бўлган. Бу илмий ҳамжамият ўша пайтдаёқ бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келётган илмий тадқиқотларнинг асосий йўналешларини белгилаб берган эди.

Бугун биз ўтмишни англаш учун ўз тарихини ардоқладиган, эрамизнинг икки минг йиллиги туашган даврда яшаган аждодлари муваффақиятларининг ҳурматини жойига қўядиган ўзбек халқини муборакбод этиш имкониятига эгамиз».

Германиянинг Макс Планк номидаги фанлар тарихи институти директори Юрген Ренн Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимий ва бой маданий-маърифий меросининг тарихий аҳамиятини бундай эътироф этади:



«Хоразм Маъмун академиясининг қайта тиклашини ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакатда илмий-маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга катта эътибор бериладигандан яна бир далолатдир. Германиянинг Макс Планк фанлар тарихи институти, Хоразм Маъмун академиясини тиклаш орқали анъаналярни мустаҳкамлаш нафақат буюк ўтмиш, балки келажак учун ҳам катта имкониятлар эшигини очиб беради, бундан турли фан ва маданийлар интеграцияси факат фойда кўради, деб ҳисоблайди. Академиянинг қайтадан дунё юзини қўришида мана шундай истиқбол мавжуддир».

Россия Федерациясининг «Курчатов институти» илмий маркази президенти, академик Е. Велихов табригидан қуйидаги самимий тилаклар ўрин олган:

«Хоразм Маъмун академиясини тиклаш тўғрисидаги қарор ўзбекистон раҳбариятининг миллий илм-фани ривожлантиришга жиддий ва комплекс ёндашувидан далолатдир.

Шу муносабат билан Сизга ва Ўзбекистоннинг бунёдкор халқига фаровонлик ва барқарорлик, кудратли ва гуллаб-яшнаётган мамлакат барпо этиш йулида янгидан-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз».

Франция Фанлар академияси президенти Эдуард Брезин ўзбекистонда нишонланадиган Хоразм Маъмун академияси юбилейи муносабати билан давлатимиз раҳбарига йўллаган табригига шундай ёзди:



«Маъмун академияси бугун мен раҳбарлик қилаётган академиядан олти асрдан кўпроқ вақт илгари мавжуд бўлгани яхши маълум. Европада илмий тафқур юнонлар давридан кейин деярли тўхтаб қолган бир пайтда бугунги ўзбек заминида фан ва техника юксак ривож топганидан биз ҳайратда қоламиз.

Ишонамизки, бу ажойиб юбилей барча ҳамюртларингизга илҳом бағишлиб, мамлакатингизнинг ёш ва ёрқин истеъод эгаларини ўз аждодларининг шонли анъаналарини бойитиш йўлида сафарбар қиласди. Зотан, башариятнинг эзгу мақсадлари ҳам айнан шундан иборатdir.

Яна шунга аминмизки, миллий анъаналаридан қатъи назар, курраи заминдаги барча ҳалқларнинг ўзаро мулоқот ўрнатиши, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни йўлга кўйиншида фан муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Ўзбекистон бугунги тантаналар орқали фан ва техниканинг роли ва истиқболини янада юксак даражага кутаришига ишончимиз комил».

Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати, Бosh вазирнинг собиқ ўринбосари Ким Жин Пё ўз мактубида давлатимиз раҳбарини Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан кутлади ва мазкур илм-фан марказининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди:

«Сиз, Жаноби Олийларини ва Сиз орқали дуст Ўзбекистон ҳалқини тарихий сана – Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги билан муборакбод этишдан баҳтиёрман.



Ажойиб мамлакатингизнинг шонли тарихи муҳим воқеаларга бой ва уларга кўп давлатлар ҳавас қиласа арзийди. Шулардан бири қадим Хоразмда Маъмун академиясининг ташкил этилишидир. У нафақат сизнинг мамлакатингиз алломалари, балки инсоният цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган Яқин ва Ўрга Шарқ олимлари учун ҳам илмий гоялар марказига айланган эди.

Ҳозирги қудратли давлатларнинг айримлари ҳали жаҳон харитасидан жой олмаган кезларда бугунги Ўзбекистон ҳудудида табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланувчи илмий ҳамжамият мавжуд бўлғанлигининг ўзи ҳайратланарли ҳолдир. Бу ўринда Хоразм Маъмун академиясининг асосчиларидан бири, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Берунийни эслашнинг ўзи кифоя.

Бугунги Ўзбекистоннинг бой маданий ва тарихий меросини асраш, ўзбек ҳалқининг кўп асрлик маънавий анъаналаридан мамлакат миллий манбаатлари йўлида самарали фойдаланиш борасида Сизнинг раҳбарлигингизда олиб борилаётган сиёсат эҳтиром ва ҳайратимизни янада ошириши шубҳасиздир.

Сизнинг меҳмондуст мамлакатингизга икки марта бориш баҳтига мұяссар бўлғанман ва ўзбек ҳалқи ўз тарихий меросини асрраб-авайлашга нечоғлиқ катта эътибор беришига ишонч ҳосил қилганман. Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари ҳам бунинг ёрқин далили бўлиб, дунё илмий жамоатчилиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.



Мен Сизнинг халқингизнинг шиорига айланган, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган сўзларингизни кўп эшитганман. Бой тарихий меросга эга ўзбек халқи вақтингчалик қиинчилликларга қарамай тез орада фаровон, иқтисодий ривожланган давлат куришига қатъий ишонаман».

Россия тиббиёт фанлари академияси президенти, Н.Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази директори, РФА ва РТФА академиги, профессор М.Давидов инсоният тарихидаги илмий академиялардан бири – Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи аҳамиятини таъкидлар экан, бундай ёзди:

«Бу юбилей ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга. 1004–1017 йилларда жаҳон цивилизацияси бешикларидан бўлмиш қадим ўзбек заминида ташкил этилган Маъмун академияси Шарқнинг маънавият ва маърифат марказига айланган эди.

«Байтул-ҳикма» деб номланган ушбу академия ўша даврнинг илгор мутафаккирларини бирлаштириди. Ушбу илм даргоҳида археология, тарих, фалсафа, тил, адабиёт, биология ва бошқа кўплаб фанлар бўйича илмий тадқиқотлар ўtkазилган, араб, ҳинд ва юнон мутафаккирларининг асарлари ўрганилган. Маъмун академияси Беруний, Ал-Хоразмий ва бугунги ўзбек заминининг шон-шуҳратини бутун дунёга ёйган бошқа буюк алломалар асос соглан илмий анъаналарнинг муносиб давомчиси ҳисобланади.



Тиб илми вакили сифатида бу ишга дунёда Авиценна номи билан машҳур Абу Али ибн Синонинг кўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлайман. У кўп асрлар аввал инсониятнинг бу соҳадаги билим ва тажрибаси ривожини белгилаб берди. Бугун ҳам бутун дунё олимлари ва шифокорлари унинг ўз аҳамиятини йўқотмаган боқий асарларини ўрганмоқда.

Ажойиб юбилей муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига мустақил Ўзбекистонда қайта тикланган буюк илм ўчиги – Маъмун академиясининг илмий ва маърифий анъаналарини янада ривожлантириш йўлида муваффақиятлар тилайман».

Қозогистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг Р. Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори М. Абусеитованинг Қозогистон олимлари номидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримовга йўллаган мактубида бундай сатрлар бор:

«Хоразм Маъмун академияси жаҳон цивилизацияси тарихида ёрқин из қолдирган ва муносиб ўрин эгаллаган илм даргоҳидир. Бу кутлуғ маскан дунёга Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби даҳоларни етиштириб берди, минтақада табиий, ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ривожланишига кенг йўл очди, ҳалқлар ва давлатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Халқларимизнинг минг йиллардан бўён давом этиб келаётган тарихий муштараклиги Марказий Осиё тараққиётида мұхим омил ҳисобланади. Бугун ҳам





ана шу анъана ҳозирги Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сизнинг Хоразм Маъмун академиясига курсатётган улкан эътибор ва ғамхўрлигингиз шонли илмий анъаналарни тиклаш, маданият, замонавий илм-фан ва технологияларни ривожлантиришга хизмат қўлмоқда.

Бутун башарият тараққиётига инсонпарварлик гоялари билан ўғрилган маданият ва фаннинг салоҳиятига таянган ҳолдагина эришиш мумкинлигига ишончимиз комил».

Мисрдаги Араб университетлари иттифоқи бош котиби Солиҳ Ҳошим давлатимиз раҳбарига йўлланган ўз табригида мазкур академиянинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган мислсиз ўрнини бундай таърифлайди:

«Сизнинг ташаббусингиз ва ҳар томонлама қўллаб-куvvatлашингиз туфайли қайта тикланган мазкур илмий-тарихий марказ ўтмиш ва келажак ўргасида, жумладан, Багдол Маъмун академияси ва Хоразм Маъмун академияси ўргасидаги робитадир. Хоразм Маъмун академияси – Ўзбекистонда фан, маданият ва таълимга курсатилаётган улкан эътиборнинг яққол далили, 1000 йиллик юбилейининг кенг нишонланиши эса унинг оламшумул аҳамияти эътирофидир.

Мусулмон дунёси ўзбек халқининг маданий-тарихий мероси билан ҳақли равишда фахрланади, Маъмун академияси эса бунда алоҳида ўрин тутади».

Россия Федерацияси таълим вазири Андрей Фурсенконинг мактубида куйидаги сатрлар бор:



«Хозирги замон цивилизациясининг гуманитар асосини шакллантиришга улкан ҳисса қўшган Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналарни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз.

Маъмун академиясида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мухаммад Хоразмий каби буюк олимлар иш олиб боргани яхши мэълум. Уларнинг илм-фаннынг турли соҳаларидаги кўп қиррали фаолияти натижасида инсоният табиат, жамият ва фаннинг фундаментал конунларини билиш борасида улкан қадам ташлади.

Маъмун академияси дунё фани солномасига номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган ўрта аср Шарқи олимларини етиштирган йирик марказга айланди.

Россия ва Ўзбекистон Маъмун академияси анъаналарини давом эттириб, турли соҳалар бўйича олим ва мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни тобора кенгайтириб бормоқда. Ўтган йилнинг июнида имзоланган Касб таълими соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим бунга яна бир мисол бўла олади.

Сизни ушбу шонли сана муносабати билан яна бир бор табриклайман ва Маъмун академиясида янги кашфиётлар, янги гоялар туғлишини ҳамда янгидан-янги олимлар камол топишини тилаб қоламан».

Россия Фанлар академияси президенти Ю. Осипов давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубида Хоразм Маъмун академиясининг цивилизация тарихидаги роли ва ўрни ҳақида алоҳида тўхталади:



«Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилиш тарихи ва фаолияти – ўзбек халқининг жаҳон фанига, ҳозирги замон цивилизациясини шакллантиришга кўшган улкан ҳиссасининг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон узининг бой илмий, маданий ва маънавий салоҳияти билан доимо оламни лол қолдириб келган. Хоразм Маъмун академиясининг тарихий аҳамияти шундан иборатки, унда Беруний, Ибн Сино, Ал-Хоразмий каби буюк олимлар фаолият олиб бориб, жаҳон фани тараққиётига бекёс ҳисса кўшиди.

Фаннинг кўп соҳалари, жумладан, математика, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, фармакология, тарих, сиёsat, филология, фалсафа, мантиқ, ҳукуқшунослик ушбу илм даргоҳи туфайли сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Маъмун академияси нафакат Шарқ, балки бутун инсоният илмий тафаккурини тараққий эттиришга, давлатлар ўргасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар, миллатлар ва динларга мансуб олимлар ўргасида дўстлик ришталарини боғлашга хизмат қилди.

Россия ва Ўзбекистоннинг илмий даргоҳлари ана шу мингйиллик анъанани давом эттириб, фаол ҳамкорлик қилаётгани, илгор ғояларга асосланган ҳолда, биргаликда тадқиқотлар олиб бораётганини таъкидлашдан мамнунман.

Ишончим комилки, муҳтарам Ислом Абдуганиевич, буларнинг барчаси Сизнинг мамлакат илмий салоҳиятини юксалтириш, бутун инсоният маънавий ҳазинасига салмоқли ҳисса кўшган ўзбек халқи-



нинг улкан маданий ва илмий меросини сақлаш ҳамда бойитишига қарататётган алоҳида эътиборингиз натижасидир».

Малайзия Фанлар академияси президенти Аҳмад Захаруддин Идрус шонли сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга юборган табригига шундай деб ёзди:

«Сизга Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Малайзия Фанлар академияси номидан табрик йўллаш мен учун катта шарафдир.

Бу сананинг нишонланиши муҳим воқеа бўлиб, у ўзида инсоният цивилизацияси тарихида улкан из қолдирган Ўзбекистон бой илмий ва маданий меросини яна бир бор намоён этади.

Ишонамизки, Хоразм Маъмун академиясида бундан бўён ҳам жаҳоннинг илгор олим ва тадқиқотчилаrinи жалб этиш борасидаги ишлар изчил давом этади. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлодларни тарбиялаш ишида мазкур илм даргоҳининг ўлмас меросидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради».

Озарбойжон Миллий фанлар академияси президенти Маҳмуд Керимовнинг Ўзбекистон Президентига йўллаган табригига куйидаги фикрларни ўқиши мумкин:

«Маъмунлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ташкил этилган Хоразм Маъмун академиясида истеъододли олимлар ва уларнинг шогирдлари самарали илмий фаолият олиб бориши учун кенг шаро-



ит яратилган эди. Бунинг натижасида 1017 йилга келиб мазкур илм даргоҳида фаннинг астрономия, математика, тиббиёт, кимё, физика, география, минералология, ҳуқуқшунослик каби соҳалари изчил ривож топди.

Айниқса, фалакиёт илмидаги катта ютуқларга эришилди. Юлдузлар ва сайдералар ҳаракатининг астрономик жадвалларига ўзгартириншлар киритилди, янги астрономик жиҳозлар яратилди. Абу Райхон Беруний 1004 йили ана шундай ускуналардан бирининг ёрдамида ой тутилишини олдиндан айтиб берди ва бу ҳодисани кузатди.

Хоразм Маъмун академияси фаолиятида аниқ фанлар билан бирга ижтимоий фанлар, жумладан, фалсафа, тарихга оид тадқиқотлар ҳам алоҳида ўрин туттган. Академия айни пайтда санъат ва адабиёт маркази сифатида ҳам машҳур бўлган.

Ўзбекистонда илмий ва маданий анъаналарни тиклаш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ўзбек халқининг буюк алломалари ишларининг муносиб давом эттирилишида Сизнинг, муҳтарам Президент, хизматларингиз бекиёсdir! Буни Сизнинг фармонингизга биноан 1997 йилда Хивада Маъмун академиясининг қайта ташкил этилиши ҳам исботлаб турибди.

Сизни Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллик юбилейи билан яна бир бор муборакбод этишга ва Ўзбекистон олимларинга янгидан-янги ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз!»



Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Жаҳон тарихи институти директори Юй Пэй табригида шундай сатрларни ўқиймиз:

«Марказий Осиё қадимий жаҳон цивилизациясининг бешикларидан биридир. Бу ерда неча юз йиллар аввал ҳам турли маданиятлар ёнма-ён яшаган, илғор илм-фан ва технологиялар ривож топган.

Хоразм Маъмун академияси машҳур астрономлар, файласуфлар, шифокорлар ва бошқа соҳа мутахассисларининг илму маърифат ўчоги бўлган.

Ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари» асарида баён этилган даволаш усуллари анъанавий Хитой табобатида ҳам кенг кўлланилган.

Ишонамизки, Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллигининг кенг кўламда нишонланиши халқаримиз ўртасида илмий алоқалар ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиласди».

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз раҳбари ва ўзбек халқи номига ЮНЕСКОнинг Париждаги Бош қароргоҳи, бошқа кўплаб илмий доиралар намояндадаридан ҳам мактублар олинди.

(ЎзА – «Жаҳон»)

2006 йил, ноябрь



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийлариға**

Мұхтарам Президент жаноблари!

Баҳор байрами – Наврӯзи олам кириб келаётгани муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда барча ватандошларимизни ушбу қутлуг айём билан самимий муборакбод этишта ижозат бергайсиз.

Сизнинг оқилюна раҳбарлигингизда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан янгиланишлар ҳамда тинчлик, фаровонлик ва тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар биз, Саудия Арабистони Пошоҳлигига яшаётган ўзбекларни ғоят қувонтиради.

Таълим, фан ва маданият масалалари бүйича Ҳалқаро ислом ташкилоти – ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб зълон қилиниши, шубҳа йүққи, юртимизнинг, буюк аждодларимизнинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган буюк ҳиссасининг ёрқин эътирофидир. Бу олий мақом бизга чексиз фурур ва ифтихор баҳш этади.

Сиз, Жаноби Олийларининг диний қадриятларни, ўзбек заминидан етишиб чиқсан буюк аллома ва мутафаккирларнинг бой меросини тиклаш ва асрар-авайлаш йулидаги саъй-ҳаракатларингиз ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

Сунъий йўлдош алоқаси орқали «Ўзбекистон» телерадиоканали дастурларини кузата бориб, Сизнинг



хайрли ташаббусингиз билан Самарқанднинг 2750 йиллик ҳамда Марғилоннинг 2000 йиллик тўйларига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимиз бутун ислом оламида машҳурдир. Жаноби Олийлари, Истиқолол йилларида Ўзбекистон эришаётган ютуқлар билан телевидение орқали танишиш имконияти яратилгани учун Сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Ушбу қувончли кунларда Парвардигордан Сизнинг доно раҳбарлигингизда тараққий топиб бораётган Она Ўзбекистонимизга узоқ йиллар тинчлик ва фаровонлик ато этишини, уни жамики балоқазолардан асранини сўраймиз.

Камоли эҳтиром билан,

Саудия Арабистони Подшоҳлигида истиқомат қилаётган ўзбеклар номидан:

**Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний,
Тұрахон Жалолхон Тўра Марғилоний,**

Мелибек Тошкандий,

**Мўминжон Исмоилжон Андижоний,
Олимжон Исмоилжон Андижоний,**

**Аҳмадали Турон Туркестоний,
Абдуллајон Исмоилжон Туркестоний,
Абдураҳмон Ҳужа Туркестоний**

**Саудия Арабистони Подшоҳлиги,
Жидда шаҳри**

(«Ҳалқ сўзи» газетаси, 2007 йил 16 марта)



**Кыргызстан Республикасы Президенти
Қ. С. Бакиев Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Курманбек Солиевич!

Атоқлы адіб, мутафаккир, жамоат ва сиёсат арбоби Чингиз Айтматовнинг вафоти – оғир жудолик түгри-сидаги хабарни чукур қайғу билан қабул қылдым.

Чингиз Айтматов воқеликни бадий образларда ёрқин акс эттириб, ҳис-түйғуларимиз ва кечинмаларимизга терән таъсир үтказиб, ўз асарлари билан жаҳон адабиёти ҳазинасига улкан ҳисса күшган адидир. У үзининг бутун ҳаёти ва ижоди билан ҳалқлар дүстлиги ва ҳамжиғатлиги, маданиятларнинг бирбирини ўзаро бойитиши ҳамда маънавий қадриятларнинг ривожланиши учун курашиб келди.

Чингиз Айтматов ўзбек ҳалқига ҳамиша дүстү қадрдон эди ва шундай бўлиб қолади. У ўз Ватанига садоқат ҳамда фидойилик билан хизмат қилиш тимсоли сифатида хотирамизда мангум яшайди.

Мархумнинг қариндошлари ва яқинларига чукур таъзия билдираман ҳамда уларга самимий ҳамдардлик сўзларимни етказишингизни сўрайман.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**
(«Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 12 июнь)



**Тошкент,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
муҳтарам Ислом Абдуганиевич Каримов
Жанобларига**

Сизнинг одилона олиб бораётган саъй-ҳаракатларингиз туфайли 2008 йилда ҳамма соҳада эришилган муваффақиятлар, қабул қўлинган режа-дастурларингизнинг нақадар түгрилиги, уни амалда бажариб, Ўзбекистон Марказий Осиё республикалари орасида олдинги сафда бориши, нафақат ўзбек ҳалқини, балки бошқа қўшни миллатларни ҳам қувонтироқда. Бу ўзгаришлар иқтисодиёт, маданият, маърифат, маориф ва бошқа соҳаларда булаётганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Муҳтарам Ислом ака, 1991 йили Марказий Осиё республикалари жамоатчилиги доирасида «Ён қўшни, жон қўшни» мавзусида телекўрсатув тайёрланган эди. Ана шу кўрсатувда Қыргизистондан мен интервью берган эдим. Унда мен қандай ишлашни, мамлакат иқтисодини қандай ривожлантиришни, давлат куриш ва унинг хавфсизлигини таъминлашни ҳамма президентлар Ислом Абдуганиевич Каримовдан ўрганиши керак, деган эдим. Фаришталар бу сўзни менинг дилимга соглан эканми, унинг натижасини бугунги турмушимиз, бугунги ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди.



Хурматтли Ислом Абдуганиевич!

Сиз ўша оғир йилларда Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятларида ўзбек-қирғиз халқлари ўртасида юзага келган миллий низоларни вақтида бартараф этиб, фожиали қон түкилишининг олдини олганингизни бутун дунё билади. Сизнинг қабул қылган аниқ чора-тадбирларингиз туфайли Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, құшни Қирғизистоннинг Ўш, Ўзған каби шаҳар ва тумандарыда қон түкилмади. Ўша йиллари мен Сизга мактуб ёзиб, жавоб олғанман. Сизнинг мактубингизни мен күз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқдаман. У Сиздан менга абадул-абад эсдалик булиб қолади.

Илоҳим, Ўзбекистон бундан кейин ҳам ривожланған, бой мамлакат булиб қолсин, деб Яратгандан сўрайман.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман. Яратганинг ўзи бало-қазолардан, ёмон кўзлардан асрасин, ниятларингиз ижобат бўлсин.

Салом билан,

**Қирғизбой Нурқулов,
пенсионер, 83 ёшда**

**Қирғизистон Республикаси,
Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Олабуқа қишлоғи,
Иккинчи Норимбоев кўчаси, 2-й**

2009 йил 16 марта



**Қирғизистон Республикаси,
Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Олабуқа қишлоғи,
Иккинчи Норимбоев кўчаси, 2-й
Қирғизбой Нурқуловга**

Мухтарам Қирғизбой ака!

Сизнинг мактубингизни олдик. Ҳатда менинг шаънимга билдирилган самимий тилаклар, қалб қўри ҳарорати уфуриб турган, асл инсоний туйғулар билан сугорилган эзгу ниятларингиз учун алоҳида миннатдорлик билдиримоқчиман. Сиз, Қирғиз биродаримизнинг холисона дил изҳорингиз бўлмиш ушбу мактуб Марказий Осиё халқларининг қондош ва жондошлигининг энг ишончли исботи ҳамда «Туркистон – умумий уйимиз» деган фоянинг нақадар ҳаётий ва долзарблигидан яна бир далолатdir.

Ўзбекистон ва унинг халқи ҳамда Марказий Осиё минтақасида истиқомат қилувчи барча халқларнинг тинч ва фаровон истиқболини кўзлаган қимматли фикрларингиз учун ташаккур айтиб, Сизга сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов**

*Тошкент шаҳри,
1995 йил 30 ноябрь*



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовга!**

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, мен Сизни 30 январь – туғилган кунингиз билан чин дилимдан, ўзим ва оила аъзоларим номидан муборакбод этмоқчиман. Янги йил барчамиз учун энг унтилмас йил бўлсин. Қалбингизни эзгулик нафаси тарк этмасин. Қишининг оппоқ қорларидек беғуборлик, софлик ҳамиша Сиз билан бирга бўлсин.

Мен, бошқа давлатнинг фуқароси бўлсам-да, Ўзбекистоннинг равнақини кўриб, гувоҳи бўлиб турибман. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигинизда ниҳоят даражада ўсади, ривожланди ва янада қўркамлашиб бормоқда. Буни очиқ айтиш керак.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, ўзбек халқи учун жуда кўп иш қиляпсиз. Сизнинг мамлакатингиз бой ва бадавлат бўлиб бормоқда. Армияни мустаҳкамладингиз, завод-фабрикалар ишлаб турибди, қушма корхоналар кўпаймоқда. Четдан келган грант ва сармояларни ўз ўрнида ишлатяпсиз. Машина ишлаб чиқардингиз, трактор ишлаб чиқарадиган заводларни ишга туширдингиз. Киши ҳавас қиладиган янги-янги кўприкларни кўриб фойдаланишга топширдингиз. Темир йўллар қурилмоқда. Олтин қазиб олиш ўсади, дон тайёрлаш, пахта



етиштириш режалари бажариляпти. Қатор-қатор олий ўкув юртлари, коллежлар, лицейлар, мактаблар бунёд этилди ва янгилари қурилмоқда. Эҳ-е, санасак, адогига етолмаймиз.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизни кўра олмаган ғанимлар, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаётганини кўра олмаётган юртфурушлар, ватангадолар бир умрга кафангадо бўлиб ўтади. «Кимда-ким ўз тупроғига хиёнат қилса, у дунёю бу дунё дўзахда куяди», деб Куръони каримда бежиз айтилмаган.

Мен Сизнинг ютуқларингиз ҳақида қанча ёzsам ҳам оз.

Сиз бутун куч-файратингизни, иш фаолиятингизни Ўзбекистон учун бағишлидингиз, соchlарингиз оппоқ оқарди. Кечани – кеча, кундузни – кундуз демай ишлайсиз. Сиз «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган шиорни бекорга айтмаган ва ўртага ташламаган экансиз.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, биргина Андижон воқеасини олиб кўрайлик: кунни – кунга, тунни – тунга улаб, жонингизни гаровга қўйиб, Андижонда тик турдингиз. Сиз Андижонда қатъият билан зарур чора-тадбирларни белгиламаганингизда, халқ билан бирга бўлмаганингизда манфур қора ниятили кимсалар Андижондаги тинч ҳаётни издан чиқарар эди. Бунинг учун мен Сизга тасаннолар айтаман.

Муҳтарам Ислом ака, Сиз ўш воқеасида ҳам тик туриб ўзбекларни мардонавор ҳимоя қилгансиз. Қиргизистонда яшаётган ўзбеклар менинг хал-



Қым дедингиз. Бундан кейин ҳам Қирғизистондағи үзбекларни ҳар доим ҳимоя қиласиз, деган умидда яшаймиз.

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун ҳормайтломай меҳнат қиласавишиңгизни Оллоҳдан сұраб қоламиз. Илоё, умрингиз узоқ бўлсин, дунё тургунча туринг!

Мамлакатингиз обод, ҳалқингиз омон бўлсин!
Ҳурмат ва эҳтиром билан,

**Абдураҳмон Ҳасанбоев,
иккинчи гуруҳ ногирони,
Қирғизистон Республикаси,
Жалолобод вилояти,
Олабуқа тумани, Ахтам қишлоғи**

2006 йил 20 январь



Хурматли Президент!

Мен күшни Қирғизистонда яшасам-да, Ўзбекистонни ўз Ватанимдек ҳис қиласман ва севаман. Шу сабабли Сизнинг етакчилигингизда ҳеч кимдан кам бўлмаган мамлакат 17 йилдан бўён ўз истиқолини мустаҳкамлаб, янада ривожланиб бораётганидан хурсандман.

Яқинда, мустақиликнинг бош қомуси – Конституция байрами нишонланаётган 8 декабрда Тошкентдаги муҳташам залда булиб ўтган тантанани, унда қатнашаётган одамлар чехрасидаги қувонч ва осойишталикни, байрамона кайфиятни телевизор орқали кўриб, Сизга ва Ўзбекистон ҳалқига жуда ҳавас қилдим.

Тантанада Сиз жамоатчилик орасидаги оддийгина инсонни – устоз муаллимни тақдирладингиз. Бу мен учун ҳам ажойиб ва қувончли воқеа бўлди. Каттами-кичикми, барча инсонларнинг қалбини меҳр нури билан ёрита олишингизга яна бир бор амин бўлдим.

Мен 30 йил муаллимлик қилдим. Қанчадан-қанча ёшлар тарбияси учун умримни, ақл-идро-ким, куч-кувватимни бағишлидим. Ўйлаб қарасам, шу ўтган давр мобайнода ақалли бирорта ёрлиқ



билин ҳам тақдирланмабман. Шундан таъсирланғанимдан Сизга мактуб йүлладим.

Оиламиз – педагоглар сулоласи, б 6 та фарзандим бор. Улар ҳам, биз ота-оналар ҳам Үзбекистон Республикасининг суви ва тузини ичиб билим олдик. Барчамиз бугун Үзбекистон ёшлари таълим олаётган күркем мактублар, академик лицей ва касб-хунар колледжлари, олий таълим муассасалари, улардаги шарт-шароит ва замонавий техникаларни күриб ҳавас қыламиз. Қані энди бизда ҳам шундай ўқув хоналаридан бирортаси бўлса... (1927 йилда қурилган мактабни асраб қолганман.)

Ўзбекистон халқига тилагим шуки, шундай ажойиб, жасоратли Президентни ҳамиша асраб-авайлант! Мамлакатни одилона бошқариб, элни тинч ва осойишта сақлаб туриш – бу энг катта жасорат.

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич, ҳеч қаңон мамлакатингизга қўз тегмасин. Оллоҳ ёмон кўзлардан асрасин.

Сизга соғлиқ, узоқ умр, куч-кувват тилайман.

Лолаҳон Музаффарова,
пенсионер,

Қирғизистон Республикаси,
Олабуқа тумани, Дүстлик қишлоғи

2007 йил 11 ноябрь



МУНДАРИЖА

| | |
|--------------------------------------|-----|
| Сүзбоши ўрнида | 3 |
| Маънавият зиёси | 8 |
| Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, | |
| савоб ишни ҳар кун қилиш керак | 66 |
| Дунё эътибори ва эҳтироми | 148 |

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Тошкент «Маънавият» 2009

Нашр учун масъул *Х. Султонов*

Түплөвчи *З. Мирзақулов*

Мұхаррір *М. Қаршибеев*

Нашриёт мұхарріри *С. Ахмедов*

Рассом *Н. Попов*

Мусаҳдих *О. Бозорова*

Техн. мұхаррір *Т. Золотилова*

Компьютерда тайёрловчы *Ш. Сохібов*

Босишига 20.11.2009 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/_{п.} Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 10,08 + 0,95 рангли вкл. Нашр т. 7,69 + 1,47 рангли вкл. 5000 нұсха. Буюртма № 756. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-үй. Шартнома 27—09.

«Шарқ» нашриёт-матбаса акциядорлық компаниясында чоп этилди. 100083.
Тошкент, Буюк Турон күчаси, 41-үй. 2009.

Мактуб

ISBN 978-9943-04-297-1

9 789943 042971

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

165/0-0
1/84

ПРЕЗИДЕНТГА
МАКТУБЛАР






ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР





ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР



ТОШКЕНТ – «МАЊАВИЯТ» – 2016


УЎК 32(575.1)
КБК 66.3(5Ў)6
П 84

«Президентга мактублар» китобининг навбатдаги – тўртинчи жилдидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига 2013–2016 йиллар мобайнида келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айrim намуналар ўрин олган бўлиб, уларнинг барчасида Ватанимиз ва халқимизга, давлатимиз раҳбарига юксак меҳр, хурмат-эхтиром, эл-юртимиз кўлга киритаётган улкан ютуқ ва мэрралардан фаҳрланиш, эрганги кунга ишонч хисси, жамиятимиздаги улкан ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик, бугунги озод ва фаровон кунларга етганимиз учун шукроналик туйғулари якъол сезилиб туради.

УЎК 32(575.1)
КБК 66.3(5Ў)6

П 84

Президентга мактублар [Матн]: К. 4 / тўпловчи З. Мирзакулов; мухаррир М. Қаршибоев; нашр учун масъул Х. Султонов. – Тошкент: «Маънавият», 2016. – 296 б.



© «Маънавият», 2016



СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Хурматли китобхон, «Президентга мактублар» китобининг ушбу янги – тўртинчи жилдига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига 2013–2016 йиллар давомида келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айrim намуналар киритилган.

Маълумки, мазкур туркумдаги китобларнинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди 2009 йилда, учинчи жилди эса 2013 йилда нашрдан чиқарилган ва уларнинг барчаси кенг жамоатчилик ўртасида катта қизикиш уйғотган эди.

Халқимиз томонидан «Мактуб – кўнгил кўзгуси, дил изҳори» деган иборалар бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, ушбу китобдан ўрин олган хатларни ўқир эканмиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касбу кори, миллати ва дунёкарашига кўра бир-биридан фарқ қиласиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар холис ва саимий экани, уларни умумий бир хусусият – она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч бирлаштириб турганини якъол сезамиз, хис қиласиз.

Бугунги кунда ҳар бир ватандошимиз, миллион-миллион одамларимиз қатори, мустақиллик

йилларида мамлакатимизнинг илгариги қолоқ, иктисодиёти бирёклама ривожланган, пахта якаҳокимлиги ҳалокатли тус олган ўлқадан саноати жадал тараққий этаётган замонавий давлатга айлангани, иктисодиётимизнинг кейинги ўн бир йил давомида 8 фоиздан кам бўлмаган суръатлар билан барқарор ўсиб келаётгани, юртимиз, шахар ва қишлоқларимиз тобора гўзал ва обод бўлиб бораётганини – ана шундай улкан ютуқ ва марраларимизнинг амалий натижасини ўзи, оиласи, фарзандларининг ҳаёти мисолида аник кўраётганини, бир сўз билан айтганда, истиқлолимизнинг энг муҳим натижаларини бу хатлар бамисоли кўзгудек ёрқин намоён этади.

Бу ҳакиқатни айнан инсоннинг ҳаёт кўрсаткичларини аниқлаш бўйича ўтказилаётган ҳалқаро рейтингларда Ўзбекистонимиз энг нуфузли ўринларни эгаллаб келаётгани ҳам тасдиклайди.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида 2015 йилда «Дунёning энг баҳти мамлакатлари» деган мавзуда ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, Ўзбекистон 158 та давлат орасида 44-уринни, Мустақил Давлатлар Хамдустлигига аъзо мамлакатлар ўртасида эса 1-уринни эгаллади.

Ёки яна бир нуфузли ҳалқаро ташкилот – Жаҳон иктисодий форуми томонидан тузилган рейтинг бўйича, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги

ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иктисодий ўсиш прогнозларига кўра дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой эгаллаган.

Бундан ташқари, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиковқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озик-овкат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Мингийиллик ривожланиш максадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

Яна бир муҳим мисолга эътибор берайлик. АҚШдаги нуфузли Гэллап институти томонидан «Қонуний тартибларга итоат килиш индекси» деган мавзуда ижтимоий сўров ўтказилган. Сўровномада 3 та савол бўйича одамларнинг фикри ўрганилган. Яъни, «Сиз ўзингиз яшаётган шахар ёки тумандаги маҳаллий полицияга ишонасизми?», «Сиз ўзингиз яшаётган шахар ёки туманда кечаси хавф-хатардан қўрқмасдан ёлғиз юра оласизми?», «Охирги ўн икки ойда сиз ва оила аъзоларингизнинг пул ва мол-мулки ўғирланган холат содир бўлганми?» деган саволлар сўров катнашчилари эътиборига ҳавола килинган.

Ана шу сўровнома натижаларига кўра, мамлакатимиз 141 та давлат ўртасида 2-уринни эгаллаган.



Бизнинг ана шундай ўта мухим ҳаётй масалалар бўйича дунё миқёсида юкори даражаларга кўтарилиганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётгани, хеч шубҳасиз, барчамизга ғуур ва ифтихор бағишлади.

Албатта, одам кўпинча кундалик ташвишлар билан банд бўлиб, бундай ютукларни сезмаслиги, уларга эътибор бермаслиги, уларни табиий ҳол деб қабул қилиши мумкин. Лекин «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган киёсий савол, мантикий ёндашув билан ҳаётга карайдиган бўлсак, бундай улкан ўзгариш ва натижаларнинг маъно-моҳияти яққол намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг тарихан қисқа бир даврда юз йилларга teng тараккiet йўлини босиб ўтгани, бугунги кундаги барқарор ўсиш ва юксалиш суръатларини таҳлил қилар экан, кўплаб хорижий давлат арбоблари, таникли олим ва эксперtlар, умуман, холис фикр юритадиган барча одамлар халқимиз эришаётган ютукларни тан олмоқда, бу ютукларнинг негизида турган омиллар ҳакида ҳакконий фикр юритмоқда.

Айни вактда биз учун энг муҳими – ана шундай ютукларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимиз, эл-юртимиз вакиллари бўлган оддий инсонларнинг бу борада ғуур ва ифтихор билан сўз юритиши, эришилган ана шу натижалар-



да уларнинг ҳам меҳнати, муносиб ҳиссаси борлигидир.

Бир карашда юртимизнинг олис ва чекка худдларида яшайдиган, баъзан кундалик турмуш ташвишлари билан бўлиб, ижтимоий ҳаёт ўзгаришларидан йироқ бўлиб туюладиган бу одамларнинг мазкур тўпламдан ўрин олган хатларидаги самимиятни, халқимиз, давлатимиз тақдири учун куюнчакликни кўриб, киши албатта қувонади.

Ушбу хатларнинг асосий қисмида кўрсатилган меҳр-оқибат ва яхшилик, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимизга, халқимизга, Президентимизга самимий миннатдорлик туйгулари ифода этилган. Бу бежиз эмас. Одамзод доимо яхшиликка интилиб, эзгу ниятлар билан яшайди. Ҳаётда яхшилик ва адолат тантанасини, қандай оғир синовлардан ўтиб бўлса-да, кўришни орзу килади. Нега деганда, муқаддас китобларимизда айтилганидек, яхшиликнинг мукофоти – фақат яхшиликдир. Шунинг учун ҳам яхшилик қилганга албатта яхшилик кайтади, ўзига кайтмаса, болаларига кайтади.

Яна бир эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, ҳат муаллифлари ўз ҳаётини жамиятимизда тобора кучайиб бораётган ўзаро хурмат, ахиллик ва ҳамжиҳатлик мухитидан, бугунги эркин ва обод ҳаётимиздан, Ўзбекистонимиз эришаётган


ютуклардан айри ҳолда тасаввур қилолмаслиги ҳар бир мактубда аниқ сезилиб туради.

Мухтасар айтганда, бу хатлар юртдошларимизнинг дунёкараши, онгу тафаккурида илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган улкан ижобий ўзгаришлар юз бераётганини ёркин намоён этади.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, одамларимиз аввало ўзига, оиласига бевосита дахлдор бўлган воқеа-ходисалардан, ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзининг ўрни ва таъсири қандай эканини тушуниб, англаб, ҳаётга, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Айни мана шу хусусият барча мактубларнинг бош гояси, бош мавзуси, десак, хато бўлмайди.

Хат муаллифларининг юртимиздаги ҳар бир ўзгаришни мана шундай кайфият билан қабул қилиши, ўзи ва яқинларининг ҳаётидаги унүтилмас воқеа ва ҳодисалар ҳакида, орзу-ниятларининг ушалиши, баҳтли дамлар ҳакида кўнглидан ўтаётган кечинмалари, бу қувонч ва шодликларни бошқалар билан, жумладан, давлат раҳбари билан ҳам баҳам кўришга интилиши – бу ҳакикатан ҳам, жамиятимиздаги ўзаро хурмат ва ишонч муҳити, одамларимизнинг гражданлик позицияси тобора мустаҳкамланиб бораётганидан дало-


лат беради. Бу айни пайтда ҳалқимиз ижтимоий кайфиятининг мухим устувор кўрсаткичидир.

Мазкур китобда жам бўлган хатларда оддий мактаб ўқувчисидан тортиб кўпни кўрган тажрибали инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, дехқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб шифокор, муаллим ва мураббийларгача, илмий-ижодий соҳа вакилларидан тортиб ҳарбий хизматчиларгача, кисқача қилиб айтганда, бутун ҳалқимизнинг овози баралла эшлилиб туради, десак, муболага бўлмайди.

Ушбу хатларни ўқир эканмиз, мамлакатимиз фуқароларининг юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни нафақат қўллаб-күвватлаши, балки Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга жорий этилаётган тараққиёт йўли накадар тўғри эканига, айни шу йўл билан биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга эриша олишимизни тобора чукур англаб бораётганига ишонч ҳосил киламиз.

Мактуб муаллифлари орасида хорижий давлатларнинг фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам борлиги Президентимизнинг серқирра фаолияти ҳалқаро миқёсда, чет элларда ҳам катта қизиқиши уйғотаётгани – мамлакатимиз қўлга киритаётган улкан мэрралар жаҳонда тан олинаётгани ва кенг зътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.


Бундай хатларда тинчлик ва хавфсизликни саклаш, Ўзбекистон билан чет давлатлар ҳамкорлигининг турли кирралари, ҳалқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар ечими бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган амалий таклиф ва хуносаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ўйлаймизки, бу тўплам Ўзбекистон Президентининг мустақил тараққиётимизнинг ўта мураккаб ва юксак масъулиятли давридаги самарали фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида ҳалқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва мэрралар, фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси ва бурчи, шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан ҳалқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган самимий ва амалий мулоқотлар ҳақида китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қиласди.

МИННАТДОР ҖАЛЛАР ШУКРОНАСИ

Ҳалқимиз – меҳр-оқибатли, яхшиликнинг қадрини биладиган, тинч-осуда, файзу барокатли ҳаёт, ҳалол меҳнат билан топилган ризқу насиба учун шукр қилиб яшайдиган ҳалқ. Мустақиллик йилларида эл-юртимизнинг ана шу фазилатлари янада кучайиб, янгича маъно-мазмун касб этиб бораётгани барчамизга яхши маълум. Боиси – ҳаётимиз тобора гузаллашиб, эски замондан мерос булиб қолган адолатсизликлар, қолип ва мезонлар бутунлай барҳам топмоқда, одамларимиз ўз юрти ва тақдирининг ҳақиқий эгасига айланиб бормоқда.

Одамлар мана шундай эркин ва обод ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлар экан, уларнинг барчаси учун шукроналик ва миннатдорлик билдиришини ўзининг инсоний бурчи деб билади.

Бугунги улкан имкониятларнинг замерида аввало Ватанимиз мустақиллиги, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсат мустаҳкам пойдевор булиб турганини кўпни кўрган ҳалқимиз бутун қалби, вужуди билан теран ҳис этмоқда.

Шунинг учун ҳам самимий миннатдорлик сўзларини биринчи наебатда Президент Ислом Каримов номига йўлламоқда.

Бу хатларни ўқир эканимиз, уларнинг ҳар бири «Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган, ҳаётимизда ўта долзарб бўлиб бораётган саволга ҳаққоний жавоб эканини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Хар бир инсон дунёга келибдики, ҳаёти давомида ҳар хил кунларни бошидан ўтказади. 2015 йили чоп этилган «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» китобингиз шу мактубни ёзишимга туртки бўлди.

Сиз бир пайтлар аросатда қолган биз қашқадарёлик аёлларни обком залига тўплаб, биз билан қилган сұхбатингизни, қимматли маслаҳатлар бериб, кайфиятимизни кўтарган, бизни рухлантирган сўзларингизни шу китобда битибсиз.

Ўшанда болаларим жуда ёш эди. 5 нафар фарзандимнинг ёнига қайноғамнинг бевақт ва-фотидан сўнг етим қолган 3 нафар бола ҳам кўшилди, барчасини ўз қарамогимизга олдик. Сиз «Пахта иши» билан ноҳақ қамалганларни озод килдираман» деб бизни ишонтиридингиз. Айтганингиздек, уларнинг ҳаммаси озод бўлди. Аммо гурури, ўзлиги таҳқирланган одамларнинг кўпичамоқхоналардан касалманд бўлиб қайтди, умри узокка чўзилмади. Сизнинг ҳар бир айтган сўзингиз, ўғитларингиз кулогим остида жаранглаб, мени яшашга, болаларимни тарбиялаб, вояга етказишга уннади. Яратганга шукур, ўғилларим

— фермер, тадбиркор, кизларим — ўқитувчи, хисобчи бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топишган. 2004 йилда нафакага чиқдим. 2005 йилдан буён Гузор туманидаги «Мустақиллик» махалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси бўлиб ишлаб келмоқдаман.

2015 йил 8 декабрда 65 ёшга тўлдим. Инсон нимадандир эзилиб ёки хурсандчилигидан йиғлаши мумкин. Мен ҳам йиғладим, аммо аламдан эмас, аксинча, қувонганимдан, хурсандлигимдан йиғладим. Юртимиздаги ҳар бир инсонни ўзига қадрдон билгувчи Сиздек азиз, меҳрибон инсон Ватанимизга бош бўлгани учун Тангрига беҳисоб шукроналар айтдим. Худойим умрингизни зиёда қилсан. Сиз туфайли мұқаддас ҳаж сафарига бориб, ҳожи она бўлиш баҳтига мұясасар бўлдим.

Сизга Оллоҳдан узок умр, тоғдек куч-кувват, булоқ сувидек тиник ва осуда ҳаёт тилайман. Ҳар сафар кўлларим дуога очилганида Яратгандан ўзингиз ва оиласизга баҳту саодат, сиҳатсаломатлик, юз ёшдан ҳам ошиб юришингизни сўрайман.

Сизнинг ҳақингизга дуода бўлаётган:

Махбуба Расуловна,
Қашқадарё вилояти, Гузор тумани,
«Мустақиллик» махалла фуқаролар
йиғини маслаҳатчиси

2016 йил 26 январь

Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!

Сизга олис Қорақалпоғистон диёридан меҳрибон оналарнинг олқиши, миннатдорлигини йўлламоқдаман. Атоқли шоирамиз Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан қабул қилган қарорингиз юртимиздаги барча оналар, жумладан, биз — қорақалпок оналарнинг ҳам қалбига чексиз қувонч баҳш этганини сўз билан ифодалашнинг ўзи кийин.

Мен Тошкентга борганимда Зулфияхонимнинг муazzзам ҳайкали олдида туриб барча оналар ҳақида ўйладим. Қаҳрамон оналар қаҳрамон фарзандларни дунёга келтиради. Ҳаётда она учун фарзандининг баҳту иқболини кўришдан ортиқ мұқаддас орзу-ният йўқ.

Сизнинг «Аёлни улуғламоқ—оилани, Ватанини, ҳаётни улуғламоқ демакдир» деган сўзларингиз бизга ҳар қадамда рухий куч ва мадад беради.

Мен ҳам онаман. Тўнгич фарзандим — қизимизни узатганимиз, неварамиз ҳам бор, шукур. Икки ўғлим талаба. Ажиниёз — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида 4-курсда ўқимоқда, Баҳберген Тош-

кент ахборот технологиялари университетининг
Нукус филиалида З-курсда таҳсил олмоқда.

Кичик ўғлим Бахберген Нуримбетов «Юрт
келажаги – 2014», «Ёш тадбиркор – юрга ма-
дадкор» танловлари ғолиби бўлди. 2015 йилда
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг сти-
пендиасига лойик деб топилди.

Ўғилларимнинг бу ютуқ ва муваффақиятлари-
дан жуда-жуда хурсанд бўламан. Ёш авлодимиз-
нинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етиши
учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бе-
раётганингиз учун Сизга ташаккурларимни бил-
дираман.

Бахтимизга хамиша соғ-саломат бўлгайсиз!
Сизга минг бора раҳмат!

Алtingул Утениязова,
шиоира,

Қоракалпогистон Республикаси,
Нукус шаҳри, Саманбай махалласи,
Тошкент кўчаси, 39-уй

2015 йил 22 январь

Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!

Мен бир умр қишлоқда яшадим. Қишлоқ хў-
жалиги соҳасида эллик йилда ортиқ ишладим.
Бугун 80 ёшни қоралаб турибман. Мен фаоли-
ятимни бошлаган собик шўро давридаги иш ва
турмуш шароитларимизни бугунги дориламон
ҳаётимизга киёслаб, Яратганга мингдан-минг
шукроналар айтаман.

Ўша пайтлар қилган меҳнатимиз учун раҳмат
эшлиши у ёқда турсин, ҳатто ўз уйимизда, ётгай
урнимизда ҳам кўнглимизни ҳадик, кўркув тарқ
этмасди. Арзимаган баҳоналар билан одамларни
қатағон қилиш ёки ҳеч қандай қонуний асоссиз
жиноятчи сифатида жазолаш одатий ҳол эди.
Мен ҳам «пахта иши» сабаб асоссиз маломатга
қолганман. Бир умр ишлаб, янги ҳовли қуриш,
енгил машина олиш тугул, ҳатто оддий мебель
ҳам сотиб ололмаганман.

Ўшанда Москванинг «буюртма»си билан кан-
чадан-канча бегуноҳ инсонлар жабру онтам тўр-
ди. Айбизз айбдорларнинг кўпиги бу иснодни кў-
таролмасдан оламдан ўтди.

2 – Президентта мақтублар




Шундай қалтис вазиятда халқимизни, шахсан мени ҳам бундай тұхматдан Сиз, Ислом Абдуғаниевич, факат Сиз мардларча ҳимоя қылдингиз. Бунинг учун Сиздан бир умр миннатдорман, бошим ерга теккунча таъзим киламан.

Сиз аввал-бошдан эл дастурхонини түқин килиш, халқимизнің фаровонлигини таъминлашни үз олдингизга асосий вазифа қилиб қўйганингизни матбуот ва телевидение орқали чи-кишларингизда кўп кузатганман. Бугунги кунда бозорга борган киши бир-биридан сара маҳсулотларни кўриб, қай бирини олишни билмай колади.

Тўғриси, бугунги фермерларга роса ҳавасим келади. 6 миллион тонна пахта режасини 3 миллион 350 минг тоннагача камайтириб, ўрнига полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари етишириши вазифа қилиб қўйганингиз ва яқинда Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда пахтани яна 350 минг тоннагача камайтириш керак, деб берган топшириғингиз фермерлар учун яна бир имконият бўлди.

Ўзбекистон ғалла мустақиллигига эришиши керак, деган қатъий талаб асосида истиқоллининг дастлабки йилларида дехқон ва олимларни йиғиб, юртимиз иқлимига мос ғалла навларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларингиз бугун ижобат бўлди. Ўтган асрнинг саксонинчи-тўқсонинчи йилларида ғалладан кўпи билан 20–30 центнер


хосил олган бўлсак, бугунги фермерлар 80–90 центнердан хирмон кўтармоқда.

Сиз яратиб берган имконият туфайли муборак ҳаж зиёратига бориб келдим. Нуроний кайвони сифатида тўй-маъракаларда қатнашганимда бир ҳолатга кўп бора гувоҳ бўламан. Гапнинг рости, ёшу кари, барча-барча бугунги тинч, фаровон ҳаётимизни таъминлаб берганингиз учун Сизни доим дуо қиласади.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич! Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг. Барча оила аъзоларим, ҳамкишлокларим номидан Сизга мустаҳкам соглик, узоқ умр тилайман.

Барот Нодиров,
мехнат фахрийси,
Самарқанд вилояти,
Жомбай тумани

2015 йил 18 ноябрь



**Ассалому алайкум, мұхтарам
Президентимиз Ислом Абдуганиевич!**

Юртимизда амалга оширилаётган улкан ишлар орасыда мен каби ёрдамға мұхтоғ инсонларға баҳт улашишға қаратылған ижтимоий ислоҳотлар, уларнинг ҳәётдаги рүёби учун Сизга ҳадсиз-хисобсиз миннатдорлик билдираман. Ногирон фарзандимни соғлом болалар сафига олиб кирған Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ходимларига ташаккурлар айтаман.

2010 йилда туғилған қызим Сарсенбаева Асіма Серик қызига тұғма аномалия деб диагноз қўйилганидан кейин уни бир умрга ногирон болалар сафида, келажаги кемтиқ ҳолда тасаввур этиб, олам кўзимга қоронғи бўлиб қолган эди. Турмуш ўртогим билан орамизга совуқчилик тушди, оиласиз аста-секин пароканда бўла бошлади. Бирок яқинларимизнинг маслаҳати билан уни Тошкентдаги Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида тўлиқ текширувдан ўтказдик. Унинг дардига даво мавжудлиги қалбимизга ёруғлик олиб кирди. Аммо жарроҳлик операцияси катта тўловни талаб этарди.

20

Оллоҳнинг марҳамати кенг, бир эшик ёпилса, иккинчиси очилар экан. Республика педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази маъмурияти давлат ҳомийлиги асосида қизимни имтиёзли операция килиш мумкинлиги тұғрисида хабар берди. Яратған әгамнинг карами ва тиббиёт ходимларининг жонкуярлиги натижасида қизим оламдаги энг гўзал ва латиф товушларни эшлиши бахтига мусасар бўлди. Мендаги бу бахтни, миннатдорлик туйгусини таърифлашга қалам, сўзлашга тил ожиз.

Бу – юртимизда «Соғлом она ва бола йили»да амалга ошириладиган улкан ишларнинг дебочаси, деб ўйлайман. Ўзбекистон шифохоналарида юксак технологиялар асосида малакали тиббий операциялар ўтказилаётгани соғлиқни саклаш соҳасида катта ўзгаришлар юз берәтганидан да-лолатдир.

Ҳар бир ёрдамға мұхтоғ оила фарзандининг дардини эътиборсиз қолдирмасдан, бекиёс ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиз олдида таъзимдаман.

**Серик Байбосинов,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Нукус шаҳри**

2016 йил 10 февраль

21

**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Сизнинг саъй-ҳаракатингиз, фидойилигингиз билан бугун Ўзбекистон тарақкий этган давлатлар қаторидан ўрин олмоқда. Юртимизни обод қилиш, айниқса, шаҳарсозлик бўйича олиб бораётган ишларингизни биз – нуронийлар доимо юксак қадрлаймиз. Жумладан, бош режа асосида Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида барпо этилаётган замонавий иншоотлар, кенг ва равон кўчалар, турар-жой бинолари, маданий ва майний бинолар, коллажлар, мусиқа мактаблари, спорт масканлари, стадионлар кўрган кўзни кувонтиради.

Кадрли Ислом Абдуганиевич,

Хисор тоги этагида жойлашган Чоршанба қишлоғимиздан Азизбек Саматов, Ёркинай Жуманова каби Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди. Бу, аввало, Сизнинг ёш авлодга кўрсатаётган эътибор ва гамхўрлигингиз самарасидир.

Шунингдек, мўъжазгина Чоршанбада Ўзбекистон харбий ҳаво кучларида хизмат қилаётган полковник Ғолиб Курбонов, майор Турғун Курбонов каби само лочинлари туғилиб вояга етгани билан биз доимо фаҳрланамиз. Ахир, бир вактлар Қашқадарёнинг чекка бир қишлоғидан чемпион

ёки ҳарбий учувчи чиқади, деса ким ишонарди? Албатта, бу – мустақиллигимиз шарофатидан, деб биламиз. Илгариги замонда оддий маҳалла гузарига ҳам эга бўлмаган қишлоғимизда бугун тўртта замонавий тўйхона бор. Бу масканларда ҳар куни тўй.

Конституциямизнинг 22 йиллигига багишланган маросимда 2015 йилни юртимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» дея эълон қилганингиз биз – нуронийларни жуда хурсанд қилди.

Кадрли Ислом ака, Сиз Термиз шахрига Амир Темур орденини топшириш маросимида сўзланган нутқингизда айтган мана бу сўзлар бизнинг қалбимизни тўлқинлантириб юборди: «Мен Қашқадарёга борар эканман, ўзимни худди ўз уйимга боргандек хис қиласман».

Сизнинг қатъият билан олиб бораётган сиёсатингиз туфайли, минг шукурки, замонимиз тинч, юртимиз фаровон, кариялар хурмат-иззатда. Сиз бизга тинчлик, оилавий баҳт тақдим этганингизни қадрламасдан бўладими? Сиз бизни доимо қўллаб-куватлаб келдингиз, биз доимо Сиз билан биргамиз.

Дунё тургунча туринг, бошингиз омон бўлинсин!

**Абдураҳим Абдусаматов,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани,
Чоршанба маҳалла фуқаролар йиғини
Нуронийлар жамоатчилик маркази раиси**

2015 йил 15 январь



Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу хатни Сизга йўллашдан мақсадим – бир она сифатида ўз ҳаётимдан, фарзандларим камолидан розилигим, хурсандлигимни Сиз билан бўлишишдир.

Мен – Инжигул Сабурова Қорақалпогистонда туғилиб ўсдим, оила куриб, турмуш ўртоғим билан тўрт ўғил ва икки қизни тарбиялаб келмоқдамиз.

Сизнинг 2015 йил 5 декабрда Конституциямиз кабул қилинганининг 23 йиллигига бағишлиланган тантанали йиғилишда она ва бола саломатлиги хақида алоҳида тўхталиб, «Она ва бола соғлом бўлса, оила баҳтли, оила баҳтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади», деб айтган сўзларингиз калбимга муҳрланиб қолди. Мен бу фикрларнинг тасдиғини оиласам, фарзандларим, она юртим – Ўзбекистоним мисолида кўриб яшаётган баҳтиёр онаман.

Ватанимизнинг барча жойларида бўлгани каби, Қорақалпогистонда ҳам ёшларимиз учун билим олиш, касб-хунар ўрганиш, спорт, санъат билан шуғулланиш, хоҳлаган соҳасида ўз иктидорини намоён қилиш учун барча шароитлар

яратилган. Бизнинг болаларимиз ҳам бу имкониятлардан фойдаланиб, камолга етмоқда. Масалан, учта ўғлим санъат соҳасида ўз ўрнини топиб, элюртимиизга хизмат қилиб, бизни кувонтироқда.

Иккинчи ўғлим Женисбек Пиязов 2007 йили «Ниҳол» мукофоти совриндори бўлди. 2010 йили эса, ёш бўлишига карамасдан, «Шухрат» медали билан тақдирланди. 2014 йили 26 ёшида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» деган фахрий унвонни олганини эшишиб, кўзимга беинтиёр кувонч ёшлари келди ва калбим чексиз гурурга тўлди.

Женисбек ўғлим уй-жойдан кийналмасдан, асосий вакти, куч-гайрати ва истеъодини санъатга, юртимиз хизматига бағишиласин, деб, Сизнинг топшириғингиз билан Тошкент шаҳрининг коқ марказидан замонавий, барча қулийкларга эга бўлган янги квартира берилганини эшишиб, биз бутун оиласиз билан бирга Сиздан беҳад миннатдор бўлдик. Инсонга, санъат ахлига бундай катта эътиборни илгари, совет даврида тушимиизда ҳам кўрмас эдик.

Яна бир ўғлим – Жанибек миллий жиров йўналишида ижод қилиб, нуфузли халқаро танловлар ғолиби бўлиб келмоқда. У 2010 йили «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлди. 2015 йилда Франциянинг Париж шаҳрида ЮНЕСКОнинг 70 йиллигига бағишлиб ўтказилган танловда «Энг яхши анъанавий ижрочи» йўналиши бўйича «Олтин

кўбиз» совринини кўлга киритди. Бугунги кунда у Нукус шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабида ёшларга таълим бермоқда.

Нукус маданият ва санъат колледжида таълим олаётган кенжА Ақилбек ҳам акаларининг йўлидан бормоқда. У жаҳон мумтоз опера санъати йўналишида ижод қилиб, 2014 ва 2015 йилларда Тошкент шаҳрида, Москва шаҳрида ўтказилган танловларда юкори ўринларни эгаллади. 2015 йилнинг октябрь ойида Қозогистон Республикасининг Чимкент шаҳрида ёш опера ижрочилари танловида ўз номинацияси бўйича голиб бўлди.

Сиз доим ёшларимизга карата «Сизларнинг ютуғингиз – бу бутун Ўзбекистонимизнинг ютуғи, мэррани ҳамиша баланд олинг, эртанги кун – сизники, марра – сизники!» деб уларни буюк ишларга даъват этасиз. Мен бу гапларингизни ҳамма вақт болаларимга эслатиб турман. «Сизлар ҳали катта йўлнинг бошида турибисизлар. Эл-юритимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлаш учун доимо изланиб, меҳнат килишингиз, ҳали жуда катта мэрраларни эгалашингиз керак», деб айтаман.

Шу йил 11 февраль куни Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши йиғилишидаги нутқингизда кишлоК жойларда мусика ва санъат мактабларини қуриш бўйича берган топшириқларингиз менинг қалбимдаги.

барча кишлоК аёлларининг кўнглидаги гап бўлди. Ўзим Қорақалпогистоннинг Кегейли туманидаги чекка бир кишлоКда туғилиб ўсганман ва болалар учун, оналар учун бундай олис жойларда спорт ва санъат масканлари билан бирга янги мактаблар, лицей ва колледжлар, кишлоК врачлик пунктлари, намунавий уй-жойлар барпо этилаётгани – буларнинг барчаси канча-канча ҳаётий масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Энг муҳими, бундай кулаг ва замонавий шароитларда катта бўлаётган болалар жуда интилувчан, кизикувчан, кенг фикрлайдиган бўлади. Шунинг учун ҳам келгусида олис кишлоКларимиздан жуда кўплаб истеъодли болалар етишиб чикади, деб ўйлайман.

Бизнинг фарзандларимизга, оиласига Сизнинг алоҳида меҳр кўрсатиб келаётганингизни доимо сезиб, хис киламиз. Бунга якинда, 2016 йил 16 февралда яна бир бор ишонч ҳосил килдик. Ўша куни Қорақалпогистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида Пиязовлар оиласи вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан қабул қилинди. Унда Жўқорғи Кенгес Раиси Муса Ерниязов Президентимизнинг ёшларга, айниқса, интилувчан истеъоддод эгаларига эътибори ҳакида гапириб, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг юкорида зикр этилган мажлисида Президентимиз Қорақалпогистонлик йигит-қизларнинг санъ-

ат соҳасида эришаётган ютукларига алоҳида тӯхталиб, Пиязовлар оиласига ўзининг самимий саломи ва хурмат-эҳтиромини етказиб кўйишни сўраганини маълум қилди ва бизларга Сизнинг совғаларингизни топширди.

Оиламизга, фарзандларимизга кўрсатаётган бундай катта меҳрингиз, эътиборингизни биз ҳеч қачон унутмаймиз. Ака-ука Пиязовлар – ўгилларимнинг, умуман, оиламизнинг маъна шундай хурмат-эътибор топишида Сизнинг Ватанимиздаги ялт этган ҳар бир истеъод учкунини қадрлаб, уларга кўрсатаётган меҳрибонлигингиз асос бўлмоқда. Агар мустакиллигимиз бўл маса, Сиздек бағрикенг, ҳалкпарвар Президентимиз бўл маса, бизни ким биларди, ким танирд и, ким бошига кўтариб, шунчалар ардоклар эди..

Доимо соғ-саломат бўлинг. Ҳалқимизга, юртимизга бош бўлиб, Ўзбекистонимизни ўзингиз белгилаб берган мэрраларга олиб чиқишида Яратганинг ўзи Сизга мададкор бўлсин.

Чукур хурмат ва таъзим билан Пиязовлар оиласи номидан:

Инжигул Сабурова,
Нукус шаҳри,
Ешимбетов кўчаси, 46-уй
2016 йил 16 февраль

Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!

Бу мактубни Сизга қирк йилдан ортиқ вакт мобайнода кишлоқ болаларига таълим ва тарбия берган, айни чогда пенсияга чиқиб, қарилик гаштини суреб келаётган фахрий ўқитувчи ёзмоқда. Кўп истиҳола қилдим. Биламан, Сизнинг ишларингиз жуда кўп, давлат юмушлари, элу юрт ташвишларидан бир зум бушашга вакт топмайсиз. Шуларни ўйлаб, ўз истакларим ва кечинмаларимни мактуб орқали изхор этишини лозим деб топдим.

Ёшим саксонга яқинлашиб қолди. Дунёнинг аччик-чучугини кўп татиб кўришга тўғри келди. Лекин, очигини айтсан, сўнгги йигирма йил мен учун ҳақиқий саодат даври бўлди. Чунки, мустақиллигимиз туфайли ҳалқимизга кенг имкониятлар очилди, давлатимиз томонидан қанча-қанча хайрли ишлар қилинмоқда. Сизнинг раҳбарлигингизда жамиятимиз тинчлик ва фаровонлик, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслик, маърифатли, маънавиятли бўлиш йўлини танлади. Ўзбек ҳалқи ўзининг ҳақиқий кудрати,



салоҳиятини бунёдкорлиги, аҳиллиги, илм ва маърифати билан намойиш эта бошлади.

Сизнинг сиёсатингиз мувакқат обрӯ учун эмас, балки асрлар мобайнида эзилган ўзбек миллатини ҳеч кимга қарам бўлмайдиган, доимо қадрини баланд кўтариб яшайдиган, иймон-эътиқоди ҳам, вужуди ҳам соғлом, маънавияти юксак, келажаги порлоқ бир халқ сифатида шакллантиришга қаратилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун мен ҳам мамлакатимиз ривожига ўзимнинг камтарона ҳиссамни қўшиш ниятида 2007 йили қишлоғимизда ёшлар учун маънавият ва маърифат маркази қуриш учун ер ажратиб беришини сўраб, Касби тумани ҳокимлигига мурожаат қилдим. Туман ҳокимлиги 30 сотих жой ажратиб берди. Богдорчиликдан оладиган даромадимни кутубхона курилишига сарфладим. У 2009 йилнинг 1 октябрида ишга туширилди. Кутубхонамиз фонди йиллар давомида ўзим тўплаган, турли мавзудаги 20 мингга яқин китоблар ва 2 мингдан ортик газета-журналлардан иборат. Кутубхонанинг 120 квадрат метрдан иборат ўқув заллари замонавий мебеллар, 3 комплект компьютер билан жиҳозланди, хоналарга ёзда салқин, қишида иссик қилиб турдиган кондиционерлар ҳам ўрнатилди. Ана шу кичиккина кутубхонамиз қишлоғимиз ёшларининг севимли масканларидан бирига айланди, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Агар Сиз ёшларга эътибор ва ғамхўрликни, маънавият ва маърифат масаласини давлат сиёсати даражасига кўтармасангиз, бир оддий ўқитувчи бундай ишларни кила олармиди?

Қадрли Ислом ака, бир ниятим бор: кутубхонамизда нодир китоблар фондини яратмоқчиман. Унда мустақиллик даврида яратилган, илм-фан, адабиёт ва санъат, умуман олганда, миллатимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётган асарларнинг энг сара намуналарини муаллифларнинг дастхатини туширган холда тўпламоқчиман.

Илоҳим, Сиз танлаган йўл, биз ишонган йўл, Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўли ойдин ва чароғон бўлсин!

**Холбой Хонқулов,
Қашқадарё вилояти,
Касби тумани,
Қатагон қишлоғи**

2015 йил 29 апрель



Орзу қилган бахтга эришдим

Ассалому алайкум, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Узимни таништирсам, мен Андижон вилояти, Шаҳриҳон шаҳри, Муллавой маҳалла фуқаролар йигинига карашли «Нурли келажак» маҳалласида яшайман. 1956 йили туғилганман. Сизнинг лойиҳангиз асосида курилган намунаий уйларнинг биттаси менга ҳам насиб этиб, янги ҳовлига кўчиб кирганимиздаги қувончимни айтишга тилим ожиз, умр бўйи орзу қилиб яшаган улкан бахтга эришдим. Бунинг учун Сизга самимий ташаккуримни билдираман.

Тикувчилик ҳунарим бор, яна баҳоли қудрат қалам тебратиб турман. Қайси йиғинга кирсам, мендан «Ёзганларингиздан ўқиб беринг», деб сўрашади. Жон деб уларга шеърлар ўқиб бераман. Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, дўстлик ва ўзаро меҳр-оқибат мухитининг бош ташкилотчиси ва ҳимоячиси Президентимиз, дейман фахр билан.



Бизнинг бахтимизга, фарзандларимиз бахтига доимо омон бўлинг!

Салом ва ҳурмат билан:

Эргашхон Азимова,
Андижон вилояти,
Шаҳриҳон шаҳри,
«Нурли келажак» кўчаси, 36-үй

2015 йил 16 сентябрь



Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Мен Сизга ушбу мактубни йўллаётганимдан бехад хурсандман. Шу кунларга етказгани учун Оллоҳга минг бор шукурлар киламан.

Менинг уч нафар ўғлим бор. Иккинчи фарзандим – Ахрорбек Акрамов тақдир тақозоси билан ногирон бўлиб туғилди. Бундай пайтда ҳаммадан ҳам кўра она қанчалик азоб чекиши, ўзини айбдордек хис этиб, қайгуга ботиши ҳеч кимга сир эмас, деб ўйлайман. Шифокорлар пастки жагида нуқсони бор, деб диагноз қўйгач, ўғлимни кўрсатмаган шифокор, шифохона қолмади. Амалий натижа бўлмагач, тушкунликка тушиб, тақдирга тан бериб яшашдан бўлак чорам қолмаган эди.

Сизнинг юртимиизда олиб бораётган ислоҳотларинги натижалари, уларда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилгани, болалар саломатлигига кўрсатилаётган катта эътибор туфайли мен учун дунё қоп-коронгу бўлган шундай кунлар ёруғ дамларга айланди. 2013 йил фарзандим «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ёрдами билан Германияда бир йил давомида бепул даволаниб келди. Ҳозир унинг соғлиги яхши.



Бундай ғамхўрлик мени, фарзандимни ва оила аъзоларимни қанчалик хурсанд этганини таърифлашга ожизман. Бундай эзгу ишларга бош-қош бўлиб турган Сиздек Юртбошимиз борлигидан бехад миннатдормиз.

Мана, бошимга тушган оғир синовлардан ўтдим, кўрган-кечирган ёмон кунларим ортда қолди.

Мен ўрта маҳсус маълумотга эгаман. Турмуш ўртоғим – олий маълумотли, қурилиш соҳасида меҳнат қилмоқда.

Мен Сиздек меҳрибон Юртбошимдан кўрган барча яхшиликларга жавобан келажак авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг мустақил ўзбекистонимиз келажаги йўлида сидқидилдан меҳнат қиласидиган, она Ватанимиз шаъну шавкатини дунёга ёйишга қодир фарзандлар бўлиб улғайиши учун бор куч-ғайратимни аямайман.

Оллоҳдан сизга соғлик-омонлик, узок умр тилайман.

Хурмат билан:

Мастура Тўраева,
Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Қорақўрғон қишлоқ
фукаролар йигини,
Қовунчи махалласи

2015 йил 19 июль



Ассалому алайкум, азиз Президентимиз Ислом Каримов!

Мен – андижонлик фермер, оддий қишлоқ аёлиман.

Бир пайтлар ўзбек аёли учун бугунгидек шарт-шароит ва имкониятлар яратилиши етти ухлаб тушимизга кирмаган. Оддий бир мисол. Юртимизда биз – фермерларга яратиб берилган кенг имтиёзлар боис мен ҳам шу соҳанинг илғор вакилларидан бирига айландим. Сизнинг раҳнамолигингизда мамлакатимизда фақат қишлоқ хўжалиги эмас, барча соҳаларда ҳам эркин ишлаб, ҳалол даромад топиш ва фаровон ҳаёт кечириш имконияти яратилди.

Собик мустабид тузум даврида бир умр далада меҳнат қилиб, косаси оқармаган ҳалқимиз Сиз олиб бораётган окилона сиёсат туфайли ерга эгалик килиш ва ундан фойдаланиш, мўл ҳосил олиб, ҳам давлат газнасини тўлдириш, ҳам ўзининг моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлаш йўлларини ўрганганидан фурурга тўламан.

Дунё ахли жадал ривожланиб бораётган, ўзига хос тараққиёт йўлига эга Ўзбекистонга ҳавас билан бокмоқда. Одамларимизнинг яшаш ша-



роити юксалаётганини қишлоқлардаги бунёдкорлик ишлари, Сизнинг лойиҳаларингиз асосида қад ростлаётган замонавий уй-жойлар ҳам исботлаб турибди. Ҳалқимиз бу уйларни меҳр билан «Президент уйлари» деб атаётгани ҳам бежиз эмас.

Она сифатида таъкидлашни истардимки, болаларим бағримда, улар соғ-омон, баҳтиёр ва зеҳили бўлиб камолга етишмоқда. Ахир, бундан фахрланмасдан бўладими!

Шундай экан, 29 марта бўлиб ўтадиган Президент сайловида Сизга овоз бераман. Сизга Оллоҳимдан соғлик-саломатлик, узок умр сўрайман! Биз оналар баҳтига дунё тургунча туринг!

Доноҳои Туманова,
Андижон вилояти, Булокбоши
тумани, «Доноҳои Холикова»
фермер хўжалиги раҳбари

2015 йил 5 март

**Ассалому алайкум, Ўзбекистон Республикаси
Президенти мухтарам Ислом Абдуғаниевич!**

Мен – Ҳилола Даминова бундан 21 йил аввал, яъни 1994 йилда Сизга ўғлим, ёлғиз ёдгорим – Асилжон туғилганида мактуб йўллаб, Сиз каби элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ажойиб инсон бўлсин, деб ёзган эдим.

Оллоҳга шукур, ўғлим Асилжон Аъзамов Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицейда таҳсил олиб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўз йигитлик бурчини адо этди. Намунали аскар сифатида олий ўқув юргига имтиёзли асосда кириш хукуқини берадиган тавсияномага эга бўлди. Сиз яратиб берган ана шу имконият туфайли яқинда Тошкент олий ҳарбий техника ўқув юрти курсанти бўлди. Бундан кувончим чексиз, мен – баҳтли онаман.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга катта раҳмат! Сизнинг ҳар ишда, ҳар доим эл-юртимиз манфаатини ҳамма нарсадан устун билиб амалга ошираётган тадбирларингиз бугунги кунда ҳар қадамда ўз самарасини яққол намёён этмоқда.

Рахматли турмуш ўртогим – Илҳом Усмонов «Худо хоҳласа, фарзандимиз ўғил бўлади, Пре-

зиденти ва Ватанига содик, юртини ҳимоя қиласидиган ҳарбий бўлади», деб кўп айтарди.

Мана бугун, отасининг нияти амалга ошмоқда. Ўғлим отасининг орзу-истагини руёбга чиқариш учун астойдил ҳаракат килмоқда. Бунда Сизнинг ҳам ҳиссангиз катта. Чунки Сиз ёшларга катта имкониятлар, шароитлар яратиб беряпсиз.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, мен Сизни яқинлашиб келаётган Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан чин юрақдан табриклайман.

Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, буюк ва масъулиятли ишларингизда улкан зафарлар тилайман. Оллоҳдан Сизга куч-кувват сўрайман, ўзи паноҳида асрасин!

Доим баҳт ва омад ҳамроҳ бўлсин!
Хурмат ва эҳтиром билан:

**Ҳилола Даминова,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
8-мавзе, 38-уй, 61-хонадон**

2015 йил 2 август



Ташаккурнома

Ассалому алайкум!

Авваламбор, биз – фуқаролар баҳтига, халқимиз баҳтига ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Сизнинг олиб бораётган оқилона сиёсатингиз, саъй-ҳаракатларингиз, кеча-кундуз халқ фаронлиги йўлидаги хизматингиздан чексиз миннатдормиз. Менинг оила аъзоларимнинг барчаси Сизни жуда яхши кўради ва ҳурмат қилади.

Юртимиз кундан-кунга чирой очиб, обод бўлмоқда, барча-барчамиз ўзимизни кундан-кунга баҳтли сезмоқдамиз.

Сизнинг номингизга ўғлим Рустамхўжа Аҳмедовни ишга киришида ёрдам кўрсатишни сўраб, мактуб ёзган эдим. Сизнинг кўмагингиз билан ўғлим ўзи ёқтирган ишга жойлаши.

Мен шахсан ўзим, онамиз Бодомой Эгамназарова ва оиласи, ўғлим Рустамхўжа Аҳмедов номидан Сизга катта ташаккур айтаман. Мен – баҳтли отаман. Чунки сиздек Юртбошим, Ватаним, Сизга хизмат киладиган фарзандларим бор.

Оtam – Аҳмедов Мелихўжа Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган, урушда бир оёғидан ажралган. Ота-онам, авлод-аждодимиз Ватан равнақига хизмат килиб келган. Бундан кейин ҳам

шундай бўлиб қолади. Ўзим 30 йил турли соҳаларда меҳнат қилдим. Салкам 10 йил Дангара туманидаги Тангриқул маҳалла фуқаролар йигини раиси бўлиб ишлаганман.

Юртимиз ободлигига, унинг равнақига ҳисса қўшишга доимо тайёрмиз, ҳаракатдамиз. Аёлим ёш авлод тарбиясига ҳисса қўшиб, мактаб-интернатда тарбиячи бўлиб ишламокда.

Ўғлим – Рустамхўжа Аҳмедовнинг ёшлигига ота-онамга, юртимиз осойишталигига, унинг равнақига, Президентимга хизмат қиламан, ички ишлар органларида ишлаб, ўқиб Сизларга Юртбошимдан раҳмат олиб бераман, деган орзулари бугун, мана, амалга ошиб турибди. Ўглимиз ўқишини аъло баҳолар билан тутатиб, 2013 йилдан бўён Фарғона вилояти ички ишлар бошқармасида хизмат килиб келмоқда.

Бундай баҳтли кунларни кўрсатган Оллохга шукурлар бўлсин, Сиз, азиз Юртбошимизга катта раҳматлар айтамиз. Яхши кунларда, болаларимизнинг тўйларида бош бўлинг, тўйларимизга келинг!

Сиздан бир умр миннатдор бўлиб, узок умр тилаб қолувчи:

Муҳаммадхўжа Аҳмедов,
Фарғона вилояти, Дангара тумани,
Тангриқул маҳалла фуқаролар йигини,
Тангриқул кучаси, 103-уй

2013 йил 13 август



Хурматли Ислом Абдуганиевич, мен Сизга астойдил миннатдорлик билдириб, юртимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан чин кўнгилдан кутлайман.

Шу йил 18 марта икки яшар неварамга нафака тайинлаш юзасидан йўл-йўрик сўраб, мурожаат қилган эдим. Мендек бир бева аёлнинг аризасига кулоқ тутиб, кимматли вактингизни аямасдан, Қува тумани ҳокимлигига аризамни кўриб чиқиб, амалий ёрдам берилсин, деган мазмундаги кўрсатмангиз учун Сизга катта раҳмат! Сизнинг ана шу топшириғингиздан кейин менга «Иттифок» кишлок фуқаролар йигини томонидан моддий ёрдам бериладиган бўлди.

Яна бир кўнглим яраси – бўйи етиб қолган, 1991 йилда туғилган Умида қизим бир неча йилдан буён adenoma-гипофиза касали билан оғриб келади. Унинг дардига шифо излаб, бормаган жойимиз қолмади. Фарғона вилояти эндокринология шифохонаси раҳбарлари, шароитимизни тушунган ҳолда, ордер билан Тошкент шаҳридаги Республика эндокринология марказига операцияга жўнатди. У ерда шифокорлар операцияни муваффакиятли ўтказиши.

Кишлоқда икки-уч ой туриб, ҳаво алмаштириб, соғлиғи тиклангач, қайта текширув учун яна Тошкентга келдик. Шифокорлар қизимнинг яна бироз шу ерда даволаниши кераклигини айтишди. Имкониятим йўқлиги учун яна вилоятимиз тиббиёт бошқармасига мурожаат қилдим. Шифокорлар шароитим оғирлиги, бокувчимиз йўқлигини билиб, Тошкентдаги шифохонага тагин ордер ёзиб беришди. Шундай қилиб, қизим пойтахтимиздаги шифохонада даволанди.

Бизга ана шундай имкониятлар яратилгани учун мингдан-минг раҳмат, доимо соғ бўлинг.

Махфузон Рўзибоева,
Фарғона вилояти, Қува тумани,
«Бекобод» кишлоғи

2013 йил 24 август



**Ассалому алайкум, азиз Юргбошимиз
Ислом Абдуғаниевич!**

2015 йилни мамлакатимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон килганингиз учун мингдан-минг раҳмат. Қўқон шахримизни обод килиб, гуллатиб-яшнатиб берганингиз учун раҳмат.

Мен – Шоирахон Рўзиева 1958 йили 14 деқабрда туғилганман. Қўқон шаҳри, Чорток кӯчаси, 13-йда яшайман. 1-шахар шифоносида ҳамшира бўлиб ишлаганман. Уч ўғил, бир кизим бор. Турмуш ўртоғим 2011 йилда вафот этган. Уч фарзандим оиласи, тинч-тотув, яхши яшайди.

Сизнинг эътиборингиз туфайли кўплар қатори менга ҳам дам олиш масканига бепул йўлланма совға қилинди. Фарғона вилояти Олтиариқ туманинаги фахрийлар санаториясида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар билан бирга дам оляпман. Барча шифокору ҳамширалар ва ишчилар шириңсўз. Шинам хоналарда шифобаҳш муолажаларни оляпмиз, тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминлашяпти, бизга хизмат қилиб турган барча ишчиларнинг қўли дард кўрмасин.



Ҳамма-ҳаммаси бепул, биз – дам оловчиликнинг жонимизга ҳузур бўляпти.

Сизга кўпчилик номидан, санаториядаги 400 дан ортиқ отахону онахонлар номидан раҳматлар айтамиз. Ҳамма миннатдор. Мехрибон шифокор ва ҳамшираларга ҳам узок умр, улуғ ризқ тилаймиз, қариликка етиб ардокланиб юришларини Оллоҳдан илтижо қиласиз.

Дам оловчи фахрийлар номидан чукур ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Шоира Рўзиева,
Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри,
Чорток кӯчаси, 13-ий**

2015 йил 3 март

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мен Фарғона вилоятининг Яйпан шаҳри, Пастқуриқ қишлоғида 1925 йил 20 сентябрда дәхқон оиласида туғилғанман. 18 ёшимда урушга кирғанман. Биз кўрмаган азоб-уқубатлар қолмаган ҳисоб. Қишининг совук кунларида зах окопларда ётиб, нимаики кийинчилик бўлса ҳам чидаб, ортимиизда қолган ота-онамизни, Ўзбекистонимизни ўйлаб, фашистларга қарши курашганимиз. Илоҳим, бундай жаҳаннамни биз кўрдик, фарзандларимиз кўрмасин.

Москва яқинида бўлган жангларда оёғимдан яраланиб, ҳарбий госпиталда ётдим. Шукурки, умрим бор экан, юртимга, ота-онамнинг бағрига ёруғ юз билан қайтиб келдим. Эллик йил асал-аричилик билан шуғулландим. Қўлимдан келганча эл-юртимизга тоза асал етказиб бердим. Мени маҳалладагилар Абдураҳмон ота эмас, «Асал ота» деб чакиришади. Ҳозир 90 ёшдаман. Сизнинг бошчилигингизда давлатимиздаги хозирги тинч-осойишта замонда кексалик гаштини сурмоқдаман. Ўғил-қизларим, невараларим, қўни-қўшиларим ардоғидаман.

Мен Сизга чукур эҳтиромимни билдираман. Юртимизнинг гуллаб-яшнаётгани Сиз түфайлидир. Биздек карияларни йўклаб, жуда савобли иш киляпсиз. Шахсан менга ҳар байрамда совгалар, пул мукофотлари топширилмоқда. Бундан бутун оиласиз билан миннатдормиз. Мен сизга Оллоҳдан мустаҳкам соғлик, узок умр тилайман. Доимо хозиргидек шаҳдам юринг. Замонимиз тинч бўлсин, уруш бўлмасин!

Бу хатни чеварамга айтиб ёздирдим.
Камоли эҳтиром ила:

Абдураҳмон ота Кўконбоев,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон
тумани,Faфур Ғулом
кўчаси, Яйпан – 3 а/б

2015 йил 8 май



Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуғаниевич!

Мен уч фарзанднинг онаси сифатида шундай бетакрор Ватанда – мустакил Ўзбекистонда болаларим, набираларим ва турмуш ўрготигим билан тинч-тотув ва хотиржамликда яшётганимиз учун Оллоҳга минг шукур, дейман. Шу улуғ юртимизни барқарор тараккиёт йўлидан бошлаб бораётган Сиздек азиз инсонга мамлакатимизга Президентлик қилишдек тақдирни рано кўрган Оллоҳга яна минг карра шукурлар, дейман. Яқинда бўлиб ўтган сайловда Сизнинг тани-жонингиз соғ бўлишини, бошлаган хайрли ишларингизни умрбод ўзингиз давом эттириб, роҳатини ҳам кўриш насиб этишини Яратгандан сўрадик. Минг шукурки, ҳалқимиз бир овоздан яна ўзингизни ўзига бош этиб сайлади.

Биз икки қизимизни турмушга берганмиз. Набираларимиз бор. Ўғлимнинг ёши йигирма еттида, кичиклигидан математика, инглиз тилига қизикиб яхши ўқиди. Пухта билимининг маҳсулси сифатида 2012 йили Тошкентдаги Турин политехника университетининг машина-муҳан-



дислик факультети талабаси бўлди. Ҳозир учинчи босқичда таҳсил олаётган ўғлим Азизбек Ураимжонов Сиз яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, немис ва итальян тилларини ҳам ўрганяпти.

Мен ўғлимнинг келажагидан бехавотир бўлганимнинг боиси шундаки, дадаси билан уни кўргани Тошкентга бориб, университетдаги шароитлар билан танишиб, ҳавасимиз келди: турли китобларга бой жуда катта кутубхона, спорт майдонлари, сузиш ҳавзалари, Интернетга уланган компьютерлар... Талаба учун барча имкониятлар мухайё.

Шунда, қанийди, мен ҳам яна қайтадан ёш бўлиб қолсаму шундай замонавий таълим масканларида ўқисам, дейман. Сизнинг тақрор-такрор айтадиган гапингиз қулогим остида жаранглайди. Ҳа, бизнинг ёшлар хеч кимдан кам эмас, жаҳондаги исталган мамлакатдаги тенгдошлари билан билимда, спортда ҳамда одобу ахлоқда беллаша олади!

Ўғлимнинг келажакдаги орзуси – чет мамлакатларда малака ошириб, ўз танлаган соҳасига доир илгор тажрибаларни ўрганиб келиб, ҳалқимизга яхши хизмат қилиб, она Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўзининг муносиб хиссасини қўшишдан иборат.


Мен бир она сифатида ўглимнинг университетни аъло баҳоларга битириб, халқимизга фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишиши. Сиз билан кучоқ очиб кўришишини Оллоҳдан тилаб, сўраб коламан.

**Фарида Якубова,
Фарғона шаҳри, Махмур
кўчаси, 42-уй**
2015 йил 7 апрель



Рахматнома

Ассалому алайкум, азиз ва муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич!

Мен бундан уч йил аввал Сизга Фарғона нефти қайта ишлаш заводига ишга кира олмаётганим ҳакида ёзиб, шу масалада ёрдам сўраган эдим. Мана, бу йил Сизнинг кўмагингиз билан ишга жойлашганимга ҳам 3 йил бўлмоқда. Ҳозир ҳаётим яхши, Сизнинг ёрдамингиз натижасида изга тушиб кетди. Мени кўрмаган бўлсангиз ҳам, менга кўрсатган ёрдамингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман, рахмат.

Ватанимизнинг, халқимизнинг ва ёшларимизнинг баҳтига ҳамиша соғ-омон бўлинг, умрингиз зиёда бўлсин, дунё тургунча туринг!

Мен тилайман, дунёда мавжуд
Бахтли кунлар Сизга ёр бўлсин.
Келажакда нурли юзингиз
Яна минг бор баҳорни кўрсин!

Сиз билан доимо фаҳрланиб, ғуурланиб юрамиз, ҳамиша омон бўлинг!

**Умидахон Маҳмудова,
Фарғона вилояти, Олтиарик
тумани, Тинчлик шаҳарчаси,
Қори Ниёзий кўчаси, 1-уй**
2014 йил 26 декабрь

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу мактубимизни Фарғона вилоятининг Бувайда туманида яшаётган бир гурух Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларининг чексиз шукроналиги ва миннатдорлиги сифатида қабул этгайсиз. 1941–1945 йилларда фашизмга карши урушда қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги арафасида бутун юртимизда бўлганидек, Бувайда туманида ҳам бир-биридан мазмунли тадбирлар бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши, шу номда давлат дастури қабул килингани ва биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар кўнгилларимизни тоғдек кўтарди. Кексалари улуғланган юрт, албатта, обод, унинг келажаги ёруғ бўлади.

Яқинда вилоят ва туман ҳокимлиги вакиллари биз – уруш катнашчиларининг хонадонларимизда бўлиб, Сизнинг фармонингизга мувофик пул мукофотлари, «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсадлик юбилей нишони, вилоят ва туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғаларини топширишди. Оилавий шароитларимиз билан танишиб, мавжуд муаммо ва кам-

чиликларимизни бартараф қилиб беришди. Шунингдек, байрам олдидан ҳаммамизнинг уйларимиз таъмирлаб берилди. Биз доимо давлат ва маҳаллий ҳокимлик ҳамда жамоат ташкилотлари эътиборини ҳис қилиб яшамоқдамиз.

Чексиз шукроналигимизнинг боиси факат берилган мукофот ва совғаларда эмас. Юртимиздаги тинчлик-осойишталик, осмонимиз мусаффолиги, турмуш фаровонлиги, бозорларимиз тўкинлиги, дастурхонларимиз баракоти ҳар қанча шукроналик учун арзиди. Сизнинг бошчилигинизда юртимизда амалга оширилаётган тинимсиз меҳнат, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотлар эришилаётган барча ютукларимизнинг бош омили бўлаётгани ойнадек равшан. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри, вилоятлар марказлари, Фарғона, Қўқон ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларда сўнгги йилларда амалга оширилган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари барчани лол қолдирмоқда.

Мустакиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аввало, Ўзбекистон, қолаверса, ён-атрофдаги давлатлар ва минтақамида мустаҳкам тинчлик ва барқарор ҳаёт учун курашиб келмоқдасиз. БМТ сессиялари ва бошқа нуфузли халқаро анжуманлар, МДҲ саммитларида сўзлаган тарихий нуткларингиз, асарларингиз ҳамда бошқа чиқишлиарингизда илгари сурилган фикрлар, гоялар бунинг исботидир.

*Президентлик лавозимини
нишонадиб*

Сизнинг янги муддатга Президентлик лавозимиға киришишингиз муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йигилишдаги нутқингизда баён этилган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари ҳам халқимиз дилидан чукур жой олди. Уруш ва нотинчликка қарши ҳар қандай сиёсатни, айниқса, биз уруш қатнашчилари юксак қадрлаймиз. Уруш азобини биз кўрдик, келажак авлод асло кўрмасин. 1941-1945 йилларда бўлган уруш ўтган аср тарихида қора доғ қолдирган энг мудхиш воқеадир. Ҳалихануз дунё ҳалклари уруш асоратларидан азият чекмоқда, десак, хато бўлмайди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, биз Сизни Президентлик лавозимиға кайта сайланганингиз билан қизғин табриклиймиз. Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган фидокорона ишларингизда Сизга омад, мустаҳкам соғлик, янада катта гайрат-шижоат тилаймиз.

Бувайдалик уруш ва меҳнат фахрийлари номидан:

**Бойқўзи ота Султонов,
Кенжабой Эгамқулов,**

**Зиятали Бозоров,
Фозилжон Тўйчибоев,
Фарғона вилояти, Бувайда тумани,
Янгиқўргон кишлого**

2015 йил 1 май



Раҳматнома

Бизнинг ўглимиз – Юнусжон Охунов 2000 или август ойида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманига сукилиб кирган бир тўда террорчилар билан бўлган жангда, Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажариш чогида ҳалок бўлган.

Бўйи бўйимизга тенг фарзандимиздан ажралиш, унинг орзу-ҳавасларини кўролмаслик биз учун жуда оғир қисматдир. Аммо фарзандим бизнинг тинчлигимиз, юртимизнинг осоишишталиги учун, мустақил Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қила туриб нобуд бўлди. Ўглимизнинг хизматини муносиб тақдирлаб, «Жасорат» медали билан мукофотлаганингиз учун Сиздан миннатдормиз. Шу нарса юрагимизга таскин беради.

Мана, шу воқеаларга ҳам 15 йил бўлди. Ҳар байрам кунлари туман ҳокимлиги ва мудофаа бўлими мутасаддилари холимиздан хабар олиб, кўнглимини кўтаришади. Шунда ўглимиз Юнусжон эл-юртимиз корига яраганидан, фар-

*Программа
награждения*

зандимизни муносиб инсон этиб тарбия қилганимиздан мамнун бўламиз. Сиз ҳар бир байрам ва тадбирларда раҳбарларга мурожаат қилиб, ўғлим сингари йигитларнинг оила аъзоларидан хабар олиб, уларни йўқлаб туриш лозимлигини таъкидлайсиз.

Мудофаа вазирлиги томонидан жойларда мардлик ва жасорат кўрсатган йигитларнинг суратлари ўрнатилиб, ҳарбий қисмларда «Хотира» бурчаклари ташкил этилганини эшишиб, кўнглимиз равшан тортди.

Туманимиздаги Шеробод қишлоғининг кўчаларидан бири Юнусжон Охунов номи билан аталадиган бўлди. Ҳозир ҳам турли байрам ва тадбирларда Учкўприк тумани ҳокимлиги ва мудофаа ишлар бўлими мутасаддилари ҳолимиздан хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб келишмоқда. Бизни сиҳатгоҳларга бепул йўлланма билан таъминлаб, даволаниб туришимизда амалий ёрдам кўрсашибмоқда.

Учкўприк тумани ҳокимлиги ва мудофаа ишлар бўлими кўмагида ўғлимизнинг қабрига мармар тош ўрнатилиб, ўзи ўқиган мактабда хотира бурчаги ташкил этилди. Биз – Ватан, элу юрт тинчлиги йўлида жонини қурбон қилган ўғлимиз Юнусжон Охуновнинг оила аъзолари кул-

*Программа
награждения*

фат қаршисида ёлғиз қолмаганимизни ҳамиша ҳис этиб турамиз, Сизнинг ва жамоатчилигимизнинг кўмагидан, маҳалла-кўй меҳридан хурсандмиз.

**Носиржон Охунов,
Зулфинисоҳон Охунова,
Фарғона вилояти,
Учкўприк тумани,
Шеробод қишлоғи**

2015 йил 6 ноябрь



Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Анчадан бери шу мактубни ёзишни кўнглимга тугиб юрар эдим. Лекин айтганларим нокамтарлик, мактаниш бўлиб қолмасмикан, деб истихола қилардим. Кўлимга дадиллик билан қалам олишимда аждодларимизнинг «Кимки бировга яхшилик килса, унутиши, яхшилик кўрган одам эса қилинган яхшиликни бир умр унутмаслиги керак» деган гаплари менга далда бўлди.

Турмуш ўртоғим – Рўзихон Авазова билан З ўғил, I қизни тарбия қилдик. Катта ўглим – Отабек Тошкент молия институтини битириб, Тошкент вилояти иқтисодиёт бошқармасида, сўнгра Иқтисодиёт вазирлигига фаолият кўрсатди. 2011 йилда Корея Республикасининг KoGaz компанияси томонидан эълон қилинган грантда ғолиб бўлиб, Жанубий Корея Таракқиёт институтида икки йил ўкиб, халқаро магистрлик илмий даражасини олди. 2013 йилдан бошлаб, шу мамлакатнинг Сежонг университети Осиё бўлимида координатор бўлиб иш бошлади. 2014 йилнинг январидан бошлаб эса докторантурага қабул қилинди. Инглиз, корейс, рус тилларини яхши



билади. Корея журналларида илмий мақолалари босилган.

Корейс ҳамкорларимизнинг Ўзбекистонга ташрифида ҳамроҳ бўлиб уч марта келиб кетди. Москва, Санкт-Петербург, Владивосток, Жанубий Сахалин, Остона, Олмаота, Ар-Риёд шаҳарларида хизмат сафарларида бўлди. Корейсларнинг Ватанимизга бўлган қизиқиши кучли, дейди ўғлим. Ўзбекистонни улар ўзларининг энг ишончли ҳамкори деб билишар экан.

Ўглимнинг турмуш ўртоғи – келинимиз Ирода Муҳаммадиева ҳам Жанубий Кореяning Woosong университети магистратурасини тугатган, икки нафар қизининг тарбияси билан машғул. Отабекнинг ишига маънавий ёрдам бериб, мадад бўлиб турибди.

Иккинчи ўғлим – Шавкат Тўраев ҳам Тошкент молия институтини тугатиб, Янгийўл туманидаги қўшма корхонада маркетинг бўлими бошлиги ва молиявий масалалар бўйича директор муовини лавозимида ишламоқда. Корхона раҳбарлари ўглимга ишдан ажралмаган ҳолда магистратурада ўкиш учун шароит яратиб беришди. Магистрлик диссертациясини инглиз тилида муваффақиятли ёқлади.

30 июнь куни Жанубий Кореяning «Komsco» компания президенти Ким Хва Доңг Ўзбекистонга ташриф буюрганида ўглим Шавкатга «Корхо-


на равнақига кўшган ҳиссаси учун» деган ёрлик ва кумуш медаль топшириди.

Қизимиз Инобат Жўраева Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг инглиз тили назарияси факультетида таҳсил олиб, ҳозирги кунда тиббиёт коллежида инглиз тилидан дарс беряпти. Турмуш ўртоғи – тадбиркор Шерзод Ҳасанов билан икки ўғилни тарбиялаб, меҳнат қилиб келишмоқда.

Акаларининг изидан бораётган учинчи ўғлимиз, кенжамиз Шуҳрат ҳам Тошкент молия институтининг З-курсида ўқимоқда. Шуҳрат ўғлимиздан ҳам умидимиз катта. Шоиртабиат, унча-мунча шеърлар ҳам ёзиб туради. У ҳам инглиз тилини яхши билади.

Хурматли Ислом Абдуганиевич, фарзандларимизнинг бундай зафарларга эришиши замарида уларнинг билиму меҳнати ётса-да, аслида бу муваффақиятларнинг бош сабаби мамлакатимиз мустақиллиги, Сизнинг «Бутун Ўзбекистон ёшлари – менинг болаларим» деб олиб бораётган изчил сиёсатингиздир.

Ёшларга берилаётган кенг имкониятлар, яратилаётган шароитлар, Сизнинг уларга қаратада «Маррани баландроқ олинг, келажак – сизларни. Олға босинг, ортингизда мана, мен турибман», деб тоғдек суюнч бўлиб келаётганингиз йигит-қизларимиз қалбига чўғ солмоқда, уларни юксак чўққилар томон рағбатлантироқда.


Сизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт», деб айтган даъватларингиз бугунги кунда амалга ошганини фарзандларимиз мисолида кўриб турибмиз.

Хурматли Ислом Абдуганиевич, отамиз, рахматли Тожимурод бобо ҳам Сиз ҳақингизда «Юртбошимиз улуғ одам, Ўзбекистон халқининг баҳтига мана шундай раҳбар келганига Оллоҳга шукур қилишимиз керак», деб қайта-қайта айтар эдилар. Яна бир нарсани таъкидлар эдиларки, Президентимизни Ўзбекистон манфаати йўлидан ҳеч бир куч чалғитолмайди, чунки Президентимизнинг ўзи кучли иқтисодчи-молиячи, дердилар. Отамиз ҳам колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаб, пенсияга чиқсан, ҳисоб-китоб, иқтисод соҳаси мутахассиси эдилар.

Мана энди биляпмизки, жаҳонда содир бўлаётган иқтисодий инқирозларнинг Ўзбекистонни четлаб ўтиши, бу – Сизнинг иқтисодий ислоҳотларингизнинг самараси экан.

«Тафаккур» журналида Озод домла Шарафиддиновнинг «Мустақиллигимиз меъмори» деб номланган Сиз ҳақингиздаги мақоласини кўплар қатори мен ҳам ўқиб чиқсанман. Ўшанда амин бўлдимки, ҳақиқатан ҳам Сизга ҳеч қачон осон бўлмаган. Сиз ҳалқ орасидан чиқиб, ҳалқка яқин бўлган, бутун умрини халқимизнинг баҳти,


фаровонлиги, унинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, тўкин яشاши, тинчлиги учун бағишлиб келаётган фидойи инсонсиз. Тилимизни, маънавиятимизни янги, кенг маъноли сўзлар билан бойитдингиз.

Жанубий Кореяning ўша пайтдаги президенти Тошкентга келиб, Сиз ҳақингизда «Корея тарихини мендан-да яхши билади» деб тан олганини ҳам эшигнамиз. Бу билан Ли Мён Бак Сизга бўлган чукур хурматини ифода этган эди. Биз Сиз билан фахрланамиз, ғуурланамиз.

Ислом Абдуганиевич, Сиз ҳар гал байрам табрикларингизда, юртдошларимизга мукофотлар топшираётганингизда, «Мен учун энг қувончили лаҳзалар сизларга ушбу мукофотларни топшириш. Қани энди, имкони бўлсаю бутун ўзбек ҳалқини қучогимга сифтиролсан, ҳаммангизни бағримга босардим», дейсиз.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Сизнинг меҳрга тўла қалбингиздан жой олган, десам, муболага бўлмайди.

Хурмат ва эҳтиром билан:

**Абдумалик Жўраев,
Сурхондарё вилояти,
Шўрчи тумани
«Бунёдкор» махалласи**

2015 йил 7 август


Азиз Ислом ака, мен борига шукур қиласидиган баҳтли инсонлардан бириман. Чунки фарзандларим, невараларим, куёвларим – барча-барчаси чиройли ҳаёт кечиришяпти. Бунинг учун Сизга ташаккур айтаман.

Бизнинг она юртимизда турли миллат ва элат вакиллари бир тану бир жон бўлиб, ака-уқадек яшаб келмоқда. Менинг миллатим кирғиз, лекин шу юртда тугилиб ўсдим. Ҳамма билан қариндошдек аҳил-инок яшаб келамиз. Бундай бўлишига Сизнинг меҳр-мурувватингиз ва олийжаноб фазилатларингиз сабабдир.

Менинг чап оёғим қорасонга йўлиқиб, 2000 иили кесиб ташланган эди, ўнг оёғим ҳам қон юрмасдан қурий бошлаганди. Шунда мени Намангандан вилояти соғлиқни саклаш бошқармаси йўлланма билан Тошкент шаҳрига юборди. Бу ерда шифокорлар обдон текшириб, оёқни асраб қолиш мумкинлиги, бунинг учун упка йўлидаги қон тўсиғини олиб ташлаш зарурлигини айтди. 2014 йилнинг сентябрь ойида Тошкент тибиёт академиясининг иккинчи клиникаси қон-томир жарроҳлик бўлимида операция килиб, ўша тў-

сикни очиши. Ҳозир оёгим яхши. Сиздан ва шифокорлардан миннатдорман.

Менинг соғайишимида Сизнинг хизматларингиз катта, деб биламан.

Сизга узок умр, сихат-саломатлик тилаб қоламан. Эл-юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсин, илоҳим!

Тошмаҳаммад Ўразалиев,
Наманган вилояти, Уйчи тумани,
Ровот шаҳарча фуқаролар йиғини,
Зиёкор маҳалла фуқаролар йиғини,
Амир Темур кўчаси, 8-уй

2014 йил 11 ноябрь



Мустакиллик ва эзгулик монументи



«Бундай саховатли замин яна қаерда бор?»



«Қани, бир эсдаликка расмга тушайлик...»



«Янги уй муборак бўлсин!»



Тонкент. Эски шахардан «эски» деган ном колди, холос.



«Омадингни берсин, Женисбек!»



Равшан Эрматов: «Юксак эътибор учун халқимиздан,
Юртбошимиздан миннатдорман!»



«Орзуингга ет, кизим!»



«Сенинг ютуғинг – бутун халқимизнинг ютуғи, болам!»



Мамлакатимиздаги 300 га яқин замонавий мусика ва санъат мактабларида кариб 61 минг нафар ўкувчига 10 мингдан ортик ўқитувчи таълим бермокда.

Мұхтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни аввало яқынлашиб келаётган муборак Рамазон ҳайти ва Мустақиллик байрами билан самимий табриклаб, Сизга мустахқам соғлык-саломатлик, узок умр тилайман.

Бу хатни ёзишимга оиласыз тақдирига дахлдор бир воеа сабаб бўлди. 1933 йилда таваллуд топган отамиз Сайдолимхон Сайдкаримов 1991 йилда автоҳалокатга учраб, тӯшакка михланиб колган эди. Оилада 5 фарзандмиз – 2 ўғил, 3 қиз. Отам 1950 йилдан бошлаб Чодак кони тасарруфидаги геология кидириув хизматида ишлаган. 1970 йилдан эътиборан шу ташкилотда ўт ўчириш инспектори бўлиб иш олиб борганлар.

Албатта, автоҳалокатга учраган отамни даволатиш осон бўлмади. Унинг кўп йиллик хизматларига панжа орасидан караган айrim раҳбарлар ёрдам кўлини чўзишдан бош тортгани ҳам эсимда. Онам эса, нажотни Сиздан излаб, 1991 йилнинг декабрь ойида қабулингизга киргач, ишлар юришиб кетди. Онам Тошкентдан уйга етиб кел-

гунларича Тошкент тиббиёт институти шифохонасининг травматолог врачлари самолётда келиб, отамнинг аҳволини текшириб кўриб, Тошкентга олиб кетишиди. Отамни Тошкентда малакали шифокорлар даволашди. Шундан сўнг унинг аҳволи яхшиланди.

Бир инсоннинг тақдирига бўлган юксак меҳрэътиборни Сизда кўрдик. Ушанда отам согайиб уйга қайтгач, оиласизда ҳақиқий байрам бўлиб кетди. Отам ҳозир 81 ёшда. Шу муборак кунларда шукrona айтиб, Сизга саломларини йўлламоқдалар, қўллари доимо дуода.

Мустакилликнинг ўтган даврида юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Буни бугун юртимизни кезган киши ҳар қадамда кўриши мумкин.

Мисол учун, ўзимиз истиқомат қиладиган Поп туманини оладиган бўлсак, янгитдан бунёд этилган тиббиёт коллежи, лицей ва мактаблар фарзандларимизнинг камолотига хизмат килмоқда.

Шунингдек, Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу улкан қурилиш тоғ орасидаги қишлоғимиз ёшларини иш билан банд этмоқда. Икки нафар фарзандим касб-хунар колледжини

битириб, иш билан таъминланди. Кичик қизим ҳам коллежни тугатиб, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида фаолият юритмоқда. Буларнинг барчаси учун Сизга раҳмат. Мен каби оналар, келажагимиз бўлган ёшлар баҳтига ҳамиша соғбулинг.

Сайдкаримовлар оиласи аъзолари номидан:

Турдихон Сайдкаримова,
Наманганд вилояти,
Поп тумани, Олтинкон
шахарчаси, Дўстлик
кўчаси, 1/9-уй

2014 йил 11 август

**Ассалому алайкум, муҳтарам
Юртбошимиз!**

Мен Наманғандаги оддий ўқитувчи Сизнинг ташаббусингиз билан намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойга эга бўлдим. Икки нафар фарзанднинг онасиман. Сиз туфайли тинч, осуда, тўкин ҳаёт кечирмоқдамиз. Борингизга шукур! Дунё тургунча туринг.

Бу дунё синовларга тўла экан. Яқинларимдан, боримдан айрилган кезларим фаровон ва баҳти ҳаёт кечириш мумкинлигига, очиги, ишончимни ўқотган эдим. Яхши яшаётганларга шунчаки ҳавас қиласдим, холос.

Мана, вакт ўтди, канча сувлар оқиб кетди. Қалбимдаги ғам-андух додлари ювилди. Чунки мен Сизнинг гап-сўзларингиз, ҳикматга тўла фикрларингиз, жасорат ва матонатингиздан ибрат ола бошладим. Сиз юрагимга бир куч бердингиз. Ҳар сафар телевизор орқали Сизнинг ҳароратли сўзларингизни тинглаб, юрагим тўлқинланар, ҳаётга муҳаббатим ошар, Сизга гойибона раҳматлар айтадим.

Тўғриси, бу мактубни йўллашдан олдин кўп ўйладим, иккilandim, журъат килолмадим. Ле-

кин юрагимни жунбушга келтираётган бу шуқроналик, миннатдорлик туйгуси токи Сизга етиб бормас экан, менга тинчлик бермаслигини англаб, кўлимга қалам олдим.

Инсон учун энг катта баҳт – бу кўнгил хотиржамлиги экан. Ҳаёти тинч, уйлари шинам, фарзандлари бағрида ардоқланған аёлга дунёда бошка зебу зийнат, ҳою ҳавас керакмас.

Ҳар тонг ширин орзулар, янги режалар билан ўйгониб, ишга йўл олар эканман, ёш авлодга таълим-тарбия беришда Сизнинг ҳар бир фикрингиз менга куч-куват ато этгандек бўлади. Нафакат мен, балки бутун Ўзбекистон ҳалқи учун Сизнинг ибратли ҳаёт йўлингиз буюк китобдир!

Шуни таъкидлашни истардимки, тарихда улуғ аждодларимиз кўп бўлган. Уларнинг бебаҳо мероси жаҳон маънавий ҳазинасининг дурданаларига айланиб, дунё цивилизацияси учун пойдевор бўлиб келмоқда.

Аждодларимиз орзу қилган фаровон ҳаёт, эркин ва озод диёр бугун насиб этди.

Бу дил изҳоримни мендан, мен қатори барча фарзандларингиздан деб қабул қилишингизни истардим.

**Эътибор Камолова,
Наманган вилояти, Косонсой
тумани, Булок массиви, 66-уй**

2015 ийл 26 январь



Миннатдорлик мактуби

Менинг отам 1990 йилда, онам 2006 йилда автоҳалокат туфайли вафот этган. Ота-онамнинг ўлимидан сўнг биз – тўрт нафар фарзанд тоғамнинг қарамоғида қолдик. Тоғам мени уйлантириди ва ҳозирги вактда бир фарзандим бор. Оила катта: тоғам, янгам, уларнинг тўрт нафар фарзанди, мен, рафиқам, фарзандим, укам ва сингилларим бор. Ҳаммамиз бир ҳовлида яшадик.

2014 йили мен ёш оиласарга берилаётган ипотека кредитини олдим. Сизга хат ёзганимдан сўнг ушбу масала тез ва осон ҳал бўлди.

Бундан оиласиз, икки синглим ва укам жуда курсанд бўлдик, сабаби – ота-онамнинг ўлимидан сўнг ҳаммамиз кийналиб қолган эдик. Етимларнинг бошини силайдиган Сиздек одам бор эканига минг шукур, ота-онамиз йўклигини билдиримдингиз. Илоҳим, бутун Ўзбекистон ҳалқи баҳтига соғ ва омон бўлинг!

Мен яхши бир ташкилотда ишлаб келмоқдаман. Ватанимиз равнаки учун ўз ҳиссамни кў-



шиб, элим деб, юртим деб ёниб яшашга аҳд килганман. Менга билдирган ишончингизни албатта оклайман!

Ниятим – ҳамма болалар ота-оналари бағрида ўсиб-улгайсин.

Шуҳрат Чўллиев,
Навоий вилояти, Кармана
тумани, Аҳмад Дониш
кўчаси, 18-үй

2014 йил 16 апрель



Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Сизнинг ташаббусингиз билан 2015 йил юртимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон килинди. Бунинг аҳамиятини баҳолаб бўлмайди, албатта. Лекин яқинда бир хорижий мамлакат матбуотида кексалар ҳакида қуидаги мавзуларда чоп этилган материалларни ўкиб, дилим оғриди:

кариялар – бу «ишлатиб бўлинган насл» ва «бюджетга оғирлик киладиган юк».

Ана шу давлатда итлар ва ёввойи ҳайвонларга қарияларга нисбатан яхшиrok муносабатда бўлинар экан. Яъни, ҳайвонларни конунлар ҳимоя киласи, бунинг учун алоҳида маблаг ажратилиди. Кекса авлодни эса ҳокимият ҳимоя килмайди.

Бу давлатдаги юридик олий ўкув юртлари учун мўлжалланган дарслклардан иқтибос келтираман: «Кекса ота-оналарга ғамхўрлик килиш ва уларга ёрдам бериш – бу тўғридаги декларация мамлакат қонунчилиги ва бошқа хужжатлар билан мустаҳкамланмаган». Бунга изоҳ ҳам келтирилган: «агар бадавлат фарзанд, шунингдек, амалдорлар эҳтиёжманд қарияларга ўз ихтиё-



ри билан ёрдам бериш ва таъминлашни истаса, уларга ҳеч ким тўсқинлик қилмайди, аммо уларни мажбурлашнинг иложи йўқ».

Шунингдек, ўша давлатда фарзандлар кекса ота-онасини совуқ кунларда кераксиз бўлиб қолгани учунгина кўчага ҳайдаши мумкин, қарияларнинг ўлдирилаётгани, талон-тарож қилинаётгани, дўконларда уларни хафа қилиб, муттаҳамлик билан пенсия ва жамғарма маблаглари тортиб олиниши ҳеч кимни ажаблантирмайди ва ғазабини келтирмайди.

Кекса авлодга нисбатан бундай эътиборсиз муносабат ёш авлоднинг маънавий қадриятларга сурбетларча муносабатини юзага келтироқда. Улар ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди ва ҳатто истаган одамнинг орқасидан ўқузиши мумкин.

Айrim хорижий давлатларда шундай ачинарли ҳолатлар кузатилаётган бир даврда Ўзбекистонда қарияларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Сиз ўз чиқишиларнингизда барчани, аввалимбор, раҳбар ва мутасаддиларни кекса авлод вакилларига доимо эътиборли бўлишга чақирасиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, инсон-парварликка асосланган юксак маънавий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаб олинди.

*Приветствие
помощника*

Ўзбекистонда ҳар йили иқтисодий ўсиш суръатлари юксалмоқда, халқимиз фаровонлиги яна-да ошиб бормоқда.

Мен Зарафшон қурилиш бошқармасида 40 йил меҳнат килдим. Ўтган йили касаллик туфайли ҳар икки товонимда гангрена ва атеросклероз пайдо бўлди. Зарафшон қурилиш бошқармаси Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси раиси А.Ярушевнинг ёрдами билан оёқларимни сақлаб қолдим.

Шу йил тугилган куним арафасида Зарафшон қурилиш бошқармаси Бирлашган касаба уюшмалари қўмитаси ходимлари уйимга озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак билан тўлдирилган иккита катта сумка олиб келишди. Бу ёрдам учун улардан жуда миннатдорман.

Мұхтарам Ислом Абдуганиевич, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, миллатлараро ва динлараро тотувлик, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун Сиздан беҳад миннатдорман.

Т. Сисуева,
Навоий вилояти, Зарафшон
шахри, 7-кичик туман,
10-уй, 24-хонадон
2015 йил 12 марта

*Приветствие
помощника*

Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуганиевич!

Сиз юритаётган сиёsat, амалга ошираётган ислохотлар халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлашда, мамлакатимизнинг ривожланишида катта самара бермоқда.

Ўзбекистон хотин-қизларининг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратаётган эътиборингиз бизнинг қадр-кимматимизни янада юксалтириди, деб ишонч билан айта оламан.

Мен – Садаҳат Шалабаева, миллатим – қозоқ. Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Чукурқудук қишлоғида яшаб, неча йиллар мобайнида бош чўпонлик хизматини ўтаб келганман.

Мактубни ўйллашимдан мақсад – Сизга ўз миннатдорлигимни билдиримоқчиман. 2013 йил 15 сентябрь куни бошимга оғир ташвиш тушди. Умр йўлдошим юрак хасталигидан вафот этди. У киши ҳам неча йиллар мобайнида ферма бошқарувчиси лавозимида ишлаб келган эди. Олти қизим ва бир ўглим билан ёлғиз қолдим. Болаларим билан қандай ҳаёт кечираман, деб қаттиқ саросимага тушдим. Уч ой мобайнида ўзимни тиклай олмасдан, фарзандларимга ҳам


эътибор бермасдан, рухий тушкунликка тушиб қолдим.

2013 йил декабрь ойида телевизор кўриб ўтириб, Сизнинг нутқингизни эшишиб қолдим. Бундай деб таъкидлаган эдингиз: «Мен аёлларимизни қаттиқ ҳурмат қиласман. Улар хафа бўлса, мен ҳам хафа бўламан, аёлларни ардоқланг, зъозозланг, қадрланг».

Бу сўзларингиз менга жуда катта рухий далда берди. Шундан кейин ўзимнинг соглигимни тиклаб, болаларимнинг тарбияси ва ўқишига кўнгил бердим. Сизнинг менга қилган яхшилигингиз умрбод ёдимда қолади.

Сизга ҳар доим Яратгандан сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик сўрайман. Болаларим билан Сизга шуни тилаймиз: дунё тургунча туринг, баҳтимизга соғ-омон бўлинг!

Сиздек Юртбошимиз борлигидан фаҳрланимиз.

**Садахат Шалабаева,
Навоий вилояти,
Нурота тумани,
Чукурқудук қишлоғи**

2015 йил 24 март


Истиқлол шарофати билан юртимизда она ва бола саломатлиги, ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом килиб тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Сизнинг раҳбарлигингизда жонажон диёризмизда яшаётган аҳоли, айниқса, биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласарнинг фарзандларини согломлаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, келажакда ўзлари хоҳлаган бир касбнинг эгаси бўлиши учун етарли шароитлар яратиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

2015 йилнинг 25 ноябрь куни «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва Ҳиндистон Республикасининг «Артемис» клиникаси ҳамкорлигига Тошкент шаҳрида хорижлик юкори малакали шифокорларнинг тугма юрак нуксони билан туғилган болалар учун бегараз тиббий кўриги ташкил этилди. Ушбу тиббий кўрикда менинг 2000 йили туғилган фарзандим – Ҳаётхон Алиева ҳам шифокорлар кўригидан ўтиб, Ҳиндистонда 2015 йил 21 декабрдан 2016 йил 9 январгача жарроҳлик йўли билан даволаниб қайтди. Ҳозир у маҳаллий врачлар назоратида, соглиги яхши тикланмоқда.


Болаларимизни соғломлаштириш имконияти ни яратиб бераётганингиз учун, мамлакатимизда ногирон болаларга кўрсатаётган амалий ёрдамнингиз учун Сизга оиласиз, қолаверса, ўзноммидан оналик миннатдорлигимни билдираман.

Ўзбекистонимизда оналар ва болаларни соғломлаштириш, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган мاشаққатли ва шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз, баҳтимизга Сиздек инсонлар омон бўлсин!

Юлдуз Шодиева,
Навоий вилояти,
Навбахор тумани,
«Ўзбекистон» маҳалласи

2016 йил 15 февраль


Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!

Мен – Иванова Нина Александровна, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси, Ленинград шаҳри қамалини бошидан кечирган фуқароман. Ўзбекистондаги кўп йиллик меҳнатим қадр тошиб, олий тоифали ўқитувчи, Ўзбекистон халқтаълими аълочиси бўлдим. Ҳозирги кунда ёлғиз пенсионерман. Лекин, Сизнинг «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» деган даъватингиз туфайли мен ўзимни асло ёлғиз деб хис килаётганим йўқ.

Сизни ўз номимдан, шунингдек, шаҳримизда яшаётган 15 нафар Улуғ Ватан уруши фахрийси номидан буюк Галаба байрами, Хотира ва қадрлаш куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Мана, хаёт оқар дарёдек ўтиб, биз каби уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда.

Кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик, давлатимиз томонидан тақдим этилаётган совғалар учун биз – фахрийларнинг самимий миннатдорлигимизни қабул этгайсиз.


Сизга мустаҳкам соғлик, шарафли ва маstryули-
яти мөхнат фаолиятингизда омад, она Ўзбе-
кистонимизга тинчлик-осойишталик ва янада
равнақ, ҳалқимизга фаровонлик тилайман.

Бизга кўрсатаётган барча яхшиликларингиз
учун Сизга раҳмат!

Фарғона вилояти,
Марғилон шаҳри,
Бурхониддин Марғиноний
кўчаси, 88-уй, 17-хонадон

2015 йил 3 июль

ХАЛҚ СҮЗИ – ҲАҚ СҮЗ

Ҳаётдаги яхи күнлар, қутлуғ саналар, қу-
вончили воқеалар муносабати билан бир-бирини
қутлаш, эзгу тилаклар билдириш – эл-юртимиз-
нинг азалий одатидир.

Мустақиллик йилларида бундай шукӯҳли
айёmlар ҳаётимизда кўтайдиб, улар жамияти-
мизда меҳр-оқибат, ҳамжисъатлик, тарихга,
миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат
руҳини кучайтиришга, ўзлигимизни англаб, она
Ватанимизга меҳр ва садоқат билан яшиши-
мизга хизмат қилмоқда.

Китобнинг мазкур бўлимидан жой олган хат-
ларни ўқир эканмиз, бундай хурсандчиллик күн-
лар яна бир муҳим мақсадга – давлатимиз
раҳбари ва фуқаролар ўртасидаги самимий му-
лоқот, фикр алмашиш, ўзаро ишонч муҳитини
янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганига
гувоҳ бўламиз.



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Авваламбор, Сизни яқинда бўлиб ўтган Президентлик сайловида мутлақ ғолиб чиққанингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Бу ёрқин галабангиз халқимизнинг ўз келажагини Сиздек оқил ва доно раҳбарсиз тасаввур кила ол-маслигини яққол англашиб турибди.

Мана, бугун жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва осойишталик хукм суроётган замонда яшаётганимиздан Яратганга беадад шукроналар айтмоқдамиз. Албатта, хеч бир иш ўз-ўзидан бўлмайди. Ўтган қариб чорак аср мобайнода Ватанимизнинг бошига не-не кулфатларни ёғдириш ниятида бўлган ғаламисларга мардона карши туриб, халқимизни мамлакатимиз мустақиллигини химоя килиш ва янада мустаҳкамлаш ўйлидаги тарихий ва улугвор ишларга руҳлантирдингиз. Ўзбекистонимиз Сиз туфайли мустақилликка эришди, энди биз билан бутун жаҳон ҳисоблашмоқда.

Собиқ СССР таркибида бўлган бошқа республикалар ҳам ўз мустақиллигини эълон қилди. Лекин уларнинг кўпчилигида бизнинг диёrimизда-

ги каби тинчлик хукмрон эмас, ҳозир ҳам айrim давлатларда бекарорлик давом этмоқда. Барчамиз яхши тушунамизки, ана шу нотинчликнинг сабаби уларда бизнинг Ватанимиздаги каби давлатнинг узоқ келажагини чукур ўйлаб тузилган аник бир мақсадли режанинг йўклигидадир.

Баъзи давлатларда ҳокимият тепасига келаётган турли кучлар факат ўз манфаатларини кўзлаб кураш олиб бормоқда, десам, адашмаган бўламан. Улардаги сиёсий бекарорлик, бошланган ишларнинг охиригача етказилмай колаётгани оқибатида оддий ахоли, халқ жабр кўрмоқда.

Болалигим урушдан кейинги даврларга тўғри келган. Ёшлигимда қарияларимизнинг «Оллох таоло ер юзида хукмронлик килиш учун ҳар бир юрга ана шу заминда яшовчи инсонларнинг феъл-авторига мос бир раҳбар юборади», деб айтган гапларини эшитганман. Ёши улуг инсонларнинг қанчалик тўғри гапирганини мана энди тушуняпмиз. 2015 йилнинг юртимизда «Кексаларни эъзозлаш иили» деб эълон қилингани ана шундай донишманд, пири бадавлат зотларга эътибор ва ҳурматни оширишга қаратилгани билан барчамиз учун қадрлидир.

Хурматли Президент!

Сиз олиб бораётган сиёsat энг одил, энг тўғри сиёsat эканини халқимиз бугунги кунга келиб янада теран англамоқда.

Сизнинг бошчилигингизда озод ва обод юртимизда тарихий адолатни тиклаш ва маънавий ҳаётимизни юксалтириш соҳаларида амалга оширилаётган ишларни кўриб, чексиз қувончга тўламиз. Халқимизга миллатимизнинг энг кўхна китоби – «Авесто»нинг қайтарилиши, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги катта тантаналар билан нишонланиши, буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номи қайта тикла ниши, узоқ тарихга эга бўлган шаҳарларимизнинг юбилейлари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилгани, 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб зълон қилиниши, шулар категорида юртимизда турли-туман нуфузли халқаро анжуманлар бўлиб ўтаётгани – буларнинг барчаси, албатта, истиклолимиз шарофатидир.

Сизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобингизда инсон, ҳалқ ва жамиятнинг кадр-киммати, аввало, унинг маънавияти билан белгиланиши чукур очиб берилган. Бу китоб ҳозир халқимиз, айникса, ёшларимиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мен ўзим кўп йиллар санъат соҳасида фаолият олиб борганман. Аввал Алишер Навоийномидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида опера хонандаси бўлиб ишладим. Ҳозирги вактда шу соҳада ёшларга таълим-тарбия бериб келяпман. Шогирдларим орасида мамлакатимиз

ва жаҳон миёсида ўтказиб келинаётган кўриктанловлар ғолиблари, «Нихол» мукофоти совиндорларининг борлиги мени беҳад қувонтиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги-янги болалар мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, мавжудларини замон талаблари асосида реконструкция қилиш ишлари кенг кўламда амалга оширилаётгани ва бундай ўкув масканларида миллий мусиқа меросимиз билан бирга, жаҳон классикасининг нодир асарлари ўргатиб келинаётгани мусиқа соҳасида таълим бераётган устозларнинг қалбини севинчга тўлдирмокда.

Бундан бир неча кун аввал ойнаи жаҳон оркали Наврӯз тантаналарини томоша килдим. Сиз байрам табригингизда: «Биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз! Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!» деб барчамизга, айникса, ёшларимизга уқтириб ўтдингиз. Ана шу байрам тантанасида ўзимизнинг мумтоз миллий мусиқа асарларимиз, фольклор-этнографик жамоаларнинг чикишлари билан ҳамоҳанг тарзда жаҳон опера санъатининг энг ёркин намуналари ижро этилди. Байрамга ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар бу қўшикларни ўзбек опера хонандалари юксак профессионал даражада куйлаганидан бенихоя хурсанд бўлиб, уларга тан берди.

Бир пайтлар айрим калтабин кимсалар «опера ва балетнинг ўзбек миллатига нима кераги бор?»

Президент

деб уни йўқ қилишга уриниб кўрди. Аммо Сизнинг санъатга, жумладан, опера санъатига бўлган зътиборингиз ва меҳрингиз туфайли жаҳон маданиятининг ажралмас бир қисми бўлган ушбу ноёб йўналиш нафақат саклаб колинди, балки ўз тараққиётининг янги даврига қадам кўйди. Истиклол йилларида ўзбекистонлик ёш опера чилар жаҳоннинг энг машҳур саҳналарини забт эта бошлади. Келажакда бу соҳада юртимизнинг довругини кўкларга кўтарадиган янада катта натижалар кўрсатишга тайёрмиз.

Қадрли Ислом Абдуганиевич!

Сизга мустахкам соғлик, узок умр ва эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайман. Илоҳим, Оллоҳ таоло жонажон Ўзбекистонимизни турли бало-казолардан асраб, тинчлик-хотиржамлик, осойишталик, фаровонлик, файз ва қут-барака, кувончни бардавом ва зиёда этсин.

Йўлдош Ёқубов,
Тошкент шаҳри, Шайхонтохур
тумани, Марказ-14 мавзеси,
19-ўй, 16-хонадон

2015 йил 10 апрель

Президент

Ассалому алайкум, муҳтарам
Юртбошимиз!

Ушбу мактубимни Баш қомусимизнинг 23 ийллик байрами ҳамда кириб келаётган 2016 йил – Янги йил байрами билан Сизни чин қалдан ва самимий табриклишга жазм қилган оддий фуқаролардан бирининг дил сўзлари, деб қабул қилишингизни сўрайман.

Хурматли Ислом Абдуганиевич, Сизга яхши маълум, башарият пайдо бўлибдики, одамлар инсон деган улуғ номга муносиб ва лойик бўлишга, яъни камолотга қараб интилади. Лекин фақат айрим инсонларгина Тангри ато этган истеъод ва ақл-заковат туфайли, адолатпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, жонкуярлик, меҳр-муҳаббат ва шафқат, сабр ва матонат, мечтинг ироди, ўзига нисбатан ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам талабчанлик каби инсоний фазилатларни ўз табиатида мужассам эта олгани сабабли мана шундай юксак даражага кўтарилади. Бундай инсонларнинг ҳар бир иши бошқалар учун ўrnak ва намунага айланиб кетади.

Ана шундай фазилатлар эгаси бўлган Сиз, муҳтарам Президентимиз билан Ўзбекистон

Президент

халқи хакли равиша фахрланади. Шахсан ўзим халқимизнинг бир вакили, оддий фуқаро сифатида, ўз тафаккурим, билим ва ҳаётий тажрибамга таяниб, бундай фаҳр туйғуси жамиятни бирлаштирадиган омиллардан бири, деб ҳисоблайман.

Бундан салкам чорак аср муқаддам тақдир тақозоси билан бир асрдан ошиқ вакт давомида минг йиллар мобайнида узлуксиз шаклланиб келган буюк давлатчилигимиз тажрибалиридан узоклашиб қолган эл-юртимиз олдида мустакилликка эришиш, уни саклаб қолиш ва мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ўзимизни мунносиб намоён этиш, жаҳон ахлига, худди ўзингиз айтганингиздек, биз ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва кам бўлмаслигимизни исботлаб бериш каби улуғвор вазифалар билан бир қаторда, халқимизнинг нонини бутун қилишдек долзарб вазифа туарар эди. Биз билан деярли бир пайтда мустакиллигини эълон қилган қўшни давлатларнинг бирида ўзаро низолар фуқаролар уруши даражасига кўтарилиган, жамиятда бекарорлик авж олган, бизнинг юртимида ҳам ана шундай нотинчлик юзага келишини жуда-жуда истаган, бизга карши бўлган, мустакиллигимизни, тинчлик ва фаровонлигимизни кўролмайдиган ички ва ташки ғаразли кучлар фаол ҳаракат олиб борган бир пайтда ёш давлатимиз учун бундай оғир ва мураккаб вазифаларни бажариш осон эмас

Президент

эди. Бундай пайтда йўл қўйилган битта кичик ҳато ҳам оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмасди.

Сизнинг раҳбарлигингизда давлатимиз танлаган сиёсий йўлнинг тўғрилиги, халқимизнинг Сизга бўлган юксак ишончи ва садоқати туфайли ҳам ўша оғир синовлардан деярли беталофат ўтдик. Ўтган чорак аср давомида Сизнинг раҳбарлигингизда давлатимиз томонидан бундай довонларнинг яна канча-канчаси забт этилди, ҳозирги кунда ҳам янги-янги мэрралар сари бормоқдамиз.

Менинг олтмиш уч йилдан ошиқ умримнинг кирк йилга якини собик шўро даврида кечди, қолган чорак аслини эса мустакил Ўзбекистонда яшаб ўтказмоқдаман. Оддий фуқаро сифатида ҳар икки давр ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини чукур тушунаман. Мустакиллик бизга Оллоҳ томонидан берилган улуғ неъмат эканини ўз ҳаётим, фарзандларим, набираларим ҳаёти мисолида тўла англаб етганман. Бу улуғ неъмат учун чин дилимдан Яратганга шукроналар, Сиз, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовга ташаккурлар айтаман.

Мустакиллик туфайли биз ўз кадр-кимматимизни топдик, тенглар ичра тенг бўлдик. Тўклиқ ва тўкинликка эришдик. Ўзбек бўлиб, ўзлигимизни англадик. Мустакил миллат бўлиб, мустакил давлат бўлиб оламга танилдик.

Айтишларича, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда, бобокалонимиз Амир Темур одамлар билан бўлган сухбатлар чоғида ўзларига Тангри таоло томонидан берилган улуғворлик ва юксаклик хислатларини намоён қилиб, барчани ўзларига мафтун этиш қобилиятига эга бўлган. Бундай улуғ хислатни Сиз, азиз Юртбошимиз тимсолида ҳам кўришимиз мумкин. Сизнинг ҳам одамлар билан сухбатларингиз чоғида, хоҳ у Ўзбекистон фукароси бўлсин, хоҳ чет эллик давлат арбоби бўлсин, улугворлик ва самимият билан ҳар бир сухбатдошни дўстга айлантира олиш қобилияtingиз бор эканини минглаб инсонлар қатори мен ҳам кўриб, ўз тафаккурим билан идрор килиб келаман. Бу хислат ўтган чорак аср мобайнода давлатимизда олиб борилаётган ички ва ташки сиёсатда, қанчадан-қанча мураккаб вазиятларда биз учун бекиёс аҳамият касб этиб келмоқда.

Хурматли Ислом Абдуганиевич, мен – мамлакатимизнинг оддий бир фукаросиман, тадбиркорлик билан шуғулланаман. Шу ҳалқнинг, шу миллатнинг вакили сифатида мустақиллик йилларида эришган улкан ютукларимизни кўриб кувонаман, завқланаман, дилим яйрайди. Мустақиллигимиз бизга берган сон-саноқсиз неъматларни санашдан чарчамайман.

Қўлга киритилаётган бу муваффакиятлар замрида аввало юртимизда хукм суроётган тинч

ва осойишта ҳаёт мужассам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Мустақиллик йилларида шаклланган, ўз Ватанига, ҳалқига, Президентига садоқатли, юртимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, мусаффо осмонимизни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган миллый армиямиз, унда хизмат қилаётган мард ва жасур ўғлонларимиз билан фахрланамиз.

Бугунги кунда, ҳалқаро иқтисодий инкиroz ҳамон давом этаётгани ва тобора чуқурлашиб бораётганига қарамасдан, Сиз асос солган тараккиётнинг «ўзбек модели» туфайли барча соҳаларда янги-янги ютукларга эришмоқдамиз.

Иқтисодиётнинг барча тармокларида, саноатда ҳам, қурилишда ҳам, кишлек хўжалигида ҳам, спорт, соғликни сақлаш, маданият ва санъат соҳасида ҳам катта-катта ўзгаришларга гувоҳ бўлмоқдамиз.

Хурматли Ислом Абдуганиевич, чет эллик нуфузли эксперт ва таҳлилчилар ҳам Сиз олиб бораётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни зътироф этиб, ютукларимизни тан олаётганини кўриб, бундан ғуурланамиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда ўтадиган байрамларимизнинг барчаси бизга алоҳида хуш кайфият, юксак шодиёна, кўтаринки рух бағишлиайди. Чунки бу байрамларнинг деярли ҳар бирида мамлакатимиз Президенти ҳалқ


орасига кириб келади. Эл-юртимиз билан бирга байрам кувончидан баҳраманд бўлади. Ўз халқининг ҳар бир вакилини самимий сўzlари билан муборакбод этади.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг халқимизга йўллайдиган самимий табриклингизни тинглаб, бундан тўлкинланиб, мен ҳам озод ва обод юртимнинг фуқароси сифатида ўз Президентимни самимий табриклишга аҳд килдим.

Сизни янги – 2016 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, Сизга мустаҳкам соглиқ ва узок умр тилаб коламан.

Абдулла Юсупов,
Тошкент шаҳри, Бектемир тумани,
Ўрмон хўжалиги кўчаси, 108-уй

2016 йил 5 январь


Ўзбекистон Республикаси Президентига
Тошкент шаҳрининг Миробод тумани,
Шаҳрисабз кўчаси, 11-уй, 7-хонаёндан
яшовчи Алимовлар оиласи номидан

Табрикнома

Хурматли Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмандони Ислом Абдуғаниевич, Сизни янги – 2016 йил билан чин қалбимиздан самимий табриклимиз.

Бутун дунёда турли уруш-жанжаллар юз беряётган, тинч аҳоли жабр чекаётган, ҳалок бўлаётган бир пайтда биз айнан Сизнинг саъи-харакатларингиз туфайли мусаффо осмон остида тинч ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикасида – инсон ҳар то-
монлама ишончли ҳимоя қилинган, унинг хуқук
ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўта-
рилган шундай кучли ва буюк давлатда яшаш
ҳақиқатан ҳам катта баҳтдир.

Президент

Биз, меңнат кишиларига жуда зарур бўлган олийжаноб ишда – қудратли ва буюк, адолат устувор бўлган мамлакатимизда давлат бошлиги вазифасини бундан бўён ҳам самарали адо этишда, Сизга сиҳат-саломатлик, узок умр тилаймиз.

Сизга чукур хурмат-эҳтиром билан:

Алимовлар оиласи
2015 йил 30 декабрь

Президент

**Ассалому алайкум, қадрли
Ислом Абдуганиевич!**

Мен бир аёл, она сифатида Сизни кириб келган 2015 йил билан чин қалбимдан табриклайман. Бу йилни юртимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номлаганингиз мени жуда хурсанд қилди. Қалбимда илҳом пайдо бўлди ва мана бу сатрларни қоғозга туширдим:

Кексаларни эъзозлаш йили – тилак йили бу,
Наволарга тўлган юрак йили бу,
Тарихнинг ардокли, керак йили бу,
Дўстларим, Янги йил муборак бўлсин!

Сизга ушбу мактубимни ёзар эканман, киматли вактингизни олаётганим учун узр сўрайман. Мен – Юнусова Ойимжон 1958 йил 26 июнда Хоразм вилоятининг Хонқа туманидаги Олажа қишлоғида туғилганман. Раҳматли онам 1938 йилда туғилган. Лекин мен 15 яшар пайтимда эгизак фарзандлар туғиб, оламдан бевакт кўз юмганлар.

Онамнинг вафотидан кейин тўрт нафар укам менинг кўлимда қолиб, жуда қийналганман ва уларни тарбия қилганман. Кичик укам уч яшар эди, мен қийналган пайтларим укаларимга қараб:

агар мен турмушга чиқиб, она бўлсам, ҳаётда ўлмайдиган она бўлиб, фарзандларимга бор меҳримни бериб тарбиялайман, деб йиглар эдим. Укаларимни одобли, эсли-хуши килиб тарбияладим.

Афуски, Бозоржон исмли укам 40 ёшга тўлганида ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги туфайли вафот этди. Мени тақдир Богот туманидаги Хўжалик қишлоғида яшовчи олий маълумотли ўқитувчи билан боғлади. Оллоҳга шукур, 85 ёшли қаршилаган қайнонам менга онадек бўлдилар. Турмуш ўртогим ўқиган, тушунган инсон бўлгани учун мени Бухоро маданият техникумига сиртдан ўқишга йўллади. 1979 йилда шу қишлоқда жойлашган собиқ Курчатов номидаги мактабга кутубхоначи бўлиб ишга жойлашдим. Аёлнинг жони қиркта бўлади, деганлари рост экан. Ишим билан бир қаторда пудрат асосида уч гектар паҳта экиладиган ерни шартнома асосида олиб, ҳалол меҳнат қилдим. Олти нафар фарзандимни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялайман, деб туну кун тиним билмадим. Шу орада фарзандларим бирин-кетин мактабни тамомлаб, олий ўқув юртига ўқишга кирди. Уч нафар фарзандим давлат гранти асосида, бир нафари тўлов контракти асосида талаба бўлди.

2005 йил 18 август куни бетоб бўлиб ётиб қолдим. Мени Урганч шаҳар нейрохирургия бўлимига олиб бордилар. Танамнинг бел қисми

операция қилинди. Кўлтиқтаёқда юрдим. Дунё кўзимга коронғу кўриниб кетди. Сабр қилдим, шукур қилдим, оёққа турдим.

Мен яна севимли касбим – мактаб кутубхоначилигига ишга қайтдим. Сизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарингизни кайта-қайта ўқиб чиқиб, ҳаётга қайтдим. Ушбу китоб учун Сизга минг раҳмат.

Мактаб кутубхонаси мен учун муқаддас даргоҳ. Агар Оллоҳ менга иккинчи умрни берса ҳам, яна кутубхоначилик касбини танлар эдим.

Хурматли Юртбошим, мен Сизни эртаю кеч дуо қиласман. Доимо соғ-саломат юришингизни, азиз бошингиз омон бўлишини Оллоҳдан сўрайман. Кўнглимда Сиз, азиз инсон учун айтадиган жуда кўп яхши ниятларим бор.

2015 йил 29 март куни Узбекистон Республикаси Президентлиги учун бўлиб ўтған сайловда оила аъзоларимиз билан Сизга овоз бердик.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлик, оиласвий баҳт, масъулиятли вазифангизда муваффақиятлар тилайман. Оллоҳ сизни ўз паноҳида асрасин. Ҳамиша бардам ва тетик бўлишингизни тилаб, сизга таъзим ва эҳтиром билан:

Ойимжон Юнусова,
Хоразм вилояти, Богот тумани,
Хўжалик қишлоғи

2015 йил 22 декабрь



Ассалому алайкум, мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Аввало, Сизни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этаман.

Мен 1923 йил 12 майда туғилганман. Айни кучга тўлган йигитлик чогим бутун дунёга хавф солган фашизм балосига карши кураш даврига тўгри келди. 1941–1946 йилларда урушда бўлдим. Разведкачилар сафида Сталинград остонасида, кейинчалик Украина, Берлин учун кечган оғир жангларда ва ниҳоят, Узок Шарқ фронтида жанг қилдим. Тинчлик, озодлик деган буюк неъматларнинг қадрини ана шу даврда чукур англаб етганман. Ўзбекистон Республикализнинг Мустақиллик куни эълон қилинганида бу қувончни кўзимда ёш билан кутиб олганман.

Ўз мамлакатининг фуқароларига ҳеч қандай зиён-захмат етказмасдан халқини, юртини истиклолга олиб чиқкан раҳбар Оллоҳнинг назари тушган инсон бўлади. Сиз ана шундай буюк инсонсиз, мухтарам Юртбошимиз. Мен Сизнинг улуғ хизматларингиз олдида доимо таъзим киласман.



Ҳозирги кунда мен тўққиз нафар фарзандим, юзга якин невара ва чевараларим ардоғида осоишишта хаёт кечиряпман. Умр йўлдошим 2014 йилда вафот этди. Ўз фарзандларим қаторида яна бир нафар фарзандни асраб олганмиз. Болаларим тури соҳаларда элу юртимизга хизмат қилмоқда.

Урушдан қайтиб келгач, чорвачилик соҳасида меҳнат қилдим. Ҳозир иккинчи гурӯҳ ногирониман. Кексалик ва фахрийлик нафақаларини ўз вақтида олиб турибман. Сизнинг юксак эътиборингиз туфайли «Шуҳрат», «Жасорат», «Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 70 йиллиги» каби медал ва нишонларни олганимдан фахрланаман.

Биз каби кексаларнинг меҳнатларини шунчалик эътиборга олиб, моддий ва маънавий қўллаб-куватлаб келаётганингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, ушбу муборак кунларда хонадонимга таклиф этаман.

Самимий ҳурмат ва эҳтиром билан:

Нормурод Бердиев,
Сурхондарё вилояти, Деинов тумани,
Гулобод махалла фуқаролар
йигини, Откамар қишлоғи

2016 йил 20 апрель

Ассалому алайкум, мухтарам Президентимиз!

Сизни кардош Туркманистоннинг Махтумкули номидаги нуфузли халқаро мукофотига сазовор бўлганингиз муносабати билан оиласиз, қариндошлар, ёру дўстлар ва ўз номимдан чин юракдан муборакбод этамиз.

Мустақил Ўзбекистонда маънавий-маърифий соҳа ривожига устувор аҳамият бериб келинаётгани дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Сиз асослаб берган ва ҳаётга жорий этилаётган, «ўзбек модели» деб ном олган тарақкиёт стратегиясининг муҳим таркибий кисмини, жавҳарини юксак маънавият масаласи ташкил этади.

Сиз ўз чиқишлигинизда ҳамиша ўзбек халқининг Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек каби, тожик халқининг Рудакий ва Абдураҳмон Жомий, туркман халқининг Махтумкули, қозок халқининг Абай, киргиз халқининг Тўхтағул, корақалпок халқининг Бердак каби улуғ сиймоларини муштарак маънавий бойлигимизнинг буюк вакиллари сифатида таърифлайсиз. Бугун-

ги кунда кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган машҳур «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобингизда Ўрта Осиё халқларининг қадимий илдизлари бир бўлгани ва улар умумий мақсадлар билан яшагани чуқур ва батафсил таҳлил қилинган.

Улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумкули Давлатмамат ўғли Фироғийнинг мардона шахсиятига, шеъриятига бўлган юксак ихлосингиз маънавий етук, адабиётни севадиган кишилар қалбини ҳайратга солади, десам, муболаға бўлмайди.

Сизнинг ташаббусингиз билан 1996 йил 28 ноябрда Хива шаҳрида кад ростлаган Махтумкули ҳайкалининг очилиш маросимида сўзлаган нутқингизда айтган «Махтумкули ўзбек халқига ҳам, туркман халқига ҳам бирдек азиз ва суюкли сиймодир» деган сўзларингиз халқларимиз қардошлигининг шиори ва ҳикмати сингари кимматли аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд ва унинг маърифий гоялари ихлосманди бўлган Махтумкули дастлаб Бухоро шаҳридаги Кўкалдош, сўнгра Хива шаҳридаги Шерғозихон каби нуфузли мадрасаларда таълим олган, ўзбек элининг Бухоро, Хоразм, Кармана, Нурота, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Марғилон, Наманган, Андижон каби шаҳару кишлокларида

нече бор саёхатларда бўлган, халқ хаёти билан якиндан танишган, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб сингари мумтоз шоирларни ўзининг устозлари сифатида эъзозлаган.

Айтиш жоизки, ушбу халқчил шоирнинг асарлари ўзбек мактаб-мадрасаларининг кўллан-маларидан бири бўлиб, маърифий давраларда махтумқулихонлик мушоиралари ўтказилган. Ўзбек ва туркман халклари ўртасидаги бундай маърифий ва адабий анъаналар хозир ҳам изчил давом этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туркман мумтоз шоири Мулланафаснинг 200 йиллик, Туркманистон халқ ёзувчиси, академик Берди Кербобоевнинг 100 йиллик юбилейлари катта эҳтиром билан тантана килинди. Бинобарин, 130 дан зиёд миллату элат вакилларини багрида меҳр билан ардоклаб келаётган, бугунги кунда элликдан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият кўрсатаётган мустақил Ўзбекистонда кардошлиқ-кондошлиқ қўшиклари кенг ёйилиши табиий ҳолдир.

Истиклол даврида Махтумқулининг ўнга яқин шеърий мажмуалари ўзбек тилида нашр этилди.

Албатта, бундай эзгу саъй-ҳаракатлар Сиздек адолатли Президентнинг туркман кардошларга, уларнинг тарихи ва маънавиятига, жумладан,

Махтумқули Фирогийга бўлган бекиёс муҳабатингиз ва ҳурматингиз белгисидир.

Сиз «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр таби» номли китобингизда: «Одам баъзан оғир кунларда руҳан тушкунликка тушади, ҳаёт муаммоларидан чарчаб-толиқиб колади. Менинг назаримда, инсон бундай кезларда иймон-иродасини чиниктирмок учун Махтумқули ижодига мурожаат қилса, албатта, таскин топади ва мадад олади», деб таъкидлагансиз.

Асл шеърият дурданаларига бўлган бундай юксак эҳтиром туйғуси аввало Махтумқулидек улкан шоир ижодининг маърифий ва маънавий аҳамиятини чукур англаш ҳосиласидир.

Характерли жиҳати шундаки, Махтумкулини Ўзбекистонда канчалик севсалар, туркман элида Алишер Навоийни ҳам шунчалик ардоклаб, ўз шоирлари сифатида кадрлаб келадилар. Ҳазрат Навоий Туркманистоннинг Марв шаҳрини ўзига фоят яқин ва файзли макон сифатида ардоклаган. Ул зот бу шаҳарда Ҳусравия мадрасасини бар-по этиб, унда таҳсил кўрадиган уч юздан ортиқ толиби илмни ўз маблаги ҳисобидан таъминлаб турган. Шунингдек, улуғ шоир бу ерда яна бир қатор сардобалар, работлар, хонақоҳлар, кўп-риклар, ҳаммомлар, савдо дўконлари, чойхоналар ҳам курдирган.

Туркман халқы томонидан Навоий – Мирали ҳақида ўнлаб ривоят ва кўшикларнинг яратилгани, улар ўз фарзандларига Мирали исмини қўйишлари, Алишер Навоий басталаган «Қари наво» мусиқаси асосида бахши ва ҳофизларнинг сокин қўшикларни кўйлаб келаётгани бу улуғ шоирнинг туркман халқи учун накадар суюкли сиймо эканидан ёркин далолатдир. Чунончи, Махтумқулининг бекиёс эъзоз билан «Улуғлик таҳтида устоз Навоий» дея таърифлагани ва бошқа бир қатор самимий эҳтиром билан йўғрилган сатрлари айни вактда барча туркман ижодкорларининг ҳам дил сўзларидир.

Мен ҳам мана шундай бекиёс маънавий мадад кўмагида «Махтумқули – эзгулик куйчиси» (2000), «Махтумқули Фироғий ибратлари» (2005), «Ҳазрат Махтумқулидан сабоқлар» (2011) номли мақола ва сұхбатлардан иборат тұпламларни нашрға тайёрладым. «Дүнёси бир ўзбек билан туркманинг», «Махтумқули – инсоний қадриятлар куйчиси», «Ҳазрат Алишер Навоий ва туркман эли», «Махтумқули шеърияти ва комил инсон тарбияси масалалари» каби монографиялар, «Махтумқули дея номим тутсалар...» деб аталған сұхбатлар китобини нашр эттирдім. Махтумқули меросидан амалга оширилган «Ғоғил бўлманг, ёронлар» деб номланган янги таржима куллиёти эса бугун нашрдан чикиш арафасида туриди.

Мухтарам Юртбошимиз!

Сизнинг Туркманистоннинг «Хурматли эл ёшуллиси» унвонига, халқаро Махтумқули мукофотига сазовор бўлганингиз, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасининг «Буюк хизматлари учун» ва «Мустақиллик» орденлари билан тақдирланиши чиндан ҳам улкан сиёсий ва маънавий ходисадир.

Сузимнинг якунида Сизга мустаҳкам саломатлик, узок умр тилаб қоламан.

Сизга самимий ҳурмат ва юксак ихлос билан:

Абдуғаффор Хонов,
Ўзбекистон – Туркманистон дўстлик
жамияти фаоли, Бухоро давлат
университети фахрийси.
Бухоро вилояти, Бухоро тумани,
Янги турмуш қишлоқ фукаролар
йигини, Кечқунок қишлоғи

2014 йил 29 декабрь

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизнинг раҳнамолигингиз остида юртимизда барча соҳалар қатори илм-фан тармоқлари ҳам изчил тараккӣ этиб, Ўзбекистон олимлари дунё миқёсида тан олинган назарий ва амалий илмий натижаларни кўлга киритмоқдалар, буюк олим ва мутафаккир аждодларимизнинг анъаналарини муносиб давом эттируммоқдалар. Бевосита Сизнинг ташаббусингиз билан жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс хисса қўшган, тарихимида ўчмас из қолдирган улуг аллома ва мутафаккирларимизнинг номлари, бебаҳо илмий мероси қайта тикланиб, уларни ҳар томонлама теран тадқик этиш ва тарғиб қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Улуғ алломаларимиз томонидан яратилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва таракқиёт учун накадар долзарб ва зарур экани, уларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилмоқда.

Юртимизда истеъодди ёшларни илмий-тадқиқот ишларига янада кенг жалб этиш борасидаги топширикларингиз асосида олиб борилаётган тадбирлар ижобий натижалар бермоқда. Сизни ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон олим-

лари юртимиз равнаки, халқимиз фаровонлиги, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида ҳар қачонгидан ҳам кўламли ва самарали фаолият олиб борадилар.

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланишингиз муносабати билан мамлакатимизнинг олимлари, илмий жамоатчилиги номидан чин дилдан табриклайман. Сизга узок умр, мамлакатимизни дунёдаги энг қудратли ва илфор давлатлар қаторига олиб чиқишдек олийжаноб фаолиятингизда муваффакиятлар тилайман.

**Шавкат Солиҳов,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси президенти**

2015 йил 3 апрель



Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг бевосита ташаббусингиз билан 2014 йилнинг 15–16 май кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» деб номланган халқаро илмий конференция ва ушбу конференциянинг очилиш маросимида Сизнинг сермазмун маърузангиз бутун дунёда буюк аждодларимиз меросига бўлган кизиқишининг янада ошишида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу халқаро илмий-амалий анжуман улуғ аждодимиз – Захирiddин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган бизнинг халқаро жамоат фондимиз фаолиятига ҳам кучли туртки берди. Фондимиз томонидан мамлакатимиз олимлари иштирокида Бобур Мирзо ҳаёти ва фаолиятига оид «Захирiddин Муҳаммад Бобур энциклопедияси» тайёрланиб, нашрдан чикарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сизнинг ўтмиш меросимизни ҳар томонлама чукур ўрганишга каратилган саъй-ҳаракат ва даъватларингиз, Сиз томонингиздан яратиб берилаётган



улкан имкониятлар натижасида ана шундай кенг қамровли, йирик асар дунёга келди.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизни Бобур халқаро жамоат фонди, барча бобуршунос олимлар номидан муборак таваллуд кунингиз билан самимий табриклаб, Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик, яна кўп йиллар халқимизга, Ўзбекистонимизга бош бўлиб юришингизни тилаймиз.

«Бобур энциклопедияси» китобининг ilk нусхасини Сизга эҳтиром билан тақдим килишни ўзимиз учун катта шараф деб биламиз.

Хурмат билан:

Зокиржон Машрабов,
Бобур халқаро жамоат фонди раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

2015 йил 26 январь

Азиз ва муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Аввалимбор, озод ва обод Ўзбекистонимиз Президентлигига қайта сайланганингиз билан чин юрақдан табриклайман. Сизга соғлик-саломатлик, узоқ умр тилайман.

Мен оддий ишчиман, Фарғона вилоятининг Кўкон шаҳридаги автомобиль йўллари курилиши корхонасида 35 йилдан бери машинист-автокранчи бўлиб ишлаб келаман. Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиздан, 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Сизга овоз берганимдан жуда баҳтиёрман. Мен бу билан юртимиз, давлатимиз, халқимиз келажагини белгилашга ўз камтарин хиссамни кўшдим, деб хисоблайман.

Мен – собик шўролар даврида яшаган ва ишлаган оддий ўзбек ишчиси ўша замон билан хозирги давримизни солиштирсан, ўргадаги фарқ шундай каттаки, менда мустақилликка нисбатан ҳурмат, уни ардоқлаш туйғулари яна-да кучаяди. Собик совет даврида машинист-автокранчи сифатида 1980–1991 йилларда республикамизнинг турли вилоятларида, жумладан, кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш бўйи-

ча «Янгиерсувқурилиш» ташкилотида, сўнг 20-курилиш-монтаж бошқармасида ишладим. Яхши эслайман, ўша йиллари, энг аввало, қўлимдан келганича оиласидан моддий жиҳатдан таъминлаяпман, ҳамма қатори ишляяпман, бекорчи эмасман-ку, деб, ўзимга тасалли бериб, меҳнат қилдим.

Энди мустақиллик шарофати билан юртимизни обод килишда, замонавий магистраль йўл ва кўприклар курилишида кўтаринки руҳда, жонбозлик билан меҳнат қилаётганимдан беҳад мамнунман. Нафакат моддий манфаат топиш учун, балки юртимизда бўлаётган улкан ўзгаришларга ўзимнинг кичик бўлса-да, хиссамни кўшишга улгуриб қолиш учун, юртимиз меҳмонлари ва дўстларимиз бизнинг меҳнатимиз натижаларини кўриб, обод Ватанимиз ҳакида илиқ таассуротларга эга бўлишини хоҳлаб меҳнат қиляпман. 1991 йилдан хозирга қадар «Шарқий» халкаро магистралга ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларига хизмат кўрсатишга ихтиослашган таъмирлаш ва фойдаланиш корхонасида ишлаб, юртимизнинг турли худудларида олиб борилган кўпгина курилиш ишларида иштирок этдим. Жумладан, Сизнинг ташаббусингиз билан Қамчик довонида амалга оширилган курилишда, Тошгузар – Бойсун – Кумқўргон темир йўлини барпо этишда, Тошкент шаҳридаги



Кўйлик кўприги, Чилонзор кўприги, Ғазалкент ҳалқа йўлидаги кўприк, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларидағи бир қатор кўприклар, Кўкон ҳалқа йўлидаги кўприк қурилишида, Фарғона ва Кўкон шаҳарларида автомобиль йўлларини кенгайтириш ва ободонлаштириш ишларида катнашдим. Ватанимизни обод килиш, йўлларимизнинг жаҳон андозалари даражасида бўлиши учун шу қадар катта эътибор берилаётгани ва бу борада юқори талаблар қўйилаётганидан фахрланаман.

Ислом ака, барча миллатдошларим қатори менинг ҳам ниятим шуки, юртимиз тинч, обод, кучли ва кудратли, гўзал, дўстлари кўп бўлсин. Энг эзгу орзуим эса Сизнинг барча мақсадларингиз, ўгитларингиз амалга ошсин, халкнинг дарду ташвиши билан яшашингиз барчага ибрат бўлсин, ёшларимиз шу азиз Ватанимизга муносиб бўлиб етишсин.

Айниқса, бу йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилганингиз суюги меҳнатда қотган биздек минглаб ишчи ва хизматчиларга гўё қанот бўлдики, қани энди, бошка юртларда ҳам Сиз каби халқпарвар, олийжаноб, қатъиятли ва мард инсон раҳбар бўлса-ю, бутун дунё халклари ўзаро дўст, биздагидек меҳр-оқибатли, эзгу орзу-хавасли, кексалари эъзозда, ёшлари эса хизматда бўлса, деб орзу қиласман.



Биз – йўл курувчилари, оддий ишчилар Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклиймиз. Сизга узок умр, ишларингизда муваффакиятлар тилаймиз. Илоҳим, юртимиз Сиз орзу қилгандек озод ва обод, кудратли бўлсин, ҳеч кимдан кам бўлмайлик. Биз эса Сизга муносиб фарзанд, мустаҳкам суюнчик, ватанпарвар ўғлонлар бўлайлик.

Сизга чукур хурмат билан:

**Салоҳиддин Рахматов,
Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани,
Қораёзбобо қишлоқ фуқаролар
йигини, Давлатботир қишлоғи**

2015 йил 1 апрель

Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Авваламбор, Сизни кириб келган Янги йил билан оиласиз номидан табриклайман. 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб зълон килганингиз биз – Фаргона вилояти халқини қувонтириди.

Мен – Санобархон Мұхаматхонова 1954 йилда туғилғанман, беш ўғлим, беш келиним, ўн икки неварам ва бир чеварам бор. Оиласиз катта. Болаларим ҳаммаси тадбиркор, ўз ишининг устаси, фарзандларига меҳрибон ота. Ўғилларим бирбири билан аҳил-иноқ, нима иш қилишмоқчи бўлишса, бамаслаҳат қилишади. Фарзандларим, невараларим ҳар доим ишга кетиш олдидан мендан дуо олиб, кейин кўчага чиқишиади.

Турмуш ўртоғим Абдурашид Мұхаматхонов 1998 йили вафот этган. У киши фарзандларимизни келажакда давлатимизга, халқимизга нағи тегсин, деб яхши ўқитганлар. Ўзбекистонимизнинг чекка худудларида, қишлоқ жойларда колледжлар ва ёш оиласиз замонавий уйлар қурилишини раҳматли турмуш ўртоғим орзу килар эди. Мана энди, Сизнинг саъй-харакатингиз ва меҳнатингиз

туфайли, ўша кунлар келиб, қишлоқларда ёш оиласиз замонавий уй-жойлар ва ўкувчи ёшларга колледжлар куриб бериляпти.

Куни кечаке телевизорда кўрдик, Сиз Олий Мажлис Сенатидаги нутқинғизда ёшларимиз пухта таълим олиши, колледжларда ўқиб, хунар эгаллаши шарт, деб айтдингиз. Биз буни эшишиб, жуда таъсирандик, хурсанд бўлдик. Ёшларимиз – Ўзбекистонимизнинг келажаги, улардан умидимиз жуда катта. Менинг невараларим ҳам ҳарбий хизматни ўташини ва олий ўкув юртларида ўқишини орзу киламан.

Бугун дунёнинг турли жойларида нотинчилклар, урушлар бўляпти. Мана шундай даврда Ўзбекистонимизда тинчлик, осудалик хукм сурмоқда. Бунинг учун биз Оллоҳга шукурлар килиб, Сизга раҳматлар айтамиз.

Ушбу мактубимнинг охирида Сизга соғлик-омонлик, баҳту саодат, кут-барака, масъулиятли ишларингизда омадлар тилаб қоламан.

**Санобархон Мұхаматхонова,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри,
Тинчлик кўчаси, 127-«А» уй**

2015 йил 26 январь



Азиз Ислом Абдуғаниевич!

Муродимга етказганига шукур! Яна Сизни Худойим бизга йўлбошли килиб қолдирганига шукур. Мен, бир ғариб, куну тун факатгина шуни илтижо килиб сўрадим. Чунки Сиз борлигингиз учун ёлғизлигим, ногиронлигимни сезмасдан яшаяпман, бағрим бутун.

Мен ва мен кабиларнинг баҳтимизга соғ бўлинг, илоҳим.

Юрак-юрагимдан сезиб турибман, менга ўхшаганлар жуда кўп. Чунки рўшноликни Сизнинг раҳнамолигингиз остида кўрдик, кўяпмиз ва кўрамиз, Худо хоҳласа.

Сизни қизгин табриклаб, тани сиҳатлик, хотиржамлик тилайман.

Лейла Зарнишанова,
Фарғона вилояти,
Қўқон шаҳри,
Муқимий қўргони,
32-йй, 1-хонадон
2015 йил 3 апрель

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга мактуб йўллаш учун қўлимга қалам олар эканман, беихтиёр олис болалик дамларим хотиррамда гавдаланди. Ӯшанда уруш йиллари эди. Отам – Азимжон Маматқулов 1941 йилда урушга кетиб, кайтмадилар. Онам – Шарофатхон ая 23 ёшида бева қолиб, уч нафар фарзандни ок ювиб, ок тараб, не-не кийинчиликлар билан вояга етказдилар, уйли-жойли қилдилар, қора меҳнатда эзилдилар. Ота нонини емадик, ота кийимини киймадик, отаси борларга ҳавас килиб ўсдик.

Орадан йиллар ўтиб, ҳур ва фаровон замон келганини онаизорим қўрдилар. Сиз туфайли Ватанимиз узра истиклол қуёши нур сочди, онам сингари минг-минглаб эзилган аёллар, заҳматкаш инсонларнинг бағрига шамол тегди. 101 ёшга кирган онам тоабад Сиздан миннатдор бўлиб, ҳаётидан, эл-юртнинг хотиржам ва фаровон турмушидан мамнун бўлиб, бокий дунёга риҳлат қилдилар. У киши «Мана, болаларим, Юртбошимиз пенсия пулларимизни кўпайтириб, бизни бой қиляпти. Илоҳим, Юртбошимизни


Оллоҳнинг ўзи кўлласин, доимо омон бўлсин»,
деб кўп таъкидлардилар.

Мен ўзим туғилиб ўсган қишлоғимдаги мактабда 40 йил ўқитувчилик қилиб, ёшларга таълим-тарбия бердим. Айни пайтда пенсиядаман. Онам айтганидек, йилдан-йилга пенсия пулларимиз ошиб боряпти. Шу боис яйраб-яшнаб кексалик гаштини суряпмиз.

Сиз туфайли мамлакатимизда қарор топган ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити дунёнинг бошқа бирор давлатида кузатилмайди. Қарияларини эъзозлаган, фарзандларининг бошида соябон бўлган, халқи учун кечаю кундуз қайғурадиган, меҳрибон Юртбошим, доимо sog бўлинг! Оллоҳ Сизни ёмон кўзлардан асрасин!

Рахимахон Азимова,
Фарғона вилояти, Данғара тумани,
Найманча қишлоқ фуқаролар
йигини, Уч уйли қишлоғи, 7-уй

2015 йил 26 февраль


Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни 2015 йил 29 март куни мамлакатимизда кўппартиявилик ва муқобиллик асосида, халкаро ҳуқукнинг умумэтироф этилган қоидалари ва миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига тўла мувоғик ҳолда булиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг, халқимизнинг ҳақли равишда энг кўп – 90,39 фоиз овозини қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан кўплаб юртдошларимиз қаторида оиласизнинг барча аъзолари номидан қизгин табриклашга, қувончимиз, шоду хуррамлигимизни етказишга рухсат бергайсиз.

Мен ўйлайманки, миллионлаб фуқароларимизнинг Сизни қўллаб-куватлаб овоз берганини Сизнинг энг таҳликали ва қалтис, бекарор бир вазиятда, одамларнинг эртанги куни, тинчлиги ва осойишталиги хавф остида қолган мураккаб замонда юрт раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки кунларингиздан бошлаб, шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч, осуда ва фа-

ровон, баҳтли ҳаёт кечириши учун кўрсатаётган юксак гамхўрлигингиз, халқимиз, миллатимизнинг шаъни, қадр-қиммати ва гуур-ифтихорини асраш йўлида ўз жонингизни ҳам фидо қилишга тайёр бўлганингиз ва эл-юртимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатингизга жавобан халқимизнинг билдирган ишончи ва самимий миннатдорлиги деб баҳолаш мумкин.

Сизнинг олиб бораётган сиёсатингиз туфайли юртимизда турли миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва инокликда ҳаёт кечирмоқда, виждан эркинлиги таъминланган, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг таълим олиши, қасб-хунар эгаллаши ва ўз иктидорини тўла намоён этиши, давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши, бир сўз билан айтганда, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароит ва конунчилик асослари яратилган.

Бу имкониятларнинг шахсан менинг ҳаётимда тутган ўрни ҳақида тўхтамокчиман.

Отам Жамол Камолов тақдир тақозоси билан 1982 йили 32 ёшида автоҳалокат туфайли вафот этиб, оиласада беш нафар фарзанд – тўнғичи саккиз ёшда, энг кичиги мен, ўн ойлик чақалоқ – ёлғиз онам қўлида колиб кетганмиз.

Баъзida ўйланиб қоламан, агарда мен Ўзбекистон деган муқаддас заминда тугилмаганимда,

оиласиз бошига тушган бу синовлар оқибатида биз ҳозир қай аҳволда кун кечираётган бўлар эдик? Ёки ўз жонимизни асраш, факатгина қорин тўйдириш учун кимларнингдир қўлида тобе бўлиб ишлаётган бўлармидик?

Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, ёшларнинг таълим олиши, қасб-хунар эгаллаши учун яратилган шароит ва имкониятлар, шу юртда яшаётган ҳар бир ўғил-қиз – менинг болаларим, деб, уларга кўрсатаётган эътиборингиз, оталарча ғамхўрлигингиз натижасида оиласиздаги беш фарзанднинг ҳаммаси ўқиб, олий маълумотли бўлдик.

Мен ўзим Тошкент давлат техникауниверситетида менежмент йўналиши бўйича ўқидим. Университетда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошлангич ташкилоти етакчиси, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ёшлар етакчиси, сўнгра «Камолот» ЙИХ Тошкент вилояти кенгаши раиси вазифаларида ишладим. 2009 йилда Сизнинг фармойишингизга асосан таъсис этилган «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, 2011 йилда эса «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони билан тақдирландим. Бундан ортиқ баҳт, кувонч бўладими?

Бугунги кунда оила аъзоларимнинг барчаси – aka ва опаларим билан жамиятда ўз ўрнимиз-

га эга бўлиб, узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-ҳунар ва олий таълим тизимида меҳнат қилиб, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва ёшлар тарбиясида фаол иштирок этишга ҳаракат қилиб келмоқдамиз.

Биз бутун оиласиз билан мана шу муқаддас заминда туғилиб ўсганимиз, яшаётганимиздан фахрланамиз ва Оллохга шукроналар айтамиз.

Ўйлайманки, бизнинг бугунги ёш авлод, умуман, барча замондошларимиз жуда ҳам баҳтли бир даврда, миллатимиз, халқимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битиладиган йилларда яшаб, меҳнат қилмоқда. Сиз кўп бор таъкидлаганингиздек, орадан йиллар, асрлар ўтади, келгуси авлод вакиллари бугунги кунларни, миллат тарихида туб бурилиш ясаган, шу юртни жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрни ва мавкеига эга бўлган давлатга айлантирган даврни, инсонларни зўр мамнуният ва хурмат билан эслайди.

Ана шундай баҳтли замонлар келиши, жона-жон диёримизнинг буюк мамлакатлар каторидан муносиб ва мустаҳкам жой эгаллаши учун бугун юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз иш жойида, меҳнат жамоасида ягона бир мақсад атрофида жипслashiб, вижданан, юксак масъулият билан шу юрт тараққиёти учун меҳнат қилиши, керак бўлса, бу йўлда ўз умри, ҳаётини бағишлиши лозим, деб ўйлайман.

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Эзгу фаолиятингизда Сизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр тилайман, халқимиз баҳтига доимо соғ ва омон бўлишингизни Яратгандан сўраб қоламан.

Азамат Камолов,
Тошкент вилояти, Қўйичирчик
тумани, Майдонтол қишлоқ
фуқаролар йиғини,
Қизона қишлоғи

2015 йил 8 апрель



Ассалому алайкум, кадрли Ислом Абдуғаниевич!

Авваламбор, Сизни яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этаман.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганининг йигирма бир йиллик байрамига бағишилаб ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқингизни ҳаяжон билан эшитдим. Айникса, аёл қадри ва эъзози тўғрисидаги сўзларингиз мени тўлқинлантириди.

Мен 2009 йили Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаб, филолог мутахассислигига эга бўлдим. Шу йили ўзим яшайдиган Сўқок қишлоғидаги агросаноат ва сервис касб-хунар коллежида ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятимни бошладим. Коллежимизда ўқиш ва ишлаш учун барча шароитлар яратилган. Ўкувчи ёшлар, отонаси бағридан узоклашмасдан, касб-хунар эгаси бўляпти, юзга яқин малакали мутахассис уларга таълим-тарбия бериб келмоқда. Турмуш ўртоғим ҳам шу соҳада ишляяпти.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мустакиллигимизнинг йигирма икки йиллик тўйи мен учун кўшалоқ байрам бўлди. Яратган



эгам менга бир йўла уч фарзанднинг онаси бўлишдек бахтни насиб этди.

Ҳасан, Ҳусан, Усмон – ана шу уч ўғлим туфайли мен учун янги давр, янги дунё бошланди! Бу ажойиб хурсандчиликдан анча вақтгача ўзимга келомасдан юрган бўлсам-да, юртимиз аёлари, оналар ва болалар учун яратилган шароитлар, ғамхўрликларни ҳис этиб турдим. Менинг бундай тўқис бахтга эришишимда бутун дунё ҳайратига сазовор бўлган «Соғлом она – соғлом бола» деб номланган дастур асосидаги сиёсатингизнинг аҳамияти чексиздир.

2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани бу инсонпарвар сиёсатингизнинг узвий давоми бўлди ва менинг эгизакларим келажагига бўлган ишончимни янада ортириди. Фарзандларимнинг соғ-саломат дунёга келишида, ўзимнинг соғлиғимни саклашда Республика перинатал марказидаги шароитлар ва имкониятлар, у ердаги кўли енгил ва ширинсўз шифокорларнинг хизмати бекиёс бўлди. Бундай хайрли ишларнинг бошида ўзингиз турганингиз учун чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Мен бундай ғамхўрликларингизга жавобан, фарзандларимни Ўзбекистоннинг истиқболи, буюк келажаги йўлида меҳнат қиласидиган комил инсонлар этиб вояга етказишига ҳаракат килеман.


Яна бир бор янги 2014 йил – «Соғлом бола
йили» муборак бўлсин!
Оллоҳдан Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик
тилайман.

Лола Икромова,
Тошкент вилояти, Паркент тумани,
Паркент агросаноат ва сервис
касб-хунар коллежи ўқитувчisi
2013 йил 17 декабрь


Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни муборак Ҳайит байрами билан табрик-
лаймиз!

Сиз томонингиздан 2015 йилнинг юртимиз-
да «Кексаларни эъзозлаш йили» деб аталиши
ҳамда биз – кексаларни моддий ва маънавий
рағбатлантиришга қаратилган фармонингиз ша-
рофати билан бир гурӯҳ Иккинчи жаҳон уруши
иштирокчилари ҳамда фронт орти меҳнат фах-
рийлари 2015 йилнинг 4 – 16 июль кунлари Тош-
кент вилоятидаги «Умид гулшани» санаторий-
сида бепул даволаниб, мириқиб дам олдик.

Санатория ходимлари бизни илиқ кутиб олиб,
шинам, кулай хоналарга жойлаштириши. У ер-
даги сўлим табиат, энг замонавий тиббий асбоб-
ускуналар ва ширинсухан ходимлар бизни лол
қолдирди. Санатория ошхонасида худди ресто-
ранлардагидек хизмат ташкил қилиниб, мазали
парҳез таомлар муҳайё этилди.

Соҳа мутахассислари иштирокида ташкил
этилган «Кексаларни эъзозлаш йили: мазмун ва
моҳият», «Соғлом ҳаёт – обод турмуш гарови»,

«Ёз фаслида саломатликни асраш», «Миллий маънавиятимизни шакллантиришда анъанавий қадриятларимизнинг ўрни», «Сизнинг ҳаётингиз биз учун ибрат» мавзуларида маънавий-маърифий давра сұхбатларыда, концерт дастурлары да фаол қатнашдик.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг дикатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилди. Хасти Имом, Зангиота зиёратгоҳлари, Мустақиллик майдони, Шахидлар хотираси хиёбони, «Қатағон құрбонлари» музейига ташрифдан бир олам таассурот олдик. Зиёрат давомида юртимизга тинчлик, күт-барака, Сизга соғлик тираб дуолар күлдик. Қадримиз улуғланганидан бағримиз шукроналикка тұлды. Шу юртда яшаётганимиздан гуурланиб кетдик. Беихтиёр Сизнинг ўзимизга «Биз кече ким зидигу бугун ким бұлдик?» деган саволни бериб, унға ҳар биримиз муносиб жавоб топа олишимиз кераклигини бежиз тақрор ва тақрор таъкидламаётганингизга яна бир бор амин бұлдик.

Тұғриси, Тошкентта етиб келгунча йұлда құрғанларимиз, санаторияда дам олиш жараёнидаги сайру саёҳатларимиз давомида мамлакатимизда сұнгги йигирма беш йилдан ортиқ даврда Сизнинг раҳнамолигингизда барча соҳаларда олиб борилган ислохотларнинг мисли күрілмаган на-

тижаларини күриб, кўзимиз қувнади, ўзимизни ёшаргандек ҳис этдик.

Мұхтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизга айтадиган гапларимиз күп. Одамзод ўз сирини тасодифан дуч келган кишига очавермайди, қандай оғир вазиятга тушмасин, дардуғамини ҳаммага ҳам баён қилмайди. Фақат ўзи хурмат күлган, ишонған инсонғагина дил сирларини очиши мүмкін, деган фикрларингиздан рухланиб, яна бир гапни айтмоқчимиз.

Тақдир экан, биз ва биз тенгиларнинг болалық, ёшлиқ пайтлари ҳавас қиласынан даражада ўтмади. Бугун фарзандларимиз, неварадарларимизнинг дүнёкараши, эришәтган ютуқларини күриб, уларға ҳавас киламиз, биз күрмаган күнлар уларға насиб этганидан қувонамиз.

Номинг ўчгар уруш йилларида бошимиз не-не құргуликларни күрмади дейсиз. Ўша мудхиш йилларда мактаб күрмаганымиз, әртадан кечгача далада меңнат күлганимиз. Тирик қолиш учун тарик, кунжара, чигит еғанымиз. Бундай гаплар бугун баъзи ёшларға әртакдек бұлиб туялсада, лекин бу – бор гап. Ҳозир ҳам яқин ва узок давлатлардаги нотинчилекларни күриб, эшишиб, Ўзбекистонимиздаги тинчлик ва фаровон ҳаётга шукронда айтамиз.

Президент Республики Узбекистан

Сизга яна бир бор биз кексаларга кўрсати-
лаётган юксак эътибор учун чексиз миннатдор-
лигимизни билдирамиз.

Хурмат билан:

**Ҳамид Тиловов, Холикул Рустамов,
Раҳмат Нигматов, Қорабой Янгибоев,
Жовли Ойназаров, Соат Ойназаров,
Норбўта Усмонов, Соҳоб Шошев,
Абдулла Матбоев, Турғунбой Қаршибоев,
Сайд Сафаров, Мамир Ибрагимов,
Рисолат Чориева, Мажид Тожибоев,
Олимжон Ибрагимов, Боймурот Каримов,
Жуман Махатов, Олтин Махатова,
Аҳматжон Мансуров, Нарзиқул Бўрибоев,
Носир Мусаев, Сайли Миразимова,
Бойали Истамқулов, Майя Ҳасанова,
Ольга Марковская,**
Тошкент вилояти, Қибрай тумани,
«Умид гулшани» санаторийси

2015 йил 16 июль

Президент Республики Узбекистан

**Ассалому алайкум, муҳтарам Президентимиз
Ислом Абдуганиевич Каримов!**

Авваламбор, Сизни серкуёш ўлкамизга файзу
барака олиб келган янги – 2016 йил ҳамда тавал-
луд айёмингиз билан муборакбод этаман.

2016 йилни юртимизда «Соғлом она ва бола
йили» деб эълон қилишингиз ушбу миннатдор-
лик мактубини ёзишимга туртки бўлди.

Мен 1987 йили Қорақалпогистон Республи-
касининг Элликқалъа туманида туғилганман.
Отамдан эрта жудо бўлдим. Онамнинг саломат-
лигини тиклаш мақсадида Тошкент шаҳрига кү-
чиб келдик. Ўзим танлаган телевидение режис-
сёrlиги мутахассислиги бўйича олий таълим
муассасасига ўкишга кирдим.

Ҳар бир ўзбек қизи вояга етар экан, ота-она-
сининг бағридан ойдин орзулар билан ўзга уйга
қадам кўйишни ният қиласди. Мен ҳам бир ои-
ланинг гўзал келини, ширин фарзандларнинг
мехрибон онаси, ўқтам йигитнинг суюкли ёри
булишни орзу қилдим.

2011 йилнинг декабрь ойи эди. Ўзбекистон Рес-
публикаси Конституцияси қабул қилинганинг
19 йиллигига багишлиланган тантанали тадбирни

онам билан бирга телевизорда томоша қилдик. Сизнинг нуткингизни жон кулогимиз билан тингладик, Ватан пойдевори бўлмиш оиласа бўлган алоҳида эътиборингизни ҳис этдик. Сиз 2012 йилни – «Мустаҳкам оила йили» деб зълон қилдингиз. Гўёки «Қизим, бу йил – сенинг йилинг. Бахти бўл!», деяётгандек эдингиз.

Ўша йили Жўрабек Мардаевга турмушга чиқдим. Такдир мени Ватанимнинг сўлим гушаларидан бири бўлган Сурхондарё вилоятининг Ангор туманига келин қилиб олиб кетди. Турмуш ўртоғимнинг иши ва ўқишим борлиги учун пойтахтга қайтдик.

Катта ҳаётдаги янги турмушимиз шундай бошланди. Сизнинг ташаббусингиз билан ёшлар учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватан ривожига кичик бўлса-да, ўз хиссамизни қўшиб яшай бошладик. Шу орада волидан муҳтарамам ҳам бу дунёни тарк этди.

2014 йили Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг кино, телевидение ва радио режиссёrlиги йўналишини имтиёзли диплом билан тугатдим.

Оллоҳ бизга оиланинг мустаҳкам пойдевори бўлмиш фарзанд ато этмади. Бирок тушкунликка тушмадик. Уч йил давомида даволандик. Яқинларимизнинг кўллаб-кувватлаши ва Сизнинг раҳбарлигингизда барча соҳалар каби тиббиётда ҳам олиб борилаётган ислоҳотлар нати-

жасида эртанги кунга ишонч, тогдек суюнчи ҳис килиб, ишонч ва сабр-тоқат билан яшадик.

2015 йил оиласиз учун жуда хайрли келди. Йилнинг бошида Сизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорингизга мувофик «Камолот» уйини олиш учун хужжат топширдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оиласарга «Камолот» уйларини бериш бўйича 2015 йилнинг 1 июнь санасида ўтказилган «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши кошидаги республика комиссиясининг қарорига асосан бизга уй берилиши маълум килинди.

Беҳад кувондим. Чунки турмуш ўртоғим билан Тошкент шаҳрида ижарада яшаб келаётган эдик. Бу орада сизнинг ташаббусингиз билан ташкил қилинган «Madaniyat va ta’rifat» телеканали ҳузуридаги «Diyor» телеканалида режиссёр сифатида ижодий фаолиятимни бошладим. Турмуш ўртоғим ҳам «Dunyo bo‘ylab» телеканалига режиссёр бўлиб ишга кирди. Барча оиласизга ҳавас қила бошлади.

2015 йилнинг декабрь ойи. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига багишлиланган тантанали маросимни турмуш ўртоғим билан бирга кўриб ўтирибмиз. Сизнинг кизларимиз, аёлларимизга карата «Ва-

Прурим

тан тақдирисизнинг кўлингизда», «Бизга соглом келажак керак» деган сўзларингиз қалбимни тўлқинлантириб юборди. Ҳурматли эркакларга мурожаат килиб, «Керак бўлса, аёлларни, айникса, ҳомиладор аёлни бошимизга кўтариб юришимиз керак», деб айтганингизда кўзларим кувонч ёшларига тўлди. Сабаби – шу кунларда шифокорлар бизга муҳим янгиликни маълум килишган эди. Мамлакатимизда қадрланаётган, ардокланаётган ўша булажак оналар орасида энди мен ҳам борман.

Худо хохласа, «Соғлом она ва бола йили»да туғилажак фарзандим Ватанимиз равнақи, тинчлигу хотиржамлиги, юксалиши йўлида муносиб хисса қўшадиган, соглом, баркамол, иймонэътиодли, ватанпарвар, бир сўз билан айтганда, Сизнинг ва ҳалқимизнинг ишончини окладиган инсон бўлиб етишади.

Илоҳим, бизнинг баҳтимизга умрингиз узок бўлсин! Соғ-саломат бўлинг!

**Сурайё Мардаева,
Тошкент вилояти, Қиброй тумани,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-ий**

2016 йил 2 февраль

Прурим

**Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом
Абдуғаниевич!**

Аввало, туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Сизга узок умр, сиҳатсаломатлик, баҳту саодат тилайман. Яқинлашиб келаётган Президент сайловида голиб бўлиб, ҳалқимизнинг бошида соябон, йўлбошчимиз бўлиб, ишингизни давом эттиришингизни Оллоҳдан сўрайман.

Мен Намангандик вилоятининг Косонсой тумани, Кўкумбой қишлоғида туғилдим, шу қишлоқда яшадим, мактабни аъло баҳоларга битирдим, лекин ўша пайтлари институтларда ўқиш менга насиб этмади, турмушга бериб юбориши. Турмуш ўртоғим билан 38 йил бирга яшаб, беш нафар фарзанд кўриб, уларни олий маълумотли, эл корига камарбаста инсонлар этиб улгайтирилди. Орзуладим бир армон бўлиб қолган эди. Ичимда қолган ниятларимни бугун фарзандларим амалга ошироқда, шунисига шукур.

Катта ўғлим – Зафаржон Ортиков Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаб, бугунги кунда Тошкент шаҳридаги корхоналар-

дан бирида менежер булиб ишламоқда. Иккинчи ўғлим – Шуҳратжон эса Тошкент давлат тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаб, Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги фабрикада директор ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда. Учинчи ўғлим – Шавкатжон «Халқ сўзи» газетасида 15 йилдан бўён ишлаб келади. Бу орада у «Олтин қалам» миллий мукофоти билан, 32 ёшида эса Сизнинг фармонингиз асосида «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Тўртинчи ўғлим – Шерали Ўзбек давлат миллий академик драма театрида актёр булиб ишляпти. Бешинчи фарзандим – кенжакизим эса коллежни тамомлаб, ўзига мос касбхунар эгаллади.

Болаларимга, невараларимга мустакиллигимизга қийинчилик билан эришганимиз ва бу фаровон кунларнинг қадрига етишимиз кераклигини кўп таъкидлайман. Ижодкор ўгилларимга янги курилган уйлар ҳақида, катта-катта стадионлар, маҳобатли спорт мажмуалари ҳақида, юртимиз донғини дунёга таратаётган спортчилар, замонамиз қаҳрамонлари тұғрисида ёзинглар, деб маслаҳатлар бераман.

Мен икки тузумни кўрган аёлман. Айниқса, мустакиллик арафасидаги ҳаётимизни эсласак, у пайтлари яшаш, кун кечириш ниҳоятда оғир кечар эди. Собик СССРдаги турли тазииклар,

дўконлар бўм-бўш, умидсизлик, ишончсизлик, тушкунлик... Биз – аянчли ўтмишнинг жонли гувоҳимиз.

Ўтган 23 йил мобайнода не-не қийинчиликларни енгиб ўтмадик. Сиз доимо бутун халқимизни ёруғ истиқболимизга ишонтириб, олға бошлаб келдингиз. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган даъват билан байроғимизни баланд кўтариб, мана шу фаровон кунларга етиб келдик, иншоollox.

Ўтган суронли ва синовли йилларда Ватани, халқи учун жонини ҳам тикиб, улкан жасорат кўрсатган, Ўзбекистондаги барча ўгил-қизларни фарзандларим, дилбандларим деб, бағрига чорлаган, меҳр ва ғамхўрлигини аямаган мухтарам Юртбошимга чин қалбимдан таъзим қиласман.

Биламан, Сиз аёлларни жуда хурмат киласиз. Доимо баҳтимизга соғ ва омон бўлинг, деб беш нафар фарзанднинг онаси, тўрт келиннинг қайнонаси, ўн бир нафар набиранинг бувиси:

Умринисо Ахмедова,
Намангандаги вилояти, Косонсой тумани,
Қўқумбой қишлоқ фуқаролар йигини,
Навбаҳор маҳалласи

2015 йил 28 январь

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Соғ-омонимисиз, улкан масъулиятли ишларингизда чарчамасдан, толиқмасдан юрибсизми? Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Мен – Майрамхон Холматова, Наманган вилояти, Чорток туманининг Короскон қишлоғи, Анорзор маҳалласиданман. Оддий қишлоқ аёли сифатида Сиз туфайли оиласа ҳаётида юз берадиган хурсандчиликларни баён этмоқчиман. Турмуш ўртогим – Асатилла Абдуллаев телеуста, мен эса туман алоқа бўлимида 33 йил телефончи бўлиб ишлаб, олти нафар фарзандни катта килдик.

Болаларимиз мустақиллик даврида улгайишди, минг шукур, бари ўқимишли, касбу корли бўлиб вояга етишмоқда.

Катта ўғлим – Иззатилла касб-хунар коллежида ўқиди, у ҳам телеуста бўлиб, отасига кўмаклашяпти.

Иккинчи ўғлим – Неъматилла Чорток туманинаги иқтидорли болалар лицей-мактабида ўқиб, Тошкентга – юридик институтига ўқишга бориш учун биздан рухсат сўради. Биз эр-хо-

тин: «Қўй, ўғлим, у ерга бизга ўхшаган оддий одамларнинг болалари киролмайди», деб уни ниятидан қайтармоқчи бўлдик. Аммо ўғлим: «Йўқ, менга оқ фотиха беринг, билимимни синаб кўрай, мен Президентимиз жорий килган адолатли тест синовларига ишонаман», деб ўқишига отланди. Карангки, ўғлим тест синовларидан муваффакиятли ўтиб, Тошкент давлат юридик институтига бюджет асосида ўқишга кирди. 2002 йилда ўқишини битириб, дипломли бўлди. Ҳозирги кунда у вилоятимиздаги ҳуқуқни муҳофаза қиладиган нуфузли идоралардан бирида масъул вазифада ишлаб, Ватанимизга, ҳалқимизга холис хизмат қилиб келмоқда.

Қизим – Мехринисо ҳам ўз кучи билан бюджет асосида Наманган давлат университетининг биология факультетига ўқишга кирди. Айни пайтда икки нафар фарзанди бор, қишлоғимиздаги 33-мактабда биология фанидан дарс бериб келмоқда.

Биз – эр-хотин пенсия ёшидамиз, қарангки, қолган фарзандларимиз ҳам бирин-кетин тест синовларидан ўтиб, олий ўкув юртларида таҳсил олишмоқда: Раҳматилла ва Мухайёхон Наманган мұхандислик институтида бюджет асосида ўқишмоқда.

Айникса, Мухайёхоннинг ўқишга кириши кизик бўлган. У турмушга чиқиб, фарзандлари түғилгач, укаларининг университетларда таҳсил

олаётганидан кувонди. Ўзига ишончи уйғониб, тайёрлана бошлади. Мана, ҳозир у ҳам Наманган мұхандислик институти талабаси, бюджет асосида ўқимоқда. Мен эса унинг фарзандларига қарайпман.

Кенжамиз – Ҳикматилла Жиззах вилоятида жойлашган ҳарбий қисмда бир йиллик хизматни яхши хулқ билан ўтаб, имтиёзли асосда Тошкент фармацевтика институтига қабул қилинди. Унинг шартнома асосида ўқишга киргани бизни бироз ўйлантирди, лекин яна бир қулайлик – таълим кредитидан фойдаланиб, ўқишни бошлаб юборди.

Фарзандларимиз, келажак авлодларимиз ҳаётини, истикболини ўйлаб амалга ошираётган ислоҳотларингиз, ҳар бир қарорингиз халқимизнинг фаровонлиги, юрт осойишталигига хизмат қилмоқда.

Сизнинг халқ учун, Ватан учун қилган хайрли ишларингизни айтиб, адогига етиб бўлмайди. Неча йиллар давомида мустабид тузумда эзилиб яшаган, «иккинчи сорт» одамларга айлантирилиб, пахта етиштиришга маҳкум килинган халқимизга Сиз ўзлигини қайтариб бердингиз. Сизни бизга Оллоҳнинг ўзи етказди, умрингиз узок бўлсин.

Майрамхон Холматова

2015 йил 3 февраль

Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуғаниевич!

Сизни таваллуд кунингиз билан оиласиз номидан чин юракдан муборакбод этаман.

Бугун кўзи очиқ ҳар бир инсон халқимизнинг ҳозирги тараққиёт даражасигача етиши учун камида 150–200 йиллар керак эканини чукур англайди. Сизнинг оқилона ва ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатингиз туфайли бор-йўғи 24 йил ичida шундай фаровон ҳаётга эришдик.

Мен ўзимнинг тақдиримдан беҳад баҳтиёрман. Узок йиллар Навоий вилоятида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида, «Маҳалла» жамоат фондида, вилоят Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритдим. Ҳозир пенсиядаман. Ўтган йили ҳар бир мусулмоннинг орзуси бўлган ҳаж амалини бажаришга муваффак бўлдим.

Тўрт нафар фарзандим бор. Катта ўғлим маданият соҳасида фаолият юритмоқда.

Катта қизим Жаҳон иктисадиёти ва дипломатия университетининг магистратурасини таомлаб, турмуш ўртоғи билан биргаликда юритмизга хизмат қилмоқда.


Кичик қизим ҳозирги кунда АҚШда тиббиёт клиникаридан бирида болалар кардиохирургияси бўйича таҳсил олмоқда. Турмуш ўртоги эса ўша ерда молия соҳаси бўйича докторантурада ўқимоқда.

Кичик ўғлим ҳам ўзи севган касби бўйича меҳнат қилмоқда.

Ана шу фарзандларимнинг, оиласминг тақдира беъосита Сизнинг шарофатингиз, яратиб берган имкониятларингизнинг ўрни бекиёсдир. Умуман айтганда, юртимиздаги ҳар бир хонадон, ҳар бир оила тақдирида ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайдиган ўрнингиз бор.

Биз ўзимиз ва юртимиз ҳаётини Сизсиз тасаввур эта олмаймиз!

Барчамизнинг бахтимизга доимо sog-саломат бўлинг!

**Камолиддин Юсупов,
Навоий вилояти, Кармана шаҳри,
Кармана кӯчаси, 106-уй**

2015 йил 30 январь


**Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси раисига**

Биз – куйида имзо чекувчи Ўзбекистон фуқаролари ушбу мактуб орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига амалдаги Президент Ислом Абдуганиевич Каримовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қиласиз.

Биз Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий руда бошқармасидаги йирик корхонада меҳнат қиласиз. Бу ерда 9 минг 800 нафардан зиёд киши ишлайди.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ўзбекистоннинг тўгри ка-бул қилинган ўз иқтисодий модели бугунги кунда бизга муносиб хаёт кечириш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам иқтисодиётимизни ривожлантириб, ажойиб ўсиш кўрсаткичларини намойиш этмоқда. Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб

Президенттеги мактублар

вояга етиши учун барча имкониятлар мавжуд, самарали таълим тизими яратилган. Халқимиз саломатлигининг гарови бўлган спорт, айникса, болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-куватлаймиз. Маданият ривожига берилаётган улкан даражадаги зътиборни хам маъқуллаймиз. Ёш авлодни ишга жойлаштириш ва бандлигини таъминлаш ҳакида ғамхўрлик кўрсатилаётгани мухимдир.

Буларнинг барчаси ҳар томонлама пухта ўйланган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар самараси бўлиб, бунда Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хизматлари бекиёсдир.

Энг асосийси – Президентимиз жонажон заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминламоқда. Биз учун бундан ортиқ бойлик хам, баҳт ҳам йўқ.

**М.А. Егоркина, Д.С. Мустафаев
ва бошқалар, жами 20 имзо.
Навоий вилояти, Учқудук тумани,
Навоий кон-металлургия комбинати,
Шимолий руда бошқармаси**

2015 йил 2 февраль

Президенттеги мактублар

**Ассалому алайкум, ҳурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Мен 1971 йил 22 марта Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Темирчи қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топганман.

Ҳаётнинг аччик, аламли зарбаси 2009 йил 5 ноябрь куни севимли турмуш ўртоғимдан жудо килиб, уч нафар кўнгли ярим норасида болам билан ёлгиз қолдириди.

Оллоҳга Сиздек жонкуяр раҳнамомиз борлиги учун шукур килиб, ушбу мактубни йўлла-моқдаман.

Боиси – тинч-осуда, фаровон замонамида мендек ёлғиз оналар, аёллар учун чиқараётган ҳалқчилик, одилона қарорларингиз бизга маънавий жиҳатдан тетиклик бағишлиб, бардам-бакувват яшашга даъват этмоқда.

1991 йилдан бугунга кадар Ўзбекистон деб аталмиш муқаддас ўлканинг кам-қўстини тўлдириб, унинг янада гуллаб-яшнаши учун кўрсатаётган жонбозликларингизга караб, юртимизда ҳеч қачон кисқа фурсат ичиди бундай жадал, ижобий ўзгаришлар юз бермаганига такрор ва такрор амин бўламан. Йигирма йилдан ортиқ вақт

и чида Ўзбекистонни ривожланган давлатлар сирасига кўшишга замин яратиб, мамлакатимиз байрогининг янада баланд хилпирашига, ўзбек деган миллатнинг нуфузи тобора ортиб боришига кўшаётган юксак хиссангиз қалбимга чексиз ифтихор бахш этаётир.

Оллоҳ фақатгина соғ ниятли бандаларининг эзгу умидларини рӯёбга чиқаришига ишонч ҳосил қилдим. Президентликка сайловда Сиз го- либ бўлишингизни миллионлаб юртдошларим қатори мен ҳам чин дилдан истагандим. Шу- курки, тилагим амалга ошди.

Сиз ҳалқимизнинг юксак ишончини қозон- ганингизни фарзандлар, невара ва чеваралар курсовида кексалик гаштини сураётган отажо- ним ва онажоним ҳам катта хурсандчилик билан қарши олдилар.

Мухтарам Ислом Абдуганиевич, Ўзбекистон Республикаси Президентидек шарафли ва масъу- лиятли бурчни адо этишингизда Сизга соғлик, омонлик, бахт ва омад тилаб қоламан.

Навбаҳор Очилова,
Навоий кончилик касб-хунар
коллекши ўқитувчиси,
Навоий шаҳри, Жанубий кӯчаси,
8-йи, 13-хонадон

2015 йил 2 апрель

Хурматли Ислом Абдуганиевич Каримов!

Авваламбор, Сизни таваллуд топган кунингиз билан оилас, касбдошларим ва маҳалладошларим номидан чин қалдан табриклайман. Ило- хим, Оллоҳ куч-кувватингизни янада зиёда ай- ласин. Сиз ғамхўрлик килаётган, бахту иқболи ҳамда истиқболи учун қайгураётган ёш авлод орзу килганингиздек комил инсонлар бўлиб воя- га етсин.

Азиз Юртбошим, Сизни устозим ва йўлбош- чим деб биламан. Устоз, дейишимга сабаб – ҳар бир маърузангиз ҳамда ёзган асарларингизни ўқиганимда ундаги пурмаъно сўзлар қалбимга гўёки нур бўлиб киради. Шундан илҳомланиб, таълим сифатини оширишда ҳар йили ўз ис- тиқбол режамни тушиб оламан. Ижозат берсан- гиз, ушбу режим асосидаги айрим ютукларимни айтиб ўтсан.

2014 йилнинг 27 ноябрида «Умумтаълим мактаблари таълим жараёнида ахборот-комму- никация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб муаммо ва ечимлари» мавзусидаги рес- публика илмий-амалий конференциясида «Схе-

ма асосида ўқувчиларга мураккаб масалаларни ечишни ўргатиш усули» ҳамда «Тенғламалар системасини ечишни Excel дастури воситасида ўргатишнинг афзалигиги» номли мақолаларим билан иштирок этдим. Мақолалар илмий кенгаш мұхокамасидан ўтиб, умумий маъruzалар түплема-м�다 чоп этилди.

«Соғлом бола йили» давлат дастури доирасида үтказилган «Энг яхши электрон ахборот-тълим ресурслари» республика күрик-танловининг вилоят боскичида ҳам фаол иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгалладим. Бундай ютуқларимда Сиз, азиз устозимнинг ҳиссангиз бекиёслигини ҳар доим хис этиб тураман.

Навоий давлат педагогика институтида ўқиб юрган кезларим (1993–1998 йиллар) Сизнинг Ватанимиз равнаки учун олиб борган ишларингизни ҳазрат Алишер Навоийнинг юрт равнаки ва ободончилиги учун олиб борган ишларига киёслар эдим. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ва Сизнинг китобларингиздаги ибратли сўзлар менинг хаётда ўз ўрнимни топишимда катта ёрдам берди.

Оллоҳнинг кароматини кўрингки, мен учун азиз бўлган ана шундай инсонлар таваллуд топган кунларда менга фарзанд неъматини берди. 1999 йил 30 январь куни ўғлим Исломбек, 2002 йилнинг 9 февралида қизим Фарангиз туғилди.

Улар ҳам Сиздек инсонлар бўлишини чин юракдан истайман.

Олдимизда мухим сиёсий жараён – Президентлик сайлови турибди. Сайловда мен ва оилас Сизнинг номзодингизни қўллаб-кувватлаймиз. Она ҳалқимиз, жонажон Ватанимиз истиқболи йўлида узоқ йиллар юртимизга бош бўлинг!

**Воҳид Муҳаммедов,
Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги
40-иҳтинослаштирилган мактаб-
интернатининг математика ва
информатика фани ўқитувчisi**

2015 йил 3 февраль

Қадрли Ислом Абдуганиевич!

Сизни, аввало, таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан кутлайман!

Юртимизда илм-фан, маданият, тиббиёт, спорт ва бошқа барча соҳаларни ислоҳ этиб, ўзбек халқи бошқа миллатлардан, ривожланган давлатлар халқларидан кам эмаслигини исботладингиз. Бу борадаги ишларни давом эттиришда кучнингизга – куч, ғайратингизга – ғайрат кўшилишини тилайман.

Мен Чортотқиббиёт коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ўттиз йилдирки, шу соҳадаман. 2003 йили камтарона меҳнатимни қадрлаб, менга «Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими аълочиси» кўкрак нишони берилди.

Шу муқаддас заминда туғилганимдан, устозлари улуғланадиган, аёллари қадрланадиган, кексалари эъзозланадиган, фарзандлари эса комил инсон қилиб тарбияланаётган гўзал ўлкада яшаётганимдан фахрланаман.

Ҳар тонг дарсларни бошлашдан олдин маънавият дакиқаларида ўкувчиларга бошқа мамлакатларда нотинчлик ҳукм сураётган, уруш бў-

лаётган бир пайтда биз тинч-осойишта ҳаёт кечираётганимизни, бошқа мамлакатларда барча болалар савод чиқариш имкониятига эга эмаслигини айтиб, бизда эса ҳозирги кунда боғча болалари нафақат она тилида, балки инглиз тилида ҳам сўзлаша олади, деб тушунириб, шукроня келтириш кераклигини уқтираман. Айни пайтда тинчлигимизни асраб-авайлаб, огоҳ бўлиш лозимлигини таъкидлайман.

Бизнинг тинч-осойишта, фаровон ҳаёт кечиришимиз учун Сиз шунчалик жон кўйдиряпсиз. Илоҳим, юз ёшлардан ошиб, бизнинг баҳтимизга, Ўзбекистон ёшлари баҳтига соғу саломат юринг, деб, хурмат билан муаллима:

Раъно Инатуллаева

2015 йил 27 январь

**Ассалому алайкум, азиз Юргашимиз
Ислом Абдуганиевич!**

Мен Сизга соглик ва саломатлик тилаган ҳолда дилимдаги сўзларимни изхор этар эканман, аввало Сизни баҳор айёми – Наврӯз байрами билан табриклайман.

Сиз Ватанимиз мустақиллигини эълон қилганингизда мен 15 ёшда эдим, у вактда мустақиллик ҳакида тұлиқ тушунчага эга эмасдым. Ҳозир 38 ёшдаман. Ёшим улғайгани сайин болалик хотираларимни тиклаб, ўша давр билан ҳозирги замонни солиштирас эканман, бугунги кунимга минг бора шукурлар киласман. Ҳар куни дастурхон атрофида дуога қўл очсак, энг аввало Сизга узок-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Чунки мен бугун жуда баҳтлиман. Мактаб директориман, туман кенгаши депутатлигига сайдандым, ўз автомашинам бор. Бу кунларни мендек оддий бир қишлоқ қизи илгари орзу қилишга ҳам кўркарди. Сиз бизга шундай баҳт бердингизки, собиқ тузумда факат даланинг қора меҳнатига ярайди, деб карапган қишлоқ аёли нималарга қодир эканини кўрсатишга имкон яратдингиз.

Мен Сизнинг ташаббусингиз билан қурилаётган намунавий уй-жойга ариза бериб, дастлабки тұловларини ҳам расмийлаштирудим, яқин кунларда бу уй битади. Бу ҳам биз учун яратилган энг зўр имкониятлардан бири ҳисобланади.

Мен Сизга бу мактубни йўллашдан олдин ҳар куни хаёлан Сиз билан сұхбатлашдим ва ниҳоят, хатни Сизнинг номингизга юборишига қарор қилдим. Сиздек олийжаноб, бағрикенг, кечиримли, оддий килиб айтганда, ажойиб инсон менинг Юргашим эканидан ҳамиша фахрланиб юраман.

Хатимнинг сўнгига Сизни чин дилдан қўллаб-қувватлайдиган ва қадрингизга етадиган, Сиз учун ҳамма нарсага тайёр ҳалқингиз борлигини ва унинг ўз дилидаги туйгуларини гойибона бўлса ҳам Сиз билан ўртоқлашишини айтмоқчиман.

Эл-юргашимиз баҳтига узок умр кўринг, ҳамиша соғу саломат бўлинг!

**Гулбаҳор Куролова,
Наманган вилояти, Поп тумани,
Хонобод қишлоғидаги
19-мактаб директори**

2015 йил 5 апрель



ЯНГИЧА ФИКРЛАЁТГАН ОДАМЛАР

Ватанимиз мустақиллигининг бизга берган энг бебаҳо имкониятларидан бири – ҳеч шубҳасиз, онгу тафаккуримизни эски мустабид мафкура кишанларидан озод қилиб, дунёга, элу юртимизга қалбимизни очиб, эркин фикрлаш, сўзлаш ҳуқуқини берганидир.

Қўлингиздаги китобнинг ушбу бўлимида келтирилган хатларни ўқиб, бундай ҳуқуқ ва имконият турли тоифа, касбу корга мансуб юртдоштариимизнинг ички дунёси, ҳаётга, меҳнатга, оила, маҳалла, жамиятга бўлган муносабати, қараши ва ёндашувларини қанчалик кескин ўзгартириб юборганини кўрамиз.

Мустақил фикрлаётган, ўз иш фаолияти, оиласи, фарзандлари тақдиридаги, шаҳар ва қишлоғидаги ўзгаришларни эркин баён қилаётган, кўпчиликни ўйлантираётган масалалар ҳақида дадил таклифлар билдираётган бундай инсонлар тимсолида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижалари нафақат фуқароларимизнинг турмушида, балки уларнинг қалбидаги, юрагидаги, онгу шуурида ҳам чуқур акс этаётганини сезиш, англаш қийин эмас, албатта.

Хурматли Ислом Абдуганиевич!

Инсоний бағрикенглик Сизга хос. 2005 йил май оидаги Андижон воқеалари ҳали-ҳануз ёдимизда. Сизнинг шиҷоатингиз, қатъиятингиз, инсонлар ҳаётига бефарқ эмаслигингиз неча-неча хонадонларни, бутун юртимизни терроризм деган балою оғатдан асраб қолди.

Мана, айни кунларда узок-яқин мамлакатларда сепаратизм, турли ихтилофлар авж олған бир даврда, ўша давлат бошлиқларида Сиздагидек шиҷоат, Сиздагидек узокни кўзлаб иш тутиш етишмаётгани оқибатида минглаб оиласалар хонавайрон, одамлар, болалар қурбон бўлаётганини кўриб, билиб турибмиз.

Қачонки давлат раҳбарида аниқ максадга интилиш, қатъият, ўзига ишонч етишмаса, ана шундай бузгунчи гоялар жамиятни қамраб олади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида бир ярим миллионга яқин ўзбек йигит-қизлари фашизм деган иллатга қарши бутун дунё билан бирга курашди ва буюк ғалабага муносиб ҳисса кўшди. Халқимизнинг бундай мислсиз қаҳрамонлигини юксак қадрлаб, буни келажак авлодлар ҳеч қачон унутмасин деб, Сиз 9 май санасини юртимизда


Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилдингиз.
Шу тариқа ўтмиш тарихимиз, Иккинчи жаҳон
урушидан ҳалок бўлган салкам ярим миллион
ҳамюртларимиз, уларнинг жасорати ва матона-
тини ҳеч қачон ўчмайдиган қилиб, қалбларимиз,
юракларимизга муҳрлаб қўйдингиз.

Бугун биз ўз келажагимизни ўйлаб, ўз Президентимизга, яъни Ислом Каримовга овоз бер-
масак, эртага, баъзи давлатлардагидек бошқа-
ларнинг ногорасига ўйнайдиган қандайдир
«марionетка»лар бошимизга келиб қолмасли-
гига ким кафолат беради?

Бундай аянчли тақдирдан Оллоҳнинг ўзи
асрасин. Доимо ёруғ юз билан яшашни эл-юрти-
мизга насиб айласин.

Азиз Юртбошим, мен Сизни таваллуд кун-
нингиз билан «Сайилжой» академик лицейи
жамоаси номидан табриклайман. Оллоҳим бер-
ган куч-қудрат билан, меҳрибонлигингиз, багри-
кенглигингиз, инсонпарварлигингиз билан кўп
йиллар халқимизни ҳар қандай бало-қазолардан
асраб, буюк келажак сари етаклайдиган йўл-
бошли, сардоримиз бўлиб қолишингизда Сизга
соғлик-саломатлик, узок умр тилаб қоламиш.

**Ш. Алимардонов,
Жizzax viloyati, Жizzax shaxri,
«Сайилжой» akademik
liçeyi ўқитувчиси**
2015 йил 3 февраль


**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!**

Мен Сизни Ўзбекистон Республикаси давлат
мустакиллигининг 22 йиллик байрами билан чин
дилимдан табриклайман. Умрингиз узок бўлсин.

Сизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат
мустакиллигининг 22 йиллик байрамига тайёр-
гарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги
карорингизнинг 2-бандидаги 5-хатбошисида кўр-
сатилган мавзу, яъни ҳали истиқололга зришма-
симиздан туриб, ахолига томорка ерлари ажра-
тиш тўғрисидаги қарорингиз, бу хужжатни қабул
қилиш осон бўлмагани, вазият нихоятда хатарли
бўлгани, ўша йиллардаги ўта қалтис шароит-
да воқеалар ривожини ижобий томонга ўзгар-
тиш учун қилган саъй-ҳаракатларингиз, шижаот
ва катъият билан ўз фикрингизда собит туриб,
одамларга ер беришдек оғир масалани оқилона
ечганингиз ҳакида мақола тайёрладим.

Менинг ёшим 57 да, қишлоқда яшаб, тумани-
миздаги 38-мактабда 25 йилдан бўён она тили ва
адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаб келаман. 2013
йил 22 июль куни велосипедимни миндим-да,
туман ҳокимлигининг «Бешарик тонги» газетаси
тахририятига бордим.

*Президенти
Ислам Каримов*

Таътилда мақола ёзяпман. Президентимизнинг жасорати ҳақида, атиги биттагина жасорати (бундай жасорат, шижаот ўнлаб, юзлаб бўлиб, уларнинг ҳар бирини ҳақида китоблар, катта-катта публицистик мақолалар ёзиш мумкин) ҳақида ёздим, дедим газета мухарририга ва мақоламни унинг кўлига тутқаздим.

Мақолам ўша йили июль ойида туман газетасида босилиб чиқди. Газетанинг адади 2000 нусха. Газетани илова қиляпман. Ўзбекистон Президентининг ўша хатарли, оғир вазиятда курсатган буюк жасоратини одамларга, халқка марказий матбуот орқали етказсам, бугунги фаровон ҳаёт ўз-ўзидан келмагани, айниқса, ҳозирги ёшлар Юртбошимизнинг серкірра фаолиятининг яна бир киррасидан хабардор бўлса, ўрта ва кекса авлод эса ўша кунларни эслаб, хулоса қилса, шундай дориламон кунларга етказганига шукур қилса, деган эзгу ўй-фикрдаман.

Мақолам Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг 22 йиллик байрамига кичкина тухфа бўларди.

Яна бир бор Сизни энг азиз, энг улуг байрамимиз билан табриклайман.

Султонали Усмонов,
Фарғона вилояти, Бешарик тумани,
Оқтовуқ қишлоғи

2013 йил 20 август

АҲАМИЯТИ БЕБАҲО ҚАРОР

*Тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолган
дастлабки тарихий қадам*

1989 йил 4 июнь

Фаргона воқеалари рўй берди. Тўс-тўполон, тартибсизлик. Одамлар кони тўкилди. Уйларга ўт кўйилди. Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Р. Нишонов эса хайр-маъзурни ҳам насия килиб, Москвага жўнаб кетди.

Ўзбекистоннинг собиқ раҳбарини Москвада илик кутиб олишди. Дарров «иссиқ ўрин»дан жой беришди. СССР Миллатлар Советига раис этиб тайинлашиди.

Ўзбекистонда миллатлар ўртасида конли низолар келиб чиққани учун...

Фаргонада алнга бурқсиб туради. Аланганинг республика бўйлаб ёйилиб кетиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди.

Ўзбекистон инқироз ҳолатига тушиб қолганди. Ижтимоий муаммолар калашиб ётарди. Муаммолар узок йиллар мобайнида тўпланиб, халкнинг сабр косасини тўлдириб, ижтимоий ларзалар келтириб чиқараётган эди. 20–25 йиллаб одамларга ер берилмади. Одамлар болачасини уйли-жойли қилиши зарур эди.



Марказ Узбекистондан факат пахта сўрарди.

1989 йил 23 июн куни Ислом Каримов Узбекистонга раҳбар бўлиб сайланган вактда вазият ана шундай ниҳоятда оғир, хатарли эди. Энди халқа маъмурӣ буйруқлар, ёлғон ваъдалар, расмий гаплар ёқмас эди. Одамлар учун ҳақ гап, ҳақконий сўз керак эди. Бу гап минбардан ва кабинетдан туриб айтилса, одамлар бунга ишонмас эди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонга раҳбар бўлиб сайланганинг 2-куниёқ, яъни 25 июн куни Фарғонага етиб келди. Ёниб кул бўлган уйлар, ваҳима ва саросима ичидаги караҳт бўлиб, қаҳр-ғазаб сочаётган одамлар ичига дадил кириб борди. Уларнинг дардларига, яраларига малҳам қўйди. Одамлар билан чин дилдан, юракдан са-мимий, дўстона ўзбекчасига, очиқчасига гаплашди. Ота-боладай, оға-инидай гаплашди.

Одамларнинг оху фигони, фарёдини, нолаю воласини чин дилдан хис қилди, тушунди. Юртбошимизнинг ўз сўзлари билан айтадиган бўлсак, «инсонни тушуниш, англаш керак» эди («Юксак маънавият – еигилмас куч», 29-бет).

Ислом Каримов одамларни тушунди, уларнинг дардини ўз дардидек хис қилди, англади. Халқнинг қалбидаги сўниб бораётган умид учқунлари яна жонланди. Юртбошимиз барча масъулиятни ўз зиммасига олди. Ўз вактида тартиб-интизомни ўз назоратига олди. Одамлар



қони тўкилишининг олди олинди. Аниқ чоратадбирлар белгиланди.

Фарғона воқеалари ҳақида ўзимизда ҳам, Москвада ҳам шов-шувлар кутарилиб кетди. Заҳматкаш халқимиз бошигэ ёғилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» деган тухмат тошларининг жароҳатлари ҳали битмасдан, яна тухмат тошлари отила бошланди.

Юртбошимиз Ислом Каримов эса, содир бўлган фожианинг асл сабабларини тўла англаб етгани учун, унинг оқибатларини бартараф этишининг одилона ечимларини ишлаб чиқиб, бирин-кетин амалга оширишга киришди.

Ислом Каримов халқ томонида бўлиб, халқнинг ёнини олди. Ўз фикрида сабаби ва қатъий турди. Тошкентда ва Москвадаги йирик анжуманларда ўзбек халқини тухмат балосидан, унга миллатчи деган ном қўйилишидан асраб қолди.

У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида сўзланган нуткида бу ҳақда қўйидаги фикрларни билдириди.

«Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуриксиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байнамилалчилик, меҳмондустлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига

хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қаҷон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфијатида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган».

Юртбошимиз Ўзбекистонга раҳбар бўлиб сайланганинг 55-куни, яъни 1989 йил 17 август куни халқимиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи томорқа билан таъминлаб, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида»ги аҳамияти беназир ҳужжат, қарорнинг қабул қилинишига эришди. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотиҳдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини кариб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу – Ислом Каримовнинг пахта яккаҳокимилигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта мухим амалий қадами бўлди.

Бу – катта ва дадил қадам эди. Мустакиллик деб аталмиш энг улуг, энг азиз неъматга эришиш йўлидаги кутлуг қадам эди. Бу қадам хосиятли бўлди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оиласи кўшимча ер ажратилди. 700 минг оиласи янги томорқа ерлари берилди. Бу ишлар такомилига етказилиб, кейинги йилларда Президентимиз-

нинг фармон ва қарорлари билан Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оиласи, ҳаммаси бўлиб, 700 минг гектар сугориладиган ер майдонлари уйжой қуриш ва томорқа сифатида ажратилиб, хусусий мулк қилиб берилди.

Нега энди, август ойида – Ўзбекистонда пахта қийғос очила бошлаган вактда, уйларнинг томига ҳам пахта экилаётганда, СССР деб аталган, дунё бўйлаб ҳаммага дағдага қилаётган қудратли империянинг раъиига қарамасдан, Ўзбекистонга раҳбар бўлиб сайланганига 2 ой бўлмасдан туриб Ислом Каримов бу тарихий, аҳамияти бебаҳо қарорни қабул қилиш учун қатъий позицияда турди, деган савол оқу корани танийдиган, мантикий фикрлайдиган ҳар бир одамда туғилгани рост гап эди ўшанда. Ахир, йил охирида ёки 1990 йил бошида ҳам қарорни қабул қилиш мумкин эди-ку.

Йўқ, қарорни чиқаришни кечиктириб бўлмасди. Бундай қилинса, одамлар ишонмаслиги мумкин эди. Ишлар яна аввалгидек ваъдабозликларга ўҳшамаслиги учун, одамларни алдамаслик учун, таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун шундай қилинди. Албатта, бу қарорнинг қабул қилиниши осон бўлмаган. Юртбошимиз ўша оғир йилларда, канчалик оғир ва қийин бўлмасин, одамларга ер берди.

Ислом Каримов икки ўт орасида қолдими ёки уч ўт орасида қолдими? Бу масалага кенг ва

чукур назар ташлаб, узоқни кўра билган ҳолда оқилона иш юритиш катта натижалар кўрсатди.

Юз минглаб гектар сугориладиган ерларни одамларга бериб юбориш, беш ярим миллион тонна пахта планини бирданига 700 мингтоннага камайтириш Москва учун сариёғдек ёқармиди?

Бунинг учун Марказдагилар Ислом Каримовни яхши кўрармиди?

Ўзимизнинг маҳаллий раҳбарлар, совхоз директорларию колхоз раислари, райком, районжароқум, пахта билан ишлайдиган вазирлик ва идоралар раҳбарлари ёки бадиийлаштириб айтганда «пахта ишқи»да ёнган кўпчиликнинг раъйини қайтариш ва синдириш осон эмасди.

Аҳоли учун улардан ер олиш – жон сўраш билан баробар эди. Иккинчи томонда эса тушкунликка тушган, эртанги кунидан, фарзандлари келажагидан хавотирга ботган халқ турарди. Одамларнинг кўзига карашнинг ўзи оғир эди. Юртбошимиз эса уларнинг кўзига меҳр билан қараб, уларга тасалли ва таскин берган, чин дилдан ваъда берган эди. Энди одамларнинг юзида, кўзида, сўзида, қалбida Ислом Каримовга нисбатан меҳр-муҳабbat, ишонч барқ уриб турарди. Одамлар Ўзбекистоннинг янги раҳбари ўз сўзининг устидан чиқадиган, мард, донишманд, азму шижаоти баланд инсон эканини, Яратганинг ўзи Ўзбекистонга элим деб, юртим деб жон куйдира-диган Йўлбошчини ато этганини илгаб етди.

1989 йил пахта ҳосили йигиб олинди. Куз тугади. Киш ҳам келди. Ҳамманинг ёдида бор. Ўшанда декабрь ойида кишлокда одамларга уйжой куришга 16 сотихдан ер ўлчаб беришган эди. Томорка сўраганга томорқа бериляпти. Ҳатто, 31 декабрь куни ҳам одамларга ер ажратиб, ўлчаб берилган. Киш кунлари қисқа, тунлари узун бўлади. Улгуришмаганидан бўлса керак, кечалари чирок ёкиб, одамларга уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришганди.

– Нега шунчалик, кечалари чирок ёкиб, дейсизми?

– Чунки Юртбошимиз одамларга ер ажратиб берилишини қатъий назоратга олган эди.

Бу ҳақиқатни бугун ҳам, эртага ҳам, индинга ҳам барадла айтишга ҳақлимиз. Ўша пайтда, таҳликали даврда, одамларга ер беришдек мурракаб масала донишмандлик билан, оқилона ечилиши туфайли минг-минглаб уйсизлар уйли бўлди, ерсизлар ерли бўлди, боясизлар боғли бўлди, ишсизлар ишли бўлди, молсизлар молли бўлди. Энг муҳими, ижтимоий кескинлик ва ларзаларнинг олди олинди.

Натижасини эса кеча – 5–10 йил олдин кўрдик, бугун кўриб турибмиз, эртага ҳам келгуси авлодлар кўраверади. Мисол керак, дейсизми?

Марҳамат. Ўзбекистонимизнинг исталган бозорига кириб кўринг. Ана тўкинчилик, ана маъмурчилик, ана серобчилик. Жаннатнинг ўзи-ку!


Қанду асалдан шириң мевалар. Кўзингиз қамашади товланишини кўриб. Нархи-чи, нархи, дейсизми? Арzon, ниҳоятда арzon. Сувтекин деса ҳам бўлаверади.

1 килограмм окканд ёки шакарнинг пулига 20 килограмм ўрик сотиги олишингиз мумкин бўлди бу йил Фарғона томонларда. Бу ниманинг шарофати? Бу – ўша бундан 20–24 йил олдин ёки ундан кейинрок одамларга берилган ер майдонларида, боғ-роғларда ҳосилини кўтаролмай шигил-шиғил мева бераётган ўрик дарахтларининг инъоми. Уларнинг бари аҳолига ер ва томорқа майдонлари ажратиш ҳакидаги дастлабки қарор, кейинги фармон ва қарорларнинг амалда, реал ҳаётда ўзининг ҳаётбахш натижасини кўрсатаетганидир.

Бу ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган улуғ ва буюк неъмат – мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг кадр-қиммати, аҳамияти яна ҳам ортиб бораётганининг ёркин далилидир.

**Султонали Усмонов,
38-мактабнинг она тили ва
адабиёт ўқитувчиси.**

*«Бешариқ тонги» газетаси
2013 йил июль сони*


**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуғаниевич Каримов!**

Сизни 30 янвасъ – таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этаман. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик, баҳту саодат тилайман.

Мен 2001 йил 2 сентябрда Жиззах вилоятининг Пахтакор туманинг 1-мактабнинг 1-синfigа ўқишига борган кунимни ҳеч қачон унумайман. Шу куни устозим тантанали вазиятда қулимга Сизнинг совғангизни – дарсликлар ва ўкув куроллари солинган чиройли портфелни топширди. Ўша пайтдаги ҳис-туйғуларни търифлаш учун сўз ожизлик қиласи. Энди ўйлаб карасам, бу Сизнинг юртимиздаги барча болаларни ўз фарзандингиздек кўриб, улар ҳакида килган меҳрибончилигингиз ифодаси экан.

Мен 2010 йили 9-синфни битириб, қасб-хунар коллежининг ҳуқуқшунослик йўналишида ўқишини давом эттирас эканман, Сиз асос солган 12 йиллик мажбурий ва бепул таълим тизими нечоғлик самарали эканини ўз ҳаётимда ҳис этдим. З йил давомида қасб-хунар ўрганиш билан бирга, мустакил Ўзбекистонимиз тарихи, миллий парламентимиз томонидан қабул қилинган

Президент
конун ва қарорларни пухта ўргандим. Шунга амин бўлдимки, бу конунларнинг барчасида инсон манфаати энг олий қадрият сифатида яққол намоён бўлиб туриди.

2013 йилда Сизнинг ташаббусингиз билан ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси бўлиш баҳтига мұяссар бўлдим ва шундай юртда яшаётганимдан жуда ҳам фахрландим. Чунки биз, Ўзбекистон ёшлиари ўз юртимизда хорижий профессорлардан дунё стандартлари асосида дарс олиш, жаҳонда нуфузи баланд ҳисобланган олий ўқув юртларининг дипломига эга бўлишдек катта имкониятга эгамиз. Бунинг учун Сиздан чексиз миннатдормиз.

Келажакда мазкур университетни битиргач, Италияning Турин политехника университетида магистратурада ўқиб келмокчиман ва юртимизнинг автомобилсозлик саноати ривожига ўзимнинг муносиб хиссамни қўшмокчиман.

Сизга чексиз хурмат ва эҳтиром ила:

Фарруҳ Пиримқулов,
Жizzах вилояти, Пахтакор тумани,
Пахтакор қишлоқ фуқаролар йиғини,
Абу Наср Форобий кўчаси,
34-үй, 18-хонадон

2015 йил 29 январь

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда ғалаба қозонганингиз билан чин юракдан табриклайман. Илоҳим, дунё тургунча туриңг. Сизнинг раҳбарлигингизда Ватанимиз янада гуллаб-яшнашига, унинг иқтисодий салоҳияти кучайишига, ҳалқимиз тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига ишончим комил.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга бундан 21 йил олдин, 1994 йил 10 ноябрда ҳам мактуб ёзган эдим. Ўша даврлар мустакиллижимизнинг дастлабки, оғир йиллари эди. Бугунги кунга келиб ўша хатда билдирилган орзу-умидлар рӯёбга чиқди. Яъни, аввало, Сиз мамлакатимиз раҳбари бўлганингиз учун юртимиз изчили ривожланмоқда, айникса, иқтисодий мустакиллик пойдевори яратилди, аҳолининг турмуш сифати яхшиланди, Ўзбекистонимиз жаҳондаги энг тез ривожланаётган давлатлар қаторидан жой олди. Бунинг учун бутун ҳалқимиз сингари Сиздан чексиз миннатдорман.

Сизга ёзган мактубларимни фарзандларим ва набираларим учун саклайман. Чунки бу даврлар бизнинг буюк тарихимиздан жой олади.

*Программа
развития*

Сизнинг чуқур маънога эга бўлган сўзингиз,
яъни инновациясиз юксалиш йўқ, деган иборангиздан келиб чиқиб, бир фикрни билдиришга рухсат берсангиз.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий салоҳиятини, унинг рақобатдошлигини янада ошириш учун иқтисодиёт тармокларида кенг кўламли модернизация ва диверсификация жараёнларини ривожлантириш борасида 2016–2035 йилларга мўлжалланган инновацион концепция ва дастурни ишлаб чиқиш зарур, деб ўйлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ажойиб лойиҳа тўғрисида гурур билан айтмоқчиман. Яъни бевосита Сизнинг ташаббусингиз ва раҳбарлигингизда курилаётган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли мустақил Ўзбекистонимиз тарихидаги буюк воқеа, XXI аср мўъжизасидир.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич!

Доимо сиҳат-саломат бўлиб, ғоят масъулиятли ва шарафли вазифангизда чарчамасдан, узок умр кўришингизга тилакдошман.

Чуқур хурмат ва эҳтиром ила иқтисодчи олим:

Шавкат Зайнутдинов,
Тошкент шаҳри
2015 йил 31 марта


*Программа
развития*

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,

Қалбим тўла ҳаяжон ва ғурур билан Сизга мактуб ёзяпман. Боиси – Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда энг кўп овоз олдингиз ва шундай бўлишига ҳаммамиз ишонган эдик.

Мен Андижон вилоятининг Улуғнор туманида, педагоглар оиласида туғилиб, вояга етдим. Мактабни тугаллаётган йилларим юртимизда мустақиллик нафаси кеза бошлаган эди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгани юртдошларимизни, айниқса, зиёлиларни ҳаяжонга соглани, ёшу кекса – барчанинг қаддини кўтартгани кечагидек ёдимда.

Ҳозир ўзим педагогман, ўқувчиларимга олис эмас, яқин ўтмишда ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни, миллатимиз, муқаддас динимиз, эътиқодимиз, урф-одатларимизга бўлган беписанд ва гаразли муносабатни мисол тариқасида келтираман. Бувимга соchlаримни майдалаб ўрдириб мактабга борганимда, мажлисда «Комсомол аъзоси сочини майдалаб ўриши мумкин эмас, бу эскилик сарқити» деган даккилар эшитганим,


онам ўқитувчи бўлгани учун сумалакни ҳар ба-
хор кўркиб, яшириб пиширганларимиз...


Ҳозир буларни айтсангиз, ёшларимиз ишон-
майди, бироқ биз – ўқитувчилар ўтмишимизнинг
бундай аянчли кунлари ҳақида уларда холис ва
тўлиқ тасаввур уйғота олишимиз керак.

Мустақиллигимиз замонни ҳам ўзгартириди,
шунга мос ҳолда одамларимизнинг дунёкараши,
фикрлаши ҳам тубдан ўзгарди.

Сиз ҳар бир чиқишингизда албатта аёлларга
мехр ва гамхўрлик кўрсатиш ҳақида гапирасиз.
Жамиятдагина эмас, оиласдаги ўрнимизни ҳам
юксак билиб, оналарни, хотин-кизларни эъзозла-
ганингиз учун ҳам бошимиз баланд, кўксимиз
гууррга тўла.

Менинг уч нафар фарзандим бор, кизларим
ўзлари севган касбларни эгаллаб, эл-юртимизга
хизмат қилмоқда, ўғлим академик лицей талаба-
си, келажакда хукуқшунос бўлмоқчи.

Ҳозир ўзим келин бўлиб тушган қишлоқда
мактаб директориман. Ҳар тонг иштиёқ билан
ишга отланаман. Бугунги кунда давлатимиз то-
монидан таълим-тарбия соҳасига, ўқитувчи ва
педагогларга берилаётган эътибор соғлом ва
баркамол авлодни вояга етказишда, мамлакати-
мизни жадал ривожлантиришда, бошқалар ҳавас
киладиган юксак мэрраларга эришишда ҳал
киловчи омилга айланмоқда.


Хурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизни Ўзбе-
кистон Республикаси Президентлигига сайлан-
ганингиз билан яна бир бор табриклайман!

Сизга мустаҳкам соғлик, бардамлик, узок умр
тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан:

Иродаҳон Ибрагимова,
Андижон вилояти, Улуғнор тумани,
«Тўрттол» махалла фуқаролар
йиғини

2015 йил 15 апрель



Мухтарам Ислом Абдуганиевич!

Сизнинг ҳар бир чикишингизни, маърузала-рингизни дикқат ва эътибор билан кузатиб борамиз. Доимо куюнчаклик билан барчани огохликка чақирасиз, кимларнингдир тегирмонига сув куядиган, гаразли кучларнинг фойдасини кўзлайдиган «сохта демократия»дан эҳтиёт бўлишга даъват қиласиз. Тинч ва осуда ўтаётган ҳар бир кунимизнинг қадрига етиш кераклигини, Сизнинг доно ва инсонпарвар сиёсатингиз биз учун халоскор куч эканини шу юртда истиқомат килаётган ҳар бир фуқаро яхши англайди.

Араб ўлкасини вайронага айлантириб, фуқаролар урушини келтириб чикарган, болани отага, фуқарони ўз президентига қарши қайрайдиган сохта «демократия» бизларга асло керак эмас, десам, юртдошларимизнинг юрагидаги сўзларни айтган бўламан. Бундай таҳдидларга карши эл-юртимиз Сиз кўп бор таъкидлайдиган: «Танлаган йўлимиздан бизни ҳеч ким қайтара олмайди» деган ўтли даъват билан жавоб қайтариши мукаррап.

Халқимизнинг буюк фарзанди Амир Темур илму маърифат ҳомийси, моҳир сиёсатчи сифатида узок йиллар ҳукм сургани, қудратли сал-



танат барпо этиб, элу элатларни, юртларни бир байрок остида бирлаштиргани, раиятнинг бошини силагани, жамиятда тинчлик ва осудалик ўрнатиб, бунёдкорликни амалга оширгани тарихий ҳақиқат. Мирзо Улугбек, Бобур Мирзо, Акбаршоҳ, Аврангзеб каби бобокалонларимизнинг ҳар бири 40 йил ва ундан ҳам зиёд давом этган ҳукмронлик даврида бор куч ва маҳорати, донишмандлигини эл-юрт тинчлиги ва ободлиги учун сарфлагани кундек равшан.

Сизнинг ташаббусингиз билан юртимизда ҳар янги йилни яхши ниятлар билан, ўзбекона қадриятларимизга мослаб, чиройли номлар билан атаемиз. Бу номлар шунчаки зеб бўлиб қолиб кетмайди. Уларнинг замиридаги мазмун-мудда давлат дастурларидан мустаҳкам ўрин олади. Дастурларга мувоғик, она ва болани авайлаб, соглом бола тарбиялаб, оилани мустаҳкамлаб, кексаларни эъзозлаб, шаҳару кишлокларимизни обод қилиб, йилдан-йилга улкан мэрраларни забт этиб, илдам одимламоқдамиз.

Яратгандан сўрайманки, халқимизнинг баҳтига узок йиллар соф-омон бўлиб, бизга бош бўлиб юринг. Сизни Яратганинг ўзи доимо паноҳида асрасин!

Абдумуттал Атабаев,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Жиззах вилояти вакили ўринбосари

2015 йил 26 февраль



**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Баҳор айёми кунлари, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги» эсадлик нишони билан тақдирландим. Мукофотни қабул килиб олар эканман, кувонганимдан кўзларим ёшга тўлди.

Мен Жиззах вилояти, Зомин тумани, Муғол қишлоғида истиқомат қиласман. 1943 йили Иккинчи жаҳон урушида 2-Белоруссия фронтида жанг килдим. Бошимдан оғир яраланиб, урушдан соғлиғимни йўқотиб қайтдим. Ҳозирги кунда биринчи гурӯҳ ногирониман. Мустақиллик туғайли бугун тўкин-сочин ҳаёт кечираётган оила бошлиқларидан бириман. Мана шундай дориламон кунларга етиб келганим учун Яратганга шукроналар айтаман. Ёшим 94 да, ўн нафар фарзандим, йигирма нафар невара, йигирма беш нафар чеварам бор. Фарзандларимнинг кўпчилиги олий маълумотли.

Уларнинг ўқиши, хунар ўрганиши учун барча имкониятлар мавжуд. «Қариси бор уйнинг париси бор», деганларидек, бугун биз кексалар ҳурмат ва иззатдамиз.



Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Сизнинг номингиздан пул мукофотлари, телевизор ва қўл телефонлари беришди. Ахир, биз кексаларга бундан-да каттарок эътибор бўлиши мумкинми? Чунки бундай совғаларни бериш баъзан ўз фарзандларимизнинг ҳам хаёлига келмайди. Шунинг учун ҳам туманимиздаги барча кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари номидан Сизга чин дилдан миннатдорлик билдиримокчиман.

Юртимиз келажаги, ҳалқимиз баҳтига ҳамиша соғ-омон бўлинг. Бу хатни неварамга айтиб ёздиждидим.

Сизга самимий ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Тошбек Ахмуродов,
I гурӯҳ ногирони,
Жиззах вилояти, Зомин
тумани, Муғол қишлоғи**

2015 йил 2 июль



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовга

Сизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобингизни жуда катта хаяжон билан ўқиб чиқдим. Аввало, сарлавҳаларнинг ўзиёқ ҳар бир кишини ҳайратга солади: «Ўзбекистон дунё ҳаритасида ўзига муносаб жой олди», «Халқ иродаси билан танланган йўл», «Демократия – қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир», «Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан», «Халқимизнинг фикри – биз учун олий мезон», «Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик» ва ҳоказо.

«Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги широрлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак» деган фикрингизни ўзимизга бош мезон қилиб олганимиз. «Халқ дарди – менинг дардим» каби сўзларингиздан сабоқ оламиз.

Сизнинг «Мустақиллик – энг аввало ҳалқ бирлиги ва ҳамжихатлигидир» деган содда, аммо чукур маънога эга бўлган сўзларингиз ҳалқ учун қайғурганингиз, куюнганингиз исботи эмасми?



Бундан 23 йил аввал мен мактаб ўқувчиси, кўп нарсаларни тушунмас эдим, энди эслайман: отам раҳматли Сизнинг барча нуткларингизни кўз узмай тинглаб ўтирганини кўп бор кўрганман.

Энди кўп нарсаларни тушуняпман, бобом урушда ватани учун қон кечса-да, урушдан кейин рўшнолик кўрмаган, чунки бош фарзанд, яъни дадам касал бўлиб бормаган доктори қолмаган, бу касални фақат чет элда даволаш мумкин бўлган, аммо чет элга...

Хуллас, бобом ҳам, дадам ҳам жуда эрта оламдан ўтиб кетиши...

Бу аламли оғрикни унтиш учун Сизнинг нуткларингизни тинглайман, китобларингизни ўқийман, мана, ҳалқимиз учун чет элларда даволаниш у ёқда турсин, ўқиш, ишлаш учун яратган шароитларингиз... Айниқса, миллий армиямизга берган зътиборингиз мени кувонтиради. Собиқ СССР вақтида амаким Россияда хизмат қилган, ўшанда кишлоқ йигити рус тилини билмай кул бўлганини, кулги бўлганини эслаб жуда сикилади. Соғлом бўлиб бориб, калтак еб, захга ташланиб, бир аҳволда қайтган.

1994 йили рус тилига ихтисослашган мактабни тамомладим. Дадам касаллиги сабабли шифокор бўлишни ният қилган эдим. Аммо дадамнинг ўртоғи «Қиз боланинг ўқигани нима бўлади», деб камситиби.



Сиз айтганингиздек, миллатнинг дунёдаги ўрни унинг аёлга бўлган муносабати билан белгиланади. Бу сўзларингиз қулокларим остида жаранглайди. Шукурлар бўлсин, энди озодмиз, бевакт ўлимлар, қуллик, зулмлар, босқинчилик ва жирканч консўарлар йўқ.

Сизни давлат ишларидан чалғитиб хат ёзганим учун кечиринг, бу хатни ёзишимдан максад Сизнинг сиймонгизда азиз бобом ва отам қиёфасини кўришимни изхор этишdir.

Оддий қишлоқ аёлининг бу фикрлари Сизга малол келган бўлса, аввалдан узр сўрайман.

Доимо Сизга Оллоҳ ёр, мададкор бўлсин!

**Умида Худойбердиева,
Жиззах вилояти, Жиззах тумани,
Ровот қишлоқ фукаролар йигини**

2014 йил 11 апрель



Янги йил табриги

Мен 1993 йил 11 февралда Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, Пахтакор қишлоқ фуқаролар йигини, Кўктўнлик маҳалла фукаролар йигини, «Янги аср» кўчасида туғилганман. Ёш бўлсамда, собик мустабид тузум ва ўша даврдаги ҳалқимиз ҳаёти ҳакида аниқ тасаввурга эгаман. Менинг 1922 йилда туғилган бувим – Марзияхон Кенжабоева ўча пайтдаги ҳаёт ҳакида менга кўп гапириб берганлар. Бувим: «Болам, ҳозир одил ва фаровон замонда яшаяпмиз. Илгари мен тадбиркорликка қизиқардим ва бу фаолиятни амалга оширишга уринардим. Аммо тадбиркорлик килмоқчи бўлганларни у даврда «чайқовчи, жиноятчи» деб айблаб, ўз қобилиятини рӯёбга чиқаришига, янгиликлар яратишига йўл қўйилмас эди. Янги йилни кўсак чувиб кутиб олган йилларимиз кўп бўлган. «Хусусий мулк», «хусусий тадбиркорлик» деган иборалар ҳакида оғиз очиш ҳам мумкин эмасди. Диний маросимларимизга эса «эскилик саркити» деб қаралиб, муқаддас қадамжоларимиз харобазор бўлиб қолган эди», деб таъкидлар эдилар.


Хакиқатан ҳам, менинг күз ўнгимда содир бўлган катта-катта ўзгаришлар мустақиллигимиз меваси эканига шубҳам йўқ. Мисол учун, илгари мактабимиз нураб ётган, ташландик бинода жойлашган эди. 2001 йили – мен 1-синфда ўқиётган пайтимда мактабимиз таъмирланиб, унинг томи шифер билан ёпилди ва 2003 йили – мен 3-синфда ўқиётганимда эса капитал реконструкция қилиниб, бутунлай янги киёфа касб этди. Мажхулламизнинг энг чекка худудигача асфальт ётказилиб, ичимлик суви тармоги тортилди.

Фермерларимиз дала маданиятига ҳар томонlama эътибор беришни ўрганиб бормокда. Эндиликда фермерлар ерни – менинг ерим, деб, ўз хосилларига ўzlари эгалик қилмоқда.

Туманимизда ҳозир иккита касб-хунар коллежи мавжуд. Мен ҳам кўплаб тенгдошларим қаторида Пахтаобод иктисадиёт колледжини тамомлаб, туманимиздаги «Сувокава» шўъба корхонасига ишга кирдим. Ишлаб, олий ўкув юртига ўкишга кириш учун астойдил тайёргарлик кўрдим. 2013 йилдан бўён эса Андижон қишлоқ хужалик институтида тахсил олмоқдаман.

Бугунги барча ютукларимиз мамлакатимизда «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган улуғ мақсадга хизмат қилаётганининг яққол ифодаси, деб биламан.


Яратгандан сўрайманки, бутун ҳалқимиз, шулар қаторида менинг ва оила аъзоларим баҳтига соғ-омон бўлинг. Кириб келаётған янги – 2016 йилда режалаштирган барча ишларингиз бекаму кўст амалга ошсин.

Янги йилингиз муборак бўлсин!
Сизга самимий ҳурмат билан:

Фаёзбек Кенжабоев

2015 йил 30 декабрь



Юртбошимга мактуб

Ассалому алайкум, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизга анчадан бўён мактуб йўллашни ният килиб юрган эдим. Мен Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида вояга етган баҳтиёр ёшлардан бириман.

Биз – ёшлар учун кенг имкониятлар яратиб бергансиз. Мана шу имкониятлар натижасида 2011 йили адабиёт йўналишидаги кичик меҳнатларим эътиборга лойик курилгани боис Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим.

Ростини айтсам, ҳаётим шундан сўнг бутунлай янгича маъно касб этди. Бобоҳон, мен юксак мукофотга сазовор бўлган куним йиллар мобайнida оғир хасталиқдан азоб чекаётган онамнинг жонига жон, томирларига куч-кувват кирди ва кўзларида севинч ёшлари билан узоқ дуо қилдилар. Бу – мен учун яна бир катта мукофот эди. Онажонимнинг Сизга бўлган меҳри яна бир карра, минг карра ошди.

Давлатимиз томонидан юксак мукофот билан бирга менга берилган моддий тақдирловни



эса, ҳеч иккиланмасдан, акамнинг ўқиши учун тўладим. Шу йили у олий ўкув юртининг иккинчи босқичини муваффакиятли тамомлади. Ўзим орзу қилган олий ўкув юрти – Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига инглиз филологияси йўналиши бўйича имтиҳонларсиз, давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Талаба бўлиш менга ифтихор туйгулари билан бирга, янада улкан масъулият ҳам юклади. Келажакда сиз истагандек кучли, билимли ва албатта, баҳтли инсон бўлиш, шунингдек, бир неча чет тилларини мукаммал ўрганиб, ўзбек адабиётини жаҳонга танитиш, қолаверса, юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб хиссамни кўшиш менинг энг олий мақсадимга айланди.

Конституциямизнинг 23 йиллигига багишлаб Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали тадбирда университетимизнинг иқтидорли талabalari қаторида иштирок этиш баҳтига мусассар бўлдим.

Сиз шу анжуманда ўз маърузангизда белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда мен ҳам албатта ўз хиссамни кўшишга аҳд қилдим. Маърузангизни тугатиб, мажлис аҳлига таъзим айлаб, қўлларингизни силкитганингизда, беихтиёр кўзларим севинч ёшларига тўлди.

Ёнимда жонкуяр ота-онам, Сиздек меҳрибон Юртбошим, қолаверса, илм-фан сирларидан са-

 бок берадиган устозларимнинг борлиги менинг баҳтимдир.

Азиз Юртбошим, муҳтарам бобожон, фурсатдан фойдаланиб, Сизни Мустақиллигимизнинг 24 йиллик айёми билан чин юракдан муборакбод этаман!

Баҳтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг! Биз Сизни жуда яхши кўрамиз!

Юлдузой Үрмонова,
Андижон вилояти, Хўжаобод
шахри, Узун кўчаси

2015 йил 13 август

 Ассалому алайкум, Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сиз олиб бораётган сиёсатни чин юракдан кўллаб-кувватлаб, она юртимизнинг равнаки йўлида меҳнат қилас эканман, 1995 йилда Сизга хат билан мурожаат қилган эдим. Хатда боф яратиш истагим борлигини маълум қилган эдим. 1995 йил февралда 25 гектар ялов ер олиб, уни обод килишга киришдим. 1996 йили обод килинган 10 гектар ерга пахта экиб, мўл ҳосил олишга эришдик. 1996 йилнинг кузида ўзимиз етиштирган пахтадан олинган даромад ҳисобидан Самарқанд туманидан мевали кўчатлар олиб, 5 гектар ерда оилас билан боф яратдик. Кейин фермер хўжалигини ташкил этиб, 2009 йилгача – 14 йил давомида раҳбарлик қилдим ва шартнома режаларини ортиғи билан бажардик. Асрый чўл обод ва гўзал масканга айланди. Бу гўшага 150–170 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфладим. Бу ишни мен халқимга бўлган ҳурматим, Ватанимга бўлган садоқатим рамзи, деб биламан.

Энди ўзим ҳакимда қисқача маълумот берсам. 1930 йили туғилганман. Аммо туғилганман-у, машхур шоиримиз ўз шеърида айтганидек, шу

Президент Республики Узбекистан

он бўғилганман. Чунки лаънати қизил империя – совет давлати отам Қосим Олимовни дин уламоси, деб – мен икки ойлик чакалоклик вақтимда – қамаган ва ҳеч бир сабабсиз ўлдириб юборишган. Оилада икки акам, бир опам ва мен ногирон онажоним билан бирга бўзлаб қолганимиз.

1941 йили уруш бошланди. Акаларим тұла балоғат ёшига етмаган бўлса ҳам фронтга жүннатилди. Катта акам 1941 йили Москва остоңасида, иккинчи акам эса 1943 йил Сталинградда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Оилада 15 ёшли опам ва мен қолдик. Деярли барча эркаклар (у вақтда факат чўпон ва раис урушга бормас эди) фронтга кетди. Далада аёллар ва болалар ишлар эдик. 13 ёшимда колхозчи бўлиб не-не азоб-укубатларни кўрмадим. Колхозда эртадан кечгача ишлатишар, нормани бажармаганлар қаттиқ калтакланар эди. Иш ҳақи сифатида яримта кулча ва бир коса ёрма беришарди. Одамлар оч, юришга мадори йўқ, дуч келган ерда узала тушиб ётар, айримлари ўлиб ҳам коларди. Кўзим билан кўриб, бошимдан ке-чирган воқеаларни айтсам, набираларим ишонмайди. Бугунгидек фаровон кунларнинг қадрига етинглар, дейман набираларимга.

1956–1993 йилларда мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, 1995–2009 йилларда фермер хўжалиги бошлиғи бўлиб ишладим. 1995 йили Сизнинг имзоингиз билан «Шуҳрат» меда-

Президент Республики Узбекистан

лини олганимда йиллар давомида кўксимни эзиб ётган дард-алам юрагимдан чикиб кетди.

Ҳозир турмушим, соғлиғим яхши. Сизнинг ташаббусингиз билан 2015 йил юртимиизда «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилингани биз – кексаларга куч-куват бағишилаб, умримизга умр қўшди, десам янгишмайман.

Яқинда бўладиган Президент сайловида халқимиз Сизнинг номзодингизни тула қуллаб-куватлашига ишонаман.

Сизга чексиз ҳурмат билан:

**Гайбулла бобо Қосимов,
Бухоро вилояти, Қоракўл тумани,
Сайёд қишлоқ фуқаролар йиғини,
Солур маҳалласи, 33-үй**

2015 йил 26 январь



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни таваллуд топган қунингиз билан оилам ва маҳалладошларим номидан самимий табриклийман.

2003 йили менга «Матиз» автомашинаси ни совга қилганингиз асло ёдимдан чикмайди. Қаранг, шунга ҳам ўн йилдан ошикроқ вакт ўтибди. Бу орада фарзандларимни ўқитдим, уйлижойли қилдим. Кўплаб ютукларга эришдим. Бугун бевосита Сизнинг раҳнамолигингизда амалга оширилаётган эзгу ишлардан халқимиз чексиз миннатдор, минг бор рози. Айниқса, биз аёлларга кўрсатаётган алоҳида эътибор, ҳурматингизни нафақат юртимизда, балки жаҳондаги барча эр йигитлар учун ибрат намунаси деб биламан. Ота учун бир оилани бошқариш заҳмати, масъулияти нақадар қийин эканини Сизга изоҳлашим, аслида, шарт эмас. Ўзбекистон деб аталган ва бугун ўттиз миллиондан зиёд фарзанди бор бўлган улкан оиласага бош эканингиз, ҳар кунимизда бизга суюнч, елкадош бўлиб турганингиздан қалбимизда фақат кувонч ҳиссини сезамиз.



Сизга Оллоҳдан мустаҳкам соглик, икки дунё саодатини тилаб қоламан. Халқимиз баҳтига омон бўлинг!

Сожида Бердиева,
Бухоро вилояти, Вобкент тумани,
Мўминобод маҳалла фуқаролар
йиғини маслаҳатчиси

2016 йил 5 февраль

**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Каримов!**

Мен Фаргона вилояти, Фаргона тумани, Лоғон кишилоги, Ўзбек кўчаси, 55-йида яшовчи фуқаро Марямхон Ибрагимова бўламан. Ҳар йили 30 январь – туғилган кунингиз муносабати билан сизни эслаб дуо киласман.

Янги – 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш иили» деб номлаган экансиз, шундан руҳланиб мактуб ёзмокка жазм этдим.

Сизнинг чиқишиларингизни телевизор орқали мунтазам кузатиб бораман. «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган гапларингизни эшишиб, ўйлаб қоламан. Дарҳақиқат, биз ўзи ким эдик? Беихтиёр отам ёдимга тушади. Отам Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эдилар. 2004 йилда вафот этганлар. Ҳар сафар жангга кирар экан, «Ватаним ва ота-онам учун!» деб ўзларида куч тўплар эканлар. Жангларда қатнашаётсиб, «Мендан ҳам бирор зуриёд колармикан?» деб ўйлар эканлар. Ҳудога шукур, отам беш нафар фарзанд кўрдилар. Мустақиллик туфайли чирой очган юртимиз жамолини кўрдилар. Умрининг охиirlарида фаровон ҳаёт кечирдилар. Отам дав-

латимиз томонидан бир неча бор тақдирланган, қатор медаллар соҳиби эди. Мен ҳам отам сингари юртимиз равнақига ҳисса қўшиб, «Кувасой цемент» акциядорлик жамиятида ишлаб, пенсияга чиқдим.

Хозирги ёшларга яратилаётган шароитларни кўриб, кўзимга кувонч ёшлари келади. Чунки улар орасида менинг набираларим ҳам бор. Сизнинг «Ёшларимизни, фарзандларимни бағримга босгим келади» деган сўзларингиз фарзандларим ва набираларимни руҳлантириб юборади.

Ҳар бир сўзингиз замираida улкан ҳаётий фалсафани англаймиз. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» деган даъватингизнинг амалий ифодаси сифатида бутун Ўзбекистон, жумладан, бизнинг Фарғонамиз ҳам гўзал гўшага айланди. Кенг ва равон йўллар, мухташам бинолар, Санъат сарои, янги стадион ва бошка кўплаб объектларни айтиб адогига етказиш мушкул.

Мен айни пайтда 64 ёшдаман. Вилоятларга ташрифларингизни кузатиб, жуда хурсанд бўламан. Бу сафарги ташрифингизда, албатта, бизнинг хонадонимизга кириб, меҳмон бўлишингизни истардим.

Биз оила аъзоларим, кариндош-уругларим билан биргаликда 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида факат ва факат Сизга овоз берамиз.

Менинг дилимдаги гапларимни набирам, 2-синф ўкувчиси Оллоёр Маъруфжонов қоғозга туширди. Унинг баҳолари беш. У келажакда дипломат бўлиб, гўзал Ўзбекистонимизнинг довруғини бутун дунёга таратмоқчи.

Сизни ҳамиша дуо килиб, мустаҳкам соғлик ва қалб хотиржамлигини тилаб, хатимни якунлайман.

**Марямхон Ибрагимова,
Фарғона вилояти, Фарғона
тумани, Логон қишлоғи**

2015 йил 2 февраль

**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуганиевич!**

Сизнинг халқимиз манфаатини кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсатингизни ҳамма қатори мен ҳам кўллаб-кувватлайман.

Бизнинг энг катта бойлигимиз – тинчлик. Бошка айрим давлатларда ҳар хил можаро, миллатларапо низолар, хунрезлик давом этаётган бир пайтда бизнинг давлатимизда тинчлик ҳукмрон. Бунинг барчаси Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли, деб биламан.

Мен кундалик ахборотни мунтазам кузатиб бораман.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб, гўзаллашган. Бу ердаги равон ийуллар, кўприклар, кўркам иморатларни кўриб, инсоннинг завқи келади.

Сиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йигилишида сўзлаган нутқингизда терроризм, одам савдоси ва гиёҳвандликка карши кураш масаласига алоҳида ургу бериб, барчага ушбу мавзу ўта долзарб эканини эслатдингиз. Кўп ўтмасдан, АҚШда 2001 йил 11 сентябрь куни бўлган портлатиш, кўпорувчилик харакатидан дунё ахли сер-

гак тортиб, Сизнинг асосли фикрларингизга тан берди.

Ўша минбарда туриб нутқ сўзлаганингизни телевидение орқали кўриб, кўзимга ёш олганман. Мана, бизнинг ҳам Президентимиз дунёга мустакил Ўзбекистонимизни танитар экан-ку, деб фахрланганман. «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган иборангизнинг исботи шу деб биламан.

Мен немис миллатига мансуб бўлсам-да, Ўзбекистоннинг фуқароси эканимдан фахрланаман. Чунки бизнинг мамлакатимизда тинчлик-тотувлик хукмрон. Мустакил юртимизда турли миллатга мансуб кишилар фаровон турмуш кечирмоқда. Конституциямизда тили, дини, ирки, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тенг ҳукукли экани белгилаб кўйилган.

Мен ишонаман, мустакил Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлади. У ривожланган давлатлар қаторига, албатта, киради.

Мактубимни якунлар эканман, Сизга бахту саодат ва узок умр тилаб қоламан.

Хурмат билан:

Анатолий Вернер,
Самарқанд вилояти, Каттакўргон
тумани, Қозоқовул қишлоғи,
Дўстлик маҳалласи

2015 йил 17 июнь

Хурматли Ислом ота!

Сизнинг меҳру эътиборингиз туфайли ўғлим Шохжаёнга ўзи орзу қилиб юрган замонавий компьютер жамланмаси совға қилинди. Бу совғадан оиласиздаги барчанинг боши кўкка етди. Фарзандимнинг аъло ўқигани ва намунали хулқи Сиз томонингиздан юксак баҳоланди. Бундан мен – оддий бир она сифатида чексиз кувончга тўлдим. Кўрсатган марҳаматингиз учун Сизга Оллоҳдан узок умр, мустаҳкам соглик, туганмас омад ва баҳт тилайман. Ўзбек халқининг баҳтига доимо соғ ва омон бўлинг, мустакил ўзбек элига бундан ҳам юксак марраларни забт этишда бош-қош бўлиб юринг.

Хурматли Президент, Сиз кам таъминланган оила ва ёш оиласарга манфаати тегадиган адолатли ва инсонпарвар, халқчил сиёсат олиб боряпсиз. Сизнинг келажак авлодга катта эътиборингиз, оталарча ғамхўр сиёсатингиз туфайли ўғлим Шохжаён адолатли тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, туманимиздаги тиббиёт коллежи талабаси бўлди. Фарзандларимдан умидим жуда ҳам катта. Яқин келажакда улар мус-


такил ўзбек диёри учун фойдаси тегадиган, жонажон юртимиз байробини баланд кўтарадиган, содик фарзандлар бўлиб етишади, деган орзу-истаклар билан яшамоқдаман.

Сизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан самимий ва қизғин муборакбод этаман.

**Юлдуз Имомова,
Самарканд вилояти, Ургут
шахри, «Дўстлик» маҳалла
фуқаролар йигини**

2014 ийл 19 ноябрь


**Ассалому алайкум, муҳтарам
Президент!**

Мен «Кексаларни эъзозлаш йили» ниҳоясида Ўзбекистоннинг бир ёши улуғ фуқароси сифатида сизга миннатдорлик билдиришга жазм қилдим.

Ёшим 72 да. Мутахассислигим – тарих ва жамиятшunosлик фанлари ўқитувчиси.

Сиз собиқ СССР даврида биринчилардан бўлиб, ҳеч кимдан қўрқмасдан, келажакка ишонган ҳолда, юртимизда мустакилликни эълон қилдингиз.

Шунинг баробарида тилимизни, динимизни, урф-одат ва қадриятларимизни қайтардингиз.

Биринчи эзгу ишингиз – ночор аҳволга тушиб қолган аҳолига уй-жой қуриш учун минглаб гектар ер майдонлари, қўшимча томорқалар бердингиз. Қисқа вакт ичидан дон ва ёқилғи мустакиллигига эришдик. Чет эллар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ишга туширилиб, саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, фермерлик ҳаракати ривожи хисобидан кейинги ўн ийлда ўсиш суръати 8 фоиздан ошиб келмоқда.

Янги темирийўл тармоқлари қурилиб, электропоездлар қатнови йўлга қўйилди ва қўйил-

моқда. Соғликини саклаш ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган самарали ишлар ҳеч бир ривожланган давлатдагидан қолишмайди. Тинчлик-омонлик, соғлик ва бирдамлик бўлса, бундан-да улкан натижаларга эришамиз. Қамчик довони орқали – Хитой, Форс кўрфази ва Каспий денгиз орқали Европа ва океанорти мамлакатлари га чикиб, савдо алоқаларини янада яхшилаш имкони ҳам туғилади, Худо хоҳласа, булар – ютуқларимизнинг бошланиши. Биз яқин келажакда дунёнинг тараккий топган мамлакатлари орасидан жой оламиз ва бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

90-йилларда Сиз катта ишонч билан илгари сурган «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган шиор буғун ўзини батамом оқлади.

Бизнинг оиласиз ҳам Ўзбекистондаги баҳтли оиласардан бири. Аёлим билан, мана, 46 йил биргаликда умргузаронлик килдик. Ҳудога шукур, набира, эвараларнинг бобоси, момосимиз. Корнимиз тўқ, устимиз бут. Яшайдиган бошпанамиз бор. Сигир-бузогимиз, бир нечта қўй-эчкимиз, курка-товук каби парранда ва боғимиз ҳам бор.

Совет даврида менинг аёлим колхозда чопикчи бўлиб меҳнат қилди. Ғўзани чопик килди, сугорди, йил ўн икки ой меҳнат қилди. 25–30 йил пилла куртини бокиши билан шуғулланди. Лекин биримиз икки бўлмади. Бу воқеалар эсдан

чикмайди: ўша йиллари ҳовлимиз устидан самолётда бутифос дориси сепиш билан бирга, бригада бошлиғимизнинг буйруғи ва тазиқи билан аёллар ва қизларга марлига ДДТ-гексохлором дорисини тушиб, таёқ учига илдириб, гўзага септирарди. Бечора аёлим ва бошқа хотин-қизлар ДДТ заҳри таъсирида доимо кўзларидан ёш оқарди. Мана сизга, совет жамиятининг аёлларга бўлган шафқатсизлиги.

Шукурки, у кунлар ортда қолди. Бугунги фаровон кунларга етиб келдик. Ҳали бундан ҳам яхши кунлар келади. Сиз таъкидлаганингиздек, тинчлик, баркарорлик, осмонимиз мусаффо бўлса, ёмонлар ўзимиздан чикмаса, ҳалқимизнинг ризки доимо бутун бўлади.

Миллионлаб кексаларнинг бири ва баҳтиёр инсон сифатида сизга таъзим қиласан. Баҳтимизга узок яшанг.

Нишон Эсонов,
Самарқанд вилояти, Пахтаки
тумани, Мисит қишлоғи,
Жаҳонобод махалласи

2015 йил 3 декабрь

**Ассалому алайкум, мухтарам
Ислом Абдуганиевич,**

Сизнинг ташаббусингиз билан 1991 йилда ўзбек адабий тилининг асосчиси, ғазал мулкининг сultonни ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомизнинг 550 йиллик таваллуд тўйи юртимизда тантанали нишонланиб, азим пойтахтимиз – Тошкент шаҳрининг марказида улуғ сиймо номи билан аталадиган Ўзбекистон Миллий боғи ҳам барпо этилди, боғ марказида шоир бобомиз ҳайкали кад кўтарди.

Мустакиллик йилларида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурдий, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва яна кўплаб бошка буюк алломаларимизнинг муқаддас қадамжолари, мақбаралари обод қилинди, уларнинг хотирасига боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Биз буни аждодларимизга, тарихимиз ва маданиятимизга бўлган чексиз эҳтиром намунаси деб биламиз.

Сизолиб бораётган бунёдкорлик ишларини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ана шу ишларнинг натижаси сифатида бугунги кунда ҳалқимизнинг интилевчан вакиллари, айникса, ёш ўғил-қизларимиз илм-фан, санъат, спорт, қўйингки, бар-

ча соҳаларда жаҳон миқёсида улкан зафарларга эришиб, Ўзбекистонимизнинг довругини дунёга таратмоқда. Бу биз, оқсоқолларга чексиз мамнуният ва ғуур багишлайди. Бундай ютуқлар негизида истиклолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизга яратиб берилаётган шартшароитлар, юксак эътибор ётганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Юртимизда амалга оширилаётган ҳамма ишларда инсон манфаатлари биринчи ўринга кўйилган. Буларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги автомобиль йўллари курилиб, борлари таъмирланиб, йўловчиларга кенг қуликлар яратилаётгани, янгидан-янги темир йўллар курилиб, ахолининг узоги яқин қилинаётгани мисолида ҳам айтиш мумкин.

Бизнинг Каттакўғон туманимиздаги Пайшанба шаҳарчасида ҳам марказий йўлларимиз тўлик асфальтлаштирилиб, уларга тунги ёриткичлар ўрнатилди, йўловчилар учун барча қуликларга эга бўлган автошоҳбекат ишга туширилди. Шунингдек, шаҳарчамизда иккита боғ, стадион, ёпик спорт мажмуаси, янғи савдо ва майший хизмат кўрсатиш муассасалари бунёд этилди. Бу каби янгиликлар туманимизнинг чекка қишлоқларида ҳам амалга ошириб келинмоқда.

Мен яқинда пойтахтимизда очилган «Китоб олами» дўконини бориб кўрдим. Ушбу мухташам кошона ҳалқимиз, фарзандларимиз маънавияти-



ни юксалтиришга хизмат киладиган эзгулик мас-
канига айланганига амин бўлдим. Умрим даво-
мида Европадаги ўндан ортиқ давлатларга бориб,
уларнинг кутубхонаю китоб дўконларини кў-
ганман. «Китоб олами» дўконимиз уларнинг хеч
биридан қолишмайди, деб комил ишонч билан
айтишим мумкин. Ёшлиrimiz бу дўкондан кат-
та қизикиш билан китоблар харид килаётганини
кўриб, очиги, ич-ичимдан кувондим, кайфиятим
жуда кўтарилиди.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич,

Олиб бораётган ҳамма хайрли ишларингизда
Оллоҳ Сизга мададкор бўлсин. Халқимизнинг
фаровон турмуши, давлатимиз равнақи ва тинч-
лигини таъминлаш йўлидаги машакқатли ва
шарафли ишингизда улкан муваффакиятлар ти-
лаймиз.

Бир гурух оқсоколлар номидан:

Қ. Аҳмедов,
Самарқанд вилояти, Каттакўргон
тумани, Пайшанба шаҳарча
фуқаролар йигини раиси

2016 йил 1 февраль



Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуганиевич!

Бугун – Сиз таваллуд топган кун, ўзбекистон-
лик барча аёл-қизлар, оналаримиз, опа-сингил-
ларимиз учун қалбда шукроналик, баҳтиёрлик
туйгуларини мавжлантирган кутлуғ сана.

Хурматли Юртбошим,

Сиз биз, аёлларга баҳту саодат улашмок, дар-
димизга дармон бўлмок, орзу-умидларимизга
қанот бағишилмок учун туғилгансиз!

Ахир, Сиз майдонга мардона чиқиб, бизни сую-
маганингизда, бугунги ёруғ кунлар тафтини хис
эта олармидик?!

Сиз Зулфияхоним, Саидахоним тимсолида
ўзбек аёлига хайкал қўймаганингизда, юртимиз-
даги юзлаб истеъод гунчалари – истиклол фар-
зандлари Ўзбекистон аёл-қизларининг нуфузли
мукофотига сазовор бўла олармиди?!

Сиз пушти паноҳ отамиз, ғамхўр оғамиз бў-
либ шаън-шарафимизни химоя қилмаганингизда,
нозик қўлларимиз билан трактор рули ўрнига
соғлом фарзандни бағримизга боса олармидик?!

Яратганга минг шукур! Ватанимизнинг тинч-
лигини, она халқимизни кўз қорачигидек асрай-

диган, унинг учун жон кўйдириб, тунларни тонгларга улайдиган Сиздек раҳнамомиз бор.

Шунинг учун биз – оналар бешиклар бошида жажжи фарзандларимизга аллалар айтамиз. Тўйларга, яхши кунларга тайёргарлик кўрамиз. Ўзимизни дунёдаги энг баҳтли аёллар деб биламиз. Бу ифтихор қонимиздан, жонимиздан фарзандларимизга ўтмоқда.

Бугун фарзандларимиз Сизга ўхшагиси келяпти. Сиздан ибрат оляпти. Сиздек дунё тан олган улуг зотга муносиб ўғил-қиз бўлишга интиляпти.

Эл-юртимиз, Ватанимиз баҳтига доимо соғомон бўлишингизни тилаб:

Хосият Бобомуродова,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатған
маданият ходими, шоира,
Самарканд шахри

2016 йил 30 январь

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Бу хатни Сизга ёзиш ёки ёзмаслик ҳақида узоқ ўйладим, чунки қимматли вактингизни олишдан кўрқдим. Лекин ёзишга қарор килдим. Чунки Сизга бўлган чексиз ҳурматим, ишончим сабаб кундан-кунга кучига – куч, чиройига – чирой қўшилиб бораётган Ватанинг оддий бир фуқароси сифатида ўз миннатдорлигимни билдирамасдан туролмадим.

1991 йил 31 августда киндик қонимиз тўкилган муқаддас она Ватанимиз мустақиллиги эълон килинган кун бугунгидек эсимда. Сиз минбардан туриб Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилиб, 1 сентябрни Мустақиллик байрами сифатида нишонлашни таклиф қилганингизни телевизор орқали томоша қилганимда, мактабни тамомлаш арафасидаги бола эдим. Уша пайтда мустақил бўлганимизга ўзимизча хурсанд бўлган бўлсак-да, уни қанчалик машакқатлар эвазига келганидан бехабар бўлганимиз. Собик Иттифок раҳбарларининг катта қаршилигига, тазиикларига ва канча қийинчиликларга қарамасдан, Ўрта Осиё давлатлари ичидаги бирин-

чилардан бўлиб, мустақилликни эълон қилиш учун жуда катта матонат ва жасорат керак бўлганини бугун ич-ичимдан хис қиласман. Сиз ота-боболаримизнинг минг-минг йиллик орзуси бўлган мустақилликни нафақат эълон қилдингиз, балки узок йиллар мустамлака бўлган, фақатгина бир томонлама, қишлоқ хўжалиги гагина ихтисослашган колок давлатни қисқа муддатда жаҳоннинг энг илғор, индустряси ривожланган, иқтисодий имкониятлари катта бўлган, ривожланган давлатига айлантириб, бутун дунёни лол қолдирдингиз.

«Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси» фильмини ўкувчиларга на мойиш килаётганимизда Сиз бошдан кечирган кийинчиликларни кўриб, кўзимда ёш билан бу ҳакиқатни юрак-юракдан хис қилганман. Мустақиллик аталмиш буюк неъмат шунчаки ўз-ўзидан келиб қолмаганини, уни қўлга киритиш қанчалик машакқатлар эвазига бўлганини ўкувчиларим онгига етказишга, уни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг энг олий бурчимиз эканини ҳар бир дарсимда таъкидлаб ўтишга алоҳида эътибор бераман. Оддий ҳаётий мисоллар билан уларга тушунтиришга ҳаракат қиласман.

Ўкувчиларга маънавият соатларида, отоналар йиғилишларида мен фойдаланадиган

энг севимли адабиётим, бу – сиз ёзган «Юксак маънавият – енгилмас куч» асаридир. Бу китобнингизни ҳар сафар ўқиганимда ўзимга янги бир маъно топаман. Ўкувчиларга ва ота-оналарга ундаги фикрларингизнинг мағзини доимий сингдириб боришга ҳаракат қиласман. Чунки асарни ўқиб, моҳиятини тушунган инсонда ҳеч қачон маънавий бўшлиқ бўлмаслигига ишончим комил.

Биз энди мустақил бўлган пайтларда кўпчилик жаҳон сиёsatчилари, баъзи фуқароларимиз ҳам Ўзбекистоннинг тараққиётига шубҳа билан қараган бўлса, бугун нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки дунё аҳолисининг кўпчилиги ҳам Ўзбекистон фуқароси бўлиб қолиши, фарзандлари шу замин тупроғида улгайиб, вояга етишини орзу қиласди. Чунки Ўзбекистонда инсон азизлигини, кексалар доимо эъзоздалигини, болалар ҳамиша эътиборда эканини бутун дунё бугун жуда яхши билади.

2015 йили китобхонлар эътиборига ҳавола этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли янги асарингизни мен барчага ўқиб чиқиши маслаҳат берган бўлардим, агар мендан сўраса. Чунки жонажон Ватанимизнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам, Сиз айтгандек, ўзимизга боғликларини барчамиз яхши англаф етсак,


бунинг учун ўзимиз бир ёқадан бош чиқариб харакат қилсак, хеч қандай рақиб бизга хавф со-
ломаслиги шубҳасиз.

Биргина мен яшаётган Навоий шаҳридаги ободонлаштириш, бунёдкорлик, ҳалқ фаровонлиги йўлида килинаётган эзгу ишларнинг санаб-саногига етиб бўлмайди. Буни кўриб туриб қандай хурсанд бўлмаслик, ғуурламаслик мумкин?

Баъзи бир адашган, турли оқимлар таъсирига тушиб, ўз ҳалқига, жонажон Ватанига карши бош кўтарган нодонларга бундай дегим келади: эй кўрнамак, сен Ўзбекистон эришаётган ютуқларни бир бошидан санаб кўр-чи, санашга умринг етармикан? Яна қаерда Ўзбекистондек юрт, ўзбеклардек ҳалқ бор, сен ўзинг бу юрга нолойиксан, деб айтгим келади.

Оллоҳга минг шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, осмонимиз мусафро. Шу тинчлигимизга, мустақиллигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, юртимиз баҳтига доимо соғ бўлинг, умрингиз узок бўлсин.

**Амрииддин Бобоёров,
Навоий шаҳри,
Ибн Сино кўчаси,
42-уй, 31-хонадон**

2015 йил 24 ноябрь


Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен 1932 йил 10 июнь куни тугилганман. Олти ўғил ва тўрт қизим ҳамда невара, чевараларим ардоғидаман. Ўзим олий маълумотли тибиёт ходимиман. 45 йил шу соҳада ишлаб, пенсияга чикқанман.

Айни вактда пенсияларни ўз вактида олиб, шундай гўзал, тинч диёрда кексалик гаштини сурриб юрган баҳтиёр инсонлардан бириман.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг шу кунгacha қанча сиёсий ва иқтисодий муаммоларни факат ҳалқимизнинг манфаати йўлида ҳал килиб келаётганингиздан жуда-жуда хурсанд бўлиб кетаман. Шу юрт фуқароси сифатида Сизга қойил қоламан.

Албатта, глобал муаммолар ҳеч қайси давлатни четлаб ўтмаган. Дунё бўйича қанча ҳалқ ва уларнинг давлат раҳбарлари бор, бирон-бир давлат йўкки, муаммоларсиз бўлса. Айрим давлатлар бутқул муаммолар гирдобига тушиб қолган.

Худога шукроналар бўлсинки, Сизнинг раҳбарлигингизда давлатимиизда, ўйлайманки, бундай чукур муаммоларга йўл кўйилмайди.



Муаммо бўлмаслигининг сабаби:

- ишлаб чикарувчиларга қанчадан-қанча имтиёзлар мавжудлиги;
- тадбиркорларнинг фаолият кўрсатиши учун эркин рақобат майдони яратиб берилгани;
- фарзандларимизнинг бепул таълим олиши;
- пенсионерлар пенсиясини ўз вақтида олиши;
- кам таъминланган оилалар кучли ижтимоий ҳимояга олингани;
- энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинчлигини саклаб турганингиз, деб ўйлайман.

Шу ёшга етиб келгунимча қанча азоблар кўрмадик, ушбу кунларни ўтган асрнинг эллигинчи ёки олтмишинчи йилларида тасаввур килиш жаннатни тасаввур этиш билан тенг эди.

2015 йил 9 май куни Хотира майдонида ўтмиш тўғрисида гапирган гапларингиз менга ёшлигими ни эслатди ва кўзимда ёш, бутун вужудим билан Сизнинг сўзларингизни болаларим билан биргаликда эшитиб ўтиридик.

Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти ғалакорлари билан дала шийпонидаги учрашувда айтган гапларингизни эшитиб, яна қайтадан яшариб кетдим.

Ватан оиласдан бошланади, деганларидек, мен ҳам катта оиласнинг сардориман. Мен ва меннинг авлодим Сиздек буюк инсон давлатимизни бошқараётганидан Худога шукроналар қиласиз.



Менинг болаларимнинг ҳаммаси ҳам ўзининг оиласий мустақиллигига эга, ҳаммасининг ўзига яраша уй-жойи бор, уларни факат ҳалол меҳнат билан яшашга ўргатганман.

Сиз яратиб берган шароитда меҳнат қилган одам ёмон яшами мумкин эмас, агар меҳнат қилмас экан, нима учун яхши яшами керак?

Маҳалламиз ахли шунчалик меҳнаткашки, уларнинг уйларида ўтказиб келинаётган турли тўй ва маъракаларни кўриб, қувнаб кетамиз, хеч нарсадан камчиликлари йўқ, маҳалламизда инсон яшами учун ҳамма шароитлар муҳайё.

Оллоҳ таоло Сизни бало-қазолардан сакласин, доимо соғ-саломат бўлинг.

**Ҳасан Бобоев,
Сурхондарё вилояти, Сариосиё
тумани, Дийдор маҳалла
фуқаролар йигини**

2015 йил 18 август



**Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!**

Сиз билан хат орқали мулоқот қилиш баҳтига сазовор бўлганимдан баҳтиёрман.

Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, кудратли давлатга айланиши Сизнинг изчил сиёсатингиз, ҳалқимизни тўғри йўлга бошлаб бораётганингиз туфайли эканини одамлар яхши билади.

Сиз тадбиркор ва ишбилармонларни ҳар жихатдан кўллаб-кувватлаётганингиз нафакат мамлакатимиз иктисадиётини мустаҳкамлашга, балки оиласалар фаровонлигини оширишга ҳам хизмат килмоқда. Биргина мисол. Махаллий тадбиркорларимиз дунёга довруги кетган Маргилон атласи ва адресини ишлаб чиқариш анъаналарини давом эттириб, шаҳардаги ипак корхонаси ўрнида «Экспо колор принтекс» замонавий енгил саноат корхонасини ишга туширди. Шу худуддаги кўплаб хотин-қизлар ишли бўлди. Улар орасида мен ҳам борман.

Корхонамиз хориждан олиб келинган, жаҳон стандартига жавоб берадиган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Ўзбек қизлари улар-



ни моҳирлик билан бошқариб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси билан аъло сифатли миллий маҳсулотлар ишлаб чиқармокда. Ҳозир тадбиркорлар корхонамизни янада кенгайтиришни режалаштирумокда.

Сиз ҳар бир чикингизда барча килаётган ишларимизнинг пировард мақсади инсон манфаатларига, ҳалқимизнинг турмуш даражаси ортиб боришига хизмат қилиши зарурлигини кўп такрорлайсиз. Бу фикр ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаётганига мен келтирган биргина мисол ҳам далил бўла олади.

Корхонамизнинг барча ишчилари номидан Сизга раҳматлар айтиб, азиз ҳалқимиз, Ватанимиз баҳтига доим соғ-омон бўлишингизни тилайман.

**Феруза Ҳакимова,
Марғилон шаҳар, «Қиргули»
маҳалла фуқаролар йигини,
Янги ҳаёт кўчаси, 44-хонадон**

2015 йил 20 октябрь



ЁШ АВЛОД ЭҲТИРОМИ

Барчамизга яхши маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз томонидан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиши бўйича зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Ёшлишимиз улардан баҳраманд бўлиб униб-ўсиб, бугунги кунда ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳусусан, ўғилқизларимизнинг касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олиб, иккучтадан замонавий билим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, турли соҳа ва тармоқларда фаолият қўрсатаётгани, ҳаётдан ўз муносиб ўрнини топаётгани ҳаммамизни ҳурсанд қиласди. Айниқса, уларнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида нуфузли ҳалқаро олимпиадалар, фестиваль ва кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритиб, юртимиз байрогини баланд кўтариб келаётгани таҳсинга лойикдир.

Энг муҳими, бундай ютуқларга эришиши асносида ёш авлодимизнинг мустаҳкам ахлоқий-



маънавий олами ҳам шакланиб бормоқда. Улар ўзлари эришаётган барча ютуқлар учун Ўзбекистонимиз мустақилиги, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати, давлатимиз раҳбарининг ёшлар ҳақидаги доимий эътибор ва ғамхўрлиги замин бўлиб келаётганини, бу муваффақиятлар фақат дастлабки қадам эканини ҳар томонлама чуқур англамоқда. Буни давлатимиз раҳбарига йўлланган, эътиборингизга ҳавола қилинаётган ҳатлар ҳам тасдиқлайди.



**Ассалому алайкум, ҳурматли
Президент!**

Мен бевосита Сизнинг ташаббусингиз билан очилган Тошкент ислом университетида 2003–2007 йилларда таҳсил олганман. Ёш бўлсам-да, янги тарихимизнинг унтилмас йилларини бошимдан кечирдим.

Ўзбекистон раҳбарининг 1993 йилда, яқин орада ўз автомобиль заводимизга эга бўламиз, деган гапларини эшишиб, баъзи бирорлар, худди Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганида айрим депутатлар довдирағ қолганидек, бу сўзларга шубҳа билан караган эди. «Биз ёрдам бермасак, бу халқ ҳеч нарса қилолмайди, яна орқага, ёғоч аравасига қайтади», деб, бизнинг устимиздан кулмокчи бўлганлар бугун ўзбек автомобилини кўзига суртиб сотиб олмоқда.

Ўзбекистон дунёда энг тез ривожланаётган бешта кучли давлатдан бири сифатида тан олинди.

Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш учун комплекс тарзда замонавий турар жойлар қуришга киришдик. Бизда кредит берган ҳам, кре-



дит олған ҳам аник, ҳеч ким пулни бекорга сувормайди.

Қани энди, бугун бизнинг одамларимиз яшётган шинам ва ғўзал намунавий уйларни собик Иттифок даврида энергетика ва электрлаштириш вазири бўлиб ишлаган А. Майорец деган шахс кўриб, ўз хатосини тушунса. У эмасми, Қашқадарёда вагон-вагон цементни «олинди» деб расмийлаштириб, аслида уни Уралга жўнатиш пайдада бўлган ва халқ мулкига кўз олайтирган?

Сиз эмасми, ана шу ўта оғир вазиятда бу шахснинг кўзига тик қараб, бундай ҳақконий сўзларни айтган: «Мана, бутун бошли қишлоқни ўзингиз кўряпсиз. Қани энди, цемент бўлсао мустаҳкам пойdevor қуйиб, мана шу уйларни пишик гиштдан тикласак! Сиз бўлса, уни Уралга жўнатаман, дейсиз. Кўряпсизми, бу ерда ҳамма уй лойдан, пахсадан қилинган. Агар бу халқ давлатнинг мулкини ўмарышни билса, мана шундай оғир шароитда яшармиди?»

Сиз ўша пайтдаёқ жон куйдириб, бугунги озод ва обод кунлар учун курашган эдингиз.

Ҳар йили Конституциямиз байрами арафасида сўзлайдиган маърузангизни бутун дунё, айникса, МДҲ жамоатчилиги синчковлик билан таҳлил киласиди. Сиз оиланинг муқаддаслигини исботлаб берганингизда, менимча, маърузангизни кулокчин ёрдамида тинглаётган хорижий


давлатлар элчилари ўз юртларида демографик инкиrozнинг сабабларини хис эта бошлади.

Юртимизда 9 майни Хотира куни эмас, айнан Хотира ва қадрлаш куни деб ўзлон қилганингиз замирида ўтганларнинг рухини зъзозлаш, тирикларнинг кадрига етишдек буюк ҳаётий ҳикмат борлигини ва бу инсонни улуғлашга қаратилган энг тўғри қарор эканини улар эътироф этишмоқда.

Маданий меросимиз топталган мустабид тузум даврини эслайлик. Бугун эса тупроғи бебаҳо заминимизда Оллохнинг дўстлари деб тан олинган қанча-қанча авлиёларимизнинг илгари чиркираб ётган руҳлари шод бўлмоқда.

Ўтган асрнинг 80-йилларида жафокаш ҳалкимиз бошига «десантчи»лар хуружи, «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби балолар ёғилган, қамакамалар кучайган таҳликали даврларда ким унинг жонига оро кирди? Собик Марказда ўтирган раҳбарларми? «Юкори»нинг топшириғи билан келган терговчиларга учрашишдан кўриб, Чернобиль атом электростанцияси портлаган пайтда ота-онасидан хабар олишни баҳона қилганича жуфтакни ростлаб қолган, «қонун химоячиси» Бутурлинми? Фарғона вилоятида бошланган жанжал-тўполонларга «бозордаги бир тарелка кулупнай можароси» деб «сиёсий баҳо» берган Рафик Нишоновми? «Мен буларга бас


кела олмайман. Буларга катта ваколат берилган», деб, «десантчи»ларни кўриб, нафаси ичига тушган, «адолат пешвоси» Усатовми?

Тарих гувоҳ, ўша қалтис вазиятда республика етакчилари қилмаган мардликни Қашқадарё вилояти раҳбари сифатида Ислом Каримов бажарди. У терговсиз, суд хукмисиз қамоқда ётган минглаб бегуноҳ одамни зулм чангалидан тортиб олди. Манбаларда кўрсатилганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг тўрт нафар котиби, вилоятларнинг саккиз нафар раҳбари, республика аҳамиятига молик 62 нафар масъул шахс ҳибсга олинган ана шу оғир шароитда аввал қашқадарёлик, сўнгра ўзбекистонлик қанча-қанча юртдошларимиз куткариб қолинди. Лекин бундай жасорат учун ўша пайтда партиядан ўчириш, сўнгра «миллатчи» деган айблоллар билан қатағон қилиш мумкин эди. Асл ўзбек ўғлони учун муштипар онаизорлар ноласи, оч-наҳор гўдаклар чинкириғи, ноилож ҳассага таянган қарияларнинг мунгли чехрасини кўриб яшаш қатағондан ҳам кўра аламли мусибат эди. Шунинг учун у ҳеч нарсадан кўрқмасдан, адолат учун, ҳақиқат учун дадил курашди.

Мухтарам Юртбошимиз келажакда ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмнинг инсоният бошига соладиган кулфати ҳакида кўп бор куйиниб гапирди, Афғонистон муаммосини факат

тинч йўл билан ҳал этиш таклифини ўртага ташлади.

Гоҳида ўйлаб қоламан. Афғонистоннинг ўзи ҳам ўз тинчлиги учун Ўзбекистончалик қайғурмаган бўлса керак. Бир пайтлар бизга менисимай қараган давлатлар ҳам бугун Ўзбекистоннинг аник ва равшан ташки сиёсатидан, унинг ҳеч қандай ҳиссиётларга берилмасдан, турли «ҳожатбарор»ларнинг «доири»сига ўйнамасдан, ўз позициясида катъий туриб келаётганидан ҳайратда. Айрим давлатлар «шоумен»ликка ўтган бир пайтда Ўзбекистоннинг дунёдаги тинчлик ва осойишталикка доир амалий таклифлари сиёсий майдонда ижобий қабул килинмоқда.

Ўйлаб кўрайлик, мустақил Ўзбекистон тарихида илк орден «Соғлом авлод учун» ордени деб бежиз аталмаганининг ҳикмати эмасми бу? Ўзбекистоннинг энг олий ва устувор мақсадларидан бири – соғлом миллатни, соғлом наслни шакллантириш эканининг маҳсули эмасми бу?

Кейинги беш йилда Ўзбекистон худди бутун дунёнинг эътибор марказида тургандек. Бундай юксак эътирофнинг замирида узокни кўзлаб ишлаб чиқилган, пухта ўйланган «ўзбек модели»нинг натижалари, унинг оғиши масдан амалга оширилаётгани мужассамдир. Давлатимизнинг 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги таш-

килоти томонидан озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингийллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига лойик 14 та давлатдан бири сифатида тан олингани, СССР таркибида қашшоқ ва қолок Республика бўлган юртимиз бугун ана шу собик Республикалар орасида баҳт индекси бўйича жаҳонда 44-ўринни эгаллаган ягона давлат экани ҳаммамизни қувонтиради. Энг асосийси, ҳозирги таҳликали, турли адоват ва қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган замонда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиб келаётганидир.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич, миллий, диний ва маданий қадриятларимиз, ҳаққоний тарихимизни, ҳалқимизнинг шаъни ва гурурини тиклашдаги жонкуярлигингиз, Сиздаги ақл-идрок ва куч-кудратнинг замири қаерда, деб баъзан ўйлаб қоламан. Жавобини эса «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобингиздаги сўзлардан топаман. Унда маънавият инсонга аждодлар ўғити, ота намунаси, она сути билан сингиши ҳакида ёзгансиз. Ҳак гап. Эл-юртимизнинг тарихи ва эътиқодини йўқотиш илинжида шўро «дохий»ларининг қиличидан қон томиб турган оммавий қатағонлар ҳакида кўп ўқиганман, эшитганман. Шундай бир қалтис шароитда ҳалол, меҳнаткаш ва камтарин бир ўзбек хонадонида

*Программа
нанесения*

туғилған чақалокқа «Ислом» деб ном қўйилиши чинакамига ота намунаси ва жасорати эди.

Биз – ёшларга беминнат, оталарча ғамхўрлигингиз учун миннатдорлик рамзи ўлароқ, ўз йўлини топган, яқинда замонавий «Камолот» уйига эга бўлган ўзбек ўғлони сифатида, елкангизга бир тўн ёпсам, деган эзгу ниятим бор. Ниятимга этишимга сидкидилдан ишонаман.

Яратган Сизни доимо ўз назарида, ўз паноҳида сакласин!

Чексиз эхтиром ила:

**Жонибек Шухратов,
Навоий вилояти, Кармана
тумани, «Талқоқ» маҳалла
фуқаролар йиғини**

2016 йил 5 февраль



Мустақиллигимиз агадий бўлсин!



БМТ билан Мингйиллик ривожланиш максадлари
йўлидаги ҳамкорлигимиз давом этади.



Тинчлик, ҳамкорлик ва тараккиёт йўлида



Пири бадавлат кексалар – ҳаётимизнинг файзу фариштаси



Биз хеч кимдан кам эмасмиз ва хеч качон кам бұлмаймыз!



Наврүз шодиёнаси



Биз – буюк юрт фарзандларимиз!



Ватанни химоя килиш – энг буюк ва шарафли иш

Президенттә
мактубалар

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Собик колхозлар, ширкат хўжаликлари ўрнига фермер хўжаликлари ташкил килингани ана шундай амалий ишлардан бўлди. Агарар соҳадаги бундай улкан ўзгаришлар аввало фермерлардан катта масъулият ва хукукий билимни талаб қиласди. Фермер хўжаликлари халқимизнинг ризқ-рўзини яратиб беради. Бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилгани сабабли бозорларимизда арzonчилик ва тўкин-сочинлик.

Сизнинг тадбиркорларни, фермерларни қўллаб-куватлашингиз туфайли фермер бўлдим. Хўжалигимизда 34 гектар ер майдони бор. 2014 йилда шу ердан 50 тоннадан ошиқ дон олдим, 66 тоннадан зиёд пахта ҳосилини етиштириб давлатга топширдим. Режаларни бажаряпман, келгусида фермер хўжалигини кўп тармокли фермер хўжалигига айлантироқчиман. 2013 йилда интенсив боғ яратиш учун ҳар хил мевали дарахтлар эккан эдик, у 2015 йилда тўлиқ ҳосил

берди. Шу йил томорқа еримда ҳам интенсив боғ ташкил этдим. Сабзавот экинларидан ярим гектар ерга экспорт учун пиёз экдик. Асалари чилик билан ҳам шуғулланмоқдамиз. Бозорларимизнинг тўкин-сочинлигини таъминлашга ўз хиссамизни қўшяпмиз.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлганидек, биз истиқомат қилаётган Олот туманида ҳам меҳнат қилган оиласалар тўқ, фаровон яшаяпти. Кўпгина хонадонларда икки-учтадан автомашина бор. Энг қувонарлиси, улар Ўзбекистонимизда ишлаб чиқарилган. Дам олиш кунлари туманимизда машиналар кўплигини кўриб, одамнинг кўзи яшнайди. Бунинг учун Сизга катта раҳмат.

Мустақиллик халқимизга бекиёс имкониятларни яратиб бергани рост. Мен ҳам бу имкониятлардан фойдаланиб, оиласалар билан 2012 йилнинг кузидаги Хиндистон сафарига бордим. Дехли ва Агра шаҳарлари, буюк мутафаккир, шоир бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари томонидан бунёд этилган, дунёдаги етти мўъжизанинг бири деб ном олган Тож маҳални зиёрат қилиб қайтдим.

Ўн кунлик саёҳатимиз давомида шунга иккор бўлдикки, Ватанимиз – Ўзбекистон дунёда ягона. Шу юртнинг қадрига етиб, тупроғини

кўзларимизга суртиб, шукроналар айтсан, арзайди.

Оллоҳ Сизга узок умр берсин. Биз, ёшлар хаётда Сизга ишонамиз ва таянамиз.

Сизга хурмат билан, ёш фермер:

Шерали Оташов,
Бухоро вилояти, Олот тумани,
Жумабозор кишлоп фуқаролар
йигини, «Жонибек Оташобод»
фермер хўжалиги раҳбари

2015 йил 27 марта



**Ассалому алайкум, азиз
Президентимиз!**

Сизнинг шарофатингиз билан юртимизда янги замонавий уй-жойлар қурилиб, қишлоқ ва шаҳарларимиз чирой очиб, гўзал бўлиб бормокда. Яқинда бизнинг оиламиз янги уйлардан бирини сотиб олди ва унга кўчиб кирдик. У Бухоро шаҳрида жойлашган. Уйимизга меҳмон бўлиб келсангиз, бошимиз кўкка етади. Бу биз учун улкан шарафdir.

Биз оиламида беш кишимиз. Ойим, дадам, акам, мен ва укам ахил ва инок яшаймиз. Ойим ва дадам давлат ишида ишлайди. Акам Бахтиёр – 32-мактабнинг 7-синфида, мен 5-синфда ўқийман. Укам Жаҳонгир ҳали мактабга бормайди, боғча ёшида.

Бобоҷон! Сиз биз, болаларга барча шароитларни яратиб беряпсиз. Мен ўзим инглиз тилини ўрганишга ёрдам берадиган барча замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бундан ташқари, сузишга катнайман. Бассейнимиз тоза ва озода. Бу ерда яқинда катта мусобака ўтказилади.



Мен хам мусобакага тайёрланяпман. Мураббиимиз бизга кунт билан сузиш сирларини ўргатмоқда.

Сизнинг биз, болаларга кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигингиз туфайли биз соғлом бўлиб ўсяпмиз. Мен ва оиламиз аъзолари Сизни Янги йил билан чин юракдан табриклаб, самимиy ташаккуримизни изхор қиласми.

**Гулчехра Расулова,
Бухоро шаҳри, Турди Фароғий
кўчаси, 3-уй, 4-хонадон**

2014 йил 25 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга.**

Бу мактубни ёзишдан аввал кўп ўйладик, шу арзимас хат билан қимматли вақтингизни олмаймизми, деган хаёлга бордик. Охири қалбимизда бўлган дил сўзларимизни Сизга йўллашга ахд килдик.

Мана, бугун юртимиз, ҳалқимиз муҳим сиёсий воқеалар қарисида турибди. Бу жараёнда Сизга мустаҳкам соғлик, ишларингизга янада ривож, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Сизнинг гояларингиз, лойиҳаларингиз асосида тобора кўркамлашаётган шаҳар ва қишлоқларимизни кўрганлар, осуда ва тинч ҳаётимизга гувоҳ бўлганлар бизга ҳавас қиласи. Бизнинг жонажон Қарши шахримиз дунёнинг энг кўхна маданият марказларидан бири эканини айнан Сиз жаҳонга билдиридингиз. Қадрдон шахримиз киёфасини бутунлай ўзгартириб юборганингиз, воҳа ахлига алоҳида меҳр ва лутф кўрсатиб келаётганингиздан таъсиранасликнинг иложи йўқ.

Баъзида ўйлаб қоламиз, ким билсин, буюк донишманд Абу Наср Форобий бобомиз орзу килган давлат тизими, фозиллар бошқаруви ай-

нан бугун амалдадир. Ёки Алишер Навоий бобомиз орзу килган Фарҳодлар даври келгандир. Ахир, бугунги мунавар тонгларимиз, мусафо осмонимиз, обод маҳаллаларимиз чинакам баҳта саодатдан нишона эмасми?

Қашқадарёда иш бошлаганингизда, Сиз билан кириб келган бундёкорлик ҳавосини бугун бутун мамлакат бўйлаб, ҳатто энг чекка ва олис қишлоқларда ҳам хис қиласи.

Тўғри, ютуқ бор жойда, камчиликлар ҳам топилади. Буни тан олиш керак. Мисол учун, бирор фарзандимизнинг рўзгорини бўлаклаб, алоҳида уй-жойга чиқарсан ҳам, ёш оила 15–20 йилда тўқисликка эришади. Узбекистонимиз ҳам бамисоли янги рўзгор, шу киска вакт ичida кўлга киритилган муваффакиятлар салмогидан яқин истиқболимизнинг нақадар порлок эканини хис қиласи, бунга ишонамиз.

Пешонамизга, ҳалқимизнинг баҳтига омон бўлинг. Элу юртимиз фаровонлиги, мамлакатимиз равнақи ва тинчлиги йўлида ҷарчаманг. Керак бўлса, шу юрт учун, Сиз учун кўксимизни қалқон қиласи!

Сизга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан:

Суннат Қаландаров, Элмурод Қаландаров,

Қашқадарё вилояти, Нишон тумани,

Пахтакор қишлоғи

2015 йил 18 январь

**Ассалому алайкум, азиз ва меҳрибон
Ислом бобо!**

Мен – Саида Комилова Фарҳоджон қизи, 29 марта 12 ёшни қарши оламан. Бу йил менинг мучал ийлим – кўй иили юртимиз учун кут-бара-кали йил бўлишига ишонаман.

Мен гарчи сайловда қатнаша олмасам-да, Президент сайлови туғилган кунимда бўлиб ўтиши мени жуда кувонтироқда. Чунки 2015 йилнинг 29 март куни юртимиз ҳаётида тарихий кун бўлиб қолади.

Мен ўз она Ватанимни севаман, Сиз айтганингиздек, унинг келажаги буюк бўлишига ўз хиссамни кўшиш учун кунт билан ўқиб ўрганмоқчиман.

Ўзим каби минглаб тенгдошларим ва жона-жон юртимиз баҳти учун Сизнинг яна Президент этиб сайланишингизни жуда ҳам хоҳлар эдим. Бу – менинг туғилган кунимга энг яхши совга бўлар эди.

Мен Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик тилайман.

Менинг юртим – Ўзбекистон,
Таърифига тилим ожиз.

Президентим Ислом бобом –
Бизлар учун жондек азиз.

Боболардан бизга мерос
Соғлом турмуш, эзгу фикр.
Юртбошимиз сўзлари рост:
Демоқ керак доим шукур.

Хурмат билан:

Саидахон Комилова,
Андижон вилояти,
Қўргонтепа тумани, Чимён
қишлоғи, 27-мактабнинг
5-«В» синф ўқувчиси

2015 йил 2 март



Президент бобомга хат

Ассалому алайкум, азиз бобожон! Мен – 1-«Б» синф ўкувчисиман. 2 сентябрь – Билимлар кунида берган совгаларингиз учун катта раҳмат. Бобожон, таваллуд кунингиз билан табриклаб, Сизга совға сифатида кундалик дафтари мдаги «5» баҳоларимни жўнатяпман. Узок умр кўринг. Мен катта бўлсам, Сиз ўйлаган зўр инсон бўламан. Доимо соғ бўлинг!

Жаҳонгир Ваҳобжонов,
Андижон вилояти,
Пахтаобод туманидаги
6-мактабнинг 1-синф
ўкувчиси

2015 йил 3 февраль



Ассалому алайкум, Ислом Абдуганиевич!

Сизни кириб келаётган таваллуд айёмингиз билан самимий табриклаймиз. Сизга узок умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз ва Яратгандан дунё тургунча туришингизни сўраймиз.

Биз – Андижон санъат коллежи мусикий-назарий фанлар йўналишининг 1-курс ўкувчиларимиз. Коллежимиздан кўплаб таникли созандою хонандалар етишиб чиқсан. Ўтган йили академик хонандалик йўналиши бўйича халқаро кўрик-танловда биринчи ўрин соҳиби бўлган Барно Исламтулаева ҳам шу даргоҳда таълим олган. Бу опамиз ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомламоқда. Барно опамизнинг бундай ютуқларга эришида аввало Сизнинг хизматларингиз, сўнгра устозларимизнинг меҳнатлари катта.

Бугун биз – ёшлар Андижон кун сайин гуллаб-яшнаётганини, бу ердаги бекиёс ўзгаришларни кўриб қувонмоқдамиз. Нафакат Андижонда, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларида чиройли кўчалар, кўркам бинолар, ўкув муассасалари, боғчалар, истироҳат масканлари бунёд этилиб,

она юртимиз қиёфаси кун сайн гўзал бўлаёт-
ганига гувоҳмиз. Бундай ўзгаришлар ва ҳар бир
инсонга қаратилаётган меҳр-эътибор учун Сиз-
дан миннатдормиз.

Ўз навбатида, биз ўзимизнинг аъло баҳо-
ларимиз, намунали хулқимиз билан доимо сиз-
нинг меҳрингизга муносиб бўлишга интила-
миз. Ўзбек санъатини юкори погоналарга олиб
чикишда Сиз бизга яратиб берган кенг имконият-
лар бор, бизда куч, билим, истеъод, куладай ижо-
дий шарт-шароитлар етарли. Шу боис мумтоз
мусиқамиз, миллий куй-кўшикларимиз сехрини
дунёга ёйишга ваъда берамиз.

Яна бир бор Сизга сиҳат-саломатлик тилаб:

Сарвиноз, Буюша, Мадина,
Дилафуз, Нилуфар, Мубина,
Камола, Зилола, Гулишайдо

Андижон санъат коллежининг
1-босқич ўкувчилари

2015 йил 3 февраль

Мехрибон бобожон

Улуг элнинг сарбони,
Озод Ватан боғбони,
Болаларга меҳрибон –
Сизсиз, Ислом бобожон.

Кундан-кун очар чирой,
Шаҳар, қишлоқ – ҳамма жой,
Бизни кутар мактаблар,
Оламиз илму хунар.

Озод юртда тинч, ахил,
Соғлом, тантн ва оқил
Инсон бўламиз албат,
Бобожон, сизга раҳмат!

Диёра Норова,
Бухоро шаҳридаги
34-мактабнинг
6-синф ўкувчиси

2015 йил 2 февраль



Президентимизга мактуб

Ассалому алайкум, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов. Ушбу мактубни Янгийўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг битирувчилари – азиз фарзандларингиз йўлламоқда.

Мана, 9 йилдирки, Сизнинг ғамхўрлигингиз остида ўқиб, билим олиб, улгайдик. Сиз берган ўкув анжомлари тўла мактаб сумкаси, дарслеклар, компьютер ва мультимедия восита-лари, ўкув жиҳозларидан фойдаланиб, барча қулийликларга эга бўлган таълим масканида таҳсил олдик. Мехрибон устозларимиз бизга дунёвий, табиий, ижтимоий, сиёсий ва аник фанлардан сабоқ бердилар.

Шукурки, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, биз факат замонавий илму хунарларни ўрганиш, келгусида элу юртимиз учун муносиб фарзандлар бўлиш ҳақида ўйлаймиз, холос.

Ватанимиз тарихини ўрганиб, шунга иқрор бўлдикки, аждодларимиз шу пайтгача бундай дориламон кунларни, бундай обод ва фаровон замонни кўрмаган экан. Шу боис фахру ифтихор

билан «Биз – истиклол фарзандларимиз» десак, арзиди.

Сиз доимо биз – ёшларнинг баҳтимиз, келажа-гимиз ҳақида гамхўрлик қилмоқдасиз. Биз учун янги-янги имкониятларни яратиб бермоқдасиз.

Биз ҳақикатан ҳам баҳтиёр ёшлармиз, етуклик шаҳодатномаси ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспортини олиш бизга мустақиллигимизнинг 25 йиллик қутлуғ тўйи арафасида насиб этмоқда. Аъло баҳоларимиз, намунали хулқимиз, илму маърифатда эришган ютукларимиз ушбу тўйга тўёна бўлсин.

Буюк аждодларимизнинг руҳи поклари ҳақ-ки-хурмати биз Ватанимизни кўз қорачигидек асрашга, уни гуллатиб-яшнатишга, биздан ке-йинги авлодга озод ва обод Ватан қолдиришга, ҳалқимизнинг берган нону тузини оклашга, ҳар жабҳада Сиздек маънавий жасорат ва шиҷоат курратишга, она юртимиз баҳту иқболи йўлида хизмат килишга ваъда берамиз.

Баҳтимизга ҳамиша омон бўлинг.

Чукур хурмат-эҳтиром туйғулари билан:

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг битирувчилари.

2016 йил 25 апрель



Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен болалигимдан халқимга фойдаси тега-
диган фарзанд бўлишни орзу килгандим. Мана,
орзуларимга эришдим. 2014 йили Кўкон тиббиёт
коллекции тамомлаб, Дангарга тумани марказий
тиббиёт бирлашмаси умумий жарроҳлик бўли-
мига ишга қабул килиндим. Ўз қасбининг фи-
дойилари бўлган ҳамкасларим билим ва қўни-
маларини менга ўргатиб, келажакда шу соҳанинг
етук мутахассиси бўлишимга ўз ҳиссаларини
қўшмоқда.

Мен 2014 йили Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва маҳал-
лий кенгашларига бўлиб ўтган сайловда бирин-
чи марта овоз бердим. 2015 йилда, Наврӯз айё-
мини нишонлаганимиздан сўнг, 29 март куни
ўtkaziladigan Президентлик сайловида фаол
иштирок этиб, Сиз учун овоз бераман.

Сизга ўта масъулиятли фаолиятингизда му-
ваффакиятлар, ўз соҳамдан келиб чикиб, инсон-
лар учун энг зарур бўлган сиҳат-саломатлик ти-
лаб қоламан.

**Гулбаҳорхон Йўлдошева,
Фарғона вилояти, Дангарга
тумани, Яшик қишлоғи**

2015 йил 29 январь

Ассалому алайкум, азиз ва меҳрибон Ислом ота!

Сизни Ўзбекистон Республикаси мустакил-
лигининг 24 йиллиги билан кутлашга ижозат
бергайсиз.

Мен – Муроджон Кенжабоев 1992 йили Сир-
дарё вилоятининг Гулистон шаҳрида оддий
ишли оиласида туғилганман. Ҳозирги кунда
Хитой Ҳалқ Республикасида таҳсил оляпман.
Кўп давлатларда бўлдим. Ишонч ила айтишим
мумкинки, бизнинг Ўзбекистонимиздек азиз юрт
бутун дунёда бўлмаса керак.

Хитой Ҳалқ Республикасида бир йилдан бу-
ён ўқиб келмоқдаман. Кўпинча тенгдошларим
билан баҳслашиб қоламан. Турли юртлардан
келган, биз билан бирга таҳсил олаётган тала-
балар орасида Ўзбекистон ҳақида холис ва адо-
латли тасаввурни шакллантиришга аҳд қил-
дим. Ўзбекистон – она Ватаним ҳақида олган
кичик хужжатли фильмни талаба дўстларимга
намойиш этиб бердим. Улар юртимиз манзара-
ларини, одамларимизни, халқимизнинг тинч-
лик-осойишталикда яшаётганини, давлатимиз
жадал ривожланиб бораётгани ҳақидаги маъ-
лумотлардан хабардор бўлгач, бизга ҳавас қи-

 лишди. Сизнинг раҳнамолигингизда халқимиз тараққиёт йўлини танлашда адашмаганини бу-гун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Хурматли Президентимиз, халқимиз Мустақилликни осонлик билан қўлга киритгани йўқ. Шунинг учун истиқлолимизни асраш, ардоқлаш, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш биз – ёшларнинг ҳам улуғ мақсадимиз, вазифамиз ҳамда бурчимиз, деб биламан.

Хурмат билан:

Муроджон Кенжабоев

2015 йил 7 сентябрь


Ассалому алайкум, хурматли
Президентимиз Ислом бобо!

Мен 2007 йилда туғилганман. 2010 йилда ота-онам оламдан ўтишган. Ҳозирги кунда онамнинг ота-онаси ва холамнинг қарамогидаман. Опоким ва бувим нафақада.

Мактуб йўллашимдан мақсад – Фарғона вилояти марказида ташкил этилган Президент арчиши тадбирига таклиф этилганимдир. Ўша куни мен ва мен каби ота-она меҳрига ташна болакайлар арча атрофида қувнаб, Сиз юборган байрам совғаларини олиб қайтдик.

Ўзим Кўкон шаҳридаги 20-мактабда ўқийман. Ўқишиларим яхши. 2016 йилни мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб зълон қилганингизни эшитиб, шундай қувондимки, севинчимнинг чеки йўқ. Ҳеч қайси юртда биздек болаларга Президент томонидан ғамхўрлик буқадар юкори эмас. Мен шундай юртда яшаётганимдан ва Сиздек бобом борлигидан ғурурланаман.



Сизни 30 январь – таваллуд топган кунингиз билан чин қалдан опоким, бувим, оила аъзоларимиз ҳамда ўз номидан табриклаб, Сизга узоқ умр, баҳт-саодат тилайман.

Барча эзгу ниятларимиз амалга ошишини тилаб, Сизга мактуб йўлловчи:

Жасурбек Аҳмаджонов,
Фарғона вилояти,
Кўкон шаҳри, Хўқандий
мавзеси, 111-уй,
29-хонадон

2016 йил 5 январь



Ассалому алайкум, муҳтарам
Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу хатни ёзишимдан асосий мақсад биз – ёшлиарнинг кучли, билимли ва саодатли бўлиши йўлида шароит ҳамда имкониятлар яратиб беряётганингиз учун миннатдорлик билдиришдир.

Сизнинг ҳар бир маърузангизни тинглаб, ўқиб борамиз. Уларда турли соҳалар ривожини кўзлаб айтган сўзларингиз, йўл-йўриклиарингиз бу гун биз эришаётган ютукларга туртки бўлмоқда. Ана шундай самимий нуткларингиздан бирида: «Мен ёшлиаримизни, болаларимизни ҳақиқатан ҳам яхши кўраман. Керак бўлса, улар учун жонимни ҳам беришга тайёрман» деган здингиз. Сизнинг бу сўзларингиз менинг орзуласар инициалишимга қанот бағишлади.

Талабалик давримда имкон қадар изландим, билимларимни бойитишга уриндим. Бугунги кунда юртимиздаги таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ва кўрсатилаётган ғамхўрликлар, айниқса, чет тилларни мукаммал ўрганишга қаратилаётган эътибор мақсадимни янада қатъийлаштириди.

2007 йили умумтаълим мактаблари ўкувчи-
лари ўртасида ўтказилган фан олимпиадасининг
республика боскичида катнашиб, немис тили
йўналишида голиб бўлдим. Уша йили имтиёз-
ли равишда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университетига давлат гранти асосида ўқишига
қабул килиндим. 2009 йили эса мамлакатимиз
микёсида ўтказилган фан олимпиадасида ҳам
иштирок этиб, иккинчи ўринни қўлга киритдим.

Ана шу кичик муваффақиятларим Сиз ва ху-
куматимиз томонидан юқори баҳоланиб, шах-
римизда бунёд этилган «Камолот» уйларидан
бириннинг соҳибасига айландим. Бугунги кунда
ўз оилас, фарзандларим билан ушбу уйда баҳтли
яшаяпмиз.

Ана шундай жонкуярликларингиз учун, биз
каби ёшларнинг эзгу орзу-мақсадларини қўллаб-
кувватлаётганингиз учун Сиздан бениҳоя мин-
натдормиз.

**Нигораҳон Саидова,
Фарғона вилояти,
Марғилон шаҳри,
Янги чек кўчаси, 31-уй**

2016 йил 15 январь

Ассалому алайкум, бобожон!

Сизни кутлуг ёшингиз билан табриклаб, си-
ҳат-саломатлик тилайман.

Ойим – ўқитувчи. Сиз ҳақингизда ўкувчила-
рига ҳам, менга ҳам доимо фахрланиб гапиради-
лар. Уларнинг айтишича, сиздек Юртбошимиз
борлиги – биз учун катта баҳт.

Биринчи синфга борганимизда мен ва дўстла-
рим Сиз юборган совгаларни олдик. Бизга жуда
ёқди. Бунинг учун катта раҳмат. Ҳозир саккиз
ёшдаман. Аъло баҳоларга ўқиб, келажакда ши-
фокор бўлмоқчиман. Ойим ва ўқитувчиларимиз
айтганидек, атрофдагиларга ёрдамимиз тегади-
ган инсон бўламиз.

**Абдусаматова Эъзоза Ақмалжон қнзи,
Фарғона вилояти, Олтиарик тумани,
Мирғозил кўчаси, 165-үй**

2016 йил 5 февраль



Табрик хати

Ассалому алайкум, ҳурматли ва қадрдон, Ислом бобом!

Мен сизни 30 январь – таваллуд топган кунингиз билан кутлайман. Сизнинг биздек жажжи болажонларга яратган имкониятларингиз, эътиборингиз туфайли мен 2014 йилнинг 14 декабрь куни Тошкент шахрида бўлиб ўтган ўзбек жанг санъати спорт мусобакасида биринчи ўринни эгаллаб, чемпион бўлдим. Бунинг учун Сиздан миннатдорман. Мен ҳозир «аъло» баҳоларга ўқияпман, инглиз тилини ўрганияпман. Келажакда катта ютукларга эришишга харакат қиласман.

Бобоҷон, 2015 йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловида Сизга омад тилайман. Баҳтимизга доимо соғ бўлинг.

Нурзодбек Махсадов,
Сурхондарё вилояти Денов туманидаги
1-умумтаълим мактабининг
1-«A» синф ўқувчиси
2015 йил 4 февраль

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом бобо!

Бугун – 2014 йил 30 январь куни шу хатни опам билан бирга ёзяпмиз. Авваламбор, тугилган кунингиз билан табриклайман, доимо сог-саломат бўлинг.

Мен ҳозир Термиз шаҳридаги «Алпомиш» спорт мажмуасида гимнастика билан шуғулланяпман. Биз, болаларга шундай чиройли ва катта спорт заллари қуриб берганингиз учун катта раҳмат. Жаҳон чемпиони бўлганимда, олтин медални Сизнинг қўлингиздан олишни истайман.

Ислом бобо, биз оиласда уч қиз, бир ўғилмиз. Хатимни ўқишингизни, шу билан Сизни ҳурсанд килишни хоҳлайман. Насиб этса, Сизга яна хат ёзаман. Уйимизда дунё ҳаритаси бор. Опаларим байроғимизни ва бошка давлат байроқларини ҳам ўргатишган. Энг чиройлиси – бизнинг байроғимиз. Чемпион бўлиб, байроғимизни баланд кўтарганимда ҳам Сиз доимо соғ бўлиб юринг.

Тугилган кунингиз муборак бўлсин, ҳурматли Ислом бобо!

Сумайя Санакулова,
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри

2014 йил 12 февраль



Табрикнома

Ассалому алайкум, азиз ва муҳтарам Юргбoshimiz Ислом бобо! Сизни яқинлашиб келаётган таваллуд айёмингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Бобожон, мен ўтган йили биринчи синфда Сиз юборган совғаларни олдим. Бунинг учун барча синфдошларим номидан Сизга катта раҳмат айтаман. Биз бундан жуда кувондик.

Дадам, онам, оила аъзоларимиз, синфдошларим ва устозим номидан сизни яна бир бор табриклаб:

Хадича Эргашева,
Сурхондарё вилояти,
Шеробод туманидаги
42-мактабнинг 2-«Г» синф
ўқувчиси

2015 йил 5 февраль

Ассалому алайкум, қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Авваламбор, Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизга узок умр, баҳт-саодат ва инсон учун ҳамиша зарур бўлган соғлик-саломатлик тилайман.

Мана, мустақиллигимизга 24 йил тўлмоқда. Шу қисқа вақт ичida жуда катта ютукларга эришдик. Хусусан, қишлоқларимизда ҳар томонлама кулаги уй-жойлар, мактаблар, лицей ва коллежлар, болалар учун стадионлар, мусиқа ва санъат мактаблари курилмоқда.

Биз – Учқўргон ёшлари Сиздан жуда хурсандмиз, бобожон. Биз шу азиз Ватанда туғилиб ўсганимиздан, Сиздек меҳрибон Юргбoshimiz борлигидан баҳтиёрмиз. 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон килганингиз бизни беҳад шод қилди. Айтишларича, қайсики юртда кариялар эъзозланса, уларга меҳр ва мурувват кўрсатилса, ўша юртда албатта тинчлик карор топар, хонадонларга файзу барака ёғилар экан. Сизнинг кекса авлод вакилларига билдирган хурмат ва эътиборингиз, дарҳакиқат, маҳаллаларга, хонадонларга файз ҳамда хотиржамлик багишлади.



Дунёда инсоннинг баҳтли яшаши учун нима керак? Ҳеч шубҳасиз, энг аввало, озодлик ва тинчлик зарур. Сиз туфайли ўзбек халқи шу иккни неъматга эга бўлди.

Сиз күп тақрорлайдыган бир хикматли сүзингиз доим хаёлимда чарх уради: «Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!» Ушбу сўзлар замирида жуда катта маънони илғайман.

Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

**Бахтиер Нематов,
Наманган вилояти, Учкурғон тумани,
Қайки қишлоқ фуқаролар йигини,
Ахмад Яссавий күчаси, 31-үй**

2015 йыл 3 февраль

**Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуғаниевич!**

Мен 1997 йили Наманган давлат университетини иқтисодиёт мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомладим. Мустақилликимизнинг дастлабки йилларида Сизнинг ташаббусингиз билан ёшларнинг чет давлатларда таҳсил олишлари ва тажриба алмашиши мақсадида ташкил қилингандеги «Умид» жамгармаси томонидан ўтказилган танловда иштирок этиб, Америка Қўшма Штатларининг Иллинойс университетида Урбана-Шампейн иқтисодиёт таълим йўналишини муваффақиятли якунлаб, магистрлик дипломига эга бўлдим.

Таҳсилни тугатиб, юртимиздаги бир неча таш-кilotда меҳнат қилдим. Жумладан, «Саноаткурилишбанк»ининг Наманган вилояти бўлимида мутахассис, «Узбекинвест» миллый экспорт-импорт суғурта компаниясида катта андеррайтер ва Наманган муҳандислик педагогика институтида түккиз йилдан зиёд халқаро алокалар бўлими бошлиги ва халқаро алокалар бўйича проректор вазифаларида ишладим. Сунгги йилларда Германия, Бельгия ва Қозоғистон каби давлатларнинг

олий ўкув юртларида иқтисодиёт ва молия йўналишлари бўйича маърузалар ўқиб келмоқдаман. Юртимизда таълим соҳасида ташкил этилган «Истеъод» жамгармаси тадбирларида фаол иштирок этяпман.

Тадбиркорликка берилаётган кенг имкониятлардан мен ҳам фойдаланиб, яқин кунларда вилоятимизда нодавлат мактабгача таълим муассасасини очмокчиман. Бу муассаса юкори интеллектуал салоҳиятли ёшларни жамиятилизга тарбиялаб беришга хизмат қиласди, деган умиддаман. Шу билан бирга, ушбу муассаса олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларини муваффакиятли якунлаган ёшларимизни иш билан таъминлади.

Хурматли Ислом Абдуғаниевич,

Сизнинг «Пок ниятли Намангандик ахлиниңг меҳнати ва шиҷоатига мен доимо чукур хурмат билан қарайман» деган сўзларингиз бизга қутаринки рӯҳ бағишлади.

Сизга юксак хурмат ва эҳтиром билан:

Аҳадхон Нажмитдинов,
Намангандик вилояти,
Намангандик шаҳри,
Ахсиқент махалласи

2015 йил 16 октябрь

ЖАҲОН АҲЛИНИНГ ЮКСАҚ ЭЪТИРОФИ

Ушбу бўлимдан хорижий давлатлар бошлиқлари, ҳалқаро миқёсдаги атоқли сиёсат арабблари, чет давлатларнинг фуқаролари номидан Ўзбекистон Республикаси Президентига келган ҳамда давлатимиз раҳбарининг чет эл фуқароларига йўллаган ҳатлари ўрин олган.

Бу мактубларни ўқир эканмиз, аввало, улар давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик, иқтисодий-сиёсий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаша мухим восита бўлиб қолаётганини курамиз. Шу билан бирга, бу ҳатлар мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги обру-эътибори, нуфузи ва мавқеи тобора ортиб бораётганидан, Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламили ислоҳотлар ҳамда уларнинг натижалари ҳалқаро ҳамжамиятнинг катта қизиқиши ва эътиборини уйготаётганидан далолат беради.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими муносабати билан табриклашга ижозат бергайсиз.

БМТ ва Сизнинг мамлакатингиз ўртасида халқаро ва миллий даражадаги ҳамкорлик Ўзбекистон халқи ва бутун минтақа манфаатлари ўлида барча йўналишларда, жумладан, тинчлик ва хавфсизлик, терроризмга қарши курашиб, инсон ҳуқуқлари ва барқарор тараққиёт масалалари бўйича янада ривожланишига ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эхтиромимни қабул қилгайсиз.

**Пан Ги Мун,
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
Бош котиби**

2015 йил 10 апрель



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Сиз Президент лавозимида навбатдаги муддатда иш бошлиғтанинг муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилайман.

Америка Кўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасида муштарак манфаатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро муносабатларимизнинг мустахкам ва изчили ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, биз кўплаб умумий таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз иккى томонлама муносабатларимиз кенгайишига, шериклигимиз халқларимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиласди.

Бугунги таҳликали дунёда доимий барқарорлик ва хавфсизликка демократик ва масъулиятли бошқарувсиз, жумладан, асосий ҳуқук ва эркинликларга риоя килмасдан эришиб бўлмайди. Президент лавозимида янги муддатдаги фаолиятингизда ушбу муҳим масалалар бўйича Сиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидаман.


Америка халқи номидан Ўзбекистон халқига
эзгу истакларимни йўллаб, мамлакатингизга
тинчлик ва тарақкиёт тилайман.

Эҳтиром билан:

Барак Обама,
Америка Кўшма Штатлари
Президенти
2015 йил 4 апрель



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,
Президент сайловида ишончли ғалаба қозон-
ганингиз билан Сизни чин қалбимдан самимий
муборакбод этаман.

Овоз бериш натижалари Сизнинг ўз халқингиз
ўртасидаги юксак обру-эътиборингизни тўлиқ
тасдиқламоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, Сизнинг дав-
лат раҳбари лавозимидағи хизматларингиз, Ўзбе-
кистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш
борасидаги долзарб вазифаларни ҳал килишда
эришилган ютуклар кенг миқёсда эътироф этил-
ганинг яна бир ёрқин далилидир.

Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқ-
чилик ва стратегик ҳамкорлик муносабатла-
рини мустаҳкамлашда Сизнинг улкан шахсий
хиссангиз борлигини алоҳида таъкидламок-
чиман.

Икки томонлама алоқаларимизнинг бутун
тизимини, минтақавий ва халкаро ишларда
конструктив ҳамкорликни янада жадал, комп-
лекс равишда ривожлантириш бўйича дўстона


муроқотимизни, яқин ҳамкорликдаги фаолияти-
мизни давом эттирамиз, деб умид киламан.

Давлат фаолиятингизда Сизга чин қалбимдан
сихат-саломатлик, янги ютуклар, ҳалқингизга
равнақ ва фаровонлик тилаб қоламан.

Эхтиром ила:

Владимир Путин,
Россия Федерацияси
Президенти

2015 йил 30 марта


Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб
қайтадан сайланганингиздан ниҳоятда мамнун-
ман. Хитой ҳукумати ва ҳалқи, шунингдек, шах-
сан ўз номимдан самимий кутловларим ва эзгу
тилақларимни қабул этгайсиз.

Сизнинг Президентлигингиз даврида Ўзбе-
кистонда сиёсий баркарорлик, иктисадий ри-
вожланиш ва ҳалқ фаровонлигининг ўсиши
кузатилмоқда. Ҳалқаро майдонда мамлакатин-
гизнинг нуфузи ва таъсири муттасил равиши-
да ортиб бормоқда. Ҳеч шубҳасиз, Сизнинг
рахнамолигингизда Ўзбекистон давлат қури-
лишининг барча соҳаларида янги, янада улкан
ютукларга эришади.

Хитой ва Ўзбекистон – бир-бирига самимий
ишонадиган яхши дўст ва ишончли шерик. Икки
мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар
ўрнатилганидан буён ўтган 23 йил мобайнида
давлатлараро муносабатларда ижобий ривож-
ланиш динамикаси доимо сакланиб келмоқда,
сиёсий жиҳатдан ўзаро ишонч ҳар томонлама

 мустаҳкамланмоқда, ўзаро манфаатли ва стратегик ҳамкорлик ривожланмоқда.

Мен Хитой – Ўзбекистон муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини ва ўртамиздаги мустаҳкам шахсий дўстлигимизни юксак кадрлайман. Сиз билан бирга мамлакатларимиз халқларининг фаровонлиги йўлида стратегик ҳамкорлик борасидаги хитой-ўзбек муносабатларини янада юқори даражага кўтариш учун кучгайратимни сафарбар этишга тайёрман.

Сизга мустаҳкам соғлик ва иш фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистоннинг равнак топиши ва куч-кудрати зиёда бўлишини, унинг халкига эса бахту саодат тилаб қоламан.

Си Цзинъпин,
Хитой Халқ Республикаси
Раиси
2015 йил 30 марта

 Мухтарам Президент Жаноби
Олийлари!

Сизга Хитой заминидан улкан саломлар йўллаш шарафига мұяссар бўлганимдан баҳтиёрман.

Мен хитойлик оддий бир кизман. Исмим Лю Хонг. Мен Сизнинг кўплаб тарафдорларингиздан бириман. Ушбу сатрларни ёзар эканман. Сизга мактуб орқали мурожаат қилишдан баҳтиёрман.

Хитой билан Ўзбекистон халқларини кўп асрлик дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ришталари боғлаб туриши сир эмас. Шу боис, ўйлайманки, Сиз Жаноби Олийларига йўллаётган мактубим замирида ана ўша ўзаро ҳурмат ва эхтиром туйғулари акс этса, ажаб эмас.

Гарчи мен Хитойда яшасам-да, замонавий технологиялар, жумладан, Интернет тармолги орқали Сизнинг кенг киррали фаолиятингиз, Ўзбекистон халқининг тинчлик-фаровонлиги, юқори турмуш даражаси, мамлакатнинг хар томонлама тараккӣ этишини таъминлашга қаратилган дастурий ташабbusларингизни катта



кизикиш ва ҳайрат билан кузатиб бораман. Ушбу саъй-харакатларингизда Сизга доимо куч-кудрат ва омад ёр бўлишини Яратгандан сўрайман.

Ўзбекистон қадимий тарихга ва маданиятга эга бўлган, жадал тараккӣ этиб келаётган гўзал мамлакатдир. Бу қадимий юрга ташриф буюриш – менинг энг катта орзум.

Ўзбекистон етакчиси сифатида Сиз мамлакатнинг нуфузини юксалтириш, мустакиллигини мустаҳкамлаш, халклар ва миллатлар ўртасидаги тинчлик-тотувликни таъминлаш йўлида улкан ва самарали ишларни амалга ошираётганингиз, бутун куч-кудратингиз, файрат-шижоатингизни ўз Ватанингиз равнақига, халқингиз фаровонлигига йўналтираётганингиз ҳам энг юксак баҳоларга сазовор деб ўйлайман.

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Мамлакатларимиз доимо дўст ва шерик бўлиб келган. Халкларимиз эса тинчлик ва тараккиёт йўлидаги саъй-харакатлари ва меҳнатсеварлиги билан дунё сахнасида ўзининг муносиб ўрни ва нуфузига эга.

Хитой ҳам худди Ўзбекистон каби қадимий ва гўзал диёрлардан бири. Юртимизда Буюк Хитой девори билан бир қаторда ажойиб панда айиклари, ширин ва мазали таомлар ва Сизнинг миллионлаб тарафдорларингиз бор. Хитойга амалга оширадиган ташрифларингиздан бирида



Сиз билан бир зумга бўлса-да учрашиб, саломлашиб қўйиш орзуси билан Сизга ўзимнинг энг эзгу тилакларимни йўллаб, сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат, барча ишларингизда юксак омадлар тилаб қоламан.

Хурмат-эҳтиром билан:

Лю Хонг,

Хитой Халқ Республикаси,

Тьян Жин Ши,

Фу Шин Ли 15-101

2013 йил 15 август



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий табриклаш менга улкан мамнуният багишлайди.

Ўзбекистон мустакил бўлганидан бўён эришган барча ютуклар Сизнинг номингиз, Сиз узокни кўзлаб олиб бораётган сиёsat билан боғлиқдир.

Ўзбекистон сўнгги йилларда демократик ислоҳотларни хаётга татбик этиш, фукаролик жамиятининг ролини мустаҳкамлаш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириша улкан муваффакиятларни кўлга киритди.

Ўз фаолиятини Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Беруний асарларини ўрганишга багишлаган олим сифатида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ўзининг буюк аждодлари билан, уларнинг жаҳон илм-фани ҳамда тараққиётiga қўшган бебаҳо хиссасини эътироф этган ҳолда, бугун эришаётган ютуклари билан хар қанча фаҳрланса, арзиди.

Сизнинг оқилона раҳбарлигинизда Ўзбекистон изчил ва барқарор ривожланишда давом этиб, келажакда дунёning энг тараққий этган



давлатлари каторида етакчи ўринлардан бирини эгаллашига ишонаман.

Яна бир бор таваллуд кунингиз билан муборакбод этиб, Сизга, жаноб Президент, мустаҳкам соғлик, баҳту саодат, фаолиятингизда муваффакият ва салмоқли натижаларга эришишни, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилайман.

Юксак ҳурмат билан:

Юль Янссенс,
Лувен католик университети
профессори (Бельгия)

2015 йил 26 январь

**Лувен католик университети профессори
жаноб Юль Янссенсга**

Мухтарам жаноб Янссенс,

Таваллуд куним муносабати билан йўллаган самимий табрик ва истакларингиз учун чин дилдан миннатдорман.

Биз Ўзбекистонда Сизнинг ўрга асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий ва фалсафий меросини ўрганишга катта хисса кўшаётганингиз, халқаро жамоатчиликни уларнинг ҳакли равишда бутун инсоният бойлиги деб эътироф этилган бебаҳо асарлари ва ютуқлари билан кенг таништириш борасидаги сайди-харакатларингизни яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айниқса, Сизнинг Ўзбекистон ва унинг халқининг бой ўтмиши, мамлакатнинг ҳар томонлама жадал ривожланишига самимий ва дўстона муносабатингиз ҳамда катта қизиқишингиз алоҳида эътибор ва эътирофга муносибdir.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва хайрли ишларингизда янги муваффакиятлар тилайман.

Хурмат билан:

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
2015 йил 27 январь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

Сизни, саховатли ўзбек заминини қадрлайдиган инсонлар қатори мен ҳам таваллуд кунингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Европа халқаро муносабатлар институти президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайловларда халқаро кузатувчи, «Дўстлик» ордени нишондори ва мафтункор юрtingизга тез-тез келиб турадиган инсон сифатида Ўзбекистон сиёсий, иктиносидий ва ижтимоий соҳада, модернизация, шаҳарлаштириш, архитектура ва фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш борасида эришаётган бемисл муваффакиятларни кузатиб бормоқдаман.

Ушбу ютуқларга Сизнинг Президент сифатида шахсий хизматларингиз ва Сиз ҳаётда самарали қўллаб келаётган сиёсий санъат натижаси бўлган мувозанатли ислоҳот ҳамда барқарорлик туфайли эришилмоқда.

Шу билан бирга, бу марраларга, одатда, ўтиш даври ва сиёсий жараёнларга хос бўлган тар-


тибсизлик, саросима ва ижтимоий бекарорлик вазиятида эришиб бўлмаслигини таъкидлашни истардим.

Баркарорлик шароитидаги ҳар қандай таракқиёт етакчилар хизмати бўлиб, мамлакат фуқаролари учун улкан мувваффақиятдир.

Жаноб Президент, Сизга бўлган самимий ҳурматимни қабул этгайсиз, ҳалқингиз фаронлиги ва мамлакатингиз тараққиёти йўлида мустаҳкам сихат-саломатлик тилайман.

**Профессор Ирнерио Семинаторе,
Европа халқаро муносабатлар
институти президенти,
Европа дипломатия академияси
директори**

2015 йил 26 январь


**Европа халқаро муносабатлар институти
президенти, Европа дипломатия
академияси директори жаноб
Ирнерио Семинаторега**

Мухтарам жаноб Семинаторе,

Туғилган куним муносабати билан йўллаган самимий табрик ва истакларингиз учун миннатдорман.

Сизни Ўзбекистоннинг қадрдон дўсти, катта қасб ва ҳаёт тажрибасига, мамлакатимиз, минтақамиз ва умуман, ҳалқаро майдонда рўй берадиган бугунги шиддатли жараёнларга нисбатан ўзининг теран ва холис нуктаи назарига эга, обру-эътиборли илмий ва жамоат арбоби сифатида яхши биламиз ва юксак кадрлаймиз.

Сиз Ўзбекистонда демократик ислохотларни ривожлантириш ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиб, биз учун муҳим бўлган соҳада тажриба алмашиш борасида самарали фаолиятингизни давом эттиришингизга умид қиласман.



Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соглик, баҳт-саодат ва фаолиятингизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан:

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
2015 йил 27 январь**



**Индира Ганди номидаги Ҳиндистон
Миллий маданият марказининг
илмий раҳбари, профессор
Мансура Ҳайдарга**

Мухтарама Мансура Ҳайдар хоним!

Шу йилнинг 15–16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги ҳалқаро конференция ишига юқори баҳо берилган мактубингиз, ўзбек ҳалқи ва унинг тарихий мероси ҳақидаги самимий фикрларингиз учун сизга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сиз тухфа этган, Ўзбекистон тарихи ва маданиятига багишланган сермазмун китобларни катта эътибор билан кўриб чиқдик ҳамда бу ноёб асарлар билан кенг жамоатчиликни таништириш ва атрофлича ўрганиш мақсадида уларни адабиёт, тарих, фалсафа фанлари бўйича мамлакатимизнинг етакчи илмий марказлари


дан бири бўлган Узбекистон Фанлар академияси номидаги Алишер Навоий Адабиёт давлат музеи фондларига жойлаштиришга қарор қилдик.

Эҳтиром билан:

Ислом Каримов,
Узбекистон Республикаси
Президенти
Toшкент шаҳри, 2014 йил 15 июль


Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва «Шарқ тароналари» IX ҳалқаро мусиқа фестивали ташкилотчиларига ушбу ноёб анжуманни юксак савияда ташкил этгани учун самимий миннатдорлигимни билдираман. Бу фестиваль, шак-шубҳасиз, бутун дунё ҳалқлари ўртасида тинчлик-тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Ушбу байрам маданият, санъат, сиёсат ва дипломатия соҳасида дунёга машхур кишилар қатори ёзувчи ва журналистлар, рассомлар, мусиқашунос, раккос ва раккосаларни ҳам бир жойга тўплади.

Ушбу байрамда Сизни кўрганимиздан бағоят хурсанд бўлдик. Иштирокчиларга самимий табригингиз ва муваффакиятлар тилаганингиз учун миннатдормиз.

Мени «Шарқ тароналари» фестивалининг бош мукофоти соҳибаси, деб эълон қилишган пайтдаги ҳаяжон, хурсандчилик ва гурур-ифтихорни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Бундай ажойиб байрамда иштирок этиш мен учун улкан шараф бўлди. Ҳайъат аъзолари менга катта

ишенч билдириб, юксак мукофот – Гран-прини топширди. Ватаним Ҳиндистон шарафини химоя килиб, олий мукофотга сазовор бўлганимдан фахрланаман.

Ўзбекистон ҳақида бир олам унугтилмас таассуртлар билан қайтдим. Ҳозир ўзим Ҳиндистонда бўлсам-да, қалбим Ўзбекистонда. Хушчақчак ва қалби дарё ҳалқингизнинг меҳмондўстлиги ва самимиятини ҳеч қачон унутмайман.

Ўзбекистонга боргунимча бу юртда дўстларим йўқ эди. Аммо у ердан қайтаётганимда Ўзбекистон ва дунёнинг бошқа давлатларидан кўплаб дўстлар орттиридим.

Сўзимнинг якунида мени ва гурухимизни кўллаб-кувватлаганингиз учун Сиз, Жаноби Олийларидан, «Шарқ тароналари» фестивали ташкилотчилари ва Ўзбекистон ҳалқидан ғоят миннатдорлигимни яна бир бор билдирамоқчи-ман. Меҳмондўст Ўзбекистон заминида яна бир бор ўз истеъодимизни намойиш этиш имко-ниятини интизорлик билан кутиб қоламиз.

Хурмат билан:

Рашми Ағарвал,
ҳиндистонлик хонанда,
«Шарқ тароналари» IX ҳалқаро
мусиқа фестивали Гран-при
мукофоти соҳибаси

2013 йил 2 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент,
Аввалимбор, Сизни муборакбод этиб, ўзим-
нинг ззгу тилакларимни изҳор этмоқчиман.
Озарбайжон халқи Сизни ҳар доим яқин дўст
деб билади ва чин дилдан ҳурмат қиласи. Бу бе-
жиз эмас. Чунки кардош Ўзбекистон оғир дам-
ларда Озарбайжонни кўллаб-кувватлаб келган.
Айниқса, Тогли Корабог масаласидаги адолат-
ли ва принципиал позициянгизни алоҳида қайд
этмоқчиман. Барча расмий музокараларда Сиз
Ўзбекистон Озарбайжоннинг худудий яхлитли-
гини тан олишини ва масалани тинч йўл билан
ҳал этиш тарафдори эканингизни таъкидлайсиз.
Бу биз учун катта аҳамиятга эга.

Мен Озарбайжон Миллий Мажлиси аъзоси-
ман. Парламентга журналистика соҳасидан ўт-
ганман, касбим тақозоси билан турли давлатларда
тез-тез бўламан. Аммо, шуни тан олишим керак-
ки, ўзимни ҳеч қачон Ўзбекистондагидек эркин
ва хотиржам хис қилмаганман. Мамлакатингизда
собиқ Иттифок даврида ҳам, мустақиллик йил-
ларида ҳам бўлганман. Ўзбекистон мен учун бо-

лалигимдан кадрли ва қизиқарли мамлакатдир. Ушбу саховатли заминнинг мафтункор табиати, бағрикенг ва меҳр-оқибатли одамлари, бетакор маданияти мени ҳамиша ўзига ром этиб келган. Буюк шоир Алишер Навоийнинг шеърлари, «Ўзбекфильм» киностудиясининг самимийлиги билан ажralиб турадиган фильмлари хотирамда абадий сакланиб қолган. Шу боис мамлакатингизга ҳар бир сафарим қизиқарли ва бетакор воқеаларга бой бўлади. Кўз ўнгимда ривожланаётган давлат, ажойиб табиат, самимий инсонлар намоён бўлади. Мамлакатингизга ҳар сафар келганимда буюк саркарда Амир Темур макбараси, қадимги маҳобатли ёдгорликлар ва масжидларда бўламан. Ва ҳар сафар халқингиз ва мамлакатингизни дуо қиласман. Юртимга қайтаётганимда бу ерга яна ва яна келишни ният қиласман.

Хурматли Президент, бугунги кунда Ўзбекистон ривожланиб бораётган демократик давлат экани мени қувонтиради. Шуни таъкидламоқчиманки, бугунги мураккаб ва таҳликали даврда бундай максадларга эришиш қанчалик кийин ва оғир эканини яхши биламан. Бугун Ер шарининг тўртдан бир кисми, жумладан, мусулмон олами ўт ичидаги қолган. Айни пайтда Ўзбекистонга қараганда аҳолиси, ҳудуди ва табиий ресурслари анча кўп бўлган бу давлатлар фукаролари кочқинларга айланган. Улар чодирларда яшаб, бир бурда нон ва бир қултум сувга муҳтоҷ.

Ўзбекистоннинг оддий фуқароси кечираётган ҳаёт уларга тушдек туюлади. Буларнинг барчасининг қадрига етиш керак, деб хисоблайман. Мен буни барча учрашувларда гапираман. Чунки буларга машақатли меҳнат, адолатли, доно сиёсат туфайлигина эришиш мумкин. Бу фазилатларга ўз халқини беҳад севадиган, унга таянадиган давлат раҳбари, ҳакиқий етакчи ва маҳоратли сиёсатчигина эгадир. Шуни тўлиқ ишонч билан ва самимий айтишим мумкинки, Сизда бу фазилатларнинг ҳаммаси мужассам. Сиз нафақат ҳароб бўлган мамлакатни қайта тикладингиз, балки уни замонавий демократик давлатга айлантиргингиз. Шунинг учун Ўзбекистон давлати, халқи ва келажак авлоди Сизнинг хизматларингизни муносиб баҳолашига ишонаман.

Мухтарам Президент,

Мен Озарбайжон – Ўзбекистон дўстлик жамиятининг ҳам аъзосиман. Яқинда Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида иштирок этдим. Сизнинг қизиқарли ва мазмунли нуткингиз, самимийлигингиз менинг қалбимда ўчмас из қолдириди. Нафакат фестиваль, балки унинг юксак савияда ташкил этилгани ҳам мени лол қолдириди. Шу боис ушбу ажойиб мусиқа байрамини юксак даражада ташкил этганингиз учун ўз миннатдорлигимни билдираман. Бу ҳақиқатан ҳам юксак профессионал даражада ташкил этилган байрам бўлди. Айниқса, Чет


тиллар институтининг ёш кўнгиллилари фа-
лиятини алоҳида қайд этмоқчиман. Биз Ўзбекис-
тондан эзгу тилаклар, катта таассуротлар билан
юртимизга қайтдик.

Мактубим якунида сизга узок умр, жонажон
Ватанингиз фаровонлиги йўлида амалга оши-
раётган хайрли ишларингизда муваффакиятлар
тилайман. Сиз туфайли дўст Ўзбекистон янада
юксак муваффакиятларга эришишига ишона-
ман.

Ҳурмат ва эҳтиром билан:

**Эътибор Гусейнов,
Озарбайжон Миллий
Мажлиси депутати,
Озарбайжон–Ўзбекистон
дўстлик жамияти аъзоси**

2013 йил 19 сентябрь


Жаноби Олийлари,

2015 йил 8 май – 19 май кунлари мамлакатин-
гизда сайёҳ сифатида бўлганимни Сизга маълум
килиш мен учун катта шараф. Бундан аввал –
1971 йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган Нефть
бўйича халқаро конгрессда иштирок этиб, Ўз-
бекистоннинг Тошкент, Бухоро, Самарқанд ша-
ҳарлари ва табиий газ конларига бой Қашқадарё
вилоятида бўлган эдим.

Мен бугунги Ўзбекистонни ўша пайтларда-
ги аҳвол билан таққосламоқчи эмасман. Шун-
дай бўлса-да, 1971 йил мамлакатдаги, айниқса,
Бухоро шаҳридаги аҳвол ачинарли ҳолатда эди.
Сизнинг бевосита раҳнамолигингизда амалга
оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари
таҳсинга лойикдир. Айниқса, ўша даврда Ином
Бухорий мақбараси ташландик ҳолда, қабр
жойлашган битта ҳужрадан иборат бўлганини
алоҳида қайд этмоқчиман. Бу ерда Сизнинг раҳ-
барлигингизда амалга оширилган бекиёс ишлар-
дан барча мусулмонлар, шу жумладан, мен ҳам
миннатдорман.

Ўтган 24 йил мобайнида Сиз улкан муваффакиятларга эришдингиз, мамлакатингизда бар-


қарорликни таъминлаб, халқингиз қалбида ўз
Ватани билан фахрланиш туйғусини шакллан-
тиридингиз ва бунинг учун барча имкониятларни
яратиб бердингиз. Келажакда Сизга ислоҳотлар
жараёнини изчил давом эттириш, мамлакатин-
гизни янада ривожлантиришингиз учун узок
умр ва саломатлик тилайман.

Хурмат билан:

**Мустафо Тала,
Франция, Париж шаҳри**

2015 йил 23 июнь


Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни дўст Ўзбекистоннинг Президенти ла-
возимига қайта сайланганингиз билан самимий
табриклайман.

Сизга ўз мамлакатингизни буғунги мурак-
каб даврда фаровонлик сари ва барча давлат-
лар билан яхши қўшничилик йўлида ишончли
бошқаришингиз учун мустаҳкам соғлик тилай-
ман. Айниқса, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги
дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланиши
тарафдориман.

Хурмат билан Россиянинг оддий фукароси:

Константин Морозов

2015 йил 3 апрель



**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.А. Каримовга**

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич,
Шимолий Кавказ мусулмонларининг муво-
фикаштирувчи маркази Сизни Ўзбекистон
Республикаси Президенти этиб кайта сайланга-
нингиз муносабати билан муборакбод этади.
Самимий табригимизни қабул килишингизни
сўраймиз ва юксак лавозимдаги самарали ишла-
рингизга муваффакиятлар тилаймиз.

Сизнинг обру-эътиборингиз, катъягинингиз ва
мақсад сари интиувчанингиз мамлакатин-
гизнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан яна-
да ривожланиши, халқаро позицияларини мус-
таҳкамлашнинг муҳим кафолатидир. Ўзбекистон
Республикаси Президенти этиб сайланганин-
гиз Сизнинг давлатчиликни мустаҳкамлаш бо-
расидаги улкан хизматларингиз, кўп миллатли
халкингиз орасида юксак обру ва хурматга сазо-
вор эканингиз эътирофи, ўз халқи ва мамлакати
манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган ин-
сонга билдирилган умумий ишонч ифодасидир.

Сизнинг ишchanлик ва инсоний фазилатла-
рингиз бундан буён ҳам олдингизда турган кенг



кўлами вазифаларни бажаришда доимий ҳам-
роҳ ва Ўзбекистон равнаки йўлидаги масъулият-
ли ишингизда муваффакият кафолати бўлсин.

Мамлакатингизнинг ҳар бир фукароси фаро-
вонлигини таъминлаш йўлидаги куч-гайратингиз
ва самарали ишларингиз халкингиз томонидан
тўла қўллаб-куватланди. Сизнинг маҳоратингиз,
катъягинингиз, тажрибангиз, одамлар билан иш-
лаш қобилияtingиз, халкингиз маданияти ва
тарихига бўлган муҳаббатингиз кўп миллатли
халкнинг муносиб Йўлбошчиси эканингиздан
далолат беради.

Кўпчилик фукароларнинг сайловда Сиз-
га овоз бергани уларнинг Сизга бўлган юксак
ишончидир ва бу ишонч зиммангизга миллион-
лаб одамлар тақдирни учун алоҳида масъулият
юклайди. Оллоҳ бундан буён ҳам ўзининг чек-
сиз марҳамати ва мурувватини Сиздан аямасин,
мамлакат учун муҳим вазифаларни ҳал этишда
куч-куват, сабр-матонат берсин!

**Исмоил ҳожи Бердиев,
Шимолий Кавказ мусулмонлари
мувофикаштирувчи
маркази раиси**

2015 йил 8 апрель



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлариға

Хурматли Ислом Абдуғаниевич,

Мен Могилёв машинасозлик техникумини тамомлагач, 1957–1960 йилларда Андижондаги «Строймашина» заводида мұхандис-технолог, экспорт маҳсулоти бүйіча назоратчи уста, техник назорат бюроси бошлиғи бўлиб ишладим. Шу кунгача Ўзбекистондаги дастлабки меҳнат фолиятим ҳакида ажойиб таассуротлар сакланиб колган.

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табриклайман. Иктисадчи ва таҳлилчи сифатида ғалаба қозонишиңгизга ишонгандим. Ўз ҳаёт йўлингиз давомида акл-идрокингиз, меҳнатингиз ва куч-гайратингизни намоён этдингиз. «Ташсельмаш» заводи устасидан давлат раҳбаригача бўлган машақкатли йўлни босиб ўтдингиз. Сизнинг жўшкин ва серкирра фаолиятингиз, ишлаб чиқариш, иктисадий ва бошқарувчилик тажрибангиз обрули ҳамда эътиборли давлат етакчиси сифатида шаклланишингизга ёрдам берди.



Сиз бундан буён ҳам меҳнатсевар ҳалқингизга садоқат билан хизмат қилишга ва мамлакатингизнинг янада равнак топишига қўмаклашиш учун барча зарур фазилатларга эгасиз.

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлик, Ўзбекистон иктисадиётини ривожлантириш йўлидаги барча ишларингизга муваффакиятлар тилайман.

Хурмат билан:

Александр Галаков,
Беларусь Республикаси,
Могилёв шаҳри,
Пушкин проспекти, 47-үй,
31-хонадон

2015 йил 30 марта

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовга**

Мухтарам Ислом Абдуганиевич,
Қардош Қирғизистондаги қадрдон дўстларингиздан бири сифатида Сизга, кеч бўлса-да, сайловда ишончли галаба қозонганингиз муносабати билан ушбу табрик мактубимни йўллайман. Голиб чиқишингизга шубҳам йўқ эди ва амалда ҳам шундай бўлганидан жуда хурсандман. Чунки Сизни нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақада барқарорлик, фаровонлик ва хавфсизлик кафолати деб биламан. Сизнинг донишмандлигиниз ва қатъиятингиз менинг мамлакатимга ҳам икки марта – 1990 ва 2010 йилларда, яъни ички экстремистларнинг ақлсизлиги ва ташки кучларнинг аралашуви сабабли катта фожиа – кардош халклар бўлган қирғизлар ва ўзбеклар ўртасида этник тўқнашув юз берганда ёрдам берди. Мен раҳбарлик қилган Миллий комиссия 2010 йилги воеалар ҳақидаги ўз хуносасида ушбу масала юзасидан Сизнинг позициянгизни юксак баҳолаб, ҳатто номзодингизни Нобель мукофотига кўрсатмоқчи бўлди. Аммо буларнинг ҳаммаси бизга боғлиқ эмасди.

Хурматли Ислом Абдуганиевич,

Мен ҳамиша – бош вазир ўринбосари, Ўш вилояти раҳбари, парламент спикери бўлганимда ва Миллий фанлар академияси президенти бўлиб ишлаётган бугунги кунда ҳам Сизнинг Марказий Осиё иттифоқи ёки ҳамжамиятини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги гоянгиз ва ташаббусингизни қўллаб-куватлаганман.

Қирғизистон–Ўзбекистон муносабатлари бўйича қайгуришимнинг шахсий сабаблари ҳам бор. Ҳаёт қийинчиликлари туфайли қариндошларим бир пайтлар Фарғонага кўчишга мажбур бўлган. Уларникiga тез-тез бориб турардим. Болалигимдан қирғизлар ва ўзбекларнинг биргаликда ҳаёт кечиришини кузатиш имкониятига эга бўлганман. Талабалик ва аспирантурада ўқиган йилларимда, кейинчалик докторлик иммий ишимни ёзишда ўзбек адабиётини яхши ўрганганман, Тошкентда ўзбек устозларим ва адабиётчи дўстларим кўп эди. Яъни, маънавий жиҳатдан мен ўзбек маданияти билан боғланган эдим. Сўнгра, мустакиллик йилларида турли юқори лавозимларда ишлаган пайтларим Сиз билан Бишкек, Ўш ва Тошкентда бир неча бор сұхбатлашиш баҳтига мұяссар бўлдим. Мана шунинг учун Сизнинг навбатдаги галабангиздан чин дилдан хурсандман. Сизнинг дўст халклар – қирғизлар ва ўзбеклар ўртасидаги ўзаро му-



носабатларни янада мустаҳкамлаш ва чукурлаширишга хизмат қиласиган хайрли фаолиятингизга бундан буён ҳам омад тилайман.

Хурмат билан:

А. Эркебаев,
Кирғизистон Республикаси
Миллий файлар академияси
президенти
2015 йил 27 апрель



Ассалому алайкум, хурматли
Ислом Абдуғаниевич,

Мен Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан козонилган галабанинг 70 йиллиги муносабати билан собиқ Иттифокдан турли миллатга мансуб икки юз мингга яқин (аслида уч юз мингдан зиёд) болани ўз бағрига олиб, парваришлаб тарбия қилган ўзбек ҳалқининг қаҳрамонлигига багишлиланган «Кадр ортида» китобини тайёрладим.

Мени ўша пайтда журналист сифатида Украина хроника-хужжатли фильмлар студияси Бухоро вилоятига хизмат сафарига юборди. Бухорода нафақат «уруш болалари» ва уларнинг халоскорлари, балки уларга бошпана бериб, яқин кишисига айланган инсонлар билан сухбатлашиб, кўплаб ҳужжатлар тўпладим. Бу материалларим асосида «Урушнинг узок садоси» ва «Худойберди – Оллоҳ берган» номли ҳужжатли фильмлар суратга олинди. Афсуски, киночилар тили билан айтганда, аксарият ишларим кадр ортида колиб кетди.

Тақдир тақозоси билан Германиянинг Мюнхен шаҳрига доимий яшаш учун кетишимга


тўғри келди ва ҳозир ҳам шу ерда истиқомат килмоқдаман. Мен ўз вақтида Ўзбекистонда ажойиб инсонлар сўзлаб берган ушбу ҳикоялар кадр ортида қолиб кетишига чидай олмадим ва «Кадр ортида» китобини (унда фотосуратлар ҳам кўп) тайёрладим.

Мухтарам Президент, энг сўнгги нонини «уруш болалари» билан баҳам кўриб, уларга гамхўрлик ва меҳр-муҳаббат кўрсатган ўзбек халқига ушбу камтарона совгамни Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари орқали етказиша ёрдам беришингизни сўрайман. Агар китобимни юртингизда чоп этиш истаги пайдо бўлса, бошим осмонга етарди.

Энг муҳими, Ер юзида Сиз каби адолатли, тинчлик ва барқарорлик учун курашиб, уни химоя қилиб келаётган инсоннинг борлиги учун шукур киласман.

Хурмат ва эҳтиром билан:

Валентина Петроченкова,
Германия,
Мюнхен шаҳри

2015 йил 20 май


Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Мен Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан чин кўнгилдан табриклайман. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатингизда тинчлик-барқарорликни таъминлаш йўлидаги машаққатли ишларингизда Яратгандан Сизга мустаҳкам соғлик ва узоқ умр тилайман. Оллоҳ Сизни улуг ёшларга етказсин.

Одил Қаюмов,
Гвинея Республикаси
тот-геология институти
эксперт-профессори

2015 йил 30 марта



Муҳтарам Президент жаноблари,

Мен «пантера» деб номланган ва дунёда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган катта мушикларни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи гурух аъзосиман. Бугун турұхимиз томонидан эълон қилингандар пресс-релиизда Ўзбекистоннинг Ҳисор табиий қўриқхонасида илк маротаба қорлеопарди суратга олингани ҳақидаги хабарни ўқиб, жуда хурсанд бўлдим.

Ёшим анча катта бўлгани боис ажойиб мамлакатингиз ва қўриқхонанинг ўзини бориб кўриш баҳти менга, афсуски, насиб қилмаса керак. Шу боис Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш, унинг хилма-хиллигини сақлаб қолиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар учун самимий миннатдорлик изҳор этиб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соглиқ ва янгидан-янги зафарлар тилайман.

Самимий хурмат ила:

Н. Лаура Миддлетон,
Америка Кўшма Штатлари, Вермонт
штати, Эссекс Жанкшин кишлоғи,
Виндбридж Роуд кўчаси, 8-уй

2014 йил 16 январь

МУНДАРИЖА

| | |
|-------------------------------------|-----|
| Сўзбоши ўрнида | 3 |
| Миннатдор қалблар шукронаси | 11 |
| Халқ сўзи – ҳақ сўз | 81 |
| Янгича фикрлаётган одамлар | 154 |
| Ёш авлод эҳтироми | 216 |
| Жаҳон ахлининг юксак эътирофи | 255 |

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Тошкент «Маънавият» 2016

Нашр учун масъул *X. Султонов*

Тўпловчи *З. Мирзакулов*

Муҳаррир *М. Қарибоев*

Нашриёт муҳаррири *С. Аҳмедов*

Рассом *M. Агъямов*

Мусахҳих *C. Тошқулова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишга 22.07.2016 йилда рухсат этилди. Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли босма
табоги $15,54 + 0,84$ рангли вкл. Нашр табоги $9,25 + 1,47$ рангли вкл.
Буюртма №16-39. Адади 50 000 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.

100047. Тошкент, Тараккиёт 2-берккӯча, 2-йи. Шартнома № 32-16.

